

Д.
№ 161700

01.01.02
01.01.03

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУЛЛА АҲМЕДОВ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА АЛИШЕР НАВОЙИ
СИЙМОСИНИ ТАЛҚИН ЭТИШ
МУАММОЛАРИ



Филология фанлари доктори илмий
даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

01.01.02 Ҳозирги ўзбек адабиёти
01.01.03. Ўзбек адабиёти тарихи

Илмий маслаҳатчи:

Филология фанлари доктори,
профессор

Лазиз ҚАЮМОВ

Т О Ш К Е Н Т - 1994

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУЛЛА АҲМЕДОВ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА АЛИШЕР НАВОИЙ
СИЙМОСИНИ ТАЛҚИН ЭТИШ
МУАММОЛАРИ

Филология фанлари доктори илмий
даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

01.01.02 Ҳозирги ўзбек адабиёти

01.01.03. Ўзбек адабиёти тарихи

Илмий маслаҳатчи:

Филология фанлари доктори,
профессор

Лазиз ҚАЮМОВ

Т О Ш К Е Н Т — 1994

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ

НУРУЛЛА АҲМЕДОВ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА АЛИШЕР НАВОИЙ
СИЙМОСИНИ ТАЛҚИН ЭТИШ
МУАММОЛАРИ

Филология фанлари доктори илмий
даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

01.01.02 Ҳозирги ўзбек адабиёти

01.01.03. Ўзбек адабиёти тарихи

Илмий маслаҳатчи:

Филология фанлари доктори,
профессор

Лазиз ҚАЮМОВ

ТОШКЕНТ

Т О Ш К Е Н Т - 1994

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
<u>БИРИНЧИ БОБ.</u> Ўрта асрлар Шарқ шеърляти ва адабий-тарихий асарларида Алишер Навоий образининг талқин этилиши	19
<u>ИККИНЧИ БОБ.</u> Халқ оғзаки ижодиетида Алишер Навоий образи. (Ўзбек ва туркман адабиётлари мисолида)	64
<u>УЧИНЧИ БОБ.</u> XX аср ўзбек шеърлятида Алишер Навоий образи.. Тарихийлик- образ реализмининг асоси	127
Лиро-эпик поэзияда Алишер Навоий образи	210
<u>ТЎРТИНЧИ БОБ.</u> XX аср ўзбек насрида Алишер Навоий образи. Ойбекнинг "Навоий" романида тарихийлик ва бадийлик.	262
Кичик насрда еш Алишер образи талқини.	303
<u>Х у л о с а</u>	323
<u>Б и б л и о г р а ф и я</u>	329

К И Р И Ш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги бадиий тафаккур пайдо бўлибдики, эришган мавқесидан, қандай воситалардан фойдаланганлигидан ва қайси йўналишда бўлганлигидан қатъий назар, бадиий сўз санъати ўз олдига табиатнинг олий неъматини бўлмиш инсонни тадқиқ ва талқин этишни асосий мақсад қилиб қўйди. Шахсининг жамият ҳаётида тутган ўрни, унинг руҳий дунёсининг ранг-баранглигини тадқиқ этиш адабиётда ранг-баранг йўналиш ва услубий изланишларнинг юзага келишига асосий замин бўлди. Шабҳасиз, бу ўринда ижодкор шахсининг бетакрорлиги, унинг бадиий талқин борасидаги ўзига хослиги, анъанавий меросга муносабати ва индивидуал тафаккур қобилияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шахсни бадиий тадқиқ этишдаги услубий изланишлар, биринчи навбатда, ҳар хил ижодий муносабатларнинг номутаносиблиги ва бирлигида ўз аксини топди. Шахс тадқиқидаги мақсадлар бирлиги ҳар хил оқим ва изланишларни битта ижодий жараёнга бирлаштиради; йўл, муҳит ва муносабатлар ҳар хиллиги эса уларни ўзига хос йўналишларга ажратади.

Ранг-баранг ижодий йўналиш ва услубий изланишларни бирлаштириб турган нарсаси бу — инсон, унинг тақдири талқинидир.

Инсонни турли, бир-бирига ўхшамайдиган нуқталарда туриб кашф этиш эса бадиий-эстетик ўзига хосликни юзага чиқарадиган омиддир. Ўз навбатида буларнинг ҳаммаси ҳар бир асарнинг поэтик шакли ва турини услубий йўналишининг ҳар хиллигини белгилаб беради.

Тарихий тараққиёт талаби билан ҳар бир адабиётда шахс талқини ўзига хос ўзгаришларга дуч келади. Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгариш бадиий тафаккурнинг барча қирраларида ўзининг

ўчмас изини қолдиради. Бунинг натижасида эса барча ўтган ва ўтаётган воқеа-ҳодисаларнинг ғоявий-бадий жаҳатдан қайта баҳоланишига эҳтиёж туғилади. Агар жамият ҳаётидаги ўзгаришларнинг инсон руҳиятига, онгига ва ҳаёт тарзига бўладиган актив таъсирини ҳисобга оладиган бўлсак, шуниси ҳайратланарлики, бадий тафаккур биринчи навбатда, инсон омилининг худди шу жиҳатларини талқин этишга киришади. Худди шу аснода унинг фаоллиги ҳам намоён бўлади.

Жамият тараққиётидаги ҳар қандай инқилобий ўзгаришлар, яъни сифат ўзгаришлари инсонлар ўртасида шундай ўзаро муносабатларни вужудга келтирдики, бунинг натижасида янгича фикрловчи, янги босқичнинг хусусиятларини ўзида мужассам этган янги шахс майдонга чиқади.

Ижтимоий тараққиёт ва унинг бевосита маҳсули бўлмиш янги инсоннинг шаклу шамойилини бадий тадқиқ этиш узоқ давом этадиган ўзига хос жараёндир.

Биз янгича инсон деб қабул қилган тарихий ҳақиқат ўта мураккаб ва зиддиятларга тўла ижтимоий борлиқдир. Воқеаларнинг қайноқ изидан бориб яратилган янги инсон ҳақидаги бадий асарлар, у ҳақдаги фалсафий-эстетик қарашлар вақт ўтиши билан росмана афсона, ривоятларга айланиб қолиши мумкин. Чунки инқилобий ўзгаришлар натижаси ўлароқ юзага келган янгича онг, янгича қараш, қолаверса, янги инсон ана шу алғов-далғовли нуқтада ўз ўтмишидан, заминидан узилади, унинг янгича қарашларининг ҳосиласи бўлган келажак эса ҳали ўзини рўй-рост намоёниш қила олиш босқичида бўлмайди. Шунинг учун ҳам инқилобий ўтиш даври тафаккурида бирор нарсани тўлиғича қоралаш, ёки уни бефарқ тўлиғича эътироф

этиш етакчилик қилади. Салбий, айниқса, инқилобий ўзгариш рад этган воқеалар, шахслардан ижобий хислатлар ахтаришга, давр ва тафаккур тезкорлиги имкон бермайди. Бундай давр адабиетида ҳам янги давр кишисининг сиймосини янгича талқин этишга уриниш кучли бўлади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, янгича дунёнинг, янги шахснинг майдонга келиши осонлик билан, аёвсиз курашларсиз ўтиши мумкин эмас эди. Шиддатли воқеаларнинг ўтиши, уларнинг тиниши билан моҳият сари интилиш бошланади.

Оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтган янгича онг ва дунёқарашнинг шаклланиши ўтмишнинг илғор қарашларини, шу билан бирга атоқли тарихий шахслар талқинидаги халқчил қирраларни ҳам қамраб олади. Чунки у ёки бу илғор қарашда, шунингдек, у ёки бу тарихий шахс тақдирида ҳам ўтмиш, ҳам бугун ва келажак ўзаро уйғунликда мавжуддир.

Барча илғор қарашлар, орзу-истакларнинг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади ва анча кейин юз берган воқеа-ҳодисаларда намоён бўлади. Бу алоқалар жараёнини ҳис қилиш, аниқроғи, сабаб ва оқибатларнинг ўзаро мувофиқ ҳамда мутаносиблиги ижодкорни тарихий ҳодисалар моҳиятини, тарихий шахс характерининг ибратомуз қирраларини тадқиқ ва талқин этмоқликка рағбатлантиради.

Ўтмишда яшаган буюк тарихий шахслар ҳаёти ва ижодиетининг бадиий тадқиқи — бу бевосита тарихий тараққиёт талаби, инсонларнинг руҳий эҳтиёжлари туфайли амалга ошадиган гоявий-эстетик жараён натижасидир.

Маълум руҳий эҳтиёжнинг туғилиши моҳият эътибори билан тарихийликка асосланади. У бамисоли тарихий қонуният тарзида намоён бўлади. Шу билан бирга буюк файласуф Николай Бердяевнинг

"Тарихнинг моҳияти" номли китобида ёзишча, "Тарих – афсонадир, афсона эса ўз навбатида ўзгача йўналишидаги реал борлиқдир" 1).

Бу қараш муайян маънода бир-бирини тўлдиради. Тадқиқотчи учун ҳар икки фикр ҳам муҳим илмий аҳамиятга эга. Яъни тарихий шахс тақдирида ўша ижтимоий даврнинг муҳим муаммолари мужассамлашган ва шунингдек, муайян тарихий давр ҳамда шахс ҳақида яратилган афсона ҳамда ривоятлар ҳам муайян тарихийликка эга, яна ҳам тўғрироғи, улар тарихий-ижтимоий давр, шахснинг ўзига хос, ўзгача талқинларидир.

Адабиёт ва санъатда буюк тарихий шахслар образини яратишга бўлган кучли интилишларнинг асосий сабаби ҳам шундаки, бу буюк шахслар, уларнинг бутун фаолияти тарихимизнинг жонли ва ҳаққоний қирраларини ташкил этади, уларнинг моҳиятини ўзида ташиydi.

Бу масаланинг иккинчи асосий хусусиятини шу билан изоҳлаш мумкинки, бу буюк шахслар кўпинча тарихий тараққиёт инқилобий ўзгаришларни бошидан кечириётган даврларда майдонга чиқадилад.

Тарихий тараққиётнинг бурилиш нуқталарида маълум бир халқнинг тафаккурида шундай ўзига хос ўзгаришлар жараёни кечадики, бу ўз навбатида шу ўзгаришларни ифода этишга қодир бўлган бир қатор мутафаккирларни, сўз усталарини, давлат арбобларини юзага чиқаради. Шунинг учун ҳам тарихнинг бурилиш нуқталарида майдонга чиққан буюк шахсларни кескин равишда оқу қорага бўяб талқин этиш ҳеч қачон ижобий натижага олиб бормади. Уларни мураккаб даврнинг мураккаб фарзандлари сифатида қабул қилиш лозим. Улар ўша даврда мавжуд бўлган муайян қарашнинг ҳимоячиларидир. Мабодо, улардан бирининг қараши кейинги авлод интилишига номувофиқ бўлса, бунинг

1. Бердяев Николай. Смысл истории. Москва, "Мысль", 1990, с.18.

учун тарихни айблаб бўлмайди.

Азалдан бир неча юз йилликлар давомида Атоий, Саккокий, Гадоий, Хофиз Хоразмий, Лутфий каби сўз усталари ижодида ривожланган ўзбек адабиёти XVаср бошларида ўз тараққиётининг навбатдаги босқичига кўтарилди.Энди бу адабиёт форсий тилда яратилган кучли ва кўп асрлик анъаналарга эга бўлган буюк асарлар билан баҳслаша оладиган бадий тадқиқотлар яратишга қодир ноёб истеъдодга, буюк ижодкорга, фидокор мутафаккирга эҳтиёж сезар эди.

Маълум даражада шаклланган ўзбек ёзма адабиёти ва адабий тили эришган мавқега таянган ҳолда поэтик тафаккурни янги поронага кўтариш, ўзбек адабиёти ва адабий тили тараққиётининг келажак йўлини белгилаб бериш мана шу тарихий шахс зиммасига тушар эди.

Бадий тафаккур соҳасида бундай ўзгаришларга буюк ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби Низомиддин Мир Алишер Навоий асос солди. Шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, у халқимизнинг бой оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиетидан унумли фойдаланди. Шоир шеърларига мурожаат қиламиз:

Олам ичра ҳар не ҳувайдо дурур,

Сирри анинг зимнида пайдо дурур 1).

Алишер Навоий ўзининг ўтмиш салафлари бошлаган ҳайрли ишни юқори босқичга кўтариб, мазкур адабий воқеа "Зимнидаги сир"ни янгидан кашф этди.

Шундай қилиб, Алишер Навоий даҳосининг юзага чиқишига, унинг бутун бадий ва илмий фаолиятига, ўзбек адабиёти ва адабий тилини

1. Алишер Навоий.Хамса.Тошкент,Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1985, 24-бет.

такомиллаштириш борасидаги буюк хизматлари узоқ тарихий илдизга эга, яъни унгача яратилган ғоявий-эстетик тафаккур намуналари салмоқли таъсир кўрсатди.

Бундан ташқари, Алишер Навоийнинг ғавқулодда воқеаларга гаройиб вазиятларга бой ижтимоий фаолияти ҳам ибратлидир. У буюк мутафаккир ва давлат арбоби сифатида ижтимоий ҳаётда ўз эстетик идеалларини рўёбга чиқаришга астойдил киришди. Бунда у мавжуд анъанага таяниб иш кўрди. Шоир баъзан ўзининг эзгу ниятларини амалга оширишга муваффақ бўлди, баъзан эса мавжуд ижтимоий муносабатлар туфайли бу ниятларнинг айримлари амалга ошмай қолдики, бунинг сабаби ўша давр тарихий шароитига бориб тақалади.

Темурийлар салтанати инқирозга юз тутаётган бир шароитда буюк мутафаккирнинг кўп қиррали фаолияти биринчи навбатда меҳнаткаш халқ онгида маълум ўзгаришлар ясади. Халқ тафаккурида юзага келган ҳар қандай ўзгариш эса ўз бадиий ифодасини топишга мойил бўлади. Бунинг натижасида халқ ўзининг севимли ўғлони ва у амалга оширган ҳайратланарли ишларни мадҳ этувчи жуда кўп афсона ва ривоятлар яратди.

Унинг ўз замондашлари томонидан эътироф этилган даҳоси эса ўзбек классик адабиётида янги анъанани вужудга келтирди. Зеро, у ёки бу тарихий давр адабий жараёнидаги ҳар қандай сезиларли ўзгариш, янгича талқин ёки ифода усули ҳам ўз давомчиларини тақозо этади.

Бунинг натижасида халқ оғзаки ижодиётида ҳам, ёзма адабиётда ҳам Навоий образининг ранг-баранг бадиий-эстетик тадқиқи ва талқини пайдо бўла бордики, бу бутунлай қонуний бўлган кўп асрлик ижодий жараён маҳсули эди. Тадқиқотимиз мана шу жараённинг

ҳаракатлантирувчи қонуниятларини, бадиий-тарихий сабабиятларини ўрганишга қаратилганлиги билан долзарблик касб этади.

Тадқиқотимиз мавзуининг яна бошқа долзарб жиҳатлари ҳам борки, қуйида улардан бири ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Маълумки, санъатнинг барча турлари қатори бадиий адабиётда ҳам инсон, унинг моддий ва маънавий борлиги тасвирланади. Бинобарин, ана шу инсоннинг бутун борлигини бадиий тадқиқ этишда ижодкор кўп асрлик бадиий тажрибада ишлаб чиқишган иккита йўлдан бирини танлайди. Биринчиси – ижодкорнинг ҳаёл кучига катта имкониятлар берувчи йўл. Бу йўлда ижодкор ўз қаҳрамонини муайян давр билан шартланган ташқи ва ички қиёфасини ўз иқтидори, билим ва тажрибаси доирасида тасвирлайди. Чунки у яратган қаҳрамон бадиий тўқима маҳсули бўлади.

Иккинчиси – имкониятлари тор, аммо аниқ мўлжаллари бор бўлган йўл. Бундай йўл фақат тарихий шахслар ҳаёти ва фаолиятига мурожаат этилганда вужудга келади.

Тарихий шахслар ҳаётини, айниқса Алишер Навоийдек буюк даҳолар ҳаёти ва фаолиятига мурожаат этишнинг энг қийин жойи шуки, ижодкор тарихий ҳақиқатдан чиқиб кетолмагани ҳолда бадиий ҳақиқатдан ҳам чекина олмайди. Мана шу икки муҳим нарсадан бирортасига оғиш ўз-ўзидан асарнинг мувоффақиятсиз чиқишига олиб келади.

Демак, тадқиқотимиз мавзуининг долзарблиги яна шунда кўзга ташланадики, ўзбек адабиётида Навоий образининг бадиий талқини муаммосини текшириш орқали тарихийлик ва бадиийлик муаммосининг конкрет ижодкор, конкрет тарихий даврдаги ҳал этилиш масалаларига ҳам ўз муносабатимизни билдириб борамиз. Бу эса

адабиётшунослигимиз учун долзарблик касб этиши шубҳасиз.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ҳар қандай тарихий шахс характерининг ибратли томонларини тадқиқ этиш катта тарбиявий аҳамиятга эга. Чунки буюк тарихий шахсларнинг фазилятлари замонлар синовидан муваффақият билан ўтган, улар ҳамма даврлар учун ва ҳамма жойда маънавий, ахлоқий такомил даражасини белгилловчи буюк мезон вазифаси бажарадилар. Ҳақиқатдан ҳам буюк тарихий шахсларнинг бадиий талқини ва таҳлил масаласи кенг ва ранг-баранг ғоявий-бадиий ҳодиса сифатида китобхонларни маълум бир шахс характерининг муносиб томонларига эргashiш, ундан ўрناк олиш руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг билан бирга бу нарсa маълум бир халқнинг ўз тарихи ва маданиятига муносабатини, ўз ватанига бўлган муҳаббати қай даражада эканлигини кўрсатади.

Худди шу нуқтаи назардан А.Толстойнинг "Петр I", М.Авезовнинг "Абай", Ойбекнинг "Навоий", М.С.Ордубодийнинг "Қилич ва қалам" асарларида тарихий шахс талқинига мурожаат қилиниши сабабларини тушунтирмоқ лозим бўлади. Мазкур асарларни мавзу доирасининг моҳияти нуқтаи назаридан баҳолашда фақат улар ёзилган давр, тарихий шароит билан чекланиб қолсак, маълум маънода бир томонламаликка йўл қўйган бўламиз. Чунки ана шу асарларда тарихий субстратлар билан бир қаторда ижодкорларнинг бадиий ҳаёлотлари маҳсули ҳам чатишиб кетган. Масалан, Ойбекнинг "Навоий" романи ва унда кўтарилган масалаларни талқин этишда айрим адабиётшуносларимизнинг мазкур асар ёзилган давр билан изоҳлашга

уринганликлари ҳам ҳеч кимга сир эмас. Кейинроқ биз бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Ойбекнинг романи яратилмасдан аввал ҳам бу буюк шоир ҳаёти ва ижодига қизиқиш ниҳоятда катта эди. Мазкур роман нашр этилгандан кейин Алишер Навоий ижоди ва шахсига бўлган қизиқиш, айниқса кучайди.

Роман ҳақида ҳам, шоир ижоди ва фаолияти ҳақида ҳам бир-биридан кескин фарқ қилувчи қатор илмий-тадқиқот ишлари яратилди. Роман ҳақидаги адабиётшуносларнинг қарашларида ва мулоҳазаларида бир-бирини қатъиян рад этувчи фикрлар, "Миллатчилик" билан "сийлаш" ҳоллари ҳам учрадики, бу бир ёклама фикрлаш, қолаверса, ҳар қандай адабий ҳодисага сиёсий тус бериш оқибатида юзага келган.

Тарих макон ва замон нуқтаи назаридан ўтмишдир. Уни ўзгартиришга, унга муайян таҳрирлар киритишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бироқ ундан, ўз нуқтаи назарига кўра, муайян хулосалар чиқариш ҳар бир ижодкорнинг, олиму файласуфнинг ҳақ-ҳуқуқидир.

Тарихий-бадий жараёнда юзага келган ҳар қандай анъана, ҳамиша уларнинг умрбоқийлигини, тараққиётини, бошқа ҳолатларга таъсирни таъминловчи ўз илдиэлари ва қонуниятларига эгадир. Бундай қонуниятларнинг мавжудлиги анъаналарга яшовчанлик ва самарадорлик бахш этадиган омилдир. Тадқиқотимизнинг асосий мақсади — ўзбек адабиётида Алишер Навоий образининг бадий талқини эволюциясини кузатиш орқали бу қонуниятларни аниқлаш ва уларнинг моҳиятини таҳлил этишдир.

Шу муносабат билан бир қатор вазифалар олдимизда турадики, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

– Энг аввало, нима учун бошқа тарихий эмас, айнан шу сиймо идеал намуна бадий образ сифатида халқ онгида ва ижодида мустаҳкам ўрнашиб қолди, асрлар давомида ижодий изланишларни рағбатлантириб келмоқда, адабиётда тобора комиллик касб этмоқда – шунинг сабабларини ва муҳим жиҳатларини аниқлаш.

– Мана шу эволюцияни, унинг босқичларини, образнинг тарихий–сиёсий, маънавий ва эстетик динамикага боғлиқ ҳолдаги турлича талқинлар қараб чиқилади.

– Тожиқ, туркман ва бошқа қардош халқлар асарларидаги Навоий образи таҳлил қилинади, образнинг бутун қирралари ва хусусиятлари аниқланади.

– Миллий даҳо шахсининг янги замон ўзбек адабиётининг жанрлар рангба–ранглигидаги турлича талқин этилиши таҳлил этилади.

– Тадқиқотнинг асосий мақсадини очиш учун тарихийлик ва бадий тўқиманинг, тарихийлик ва замонавийликнинг мутаносиблиги каби назорат масалалари шунингдек, Навоий образини қайта яратишдаги ютуқлар ва камчиликларнинг ҳозирги замон ўзбек адабий жараёнидаги, унинг кейинги равнақи йўлидаги аҳамияти кўрсатилади.

Диссертациянинг методологик асоси бўлиб, маданий мероснинг аҳамияти, бадий ворисийлик, прототип ва унинг бадий талқинида тарихийлик ва бадий шартлилик масалалари ҳақидаги жаҳон адабиётшунослигининг ютуқлари хизмат қилади.

ТАДҚИҚОТНИНГ ЯНГИЛИГИ ВА ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ

Алишер Навоий ҳақида асар ёзиш адабиётимизда ўзига хос мавзулар доирасига ва талқиний йўналишига эга бўлган анъанавий

адабий ҳодиса сифатида баҳоланмоқда. Унинг қонуниятларини буюк шоирнинг ҳаёти ва ижодидан ўрнатолса арзирлик шахсидан, қолаверса, халқимиз ва адабиётимиз тарихида тутган ўрнидан изламоқ жоиздир. Чунки мазкур муаммолар ҳар тарафлама, чуқур тадқиқ этилган тақдирдагина Алишер Навоийнинг халқ ёдида узоқ вақт улуғланиб юрганлигининг сабаблари бутун моҳияти билан намоён бўлади.

Ушбу муаммоларни ҳал этишга аксарият адабиётшуносларимизнинг қўл урганлиги бежиз эмас, албатта. Улар маълум муаммоларни еритишда ўз тадқиқ объектлари, танлаган мавзулари доирасида фикр юритганлар ҳолос.

Мазкур муаммога бевосита алоқадор ишларда фақатгина С.Д. Панченконинг номзодлик диссертациясини кўрсатиш мумкин, ҳолос 1). Лекин бу ишда ҳам асосий эътибор фақатгина Ойбекнинг "Навоий" романи ҳамда Уйғун ва Иззат Султонларнинг "Алишер Навоий" драмасидаги шоир образининг талқинига қаратилган. Муаллиф Навоий образи талқинининг кейинги ривожини, бу йўлдаги ранг-баранг ижодий изланишларни, ифода усулларида қўлланилган хилма-хил бадиий воситаларни, тарихий шахс образини яратишдек масъулиятли ишдаги ютуқ ва камчиликларни эътибордан четда қолдиради. Тўғрироғи, диссертация мавзуи талабига кўра уларни четлаб ўтади.

С.Д. Панченконинг тадқиқот объекти фақатгина ўзбек совет адабиетида Навоий образи бўлгани учун, мавзу талаби билан ушбу анъананинг тарихий илдизларини атрофлича таҳлил этиб бермайди.

1. Панченко С.Д. Ўзбек совет адабиетида Алишер Навоий образи. СамДД Бош кутубхонаси 891.08.П-168, 1964

унинг қонуниятларининг яшовчанлиги ва моҳиятини чуқур еритмайди. Эҳтимол, С.Д.Панченко тадқиқотининг йўналиши ва табиатидан келиб чиқилса, бу ҳолат ўринлидир ва уни қўйилган мақсадга эришган деб ҳисобласа бўлар.

Мазкур тадқиқотдан ташқари, ўзбек адабиётшуносларининг бадиий адабиётда яратилган Навоий образига муносабат билдириб езилган қатор ишлари мавжуддир.

Натижада, аксарият ишларда тарихийлик ва анъанавийлик, Навоий образи тадқиқининг ранг-баранглиги, унинг ҳар хил жанр ва услубларда намоён бўлиш воситалари ва, ниҳоят, қардош халқлар адабиётларида яратилган Навоий образи билан қиёсий ўрганиш каби масалалар асосий тадқиқот объекти бўлмасдан, бирор мавзу талабидангина келиб чиқиб, юзаки ва ноизчил таҳлил этилди. "Ойбекнинг маҳорати" 1), "Эмас осон бу майдон ичра турмоқ", М.Қўшжоновнинг "Навоий ҳақида қисса" 2), Ҳ.Ёқубовнинг "Навоий ва ўзбек совет адабиёти" 3), Б.Ғуломовнинг "Навоийнинг бадиий ҳайкали" 4), М.Соловьевнинг "Тарихни бузиб кўрсатишга қарши" 5), Ў.Шокировнинг "60-йиллар ўзбек адабиётида Навоий сиймоси" 6), А.Дейчнинг "Ўзбекистоннинг қалби" 7) китобининг 5-6 бўлимлари, К.Расуловнинг "Уйғун драматургияси" номзодлик диссертацияси 8) ва бошқалар шулар жумласидандир.

1. Қўшжонов М. Ойбекнинг маҳорати. Бадиий адабиёт нашриети. Тошкент, 1965

2. Қўшжонов М. Ижод сабоқлари. Тошкент, 1973.

3. Ёқубов Ҳ. Навоий ва ўзбек совет адабиёти. — "Шарқ юлдузи" журнали, 1968, 9-сон.

4. Ғуломов Б. Навоийнинг бадиий ҳайкали. "Адабий мерос" тўплами. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1968, 1-сон.

5. Соловьев М. Тарихни бузиб кўрсатишга қарши. — "Новый мир" журнали, 1951, 3-сон

М.Қўшжонов ўзининг Ойбек ҳақидаги илмий ишларида адибнинг буюк шоир ҳақидаги асарларини таҳлил қилар экан, Навоий образининг яратилиши масаласини замонавийлик билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этади. У шоир образининг бадиий талқини ҳақидаги ноҳақ тухматларни ўз вақтида қатъиян инкор этди ва Навоий характеридаги етакчи хусусиятларни синчковлик билан ёритиб берди.

М.Қўшжонов, Б.Файзиевнинг Ойбекнинг "Навоий" романи ҳақидаги гўё унинг йирик феодал эканлиги кўрсатиб берилмаган" деган ноўрин ва ноилмий қарашларини асосли равишда танқид қилар экан, буюк тарихий шахс характеридаги етакчи, муҳим хусусиятлар унинг инсоний фазилатлари эканлигини таъкидлаб, ушбу масалага ойдинлик киритди.

С.Мирвалиевнинг "Ўзбек романи" монографиясида, шунингдек, К.Расуловнинг Уйғун драматургияси ҳақидаги тадқиқотида ҳам мазкур ишлар характери ва йўналишидан келиб чиқиб, Навоий образининг бадиий талқини ҳақида муайян фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Бизнинг тадқиқотимиздаги асосий янгилик энг аввало, шунда намоён бўладики, ишда Навоий образининг яратиши махсус, системали ва мавжуд материалларнинг бутун мажмуасини ҳамда ўрганилаётган мавзунинг асосий масалалари биринчи марта тадқиқ этилаётир. Тадқиқот давомида илк бор улкан тарихий шахснинг

6. Шокиров Ў. 60-йиллар ўзбек адабиетида Навоий сиймоси. "Адабий мерос" тўплами. Тошкент, "Фан" нашриети, 1971, 2-сон

7. Дейч А. Ўзбекистоннинг қалби. Тошкент. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети.

8. Расулов К. Уйғун драматургияси. Филология фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертация автореферати. Самарқанд, 1964.

фольклор ва ёзма бадиий асарларнинг қахрамонларидан бири сифатида талқин этилиш хусусиятларининг умумий қонуниятлари аниқланади.

Алишер Навоийга ўхшаш шахслар ҳеч шубҳасиз, жамики умумбашарий ва миллий руҳий-маънавий сифатларини ўзида аниқ мужассамлаштирадilar. Одатда бундай тарихий шахслар биографияси ўз замонининг мураккаб қиёфасини ифодалайди, дунёқарашининг кенг кўламлиги ва тараққийпарварлиги ҳамда бой ижодий салоҳияти билан ўз даври чегарасидан чиқиб кетади, ҳамиша келажакка интилади.

Мана шунинг учун ҳам бундай шахслар ҳамиша жозибали ва халқ онгини, маънавий қоидаларини, турли авлод қалам соҳиблари ижодий манфаатларини такомиллаштиришнинг туганмас булоғи бўлади. Бундай шахснинг мавжудлиги ва унинг бадиий талқин этилиши адабий жараёнини жонлантиради, умуман, ижодда янги талқинлар ва бадиий усулларни излашга, айти пайтда, ўтмишнинг бой аъаналарига таянишга, уларни доимий равишда кўпайтириш ва ривожлантиришга фаол рағбатлантиради.

Алишер Навоий мавзусининг тажрижий ўсиб бориши ва тараққиёти асосан уч босқични ташкил этади. Булар:

1. Кўтаринки романтик тасвир.
2. Психологизм кучайтирилган реалистик тасвир.
3. Тўлақонли реалистик тасвир.

Тадқиқотнинг таҳлили ва хулосалари тарихий-далилий манбаларнинг муҳимлиги билан бир қаторда уларга асосланган эркин бадиий тўқиманинг ўрни сезиларли эканлигини кўрсатади; бу икки омил ижодкорлар ўз олдларига қўйган барча бадиий вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда бир-бирини ўзаро тўлдирадilar ва

кучайтирадилар. Бу борада ўзбек адабиётида хато ва нуқсонлар билан бир қаторда улкан ютуқлар, катта истиқбол борлиги шубҳасиздир.

Диссертациянинг асосий қондалари ва хулосаларидан келгусида ўзбек адабиёти ва фольклори тарихи ҳамда назарияси масалаларини ишлашда, шунингдек, республика олий ўқув юр்தларининг филология факультетларида махсус курс сифатида ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Манбалар. Диссертация Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академиясининг Х. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти, Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Тошкент Давлат дорилфунуни ҳамда Навоий номидаги СамДУ Бош кутубхонаси фондларидаги материаллар, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасидаги қўлёзмалар ва китоблар, шунингдек, Республикамиз ва ундан ташқарида чоп этилаётган китоблардан фойдаланди.

Ишнинг тасдиғи: Диссертация Тошкент Давлат дорилфунуни ўзбек филологияси факультети қошидаги "Ўзбек классик адабиёти", "Адабиёт назарияси ва адабий ҳамкорлик", "Ҳозирги ўзбек адабиёти", "Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси ва халқ оғзаки ижоди", "Турк филологияси" кафедраларининг қўшма йиғилишида ҳамда Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг "XX аср ўзбек адабиёти" бўлимининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқотнинг асосий қисми ва натижалари "Тарихий шахс талқини" рисоласида (1989), Ўзбекистон жумҳурияти ФА ва ТошДД илмий тўпламлари ҳамда жумҳурият адабий-бадий журналларида эълон қилинган мақолаларда ўз аксини топган.

Диссертация асосида махсус курс ишлаб чиқилган ва сўнгги 6 йил мобайнида Тошкент Давлат дорилфунуни ўзбек филологияси факультетининг кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларида мунтазам равишда ўқилмоқда.

ТАДҚИҚОТНИНГ ТАРКИБИ ВА ҲАХМИ

Диссертация кириш, тўрт боб ва хулоса қисмларидан ташкил топган. Диссертациянинг сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилган.

БИРИНЧИ БОБ

ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ ШЕЪРИЯТИДА ВА АДАБИЙ-ТАРИХИЙ АСАРЛАРДА АЛИШЕР НАВОИЙ ОБРАЗИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ

Шахон бадиий ва илмий тафаккурига муносиб ҳисса қўшган Алишер Навоийнинг ижтимоий, адабий ва илмий фаолияти ҳамда ибратли ҳаёт тарзи, шахсияти унинг тириклиги давридаёқ олиму фозиллар, аҳли таъб ва давлат арбоблари, умуман кенг жамоатчилик диққатини ўзига тортиб келди. Унинг шахсиятига бўлган ана шундай қизиқишларнинг самараси ўлароқ, бадиий ва илмий-адабий асарларда, тарихий едномаларда "Ўз халқини эҳтирос билан севувчи, том маънодаги инсон" (Е.Э.Бертельс) – Алишер Навоийнинг образи яратила бошланди. Башар авлодини эзгулик йўлида тарбиялаш, уни ижобий хислатлар соҳиби қилиб вояга етказишда Алишер Навоий шахсияти намуна қилиб кўрсатилди. Лекин олдиндан шунини ҳам уқтириб ўтиш лозимки, Ўрта асрлар бадиий адабиётида яратилган Алишер Навоий образини ҳозирги давр адабиёт ва санъатида ҳукмрон бўлган талаблар нуқтаи назари билан ўлчаш тўғри меъёр бўла олмайди. Чунки ҳозирги давр адабиёти билан Ўрта Осиё халқлари мумтоз адабиёти ижодий методлари ўртасидаги фарқ ва ўзига хосликлар, жанрлар соҳасидаги айирма ва фарқлар ҳамда образ яратиш жараёнидаги ўзига хос талқинлар алоҳида таҳлил ва тадқиқ йўлидан боришни тақозо этади. Аммо ҳар қандай ҳолда ҳам тадқиқотнинг йўналишини адабий асарларни таҳлил этишдаги илмий-назарий, тарихий усул белгилаб бериши лозимдир.

Юқорида айтиб ўтилгандек, Алишер Навоийнинг образини ҳали ҳаётлик пайтидаёқ бадиий талқин этишга қўл урилган, бинобарин, у камдан-кам ижодкорга насиб этадиган бахтга – шону шарафга муяссар бўлган шахслар жумласига киради. Алишер Навоий толеъининг

порлоқлиги яна шундаки, унинг образини биринчи бўлиб буюк мутафаккир, жаҳоншумул шухратли шоир Нуриддин Абдурахмон Жомий (1414-1492) яратди.

Маълумки, Абдурахмон Жомийнинг "Ҳафт авранг" ("Етти тахт" еки "Етти юлдуз" 1472-1486) асарида феодализмнинг олдини олиш, адолат орзуси, мамлакатни инсоф ва тadbиркорлик билан бошқаришда донишманд вазирнинг роли масаласи етакчи ўринни ишғол этади. Шоирнинг 1483 йилда езилган "Юсуф ва Зулайхо" достонида эса донишманд ва тadbиркор вазир шахсияти Юсуф образида гавдалантирилгандир. Асарда тасвирланишича, Юсуф ўзининг шахсий фазилатлари, билими, одамийлиги, донолиги билан одамлар орасида хурмату эътибор қозонади. Кейинчалик, бир муносабат билан Миср фиръавнининг (хукмдори, подшоҳи) тушини тўғри таъбир қилиб, бош вазир (Миср азизи) вазифасига тайинланади. Унгача бу вазифани Зулайхонинг эри адо этар эди. Фиръавн Миср мамлакатининг ўн тўрт йиллик тақдирини Юсуфга топширади. Ҳатто унга халақит бермаслик учун ўн тўрт йил муддат давомида мамлакат ишларидан тамоман четлашади. Юсуф эса етти йил фаровонлик даврида кишилар хонадонига, мамлакат омборларига ғалла ва бошқа емишлар жамлайди. Қаҳатчилик йилларида эса емишларни кишиларнинг эҳтиёжига қараб, одилона тарқатиш билан аҳолини очлик қирғинидан сақлаб қолади. Мисрда қўшни мамлакатлар халқи билан дўстона ҳолат юзага келтиради, мамлакатда осойишталик барпо этади.

Хуллас, Абдурахмон Жомий Юсуф образи талқини орқали мамлакат ҳаётида билимли, тadbиркор, инсонпарвар вазирнинг вазифаси ва сайёҳи ҳаракати ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деган фикрни олға суради.

Масалага юзакни қараганда, Алишер Навоий шахсиятини кўзда тута туриб, Жомийнинг "Юсуф ва Зулайхо"сидаги Юсуф образи хусусида фикр юритишлик бироз эришдек туюлади. Устига устак буюк Абдурахмон Жомийга қадар ҳам бу анъанавий мавзуда қатор шоирлар томонидан дostonлар яратилгани ҳисобга олинса, бизнинг Навоийга бераётган тахминимиз яна ҳам тадқиқот йўналишидан узоқлашаётгандек таассурот қолдиради. Бу мазкур муаммонинг бир томони, холос. Бирок Алишер Навоий яшаган шароитдаги ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларга теранроқ назар солинса, шоирнинг бу даврдаги давлат миқёсидаги фаолиятига аҳамият берилса, Юсуф образи билан Алишер Навоий шахсияти, ҳатти-ҳаракати, интилишидаги муштараклик кўзга ташланиб, етакчи аҳамият касб этади.

Ўқувчида Абдурахмон Жомий анъанавий Юсуф образини бадий талқин этишда Навоий шахсияти ва фаолиятига хос бўлган муайян хусусиятлардан истеъфода этган, деган фикр туғилади. Бошқача айтганда, ўз даври учун ўта замонавий, энг муҳим ҳисобланган муаммоларни кўтариб чиққан буюк Жомий Юсуф образи учун ўзига замондош, ўзи яхши билган шахс —Алишер Навоийни прототип қилиб олган. У Навоий образини ўта ўзига хос бир услубда адабиётга олиб кирган. Муаллиф томонидан ўзига замондош шахс образини бундай бадий талқин этишни биз образни билвосита (бевосита эмас) талқин этиш усули, деб аташни лозим кўрган бўлур эдик. Чунки бу усул фақат Абдурахмон Жомий дostonида учрагувчи елғиз ҳодиса бўлмай, ўзга-ўзга адабий жараёнларда ижод этган бошқа муаллифлар асарларида ҳам кўзга ташланувчи адабий ҳодисалардандир. Узоққа бормай, Алишер Навоий ижодининг ўзига мурожаат қиладиган бўлсак, шоир билвосита образ яратишнинг классик намунасини берганлигининг

шоҳиди бўламиз. Ахир шоирнинг "Сабаи сайер" достонидан Бахромнинг кўп жиҳатлари билан Хусайн Бойқаро шахси, ҳатти-ҳаракатлари билан муштараклик касб этувчи образга айланиб кетганлиги сир эмас-ку.

Билвосита образ яратишнинг хусусиятларини асар яратилган даврнинг ўзида бирдан англаб етиш анча мураккаблик туғдиради. Давр ўтиши, қизғин тарихий ҳодисалар тиниб, ўз ниҳоясига етиши билан асар қаҳрамонларига прототип бўлган шахсларнинг шаклу шамоили, ҳатти-ҳаракатлари ойдинлашиб, уларнинг мазкур тарихий жараёндаги "хизматлари" ойдинлашади. Бу тиниқ тортиш жараёни муайян вақт ўтишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам Абдурахмон Жомийнинг достонидаги Юсуф образини Навоий образининг дастлабки талқинлардан бири, деб айтишимиз мумкин. Зеро, Жомий достонидаги Юсуф ўз ҳаракатларининг қатор жиҳатлари билан диний ва бадиий асарлардаги Юсуфдан фарқ қилади. Унинг характери, ҳатти-ҳаракатлари муайян маънода XV аср тарихий-иҷтимоий воқеалари моҳияти билан тўйинтирилган. Биз бу ўринда тарихий факт ва далилларнинг у ёки бу йўсинда қайд ва тадқиқ этилишини эмас, балки уларнинг моҳиятини Юсуф образи воситасида талқин этилишини назарда тутмоқдамиз. Дарвоқе, бундай мулоҳаза ва фикрларни дастлаб йирик адабиётшунос академик Абдулғани Мирзоев ўртага ташлаган эди. У "Садойи Шарқ" журналининг 1971- йил 5-сонига босилган "Тасвири Навоий дар "Юсуф ва Зулайҳо"и Жомий"

(135-140-бетлар)

мақоласида шундай езади: "Агар Юсуф ҳамчун азизи Миср, яъни сарвазири донишманд дар натижаи хирадмандона идора кардани мамлакат халқро дар муддати ҳафт соли вақти аз гуриснаги ва

Тўғри сўзлаганда, одабийлик бор гоҳида ундан бошқалар маҳрамлик йўлини кам топгандирлар...

Буюк Абдурахмон Жомий Алишер Навоий шахсиятини чуқур ҳурмат билан таърифлаган мазкур парчанинг зимндан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Агар мамлакатни оқилона идора қилолган Юсуф образини яратишда шоир бирор бир донишманд вазирни кўзда тутган бўлса (у шундай қилган ҳам деб ўйлашга асос бор), ҳеч бир шубҳасиз, бунинг учун энг олдин Алишер Навоий сиймосини кўз олдига келтирган, мабодо, шундай бўлмаганда, буюк шоир маснавийсини Навоий шаънига битилган бунчалик мақтов ва юксак фахрия билан тугатмаган бўлур эди.

Демак, бу хулосалардан англашиладики, Абдурахмон Жомий ўзининг "Юсуф ва Зулайхо" достонидаги Юсуф қиёфасида доно, тадбиркор, халқпарвар вазир - Алишер Навоий образини билвосита акс эттирган. У дoston хотимасида Алишернинг шеърят пешасининг шери нуррони, нозик фаҳм ва назокатга эга ижодкор, ўз шеърларида кишилар орзу-умидига ҳамоҳанг фикрлар ифода этувчи шоир ("Дихад аз шеъри ширин коми дилхо") ва ниҳоят, том маънодаги инсон сифатида таърифлайди:

Вале, дар коргоҳи одамият,

Ўз ў кам ефт роҳи маҳрамият.

Абдурахмон Жомий ўзининг бошқа асарларида ҳам Алишер Навоий шахсияти тавсифида Навоий образига катта меҳр билан ёндашади. Масалан, у ўзининг "Лайли ва Мажнун" достонида (1484) Навоий образини "умид хазинасининг калиди", "ошналик боғи дарахтининг вафодорлик шоҳи" каби сифатлар билан қайд этади. Қизиғи шундаки, бу ўринда ҳам Жомий Навоий образининг бир қиррасига - унинг

шеърлари дилхасталар кўнглининг малҳами эканлигига алоҳида эътибор беради:

"Ере ки, кунад ба ер пайванд,
Нахли амалаш шавад баруманд.
Ер аст калиди ганжи уммед,
Ер аст навиди айши жовид.
Мақсуди вужуд чист жуз ер,
3-ин савдову суд чист жуз ер?
То хотимати вужуд аз оғоз
Мурге накунад чу ер парвоз.
Хос накунад чу ер парвоз.
Хоса ки, ба боғи ошнойи,
Бар шохи вафо бувад Навои.
Яъни ки, Навоий лутф созад,
Дилҳойи шикастагон навозад.
Коре набвад ба жойи ин кор,
Ерони жаҳон фидойи ин ер".

Буюк Жомий "Хирадномаи Искандар" достонининг хотимасида ҳам Навоий образининг муҳим бир қиррасини очиб беради. У Навоийни равнақидан қолиб кетган туркий тилга қайтадан жон ато қилган буюк ижодкор сифатида талқин қилади.

Мазмуни: ...хусусан Ганжадан чиққан сарпанжа шерга ўз сарпанжасини урган шер туркий тилда ажаб бир куй-қўшиқ яратдики, жону нафаслилар оғзи муҳрланади.

Туркий тилда дағи нақш келди ажаб,
Хатто сеҳргарлар боғладилар лаб.
Бундай еқимли нақш туширган қалам,
Бошимга офаринлар еғдирсин олам.
Кечирсин форсийда гавҳар терганлар,
Дарий тилида дуру газна берганлар.
Вунинг тили ҳам гар ўлганда дарий,
Мажолсиз қоларди уларнинг бари 1).

Низомий ким бўларди-ю, Хусрав ким бўлиб қоларди? У бошқа тилда сўз юритганидан ақлга орадаги фарқни ажратишга йўл қолмади (уни бошқаларга чоғиштириб баҳолаш йўли бекилди. Бу қандай яхши-ки, таъбинг, эй сўз устоди, қалам калиди билан шеърятга равнақ

1) Жомий ва Навоий тўплами. Тошкент, Г. Ғулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1989, 42-бет (тожик, ўзбек ва рус тилларида).

берди. Тарақиётдан тўхтаган, хорлик бурчагида қолган (туркий) сўзга сен қайтадан обру бердинг, уни ижод жавлоғоҳига олиб чиқдинг. У сен раъйинг нуридан сафо топди, лутфинг навосидан наволи-бахтли бўлди.

Ўз даврида буюк мутафаккир олим ва ғоятда баркамол тасаввуфий пир сифатида бутун Шарқда шуҳратга эга бўлган Нуриддин Абдурахмон Жомий фақат йирик поэтик асарларида эмас, балки кичик ҳажмли лирик шеърларида, мактублари ва қайдларида ҳам Алишер Навоийга хос бўлган у еки бу хусусиятларни, олмос қирраларни "рамз ва ишорат била" (Навоий ибораси) очиб беради.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бадиий адабиётга Алишер Навоий образини биринчи бўлиб ҳазрати Нуриддин Абдурахмон Жомий олиб кирди. Унинг асарларида Алишер Навоий образи "рамз ва ишоратлар била" доно ва тadbиркор вазир, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий кабилар қаторидаги буюк ижодкор, халқнинг юрагидаги орзу-ниятларини англаб, уларга манфаат етказишга бел боғлаган инсонпарвар шоир, вафодор дўст, катта одабийлик хусусиятларига эга бўлган инсон сифатида Ўрта асрлардаги Шарқ адабиётига хос бир тарзда ўз ифодасини топди.

Алишер Навоий образини яратишда тортилган бадиий-тарихий чизгилар орасида айниқса Жомий ва Навоийнинг ўзаро мактублари муҳим аҳамият касб этади.

Бу мактубларнинг энг муҳим аҳамияти, биринчидан ҳар икки буюк шоирнинг шахсиятига аниқлик киритишидadir. Иккинчидан, улар ўша давр ижтимоий-тарихий шароити, адабий ҳаёти, тузумнинг шакли шамойили ҳақида аниқ, умумлашма маълумотлар беради. Учинчидан, бевосита Навоийнинг ижтимоий-сиёсий мавқеи, Жомийнинг

муносабатидаги ўзига хосликнинг ички моҳиятини нурлантириб туради. Қолаверса, ўша давр кишилари ўртасидаги муносабатларнинг маданий-ахлоқий қирраларини еритиб беради ва ҳоказолар. Мазкур мулоҳазаларнинг исботи ўлароқ, Жомий мактубларидан бир-иккисини қайд этмоқчимиз:

"Ваъд аз арзи ниёз маъруз он ки, мавлоно Шайх Абу Саид мужаллад жилде "Зафарнома" сохта будаанд ва аз он чзе муқаррар шуда буд, чизе боқий мондааст. Илтимоси он медоранд, ки иноят намуда илтифот фармоянд, ки он баҳийа восил тавад, ки эҳтиёжи тамом доранд. Вассалом!

ал-фақир Абдурахмон ал -
"Жомий".

Таржимаси: "Хожатмандлик изҳоридан сўнг арзимиз шулки, мавлоно Шайх Абу Саид муқовачи "Зафарнома" (китоби) га бир муқова ясаган эканлар ва келишилган ҳақдан бирозгинаси (тўланмай) қолган экан. Улар шуни илтимос қиладиларки, Сиз иноят кўрсатиб, илтифот қилсангиз, токи ўша қолган ҳақни олсалар, чунки улар (шунга) жуда муҳтожлар. Вассалом!

Фақир Абдурахмон Жомий"1).

Биз Жомий мактубларидан бевосита ўша давр адабий-маданий ҳаётига алоқадор бўлган биргина хатнинг матнини ҳам форсча, ҳам ўзбекча матнини қайд этдик. Жомийнинг мактубларидан юксак бир инсоний меҳр, олиймақом тарбия руҳи шундай балқиб турибди. Жомийнинг мурожаат оҳангидаги меҳр ва илтифотли, сўзлаш йўсинидаги юксак тарбия ва камтаринликнинг нечоғлигига ҳайрат,

1). Жомий ва Навоий. Қайд этилган нашр. А. Ўринбоев таржимаси. Бундай мактублар анчагина бор, лекин ишнинг ҳажмини эътиборга олиб, биз юқоридаги билан чекланамиз - Н.А.

ички бир ташналик билан қулоқ тутиш лозимга ўхшайди. Шоир нутқининг бу ҳайратомуз меҳрибонлик ила тўйинтирилган оҳангида мурожаат муаллифининг одоблилиги ва камтаринлилигидан ташқари буюк Алишер Навоийнинг Ҳирот адабий-маданий ҳаётидаги ҳар қандай ҳодисага ҳам дахлдорлиги, унинг адолатпешалиги, инсонпарварлиги, ўзининг "Элга қилса бир-жафо, юз қатла фарёд ойларам" программ сартларига, содиқлиги рўйроост ўз ифодасини топган. Бу мактубларнинг бир қиррасидир. Бу мактубларнинг иккинчи қирраси эса бевосита Навоий шахсияти билан боғлиқ ҳолда изоҳланади. Тарихий факт ва қайдлар ҳамда Навоийнинг ўз дил изҳорларидан маълумки, буюк Жомий шоиру вазирга ҳам устоз, ҳам пир бўлган. Шундай экан, Навоий ўз устози ва пирининг ўта улкан меҳр ва юксак илтифот ила битилган мактубларидаги илтимосларни амалга оширмаслиги, уларга бефарқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, уларни Жомий илтимосларига нисбатан анча юқори даражада амалга оширганлиги ҳам ҳеч кимда шак шубҳа турдирмайди. Қолаверса, — Жомийдек буюк мутафаккир олим ва шоир ўз илтимосини амалга оширишига дилдан қаноат ҳосил қилгандагина бундай мактубларга "ал-фақир Абдурахмон ал-Жомий" дея имзо чеккан. Абдурахмон Жомийнинг "фақир" дея имзо чекиши уни бевосита тасаввуф таълимотининг муайян тариқатига боғлиқлигини кўрсатади. Олимларнинг таъкидлашича, фақирлик тариқати тасаввуфнинг энг илғор прогрессив йўналишларидан бири. Жомийнинг қатор мактубларида Қосим ахтаци, мавлоно Алоуддин Али, мавлоно Мир Али, Амир Халил, мавлоно Лутфуллоҳ, Дарвеш Атторқули, Алоуддин Али Қушчи, қори Дарвеш Мухаммад, Хожа Қосим, Дарвеш Ҳожи, Дарвеш Суфи Самиъ, Амир Алоуддавла, Мавлонзода Шаҳрисабзий,

мавлоно Абу Юсуф каби олиму шоир, дарвешу боғбон ҳамда бошқа оддий фуқароларни еқлаб езган мактуб-илтимосномалари ҳам шоир ҳамда вазир шогирди томонидан инобатга олиниб, рўёбга чиққанлигига аниқ ишонса бўлади.

Жомий ўзининг бошқа асарлари ва мактуботида берган Навоий образига оид қайд, чизгиларни "Баҳористон" да нисбатан умумлаштиради, уни бадиий тавсиф ҳолига келтиради. Навоийнинг шоирлиги-ю, вазирлиги, адолатпешалиги, Хирот адабий мактабининг сардори ҳамда жомийси ҳақидаги устоз қайдлари кейинги асрларда у ҳақда қатор асарларнинг юзага келишига тўртки ва асос бўлиб хизмат қилди. Жомийнинг Навоий ҳақидаги қайдлари фақат зикр этилганлар билан чегараланиб қолмайди. Мабодо биз Навоий ва тасаввуф муносабати масаласига тўхталадиган бўлсак ҳам, Жомий асарларини варақлашга мажбур бўламиз. Жомий бу ҳақда тўхталиб, ўзининг "Нафаҳот ул-унс мин ҳазаротил-қудс" асарида Навоийни "дарвешлар дўсти", "фақирлик йўлига ботир", "даража ва эътиборнинг аъло мартабасидан бет" қайтарган, "фақирлик ва фанийлик қабул қилган" инсон сифатида таърифу талқин қилади. Жомийнинг бу қайдлари Навоий шахсининг бизга номаълум қирраларини ёритиш билан бирга унинг шеъриятини ҳам теранроқ, мукамалроқ тушунишда, унинг ижодидаги етакчи йўналишларни илғаб олишда асосий манба ҳисобланади. Бу бадиий қайдларни ҳар икки шоир муносабатидаги тарихийлик нуқтаи назаридан олиб қараганда яна ҳам қиммати ошади, ўзига хослиги теранлашади.

Бадиий ва илмий асарларида Алишер Навоий образини гавдалантирган ижодкорлар орасида Амир Алоуддавлат Исаройининг ўғли Давлатшоҳ Самарқандий алоҳида ўринни ишғол этади. Бу киши

ҳақида Алишер Навоий ўзининг "Мажолис ун-нафоис" тазкирасининг бешинчи мажлисида "салоҳиятлиғ йигит", "фақир ва даҳқанат била қаноат қилди ва фазоил ва камолат иқтисоби била умр ўткарди" 1) – деб хабар беради. Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг "Тазкират уш-шуаро" асарининг /"Улуғ Амир Низомиддин Алишер зикрида" деб аталувчи қисмида шаҳодат беришча, барча "мақбул ишлари ва қутлуғ зикри рубъи маскуннинг барча мамлакатларида маълум" бўлган олий ҳимматли Алишер Навоий ҳақида "нима дейилса ҳам ибрат бўлғусидир" 2) – деб ҳисоблайди ва имконият даражасида Алишер ҳақида маълумотлар бериб, унинг тарихий-бадий образини яратиш йўлида муайян чизгилар тортади.

Муаллифнинг Алишер Навоий ҳақидаги мулоҳазаларида шу нарса диққатга сазоворки, у Алишернинг комил инсон ва етук шоир бўлиб вояга етишида оилавий муҳитнинг ҳал қилувчи аҳамиятини тўғри қайд этади. Давлатшоҳ Самарқандий езади: "Бу машҳур ва олий даражадаги амирнинг буюк отаси замонасининг машҳур кишиларидан ... бўлиб, мамлакатни идора қилиш ва давлатга кафиллик унинг инон ихтиёрида эди. Вениҳоят фозиллигидан ҳамма вақт ўғлига фазилат ўргатди, тамом ҳимматни саодатманд фарзандини илм-ҳунар безаклари билан зийнатлаш ҳамда ҳидоят нурлари билан равшан қилишга сарф қилди... Ул бузрукворнинг тиришиб қилган ҳаракати беҳуда кетмади... Ул улуг амир (Алишер юқорида зикр этилган маърифатли подшоҳ) Султон Абдулқосим Бобур) замонида, унинг ҳашаматли ва улкан ҳиммати билан, ҳамма вақт фазилат орттиришга интилди, фазл эгаларининг

1). Алишер Навоий. Асарлар, 15 томлик, 12 том, 1966, 147-бет.

2). Навоий замондошлари хотирасида. Тўплам. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 14-бет.

сухбатини топди, карамли табъи ва ўткир зеҳни шеър айтиш, ўтмиш тарихини ўрганишга қаратилди". "...Султон Абдулқосим Бобур сўзамол ва ҳунарпарвар подшоҳ эди, ҳамма вақт улуг амирга (вақтларда еш бўлган Алишерга -Н.А.) таъбининг мулоимлиги, зийраклиги учун офаринлар ўқир эди..." 1).

Мазкур маълумотлардан кейин, муаллиф "даргоҳи фуқаронинг мурожаатгоҳи, "карамли эшиги муҳтожлар учун ҳамisha очиқ" бўлган Алишер Навоийнинг "Ҳамсухбатлари хуштаъб, фозил кишилар" бўлганлиги, "ноаҳиллар унинг латиф мажлисларига" киролмасликлари ҳақида, Навоий Хусрав Деҳлавийнинг "Баҳр ул-аброр" қасидасига жавоб езиб ундан ўтказганлиги, Навоийнинг қурувчилик фаолияти ва хайр-эҳсонлари ҳусусида фикрлар баён этилади. Бадиий тасвир ва фикрни "агар хонада киши бўлса, шарпанинг ўзи кифоя" тарзидаги мақол ва шеърӣ иловалар билан таъминлаган Давлатшоҳ Самарқандий туркий ва форсийда битилган бир муламмаҳ қасидада Навоий образини ўзига хос гавдалантиришга ҳаракат қилади.

Мазкур қасидада муаллиф Алишерни "рамз ва ишорат била" оламга еруғлик бахш этувчи қуешга, ақлли Юсуфга, кишиларни ўз кемасига олиб, уларни офат тўфонидан халос этган Сулаймонга ташбеҳ этади. Сўнгга, у ўз даври адабий анъаналари доирасида қасидада ифода этилган қаҳрамон -Алишер Навоийнинг портретини чизади, бадиий муқоясалар қилиш усули билан унинг образини яратиш борасида чизгилар тортади.

Қасидада тасвирланишича, Алишер гоятда гўзал, хушсурат кўринишга эга. Унинг суман япроғи ёхуд барра, гул баргдек тароватли чехраси қибла каби эҳтиромга сазовор бўлиб, ҳатто

1.) Ўша асар, 14-15-бетлар.

малоиклар ҳам уни шукрона саждагоҳи деб биладилар. Қасида қаҳрамонининг сочларидан мушк –анбар ҳиди анқийди, кўзлари қамар (ой даврига доирасига) фитна солади. Унинг ширин, мантиқли нутқидан тўти ҳижолатда қолиб, ўзини йўқотди. Парилар бу чирой тароватига тоб беролмай кўздан яширинадилар. Лаблари ширинлиги олдида шакар беқадр, улар қаҳрамоннинг ўзидек ширин ва дилтортар. Шунинг учун ҳам агар унинг чиройидан бир учкун Хитой мамлакатига тушса, у Чин наққоши (Моний)нинг сурати чизадиган қаламини куйдириб юборади.

Бироқ энг муҳими, қасида қаҳрамонига хусн-жамол мамлакати мусаллам (тобъе) бўлганидек, у фазилят бобида жаҳоннинг сарваридир. Худди шу туфайли ҳам, у – давлатнинг баркамоллиги нишонаси. Унинг туфайли Хирот Каъбадек эътиборга эга. Фарқ шундаки, агар Ясриб (Макка) Муҳаммад алайҳис-саломга қадамжо бўлганлиги жоиз азиз бўлган бўлса, Хиротда Алишер Навоий таваллуд топгани, учун ҳам у – "дорилфазли олам" – дуненинг илм ва фазл уйи сифатида шуҳрат топган.

Агар Давлатшоҳ Самарқандийнинг қасидасига, унинг ўзига тааллуқли яна қуйидаги мисраларни ҳам қўшсак, муаллифнинг Навоий образи талқинидаги қарашлари янада мукаммаллашади:

Туркийсин кўриб қилурлар эрди тарку тавба ҳам,
Гар тирик бўлсалар эрди Лутфий бирлан Кардарий.
Бовужуди форси дар жунби шеъри комилаш,
Чист ашъори Зоҳиру, кист бори Анварий 1).

Айтилган мулоҳазалардан англашиладики, Давлатшоҳ Самарқандий ўз тазкирасининг Навоийга бағишланган қисмида Алишер қиефасида ўзига замондош бўлган чинакам зиёли, буюк шоир, яхшиларга улкан

1). "Навоий замондошлари хотирасида", тўплам, Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 15-бет.

меҳр, емон кимсаларга нафрат билан қараган, халқ ва давлат манфаатини кўзлаган ҳамда ўзига тинч давлатманд киши, юрт ободончилиги йўлида ўлкан бинолар барпо этган саҳоватли инсон, ҳар томонлама ибрат олса арзигулик шахс образини яратишга қўл урган ва муайян даражада уни уддалаган. Бунда, албатта, Шарқ шеърлятида Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакийдан бошлаб то Муқимий ва Фурқатларгача давом этган бадиий образ яратишдаги муаллифнинг ўз тавоифу таърифи асосий ўрин тутуши ҳодисасини бир бор ҳаёлдан кечириб қўйиш лозим бўлади. Сўнгра Алишер Навоий образини яратган Жомий ҳам, Давлатшоҳ ҳам уни дин ҳомийси тарзида ҳам таърифлаганларини хотирадан чиқариш мумкин эмаски, зеро, у даврда таърифу тавсиф этилаётган қаҳрамонни бу йўналишда мадҳ этиш ижобий ҳодиса ҳисобланар эди.

Келтирилган насрий ва шеърй қайдларнинг бир-бирига муқояса қилинса, Жомийнинг нисбатан реалистик фикрлашга мойиллиги, ўз шогирди ҳақида нисбатан аниқ ва салмоқли умумлашмалар чиқаришга азм қилганлиги кўзга яққол ташланиб туради. Давлатшоҳ Самарқандий эса ўзга ифода ва тасвир усулини қўллашга мойил. У Навоийнинг кўриниши таърифу тавсифлаш учун ҳар қандай, ҳатто, энг муболағали усулдан ҳам истифода этишга мойил. Давлатшоҳда соф шарқона романтик усул ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу ҳодиса, бизнингча, ҳар ҳолда ҳар икки муаллифнинг Навоийга бўлган шахсий муносабатлари, уларнинг ҳаётй тажрибалари, тафаккур қудратининг нечоғилик камолга етганлиги билан изоҳланади. Жомий билан Навоий ўртасидаги муносабатнинг нисбатан табиийлиги, яқинлиги устозга ўз шогирди ҳақида нисбатан аниқ бадиий характеристика беришга имкон берган. Давлатшоҳ Самарқандий, гарчи у нечоғлик истеъдодли

бўлмасин, даҳо шоир қаршисида шогирдлардан бири эди, холос. Бу деганимиз Давлатшоҳ Самарқандий қайдларига ишонмаслик керак экан-да, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Биз муаллифнинг таъриф тавсиф усулининг моҳияти борасидаги мулоҳазаларимизни баён этдик. Муаллиф қайдларининг тарихийлиги хусусига келсак, биз уни тўғри еки нотўғри. деб ҳукм чиқаришдан йироқмиз. Улар моҳиятига кўра Навоий шахсига муқобил бўлса ҳам, ифода этиш усулига кўра ўқувчига эриш туюлади.

Ўтмиш классик адабиётида яратилган Алишер Навоий образи устида гап борар экан, йирик форс-тожик шоири Камолиддин Биноий ижодини четлаб ўтиб бўлмайди. Аввало шуни айтиш керакки, Навоий билан Биноий муносабатлари хусусида адабий жамоатчилик орасида баъзи бир латифаомиз ривоятлар кўчиб юради. Лекин бу ривоятлар Навоий ва Биноий муносабатларини еритишда мезон бўла олмайди. Чунки улар реал асосга эга бўлмай, ранг-баранг вариантларда халқ орасида тарқалган латифалардир.

Навоий ва Биноий муносабатларини махсус ўрганган академик А.Мирзоев бу ҳақда шундай ёзади: "Современники Навои и Бинаи — Бабур, Васфи и Казвини наряду с биографическими данными, сведениями о взаимоотношениях между Навои и Бинаи приводят некоторые анекдоты, вымышленные истории, рассчитанные на комический эффект. Этих анекдотов всего восемь и они повторяются в произведениях упомянутых авторов в различных сочетаниях" 1).

Камолиддин Биноий Навоийга ҳоқда зўр ҳурмат билан қараган. У ўзининг энг яхши ҳисоблаган асарларида Навоий хотирасини шарафлаб, самимий мисралар битган, унинг образини яратишга қўл

1) .Мирзоев А.М., Камал ад-дин Бинаи, М., Изд-во "Наука", с.376

урган.

Навоий шахсиятига муносабат Камолиддин Биноийнинг "Мажма ул-ғароиб" номли қасидасининг буюк шоирга бағишланган қисмида ҳам учрайди.

Биноий тасвирида Алишер Навоий буюк шоир ва донишманд, мурувватли ва сахий инсон сифатида таърифланади. Ўз навбатида Биноий таърифлари Жомий ва Давлатшоҳ Самарқандий томонидан гавдалантирилган Алишер Навоий образини янги муқояса (Ҳаққоний ва чин ҳукмдорига қиёслаш) билан янада сайқалашади.

Жомий ва Давлатшоҳ Самарқандийлар Навоийни шоир сифатида Низомий, Хусрав, Лутфий, Кардарийлар билан донишманд давлат арбоби сифатида Юсуф билан муқояса қилган бўлсалар, Биноий уни ўзга шоир, ўзга давлат арбобларига нисбат беради.

Алишер Навоий образининг муайян қирралари еритилган тарихий-адабий асарлар орасида Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин ибн Жалолиддин ибн Бурҳониддин Хондамирнинг (1475-1534) "Макорим ул-ахлоқ" (Олижаноб сифатлар ҳақида китоб) асари алоҳида аҳамият касб этади.

"Макорим ул-ахлоқ" профессор И.О.Султоновнинг таъкидлашича, Навоийнинг биографиясини келтириш ниятида эмас, балки унинг характеристикасини (таърифини) бериш мақсадида ёзилган бир асардир" 1). Шунинг учун ҳам бу асарда "Навоий биографияси тўла бўлмаса-да, Навоий образи тўлароқ чиққандир" 2). (таъкид бизники - А.Н.).

1). Иззат Султон. "Макорим ул-ахлоқ" ҳақида. Асарлар. Тўрт томлик, учинчи том. Тошкент, Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973, 370-371-бетлар.

2). Шу китоб, 31-бет

Профессор И.О.Султонов ўз мулоҳазаларини давом эттириб, яна шундай ёзади: "Автор (Хондамир) Навоийнинг биографиясини тўла бермаса ҳам, унинг характерига, феъл-атвориға, дунёкаришиға, психологиясига, одатларига ва эътиқодларига оид жуда кўп материаллар беради ва бизнинг кўз олдимизда буюк кишининг тўла ерқин сиймосини гавдалантирмоқчи бўлади. Биз "Макорим ул-ахлоқ"да Навоийнинг бинокорликларда бевосита иштироки, усталар ва мардикорлар билан бўлган ҳазиллари, Навоийдаги юмор, ҳозиржавоблик, ўткир, ақл, каби сифатларнинг тасвирини кўрамиз..." 1).

Ҳақиқатан ҳам Хондамирнинг бу китобни ёзишдан мақсади, "Макорим ул-ахлоқ"нинг муқаддимасида унинг ўзи қайд этганидек, "...қудратли ва бахтли Амирнинг яхши ахлоқ ва гўзал одоблари фазилатидан, шунингдек, муборақ аҳволлари ва мақбул одатларидан, бадиали аҳвол ва ажойиб воқеалардан, сеҳрдек таъсирчан хос таъбларидан ва латифликларига безак берувчи каломлари натижаларидан бир озгинасини ўз ичига оладиган парчаларни тартибга солиб шарҳ" 2) ламоқ эди. Натижа ҳам худди шундай бўлиб чиқди, яъни китобга киритилган ҳар бир ҳикоя, латифа, мутойибаларда Навоийга хос бўлган муайян бир фазилат ўзининг бадий ифодасини топди.

Мисолларга мурожаат этайлик:

Маълумки, темурий шаҳзодаларидан Едгор Муҳаммад ишрол этган пайтда Хусайн Бойқаро Маймана ва Фароб томонларга чекинишга мажбур бўлади. Аҳвол жуда мушкул эди. Ана шундай вазиятда у доно

1). Шу китоб, 371-бет.

2). Навоий замондошлари хотирасида, 80-бет.

Алишернинг маслаҳатларига амал қилиб, Хиротни қайта эгаллайди. Бу воқеа Хондамир китобининг "Ақл ва идрокнинг шараф ва даражаси ҳақида", — деб аталувчи қисмида ёритилган 1).

Келтирилган бу парчада Навоий образининг қарийб умуман эътибор берилмай келинаётган бир қирраси ўз ифодасини топган: Алишер Навоий жанговар ҳолатдаги вазиятни ҳарбий кишиларга хос сезгирлик ва мулоҳазакорлик билан жуда тўғри баҳолайди. У ўзининг бу фазилати билан ҳатто жуда ёшлигидан ҳарбий воқеаларга аралшиб юрган саркарда подшоҳ Хусайн Бойқародан ҳам устун туради. Чунки катта ҳарбий салоҳиятга ва етарлича ҳаётий тажрибаларга эга бўлган Хусайн Бойқаро кўзда тутилаётган шароитда вазиятни чуқур тушуниб етмаган эди. У ҳатто, Навоий ҳужумга ўтиш мақсадини роятда сир тутиш лозимлигини уқтирганда: "Бу ҳақда шу муболаға ва таъкид қилишнинг сабаби нима?" — деб таажжубланади.

Ҳикоянинг давомида нақл қилинишича, Хиротга яқин боргач кўпчилик султонлар Едгор Мирзо қароргоҳига тушган пайтида ҳужум қилиш лозим, деган фикрда бўладилар. Хусайн Бойқаро эса Навоий режаларига амал қилиб, Мирзо Едгор Муҳаммад устидан ғалаба қозонади.

Кўриниб турибдики, Хондамир тасвиридаги Навоий Жомий ва Давлатшоҳ Самарқандийлардаги талқиндан ҳам мавзу йўналиши, ҳам ифода йўсини билан фарқ қилади. Хондамир Навоий фаолиятининг бутунлай ўзга қиррасини ёритади ва буюк шоир образининг янги хусусиятини кашф этади.

Алишер Навоий фаолиятининг бу қирраси Ойбекнинг "Навоий"

1) Навоий замондошлари хотирасида. Тўплам. Қайд этилган нашр, 83-бет.

романида бир мунча кенг тасвирланганки, бу ҳақда биз ишимизнинг кейинги бобида муфассалроқ тўхталиб ўтамиз. Хондамир ўз китобининг "Карам ва саховатнинг шарафи ҳақида" деб номлаган қисмида ҳам Алишер Навоий тўғрисида учта ҳикоят келтиради. Мазкур ҳикояларда Навоийнинг илм аҳлига маънавий раҳнамолигигина эмас, шунингдек, моддий мададкорлиги ҳам еритиб берилган. Унинг ўз бойлигини халқ манфаати йўлида аямасдан сарф қиладиган давлатманд шахс сифатидаги хусусиятлари бадиий, ишонарли талқин қилинган.

Бурҳонуддин Атоуллоҳ ҳақида "Мажолис ун-нафоис"да шундай маълумот берилган:

Хондамирнинг "Хулосат ул-ахбор" ("Баъзи воқеаларнинг қисқача баени) асарида ёзилишича, Амир Бурҳонуддин Атоуллоҳ ўспиринлик ёшида (йигитлигининг аввалида) Нишопур шаҳридан Ҳиротга келиб, Навоий тарбияти туфайли илм-фанда ўз тенгқурларидан ўзиб кетади. У яхши хулқ, бенуқсон таъб, юксак фаҳм-фаросат ва кўпгина фазилатлар соҳиби бўлган. У Шохруҳ мадрасаси ва Алишернинг "Халосия" хонақоҳи ва "Ихлосия" мадрасаларида мударрислик қилган. Бурҳонуддин Атоуллоҳ ўзининг "Рисолаи қофия" асарини улуг Алишер Навоийнинг табаррук номи билан муазайян этган ҳамда "Хайрулбашар амир Алишернинг хислатлари ҳақида "Равзат-ул аҳбоб" номли китоб ҳам ёзган" 1).

Энди ҳикояда яратилган Навоий образи талқинига қайтайлик.

Ҳикоянинг баенига кўра, Алишер фикрлашни теранлаштириш учун баъзи-баъзида шатранж сингари мантиқ талаб ўйинлар билан ҳам шуғулланиб турган. Ана шундай машғулотларнинг бирида, юқорида номи қайд этилган Бурҳонуддин Атоуллоҳ "бир мансабдордан" ранж

1. "Навоий замондошлари хотирасида", 68-бет.

чекканлиги туфайли Алишердан мадад излаб сизиниб келади. Нафсиламбирини айтганда, Султон Хусайн Бойқаронинг энг яқин кишиси бўлган, ҳокимиятни бошқаришда иккинчи ўринни, баъзи-баъзида шароит тақозоси билан биринчи ўринни ишғол этган Алишер Навоийга халқ учун керакли бўлган Бурҳонуддин Атоуллоҳнинг илтимосини қондириш ҳеч гап эмас эди: у мансабдор шахс номига икки энлик хат ездириб юборарди, холос. Лекин у бундай қилмайди. Шатранж ўйинини давом эттирар экан, Бурҳонуддининг арзига ўз муносабатини билдирмайди. Афтидан, у шундай мулоҳазаларга берилиб, уни хаёлида кечиради: икки энлик хат езиб, у мансабдорни тизгинлаб қўйиш ҳеч гап эмас. Лекин у пасткаш билан пачакилашиб ўтириши лозимми? Ўз манфаатидан бошқа нарсани кўролмайдиган у пасткаш-мансабдор, албатта, бўлмағур сассиқ гаплар ҳам тарқатишдан қайтмас. Шу туфайли ўзимга тааллуқли бўлган (бир вақтлар Муҳаммад Мўйинга совға қилинган бўлса эҳтимол) мавлоно Мўйин ҳовлисини Бурҳонуддинга берсам-чи?

Алишер тахминан ана шундай мулоҳазалардан келиб чиқиб, сўнгги қарорга келади ва фикрини амир Атоуллоҳга айтиб, уни шодхуррам қилади.

Ҳикояда Хондамир асосий урғуни Алишернинг сахийлигига қаратишга ҳаракат қилган бўлса-да, ўқувчи ҳикоя мазмунидан Алишернинг чуқур мулоҳаза эгаси эканлигини, ҳар бир ишни обдон ўйлаб, сўнгга амалга оширувчи киши бўлганлигини англаб етади. Унинг кўз ўнгиде Алишернинг чуқур мулоҳазалар оғушидаги дардчил, тадбиркор, қатъиятли қиёфаси гавдаланади.

Буюк Алишер Навоий қачон саховатга ўз кафтини очмасин, у давлат манфаати ва халқ осойишталигини кўзлаб иш тутар эди. Унинг

жон-жонига эл муҳаббати, унинг тинчлиги, фаровонлиги ва осудалиги, орзуси сингиб кетган эди. У ўзининг бир ғазалида қатъий ҳукм билан битганидек, "Элга қилса бир жафо, юз қатла фаред айларам", деган эътиқодда яшар эди.

"Мақорим ул-ахлоқ"да ҳикоя қилинишича, Ҳусайн Бойқаронинг "... девон хизматчилари баъзи бир зарур харажатлар учун халқ устига оғир солиқлар юкламоқчи бўлганларида улуғ амир халқнинг қийналмаслиги ва бу ҳол салтанат низомига бузуқлик солмасин учун бу маблағларни ўз ҳисобидан тўлаб юборарди. Масалан, 1500 йилнинг август ойида подшоҳ Мозандарон вилоятида эканлигида, ундан Ҳирот окими амир Муборизуддин Валибек номига Ҳирот аҳолисидан юз минг диноҳ кепакий ундириб етказиш ҳақида фармон қилади. Бундан огоҳлантирилган Навоий:

Бу фурсатда халқ устига ўринсиз солиқ солишни олий даражали Соҳибқирон давлатига муносиб кўрмаймиз, — деди-да, мазкур маблағни ўз ҳисобидан тўлаб юборади.

Бошқа бир ҳикояда тасвирланишича, 1499—1500 йилларда шаҳзода Муҳаммад Муҳсинмирзо Сабзавор қалъасида маълум миқдорда ғалла жамғармоқчи бўлади. Лекин вилоятда ғалла тугаган эди. Халқнинг омборлари ҳам бўш эди. Шунда шаҳзоданинг ёнидан амирлар олий фармон билан Алишернинг шу шаҳардаги ғалласини ҳукумат ихтиёрига ўтказишни маслаҳат берадилар. Бироқ шаҳзода бунга қарши чиқиб: "Амир жанобларининг ғалласидан маълум миқдорда олиш у ёқда турсин, ҳатто унга ҳеч ким тўғридан тўғри кўз ташлай олмайди ҳам", — дейди.

Бу хабар олий табиатли Амирга етиб боргач, маҳдумзода ҳақида яхшилар дуолар ўқиб, Сабзавордаги ҳамма ғаллаларини шаҳзодага

тортиқ қилди. Бу ҳақда ноиблардан бирига мактуб ёзилиб, унда шулар айтилди: "Валлоҳим, гарчи ҳар бир бугдой ўрнида бир донадан марварид бўлганда ҳам у зотдан аямай, ҳаммасини назр қилиб, меҳр-муҳаббат уруғини маҳдумзоданинг дилларига сочар эдим" 1).

Мазкур воқеага юзаки қаралса, унда гўё Навоий шахси турли мақтову мадҳияларга мойил қилиб талқин этилгандек туюлади. Гўё маҳдумзоданинг Навоийга тегишли бугдойга кўз олайтириш гуноҳи азимлиги борасидаги сўзлари буюк шоирни маҳлиё этгандек. Бирок бу тасвир этилган воқеалар таҳлилининг юзаки томони холос. Унинг моҳияти Навоийнинг юксак бир ички фахр билан битган "Шаҳон кўрмади мен каби нодире" сатрида яшириндир. У еки бу соҳадаги нодирлик, метод нодирлиги шахснинг фаолияти, хатти-ҳаракатидаги ўзга қирраларга ҳам таъсир этади, уларни ҳам ўша марказий нодирликка мувофиқлаштиради ва аксинча. Алишер Навоийда биз ана шундай қирраларнинг мувофиқлашувининг гувоҳи бўламиз. Бунинг исботи юқоридаги ҳикоятда баён этилган маҳдумзода ва Навоий муносабатидир. Чунки Навоийнинг фахрия усулида айтган ўз нодирлиги ҳақида айтган фикрнинг бевосита амалдаги ижросини кўрган ва эшитган одамлар учун маҳдумзода ҳамда Навоий муносабатига оид воқеалар ўта эриш туюлган бўлиши мумкин. У еғи энди тарих. Нима бўлганда ҳам мазкур ҳикоятда Навоий характериинг энг муҳим қирраларидан бири бадий тадқиқ этилган.

"Мақорим ул-ахлоқ"да келтирилган бошқа бир ҳикоятда биз пойтахт билан узоқ вилоят ҳокимлари ўртасида дўстона вазиятнинг барқарор бўлиши учун курашган, бу ишда ҳамфикр бўлган

1. "Навоий замондошлари хотирасида". 100-бет.

кишиларни... ғоятда қадрлаган Алишер Навоийга дуч келамиз. Хикоятда баён этилишича, Султон Бадиуззамон мирзо Астробод вилоятига ҳоким этиб тайинланади. У вилоятни сайр қилиб юрган кунларнинг бирида Алишер Навоийга қарашли юртлардан бўлган Хайрабод қишлоғига келиб қолади. Бу ерда яшовчиларнинг феъл-атвори унга еқиб қолиб: "Ё раб, ҳазрати султоннинг яқин дўстидан бу қишлоқни бирор киши восита бўлиб бизга сотиб олиб берса нима бўлади", деган гапни айтади. Бу йиғинда амир хизматчиларидан Хожа Гиёсиддин Муҳаммад Дехдор ҳозир эди. Бу сўзларни эшитиб, арз қилди: "Валинеъматим, ва маҳдумимга (Навоийга — А.Н.) менинг яқинлик ва ноиблигим шу қадарки, ул ҳазратнинг мол-ашёсини истаганча тасаруф қилишим мумкин. Эндиликда ул киши тарафларидан бу қишлоқни шаҳзодага тортиқ қилдим". Султон Бадиуззамон мирзо хурсанд бўлиб, ҳазил тариқасида мазкур хожага тизза уриб (яъни, бир тиззасини ерга уриб) қўйди.

Бу хабар олий табиатли Амирнинг қулоғига етгач, Хожа Гиёсиддиндан мамнун бўлиб, бу қилган яхши хизматлари учун у кишига махсус сарупо ва бир от пул деб 1000 кепакийни Астрободга юборадилар" 1).

Бу ўринда шу нарсага аҳамият бериш лозимки, Алишер Навоий Хусайн Бойқаронинг ақлли, билимли ва қобилиятли ўғли Бадиуззамон мирзога катта аҳамият билан қарар эди. Мустақил фикр эгаси бўлган бу шаҳзода ва Хусайн Бойқаро орасида мустаҳкам тотувлик бўлиши давлат ва халқ манфаатига молик бўлган муҳим омиллардан ҳисобланар эди. Навоий юқоридаги хикоятда акс эттирилганидек

1. "Навоий замондошлари хотирасида". Тўплам. Қайд этилган нашр. 99-бет.

тортиқларни амалга оширар экан, ана шуни ҳисобга олар эди. Келтирилган ҳикоятда эса Навоий образининг яна шу қирраси ўта ишонарли очиб берилган. Шу нарсанинг ўзи ҳам тарихий ҳикоя-ривоятлар Навоий характери бадий еритишда муҳим восита ҳисоблана олишини кўрсатади. Ҳикоятларда берилган ва бевосита Навоий шахсига алоқадор эпизод сифатида тасвирланган у еки бу воқеа тарихан айнан шундай кечмаган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ улар Навоий шахсияти ва унинг Шарқда тарқалган катта обрўи олдида шунчаки бадий қайдлар бўлиб қолади ва шоир характери қирраларини еритишда воситачилик касб этади.

"Алишер Навоий Шарқ уйғониш даврининг маданий марказларидан бири бўлган Ҳиротда шу даврнинг комил ва ҳар томонлама ибратли кишиси сифатида камб бир инсон эди. Уни Европада уйғониш (ренессанс) камолга етган бир даврдаги на Вольтер, на Шекспир, бирон бири билан қиёслаш мумкин эмас. Чунки у Шекспирдан анча олдин (Боккаччо ва Петраркалардан ҳам — А.Н.)... кишилик эҳтиросларини шундай юксакка кўтарадики, бу эҳтирослар ҳозирчага ҳам кишиларнинг қалбини ларзага солади" 1).

Алишер Навоий шахсиятига хос сифатлардан яна бири инсоний нафосат соҳиблигидир. Бу ҳақда тарихий ёдномаларда анча диққатга молик қайдлар учрайди:

"...Олийхазрат амир Алишер мусиқа илмида ҳам шу қадар маҳорат ҳосил қилган эдиларки, агар муаллими соний Абу Наср Форобий ҳаёт бўлганларида унинг шогирдлик сирғасини кулорига тақиб оларди. Қонуну Удда зўр таълим олган. Бинобарин, созанда аҳлининг

1. Иззат Султон. Асарлар, 4 томлик, 3-том, Т., 1973, 391-бет.

кўпчилиги ҳамisha олийҳазратнинг мулозиматида бўладилар" 1).

Яна бир ўринда қайд этилишича, Ҳофиз Қозоқ исмли киши еши анча улгайган бўлишига қарамай, Алишер раҳнамолигида қонун чалишни ўрганади (Алишернинг мусиқа соҳасидаги раҳнамолиги бадий адабиётда яратилмаган) ва ўз даври созандалари даврасида тенги йўқ машшоқ бўлади. Гап бунда ҳам эмас. Созанда ва навозанда аҳли ўзини Навоийга яқин тутиб, баъзан Навоийнинг ноёб фазилатларини юзага чиқаришга ҳам сабаб бўладилар.

Латифалардан бирида айтилишича, мусиқий илмида замонасининг яғонаси бўлмиш мавлоно Алишоҳ бир куни давлатманд олийҳазрат Навоийга арз қилиб: "Сизнинг илтифотингиздан ва марҳаматингиздан умид шулки, вақф бошқарувчилар олти ойлик маошимни бирданига берсалар, ҳар ойда уларга бош оғриғи бўлиб юрсам", - дейди. Олийҳазрат жавоб қилди:

Мавлоно, умримиздан олти кун қолганми, йўқми, билмаймиз. Нима учун сиз омонат ҳаётга бу қадар эътиқод қилиб, олти ойлик маошни олдиндан талаб қиласиз?

Мавлавий жаноблари деди:

Сиз буйруқ бераверинг, улар пулни берверсинлар. Борди-ю ўлиб қолсам, ўша пул гўри кафанимга яраб қолар.

Шу он ҳазрат дедилар: (бадиҳада, халқ иборасини истифода қилиб);

Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало, деганлари сиз экансиз-да!,- дейди ва арзчининг талабини қондиради 2).

Ривоятнинг мазмунидан англашилиб турибдики, гарчанд

1). "Навоий замондошлари хотирасида". Қайд этилган нашр, 78-бет.

2). Ўша тўплам. 102-бет.

замонасининг нодир машшоқи бўлса ҳам, бастакор Алишоҳнинг таъмагирлиги Алишерга ёқмайди. Алишоҳ ҳам анойи эмас. У шоирдаги буюк кудратни — сўз сеҳри кучини яхши билади. Шунинг учун ҳам у "ўлсам гўри кафанимга яраб" деган халқ иборасини ишлатиб, Алишерни мағлуб қилмоқчи. Лекин Навоий ҳам халқ ибораси воситасида таъмагирни мот қилади-да, талабини қондириб юборади.

Бу мутойибада Алишерга хос "нозик феъллик" (Захириддин Муҳаммад Бобур ибораси) чиройли очиб берилган. Бу ҳолат классик тарихий-адабий асарларда буюк Алишер образининг реал инсоний қиёфасини тавсифлашда катта қадам қўйилганидан далолат беради. Визгача етиб келган тарихий мутойибаларда улуғ Алишер Навоийнинг Шарқ кишиларига хос бетга сапчимаслик фазилатлари ишонарли унсурлар воситасида шарқона ажойиб зарофат билан еритилган.

Ёқорида қайд этилган мутойибада яратилган Навоий образига хос хусусиятни ўзбек адабиётидан бошқа бирор бир адабиётдаги характер хусусияти билан таққослаш мумкин эмас. Зероки, Навоий шахсияти тасвири воситасида баён этилган бу хислат фақат ўзбекларгагина хосдир. Навоийнинг характерли хусусиятига хос бўлган, мутойибаларда ўз аксини топган бу фазилатни биз кейинроқ Абдулла Қодирий қалами билан зийнат топган Отабек образида учратамиз. Саҳнада эса Навоий образининг ана шу қиррасини СССР халқ артисти Олим Хўжаев юзага чиқара олган. Ахир тасаввур қилиб кўринг, ий, инсоний маносабатлар нозиклиги ҳақида тор тушунчага эга бўлган бир факирга Навоий оту тўн инъом этади. У киши эса паросатсизлик туфайли ўз характерлари билан Навоийни хижолатли аҳволга сола бошлайди. Навоий ўзининг олийжаноблиги туфайли унинг

айбини бетига сола олмайди. Ниҳоят, ўз шахсиятига хос бўлган юмористик топармонлик билан масалани ўта майин бир йўсинда ҳал этади. Буни ўзбекчасига ҳалим феъллик дейдилар. Демак, бу мутойибада Навоий характеридаги ҳалим феъллик ҳозиржавоблик каби хислатлар, миллий характерда хос унсурлар ишонарли ёритилган.

Ўрта аср адабий-тарихий асарларида Алишер Навоий образининг яратилишини ўрганиш нуқтаи назаридан Зайниддин ибн Абдужалил Восифий (1486-1566) нинг "Бадое ул вақое" асари ҳам асосий манбалардан бири сифатида алоҳида аҳамиятга молик. Чунки бу асарда Алишер Навоий характерининг қатор қирралари бадиий тадқиқ этилади. Алишер Навоийнинг мураббий устоз сифатида Ҳирот адабий муҳитини синчковлик билан кузатиб боргани, ҳар бир ҳаваскор ижодкорга жиддий қизиқиш билан қараганлиги муаллиф томонидан ўзига хос талқин этилади.

Зайниддин Восифий – Алишер Навоийнинг яқин дўстларидан бўлган Мавлоно Соҳибдорога она томонидан қариндош экан. Бир кун у отаси билан шу қариндошлариникига боради. У ерда ҳозир бўлган бошқа меҳмонлар гап орасида муаммо айтиб, уни топишни Зайниддинга ҳавола қиладилар. Зайниддин муаммони тезда ечади.

"Биз уйимизга қайтиб кетдик", – деб ҳикоя қилади Восифий, – Бир оз фурсат ўтгач, мавлоно Соҳибдоронинг хабарчиси келиб, хожа сизни сўрамоқдалар, деди. Биз (яна у ерга) етиб боргач, мавлоно деди:

– Амир Алишер ҳузурларига борган эдик. Мирнинг одати шуки, ҳар кун мени чақириб, бугун шаҳарда бўлиб ўтган ажойибу фаройиб ҳодисалардан нени кўрдингиз ва нима гаплар эшитдингиз, деб сўрайдилар. Мен жавоб бердим: "Бир кишини учратдим. Ўзи 16 еки 17

ешда. Номи айтилмай ўқилган ҳар қандай мушкул муаммони топади. Толиби илмликда, ҳофизу шоирликда катта иқтидори бор". Мир таажжуб билан, сен уни имтиҳон қилдингми, дедилар. Мен, бир мушкул муаммони номини айтмай ўқиган эдим, ечди, дедим.

Ҳазрати Мир менга:

— У кишини нега олиб келмадинг? — деб эътироз билдирдилар..." 1).

Восифий ҳикояни давом эттириб, шундай ёзади:

"Алқисса, эрта билан мавлоно Соҳибдоро уйига етиб келдим.

Мендан бешқа у кишининг ҳузурида яна уч толиби илм бор экан... Улардан бири муаммой... Иккинчиси қасидагўй... Учинчиси маснавийни жуда яхши айтар эди..." 2)

Восифий ана шулар қаторида Навоийнинг олий мажлисига (суҳбатига) кириб боради, Алишер ва унинг надимлари иштирокида биринчи жиддий синовдан ўтади.

"Бадое ул-вақое"нинг "Амир Алишер мижози назокати ва латофатининг зикри" бўлимида келтирилган бир ҳикояда баён этилишича, Навоий ижод аҳлини синчиклаб ўз атрофига йиғишдан ташқари, уларни сабот билан ўз устида ишлашга, хом-хатала асарлар ёзиш билан машғул бўлмасликларига жиддий эътибор билан қараган. Чунончи, Алишернинг Шайх Баҳдул деган мулозими бўлиб, у ўта фозил, кўп илмлардан хабардор, иншо ва муаммода беназир киши бўлиб, ҳуда-беҳудага ижод қилиб, яратган нарсаси ҳақида доврुक солабермас экан. Баъзилар Шайх Баҳдулнинг бу одатини унинг айбига йўяр эканлар. Бу гаплар ҳазрати Мирнинг муборак кулоқларига

1). "Навоий замондошлари хотирасида". Тўплам. Қайд этилган нашр. 167-бет.

2). Шу тўплам. 169-бет.

етгач, мавлоно Баҳдул шаънига қуйидаги байтларни айтдилар:

Хоки машриқ, шунидаам, ки кунанд,
Ба чеҳил сол косаи чини,
Сад ба рӯзе зананд дар Бағдод,
Лоҳарам, қийматаш ҳамебини!" 1).

Яъни: Шарқ тупроғини қирқ йил тепиб, сўнгра ундан чинни коса ясайдилар, деб эшитганман. Бағдодда бир кунда юзта чинни коса ясайдилар. Энди бу косаларнинг қимматига ўзинг баҳо беравер!

Келтирилган бу ҳикояда Алишер Навоийнинг бадиий ижод соҳасидаги эстетик нуқтаи назаридан бири – бадиий ижодга ўринсиз шошма-шошарликнинг ёт эканлиги ҳақидаги қарашлари акс этгандир. Биз Алишер Навоийнинг санъатхонасини (устод М.Шайхзода ибораси) кўздан кечирар эканмиз, унинг ялқовроқ ижодкорларни кўпинча қойиғанлигининг гувоҳи бўламиз. Унинг ўзи эса ақл қила олмас даражада кўп ва хўб езган. Бироқ Навоий ялқовликни қаттиқ қаралағанлиги ҳолда шошма-шошарликка ҳеч вақт ижобий ҳодиса деб қарамаган. Бу жиҳатдан "Мақорим ул-ахлоқ"да келтирилган бир латифа гоят ибратлидир:

Алишер Навоий ўз даврининг пешқадам шоирларидан ҳисобланган хожа Осафийга танбеҳ бериб:

Сенга ҳайронманки, ўткир зеҳнинг ва таъбинг бўла туриб, шеър айтиш билан кам шуғулланасан, бор вақтингни бефойда ишларга сарфлайсан.

Шу кунларда кўпроқ шеър айтишга машғул бўлаётирман. Масалан, ўтган кеча икки пуллик шам ёниб битгунча икки юз байт айтдим.

Шунда олий ҳазрат дедилар:

1. "Навоий замондошлари хотирасида". Тўплам. Қайд этилган нашр. 169-бет.

Демак, езган шеърларингнинг юз байти бир пул экан-да 1).

Бу ўринда Алишер Навоий нутқида ҳазил-мутойиба, кулгидан ҳам ачиниш, ижодкор аҳволига ачиниш оҳанги кучлироқдир.

Хондамир ҳам, ҳатто айрим тадқиқотчилар ҳам латифадаги чуқур киноя, ҳақиқий ижодий маҳсулдорлик учун қуйинишни чуқур англаб етмайди-да, Навоийнинг ҳозиржавоблигига маҳлиё бўлиб қўя қоладилар. Аслида эса, бу латифа заминида ижод эстетикаси билан боғлиқ бўлган фикр ётадики, Навоий характерининг ана шу қиррасини ўтмиш адабиётимизда бадиий тадқиқ этилгани ҳам беҳикмат эмасдир.

Восифий ўз китобида Соҳибдоро тилидан яна шундай бир ҳикояни ҳам келтиради:

"Бир куни Мир дўстлари билан суҳбат қуриб ўлтирарди... Каминага дедилар: "Ҳазрати Маҳдум устод (Жомий) анчадан бери беморлар. Мен у кишини иедат қила олмадим. Бориб, узргоҳлик қилсанг".

Мен чиқиб кетишим билан таом тортилибди. Таомдан сўнг мажлис аҳли ҳазрати Мирнинг кўпчилик олдида кўнгиллари беҳузур бўлиб, ёлғизлик талаб қилиш одатлари хотираларига келиб... ўринларидан турдилар-да, ташқарига чиқадилар. Мирзо шу куни суҳбат ва улфатчиликни қўмсаб турган эканлар. Ташқарига чиққан жамоага қараб дедилар: "Ҳар ҳолда Алишернинг уйи ошпазлар дўкони-ю, Алишер эса ошпаз эканда"... Мен етиб келдим. Мир жаҳллари чиқиб турганидами, мени Мавлоно ва устоз енига иедатга юборганлари хотираларидан кўтарилиб, дедилар: "Ана, эй Соҳиб, сенга нима бўлди. Ошдан кейин енимда бирпас турмайсан! Ё сен ҳам манави паст, нафс кетидан юрувчи одамларга тақлид қилмоқчимисан?" Мен

1. "Навоий замондошлари хотирасида". Тўплам. Қайд этилган нашр. 101-бет.

тиз чуқиб, дедим: "...Офтобдек мунаввар хотирангизга махфий қолмасинки, сиз бу фақирни охунд иёдатига юрган эдингиз чамаси?"

Ҳикоянинг давомида баён этилишича, Алишер шуъладек қизишиб, ўз харамига кириб кетади ва бир неча кун Соҳибдоро билан сўзлашмайди.

Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, ҳикояда Навоий шахсиятига хос бўлмаган ўта кўполлик хусусияти унинг образига тиркалган туюлади. Навоийдек фаришта феъл кишининг ўз меҳмонларини паст, нафс кетидан, ярувчи деб ҳақорат этиши ҳақиқатга тўғри келмагандек таассурот қолдиради. Восифий гўё меҳмонларни роса сипоришлаб, кўнгилсизликнинг сабабини Навоий жаҳли тезлигига йўйгандек.

Авваламбор, келтирилган ҳикоядаги Навоий шахсиятига ҳеч бир штрихнинг муаллиф томонидан зикр этилган қайдни эътибордан соқит қилмаслик керак. Шунда Навоий ҳатти-ҳаракатидаги биз учун ғайри табиий туюлган барча хусусиятлар вазият тақозоси билан яна табиийлик кашф этади. Содир бўлган воқеаларга муаллифнинг муносабати ҳам ойдинлашади. Ана шу фикрдан чиқиб, меҳмонларнинг кетиб қолиш сабабини аниқлайлик. Муаллифнинг таъкидлашича, "мажлис аҳли ҳазрати Мирнинг кўпчилик олдида кўнгиллари беҳузур бўлиб, елғизлик талаб қилиш одатлари хотирларига келиб... бир-бирига боқишиб, ўринларидан турдилар-да, ташқарига чиқдилар". Нега шундай бўлди, нега Навоий елғизликни кўмсар эди? Эҳтимол, уни ижод тўлғоғи шундай ҳолатга солгандир, эҳтимол оиласи йўқлиги. Ҳар ҳолда бу томони ҳозирги китобхон учун қоронғулигича қолади. Мажлис аҳли ҳам бу ҳақда ҳеч нима демайди, фақат "бир-бирларига боқишиб, секин ташқарига чиқиб кетадилар.

Навоий характериға хос хусусиятни очувчи иккинчи чизги "Мирзо шу куні суҳбат ва улфатчиликни кўмсаб турган эдилар" жумласидадир. Мазкур жумла Навоий ҳаётига, фаолиятига оид энг характерли хусусиятни ёритади, унга ойдинлик киритади. Демак, Навоий аксарият вақтини ижодга, халқ, мамлакат фаровонлигини яхшилашга сарфлаган, вақти-вақти билангина "суҳбат ва улфатчиликни кўмсаган". Бу— Навоий шахсияти ва фаолиятига оид энг муҳим нуқта. Матнининг кейинги сатрларида диққат билан қулоқ тутайлик:

"Ташқарига чиққан жамоага қараб, Мир ғазаб ва эътироз билан дедилар: "Ҳар ҳолда Алишернинг уйи ошпазлар дўкони-ю, Алишер ошпаз экан-да. Харидорлар келадилар-у, ош еб кетаверадилар..."

Энди ҳар уч парчани мантиқан бир-бирига муқояса қилайлик. Мажлис аҳли Навоийнинг "елғизликни кўмсаб одатларини хотираларига келтириб" аста-секин ташқарига чиқадиладар. Навоийнинг эса айнан шу кун, елғиз қолгуси йўқ эди. Чунки у "шу куні суҳбат ва улфатчиликни кўмсаб турган" эди. Бир-бирини тўлдирувчи, бир-бирини тақозо этувчи ҳолатлар. Мажлис аҳлини гаплашмасдан, бир-бирларига қарашиб, ташқарига чиқиб кетишлари ҳам, Навоийнинг ғазабланиши ҳам мантиқий-психологик жиҳатдан асосланган. Навоий мажлис аҳлини тортилган таомни тановвул этиб, суҳбат қурмасдан чиқиб кетишларини инсон сифатида ўзича баҳолайди. Мажлис аҳлининг ўз буюк шоирига бўлган буюк меҳрини ("елғизликни кўмсаб одатларини" хотирлаб чиқиб кетишини) Навоий тушунишни ҳам ҳоҳламайди. Чунки у айнан "шу куні суҳбат ва улфатчиликни кўмсаб турган" эди. Навоийга айнан шу куні, айнан таом еб бўлингач, суҳбат ва улфатчилик даркор эди. Унинг руҳий аҳволи, бутун

борлиғи бундан ўзга ҳеч нарсани тан олмас, ўзга ҳеч нарсага, ҳатто, ғазал мулкида султонликка ҳам мойил эмас эди. Навоийнинг ана шундай руҳий аҳволини ҳис қилмаган мажлис аҳли эса уни шундай ички қониқишдан маҳрум қилиб қўйди. Алишер Навоий ҳам, энг аввало, бошқа атрофини ўраган кишилар каби бундай ҳолатларга руҳий эҳтиёж сезарди. Бироқ ана шу бошқалар Навоийни ижтимоий-иждодий фаолиятдан чалғитмаслик учун уни безовта қилмаслик йўлини тутар эдилар. Бу вақтларда бундай муносабат шоир ва давлат арбоби ҳолатига мос тушар, баъзан эса аксинча уни ана шу каби ноқулай руҳий вазиятга солар эди. Зайниддин Восифий қаламга иккинчи ҳолатни олган ва Навоийнинг фаолиятидаги биз учун энг қоронғу бўлган қиррани ишонарли, таъсирчан еритиб берган.

Навоийнинг ғазабланиб айтган сўзлари, шуъладек қизишиб ўз ҳарамига кириб кетиши эпизодига келсак, бу ҳол унчалар исботталаб эмас. Чунки бундайин ҳолатда ички руҳий қониқишлардан маҳрум бўлиш дақиқаларида ҳар қандай одамнинг ҳам асаб тизгинлари бўшашиб, қабул қилинган одоб чегарасидан чиқиб кетиши табиий. Навоийни ҳам бунга тўлиқ ҳаққи бор эди.

Таҳлилнинг руҳиятидан кўриниб турганидек, Навоий ва мажлис аҳли ўртасидаги тушунмовчиликнинг асоси мантиқий-психологик жиҳатдан ишонарли далилланган. Хўш, Навоий ва Соҳибдоро муносабатидаги англашилмовчилик-чи? Унинг асоси нимада? Унинг асоси ҳам худди ўша "куни суҳбат ва улфатчиликни кўмсаб турган" Мирнинг руҳий ҳолатидир. Буни ҳикоятнинг сўнггида берилган Навоийнинг сўзлари ҳам исботлаб турибди.

"Эй, мавлоно Соҳиб, ғалат ва хатога йўл қўймаслик парвардигоргагина раводир. Мен камоли ғазабим туфайли сени устод

охун иёдатига жўнатганимни фаромуш қилгандурман. Сенга эътироз билдирдим. Тиз чўкиб, ҳаммага билдириб, шуни айтишинг ва Алишерга нима бўлдийкин, қариб, ақлдан озибдими, деб ҳамманинг кўзи олдида мени шарманда ва хижил қилишинг лозимиди? Дўстлик олами нима бўлди? Ўтиниб қўйсангу менинг бу хатоимни беркитсанг ва мени одамлар ҳайратига сабабчи бўлишдан сақласанг бўлмасмиди?"

Навоийнинг ана шу сўзларини эшитгач, мавлоно Соҳиб хато ўз томонидан ўтганлигини тан олади.

Навоий Соҳибдоро билан бўлиб ўтган англашилмовчиликнинг сабабини "мени камоли ғазабим туфайли" шундай бўлди тарзида изоҳлайди. Шоир ғазабланишининг сабаби эса бевосита ўша "куни суҳбат ва улфатчиликни қўмсаб тургани" билан ва бу ўз навбатида мажлис аҳлини ҳазрати Мирнинг "елғизлик талаб қилиш одатларини" хотирлаб, аста-секин ташқарига чиқиб кетишлари билан узвий боғланади, бадий-мантиқий далилланади.

Таҳлилдан кўриниб турибдики, Восифий Алишер Навоий характеридаги кенг оммага унчалар маълум бўлмаган хусусиятни ўта изчил ва бадий жиҳатдан ўта ишонарли тадқиқ этган.

Холисанилло айтганда, ҳикоянинг хотима қисмидаги эпизодда Навоий характерида ўз замонасида ўта олийжаноблик, пурандешалик билан шуҳрат топган шоирга хос бўлган муайян фазилат очиб берилгандир. Фикримизни тасдиқлаш ва Восифий ҳикоясида баён этилган воқеалар билан қиёслаш учун "Мажолис ун-нафоис" дан қуйидаги бир иқтибосни келтириб ўтишни лозим кўрдик.

Тазкиранинг саккизинчи мажлисида баён этилишича, Қундуз ва Хисор тарафларидан Ҳиротга келиб қолган бир йигит – мавлоно Қобулий форсий ва туркий шеърлари билан подшоҳона таҳсин ва

эхсонларга эришиш шарафига муяссар бўлган экан. Шу йигит бир куни:

Наъл кестим дарди афзун бўлдию кам бўлмади,
Дог кўйдим сўзи кам бўлғай дебон ҳам бўлмади —

матлаъли бир газал битиб, Хусайн Бойқаро олий мажлисига киритишни ният қилади. Бироқ шеърнинг айрим байтлари аро мутаносиблик, қофияларида сохталик бор эди. Унинг илтимоси билан Навоий газални таҳрир қилади ва ўзидан:

Сарв мойил бўлдиким, ўпгай аёғин туфроғин,
Йўқса ҳар соат сабо таҳрикидин ҳам бўлмади,—

байтини ҳам қўшади. Қобулий шеърни кўчириб, уни олий мажлисга етқазади. Хусайн Бойқаро шеърни ўқиб кўриб, иккинчи байти " унинг (Қобулийнинг) назмининг ранги эмас", бу байтни унинг учун Навоий езиб берган, деган фикрга келади—да, мажлисда ҳозир бўлган Алишердан бу ҳақда сиз нима фикрдасиз, деб сўрайди. Алишер тан олмайди. Хуллас, масала равшан бўлгач, подшоҳ Қобулийни мажлисга чақиртиради. У билан мутояба қилмоқчи бўлади. Бироқ, шоир йигит айтиб келингач, подшоҳ шеър ҳақида оғиз ҳам очмайди. Ҳамма тарқаб, икки-уч киши қолгач, бир наввоб подшоҳдан Қобулий билан мутояба қилишлик хотирингиздан чиқдими, деб сўрайди. Подшоҳ унга: "Унутилмади. Аммо ул сўз зикрида анча уят бўлур эрди, тиламадумки, ғариб йигит мажлисда эл орасида уятлиғ бўлғай; ул сабабдан анинг шеъри ва ул байт бобида сўз дейилмади" 1).

Шундан сўнг Алишер сиз фақат шоир йигитга эмас, балки менга ҳам раҳм қилдингиз, деб подшоҳни шарафлайди.

Восифий ҳикояси билан мазкур ҳикоя орасида боғлиқлик шундаки,

1. Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 12- том. Тошкент, Ф. Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриети, 1966, 208-209-бетлар.

инкаласида ҳам андишалилик улугланади. Восифий ҳикоясида Навоий образининг ана шу қирраси яна ҳам ишонарли очиб берилгандир.

"Бадое ул-вақое"да келтирилган баъзи бир ҳикояларда Алишер Навоийнинг подшоҳ саройида мансабдор турган чоғида ҳам, саройдан четда бўлган пайтларида ҳам ижтимоий зулмга қарши жиддий ва сабот билан турганлиги, ўта тadbиркорлик билан золим, амалдорлар ҳақида подшоҳга хабар етказиб, золимларга ғов бўлганлиги, бир сўз билан айтганда, Навоийнинг фаол характери ўзининг бадиий ифодасини топади.

Восифийнинг Муҳаммад Бадахший тилидан ҳикоя қилишича, олижаноб мирзо султон Ҳусайн Баҳодирхоннинг Мирҳожии Пири баковул деган бир мулозими бор эди. Бу жоҳил ва мағрур баковул ўзини Алишер билан кай тарзда муомалада бўлишни халққа кўрсатмоқчи бўлади. Бир куни тахтиравондан (одамлар кўтариб юрадиган тахт – А.Н.) бир ҳурматли зотни олиб чиқишади. Мир Алишер ўз дарвозасига қадам кўйиши билан тахтравон ичидан товуш эшитилади: "Маҳдум, бугун мулозимларингиз ҳазрати Мирзо (Ҳусайн Бойқаро) ҳузурида ажойиб гапларни айтишди", – дейди-да, ўтиб кетаверади. Ўшанда одамлар орасида подшоҳнинг Мирдан кўнгли қолибди, деган баъзи иғво гаплар юрарди. Мир шундан музтариб бўлиб, тахтиравон орқасидан югуриб:

Маҳдум бирпас тўхтанг!

Маъзури тутинг, Мирзо мени бир зарур иш билан жўнатдилар, шошиб турибман.

Айтишларича, Мир тахтиравон орқасидан йигирма қадамча югуриб борганлар.

Мир ҳазрати Мирзо билан мулоқот пайтида ўзлари тахмин қилган гаплардан асар ҳам сезмади. Шох хизматида қайтгач, баъзи

яқинларидан шоҳнинг кайфиятини сўради. Улар: "Мирзо бугун сизни яхши гаплар билан эсладилар. Ҳеч бир мурид бундайин иззату ҳурмат билан ёд қилмайди, дедилар", дейишди (176-177).

Ҳазрати Мир Мирҳожӣ Пирнинг мақсадини англаб етади. Бироқ Алишер бу пасткаш баковулдан ўзининг ноҳақ таҳқирлангани ва алдангани учун ўч олишга шошилмайди. Бирор йил уни жиддий ўрганади. . Натижада подшоҳнинг бепарволиги туфайли унинг хизматкорлари, жумладан, Мирҳожӣ баковул ҳаддан ташқари манмансираб кетганлиги, давлат ва жамият манфаатлари зиддига иш қилаётганликларига тўлиқ ишонч ҳосил қилгач, воқеани аччиқ изтироб ва кесатик орқали подшоҳ эътиборига етказди. Алишер Хиротнинг Ферузобод дарвозаси яқинида шундай манзарани кўрган эди:

"...Бир тўда йигитлар тозинажод отларга миниб келиб қолдилар. ...Улар ортидан ҳай-ҳуўлаб келаётган кишилар кўринди. Ясовуллар одамларни четга сура бошлади. ... Қимматбаҳо гавҳару ёқутлар билан безатилган тахтиравонда Мирҳожӣ Пир пайдо бўлди. Унинг товланишидан (гердаишидан – А.Н.) оламни еритувчи куёш ҳам хира тортарди. Пахтагуллик жомаси чўнтагу ёқалари зарбофт, гавҳар қадаб безатилган эди. Бошида минг баҳалик шафтоли гулли тақя қийшайтириб қўйилган, қўлида кўк дастрўмол, арғувоний таёк ушлаганиди. Тахтиравонни тўрт еш йигит елкасига кўтариб олган эдики, улар оразидан ойу офтоб рашки келарди. Тахтиравон олдида ўн чорли йигит тилла, нуқра ва чини май идишларини кўтариб олишган. Қўлларида лаъл, фερуза, забаржад ва ёқут пиелалар. Тахтиравон ҳар беш-олти қадам юрганда Пир бир пиела чой ичиб, газзагига ҳалиги йигитчалардан бирини бўса қиларди. Ҳоят хушҳол

бўлдики, худога шукур подшоҳ мулозимлари Қайковусу, Афросиёб, Хусраву Парвиз, Бахрому улуг султонлар ва эҳтиромли ҳоқонлар муяссар бўлмаган нашу намода ярибдилар " 1).

Ҳикоянинг давомида баён қилинишича, подшоҳ бу воқеани "эшитиб, ўзи билан ўзи бўлиб" қолади ва бир соатнинг ичида Хожа Пирни "саодат авжидан кўтариб олиб, хорлик тупроғига ташлайдилар".

Бу ўринда шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, Алишер бу ишни Восифий уйлаганидек, Хожи Пирдан ўч олиш учун қилмаган! Алишерни Хусайн Бойқаро даврида оддий бир баковулнинг, ҳатто Қайковусу Афросиёблар ҳам ийманадиган даражада дабдабага берилиши, халқнинг кўзи ўнгида райри-ахлоқий ҳаракатлар қилиши ғазаблантирган. Бу нарсаларнинг албатта, ҳукумат шаънига доғ солишини англаган Алишер бундан шоҳни огоҳлантиришни ўз инсоний бурчи деб билган ва бир пасткашни жазолатиб, халқнинг Хусайн ҳукуматига рағбатини қўзғатган.

Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, биз Восифий ҳикояларида Навоий образининг яна бир янги қиррасини ўз ифодасини топган ва бу қирра шоир ҳақидаги бадиий талқинлар силсиласини ўзига хос тадқиқ билан тўлдирилган.

Шарқ классик адабиёти манбаларида, жумладан, эпик асарлар ва лирик шеърят намуналарида у ёки бу муносабат билан айтилган, Алишер Навоий образининг бирор бир қиррасини еритувчи фикрлар ҳам ўта салмоқлидир. Лекин биз Абдурахмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир, Восифий асарлари мисолида классик адабиётида яратилган Алишер Навоий образининг асосий хусусиятлари

1). "Навоий замондошлари хотирасида". Тўплам. Қайд этилган нашр: 177-178-бетлар.

хақида етарлича гапириб ўтганлигимиз ва такрорга йўл қўймаслик учун адабиёт тарихидаги Навоийга доир барча материалларни таҳлил доирасига қамраб олишни ортиқча деб ҳисобладик. Шунинг учун ҳам эпик ва лирик поэзиядаги энг муҳим баъзи бир фактлар устидагина тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Эпик поэзияда Навоий образи яратилган асарлар ичида ўта маҳсулдор ва истеъдодли, Алишер Навоий эътиборига сазовор бўлган форс-тожик шоири Абдулло Хотифийнинг (1454–1521) "Лайли ва Мажнун" асари диққатга сазовордир.

Хотифий ўз достонининг "Мир Алишер таърифида" деб номланган еттинчи бобини Навоий тавсифига бағишлайди. У мазкур бобда профессор Э.Шодиев тўғри қайд қилганидек: "...Ўзининг буюк замондоши Навоийнинг шеъриятдаги юксак маҳоратини, унинг қалам кудратини ва энг инсоний хислатларини улугʻлайди" 1).

Достонда Алишер Навоий йирик илм-маданият, маърифат намояндаси, нозик маъноларни бадий ўта таъсирчан ифодалаб берувчи нуктодонлик денгизнинг ғаввоси, маъно жавоҳирларининг билимдон саррофи, ақл-хушли кишиларнинг барча фазилатларини ўзида мужассам қилган шахс, адолат биносини барпо этиб, жаҳолат хоналарини барбод этган етук давлат арбоби, шунинг учун ҳам подшоҳлик дастгоҳининг бунёдкори даражасига кўтарилган инсон сифатида талқин этилади.

Профессор Э.Шодиевнинг таъкидлашича, "Хотифий ўз асарида Навоийнинг маҳоратига жуда юксак баҳо беради. Уни араб шоири

1). Шодиев Эргашали. Навоий ва Хотифий. "Навоий ва адабий таъсир масалалари" тўплами.. Тошкент, ЎзССР "Фан" нашриёти, 1968, 326-бет.

хассос, улкан сўз усталари Фирдавсий, Ҳоқоний, Амир Хусрав Дехлавий билан таққослаб, Навоий ўз замонида бу буюк адиблар кўтарилган даражадан ҳам юқорироқ поғонага кўтарилганлигини эътироф этади" 1).

Шарқнинг бошқа бир машҳур шоири Ғузулий ўзининг лирик ижодиети ва "Лайли ва Мажнун" достонида Алишер Навоийни туркийгўй, араб ва эроний шоирларга бирор бир жиҳатдан таъсир кўрсата олган доҳий санъаткор қиёфасида тавдалантиради:

Турку арабу ажамда айём,
Ҳар шоира вермиш эди бир ком.
Бўлмишду сафойи дил Низомий,
Ширвоншоҳа душуб кироми
Улмушду Навоийи суҳандон-
Манзури шаҳаншоҳи Хуросон. 2).

Бу парчада Навоийни Низомийга, Ҳусайн Бойқарони Ширвоншоҳга қиёслашдан иборат яширин ўхшатиш ҳам мавжуддир.

Алишер Навоийнинг Шарқ халқларининг жуда кўп илм-фан, санъат ва адабиёти намояндаларига "ком улашгани" турк адиби, саркардаси, шоир Сейди Али Раиснинг: "...Мир Алишерга етиш қийин, ҳаттоки, унинг пайрави бўлиб, резгиларини териб олиш қувватига эга бўла олсам, шунга ҳам розиман" 3) деган орзуси ҳамда озарбайжон шоири Кишварийнинг:

То хони Навоийдан олур чишини шеър,
Қавли Кишварий ушшоқ аро бир аҳли наводур 4).

каби эътирофи, XV асрдан сўнг яшаган қарийб барча ўзбек, тожик шоирлари, шунингдек, Абай, Бердақларнинг Навоийга эҳтироми билан

1). Ўша китоб. 327-бет

2). Ғузулий. Асарлар. Достонлар, 2-жилд. Тошкент, 1968, 10-бет

3). Сейди Али Раис, Миръотул-мамолик. Тошкент, ЎзССР ҒА нашриёти, 1963, 81-82-бетлар.

4). Кишварий. Девон. ЎзССР ҒА шарқ, ин. фонди, инв. н. 652.

тасдиқланади. Лекин биз бу ҳақда ортиқча тўхталмай, келтирилган парчадаги бошқа бир масала хусусида сўз юритишни лозим топдик. Кўпгина Шарқ шоирлари Алишер Навоийнинг олиму фозил инсон, даҳо санъаткор бўлиб етишишида Хусайн Бойқаронинг (шубҳасиз, катта бўлган) ролига ортиқчароқ баҳо бериб юборадилар. Жумладан, худди шу Кишварий қуйидагича ёзади:

Кишварий шеъри Навоий шеъридин иксук эмас,
Бахтина душсайди бир Султон Хусайн Бойқаро.

Тўғри, бу ўринда шоирнинг нияти холис. Лекин Алишер Навоий ҳам фақат Хусайн Бойқаронинг марҳамати, илтифоти туфайлигина оламга донг таратмаган-да! Қизиғи шундаки, Алишер Навоийнинг шухрати сабабларини теран англаб етмай, унинг фаолиятига етарлича баҳо беролмаган шахслар узоқ ўтмишдаёқ Навоийни теран тушунган кишилар томонидан танқид қилинган, яъни унинг образини тўғри талқин қилиш борасида муайян изланишларни амалга оширишган.

Масалан, 1903 йилда Санкт-Петербургда В.Д. Смирнов тартиб берган ва чоп эттирган "Мажмуаи мунтахаботи осори усмония" тўпламида Субулзода Вахбийдан берилган "Сухан" радибли қасидада ҳатто усмонли турк тилини ҳам етарлича билмасдан туриб араб, форс тилларида қалам тебратишга журъат қилган шоирлар танқид қилинади: уларнинг шеърда чигатойча сўз ишлатиб, ўзларини Навоий деб ҳис етишлари қораланади. Чунки улар Навоийнинг шухратига унинг туркий-чигатойча ифода усули сабаб, деган хом хаёл бандаси эдилар:

На хижолатки, ҳануз бир эв туркий билмаз,
Тарзи тозию дарийда эди пайдое сухан...
Чигатойча ики сўз билса, Навоий гежинуб,
Дашти Қибчоқда сонур кандуин қалгое сухан.1).

1. УзФА ШИ фонди, л.н. 4710

Ўзбек адабиёти тарихида ёлғиз ҳолда учраса-да, Навоийнинг қонуний шон шуҳратини тан олмасдан, унинг образини хиралаштириб талқин этишдек қусур ҳам учрайди:

Ғар Навоийдин Адо сўзини ўткирса не тонг,
Шоҳ Умар афзалму ё Султон Ҳусайн Бойқаро 1).

Бу байтни фахрия санъати намунаси тарзида қабул қилиб бўлмайди. Чунки бу байт муаллифи Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида ҳақиқатан ҳам бир мунча тараққий топган маданий-адабий ва илмий ҳаёт тараққиёти даражасини пастга уриш билан Умархон ҳукмронлиги давридаги Қўқон хонлиги ҳаётини идеаллаштириб, сиёсий мақсадларни кўзда тутмоқда. Хонга хушомадгўйлик қилмоқда. Айни пайтда эса Навоийдек даҳо шоирнинг ҳақиқий донғи ва эътиборига беписандлик соясини солмоқда. Шунинг учун ҳам бу байтни ўқиган китобхон кўз олдида Алишер Навоийнинг нуроний образини, Султонхонтўра Адонинг эса чиранчиқ, гариб қиефасини келтириб, таажжубга тушади, ғазабланади.

Демак, булардан англашиладики, Шарқ классик поэтик меросида Навоий образини гавдалантиришда тушунмасдан қилинган чалкашликдар билан бир қаторда, атайлаб, муайян мақсадни қўзлаб қилинган нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Тадқиқотимиз шуни кўрсатадики, Алишер Навоий образи ва унинг ижодига бўлган қизиқиш, бизни катта тарихий манбалар билан таништиради, уларнинг каърида ётган ўтмишнинг унут бўлаёзган сирларидан воқиф этади.

Биз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Алишер Навоий фаолияти ва шахсига алоқадор мулоҳазаларини тадқиқотимизнинг кириш қисми,

1). Бу байт проф. Н. Маллаевнинг "Асрлар эътирофи ва таъзими китобчасининг 12-бетидан келтирилди. Тошкент. 1978.

халқ бадий ижодиёти тадқиқига оид бобида, мавзу талабига кўра бевосита илмий таҳлилга тортганимиз учун бу ўринда яна такрорлашни лозим топмадик. Шунингдек, буюк Алишер Навоий ғазалларига мухаммас боғлаган классик шоирларимизнинг, хусусан, Мунис ва Огаҳийларнинг Навоийни устод сифатида эър ҳурмат билан тилга олган сатрларини келтириб, муайян тадқиқотга айланган мулоҳазаларни такрорлашни ҳам ўзимизга эп кўрмадик. Зеро, таҳлил этилган материалларнинг табиати, эстетик йўналиши ва бадий хусусиятлари ҳам классик адабиётимизда яратилган Навоий образининг характерли томонлари, ўзига хос қирралари ҳақида муайян хулосалар чиқаришга тўлиқ имкон беради.

Ўзбек классик адабиётида яратилган Навоий образи нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у буюк шоир шахси бадий талқинини яратишдаги дастлабки босқичдир. Навоий образи талқинига оид бадий, бадий-хроникал, эпистоляр манбаларнинг юқоридаги таҳлили қуйидаги умумлашмаларни чиқаришга изн беради:

Биринчидан, классик адабиётимиз асосан шеърятимизда буюк Алишер Навоий образини яратишга ўриниш ҳали шоир барҳаётлиги давридаёқ бошланиб, улар шоирни муайян ижобий, афсонавий қаҳрамонларга қиёслаш характерига эга эди.

Иккинчидан, буюк истеъдод эгаси бўлган Навоий ўзининг шоирлик қобилияти ва мавқеига оид баъзи етакчи хусусиятларини "Наҳон кўрмади мен каби нодире", "Элга қилса бир жафо юз қатла фарёд айларам"га ўхшаш сатру байтларида, "Мажолис ун-нафоис" асарида бевосита изҳори дил сифатида ифодалаб берган; учинчидан, классик адабиётнинг эпистоляр жанрида Навоийнинг ижтимоий-ижодий фаолиятига оид муайян қирралар акс этган холос. Унинг характери,

руҳиятига хос етакчи хусусиятларни очишда бу жанрнинг имкониятлари ожизлик қилади.

Тўртинчидан, Навоий образи, унинг шахси, руҳиятига оид хусусиятларни, уша давр тарихий шароити ва маданий ҳаётига оид кўринишларини гавдалантиришда ўтмиш классик адабиётимиздаги ҳикоятлар энг ҳал қилувчи, муҳим босқич ҳисобланади. Бу ўринда айниқса Зайниддин Восифий, Хондамирларнинг ҳикоя қилиш санъати таҳсинга сазовордир.

Бешинчидан, биз адабиётимиз тарихидан Навоий шахсига тааллуқли, ярқ этиб кўзга ташланиб турувчи материалларнинг муайян қисмини олдик. Уларнинг барчасини, бутун жанрий ранг-баранглигини ҳисобга олган ҳолда бир ерга йиғиб ўрганиш алоҳида тадқиқотни тақозо этадики, улар келгусидаги ижодий ниятлар учун асос бўлади, деб ўйлаймиз.

ХАЛҚ ОРЗАКИ ИЖОДИЁТИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ОБРАЗИ
(Ўзбек ва туркман адабиётлари мисолида)

Алишер Навоийнинг ўзбек адабиети, адабий тилини ривожлантиришда буюк хизматлари, бой ва беқиёс ижодий меросини ўрганиш беш аср давомида қанчалик оламшумул аҳамият, қизиқиш касб этган бўлса, унинг шахсиятини талқин этиш ҳам ўтган ана шу давр ичида янада кенгроқ қамровга эга бўлиб борди. Алишер Навоий образининг у еки бу қиррасини очишга хизмат қилувчи, унинг ўз асарларида қамраб олинмаган, акс этмаган хусусиятларини еритувчи кўплаб ҳикоят ва ривоятларнинг яратилиши фақат ўзбек фольклоридагина эмас, балки бошқа туркий халқлар, қолаверса, бутун Шарқ орзаки ижодиётида ҳам етакчи йўналишга айланади. Мазкур адабий ҳодисанинг юзага келишида ўзига хос ички қонуният мавжуд.

Мазкур қонуниятнинг асосларидан бири халқнинг ўз суюкли фарзандига бўлган меҳр-муҳаббати, бу буюк фидойи ватанпарвар олдидаги адо бўлмас "қарзи"ни узишга интилишидир.

Иккинчидан, Алишер Навоий ўз асарларида ("Мажолис ун-нафоис", "Муншаот" вақбилар) замондошлари ва яқин ўтмишда яшаб ўтган шоир, фозилу фузалолар, дин арбоби ва олимлар, уларнинг фаолияти ҳам бетакрор хусусиятлари, жамиятда тутган мавқелари, касб-корлари ҳақида ўта қимматли тарихий маълумотлар қолдирган бўлса ҳам, ўзи тўғрисида "фақир у пайтлар..." дейишдан нарига ўтмайди. Олти юздан ортиқ замондошлари ҳақида, қисқа-қисқа бўлса-да, мухтасар маълумот беришга улгурган шоир асарларида унинг ўзи тўғрисида, шахсияти борасида етарли маълумотга эга эмасмиз.

Учинчидан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур минг афсус билан

таъкидлаган, "олами тавре фард ва жарийда (дунени ғалати елғизликда) ўтқарганлиги" ҳам Алишер Навоий ҳақида кўплаб ҳикоят ва афсоналарнинг юзага келишига сабаб бўлган омиллардан биридир. Халқ севги-муҳаббат ҳақида нафис ғазаллар, ажойиб дostonлар битган буюк фарзанди ҳаётининг ўз асарларида аниқ акс этмай қолган томонларини ўзича тўлдиришга, унинг нурли ва ибратомуз шаклу шамоилини асрлар ва келгуси авлод ардоғида қолдиришга жазм этган.

Тўртинчидан, Алишер Навоийнинг шоҳ султон Ҳусайн Бойқарога ва аксинча, шоҳнинг шоирга бўлган муносабатлари ҳам муайян аниқликларга муҳтож. Зеро, Алишер Навоий, тарихий маълумотлардан маълум бўлишича, Ҳусайн Бойқаро саройида хизмат қилиб юрган кезларида ундан, яъни шоҳдан ҳеч қандай хизмат ҳақи олмаган, бойлик орттириш йўлини тутмаган. Бу ҳақда "Бобурнома" муаллифи ёзади: "Мирзодин (Ҳусайн Бойқародан – Н.А.) нима олмас, балки йилда Мирзога қулий маблағлар пешкаш қилур эди" 1).

Шу ва шунга ўхшаш муносабатларга оид турли-туман гапу сўзлар халқ орасида кенг тарқалгани учун ҳам оғзаки ижодиетида Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг дўстлиги-ю зидлигига оид турли-туман ҳикоятлар вужудга келган.

"Ойбекнинг Ал.Дейч билан ҳамкорликда ёзган "Алишер Навоий" номли танқидий-биографик очеркида шоир биографиясидаги "оқ доғлар"нинг халқ бадиий тафаккури томонидан тўлдирилиши сабаблари қуйидагича изоҳланади.

"Прошли века, но народная память сохранила образ Алишера

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. Ўзбекистон ССР нашриёти, 1960, 233-бет.

Наваи. Песни, легенды, сказания среднеазиатских народов, говоря о великом поэте, причудливо изменяют факты, вплетая в них фантастические подробности, по-своему создавая привлекательную и благородную фигуру о певце-гуманисте, ратовавшего за народное счастье, все "белые пятна" в биографии Алишера Наваи, его дружба, вражда с Султан Хусейном, отсутствие всяких сведений о любви поэта какой-нибудь избранные его сердца вызвали поэтические отклики в народной фантазии и рождали легенды, которые дожили до нашего времени" 1).

Юқорида таъкидланган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бевосита Навоий шахсига оид қайдлари ўзбек халқ ижодиётида буюк шоир ҳақидаги ривоятларнинг вужудга келишига сабаб бўлган тарихий фактлардир. Шубҳасиз, Алишер Навоийнинг "олами тавре фард ва жарийда ўтқарган"лигининг муайян объектив ҳамда субъектив сабаблари мавжудки, биз бу ҳақда шоир ва Гули ҳақидаги афсона ва ривоятлар таҳлили сўнгида батафсил тўхталамиз.

Шу ўринда тарихийлик, тарихий-ижтимоий борлиқ ҳамда тарихий индивидуал шахс масаласига муайян аниқлик киритиб олишга тўғри келади. Тарихий-ижтимоий борлиқнинг табиати ҳақида тўхталиб, Николай Бердяев ёзади: "историческая реальность есть прежде всего реальность конкретная, а не абстрактная и никакой другой конкретной реальности, кроме исторической, не существует и существовать не может 2).

Тарихий борлиқ аниқ, реал экан, демак, у муайян маънода ўзига

1. Айбек, и Ал. Дейч. Алишер Наваи, Ташкент, Изд. худ. лит-ры, 1968, с. 57.

2) Николай Бердяев. Смысл истории. М., изд. "Мысль", 1990, с. 12.

хос, бетакор, аниқ табиатга эга. Бу борлиқ кўп минглаб индивидуал тақдирларнинг ўз ниҳоясига етган фаолиятларидир. Худди ана шу нуқтада тарихий борлиқ ва тарихий шахс тақдири бир-бири билан тўқнашади, бири иккинчисини тўлдирувчига, бири иккинчисини ифодаловчига айланади. Яъни инсонда тарихий борлиқ, унда эса инсон яшириндир.

"И нельзя рассматривать человека вне глубочайшей духовной реальности истории" 1).

Демак, ҳар қандай тарихий шароит, борлиққа оид у еки бу маълумот муайян тарихий шахс тақдирига аниқлик киритганидек, аксинча, конкрет тарихий шахс тақдири ҳам биринчига муайян ўзгартишлар киритади. Улар бир ҳодисанинг бўлаклари, бир-бирини тўлдиради, конкретлаштиради. XV аср тарихий шароити ва Навоий тақдири ҳам худди ана шундай диалектик ҳодисадир.

Бу ўринда асосий гап шоир шахсига оид ана шу фактларни халқ томонидан, Ойбек ва Ал.Дейч таъкидлаганидек, ўта нозиклик билан ўзгартирилиб, фантастик аниқликкача тўйинтирилишидадир. Буюк тарихий шахслар ҳақидаги ривоят ва афсоналарда улар шахсиятига оид фактлар туртки, қандайдир ишора хусусиятига эга бўлади, холос. Бироқ фактлардан баъзан сезилар-сезилмас, баъзан нисбатан анча йироқлашган ҳикоят ва афсоналар уларнинг нечоғлик аниқлиги еки тарихий ҳақиқатга мутаносиб бўлишини эмас, балки ўша тарихий шахснинг ижобий хислатларини таъкидловчи, уни бўрттирувчи моҳият касб этади.

Демак, ҳикоя ва афсона, ривоятларнинг юзага келиши баъзан реал заминга, тарихий фактларга асосланиши мумкин. Бироқ бундан келиб

1). Ўша китоб, 14-бет.

чиқиб, уларнинг талқинидан реал факт, тарихий воқеалар тасвирини талаб қилиш ўта қулгули бўлиб қоларди.

Зерро, юқорида таъкидлангандек, "Тарих афсонадир, афсона эса ўз навбатида, ўзгача йўналишдаги реал борлиқдир". Буюк шахслар ҳақида халқ ижодиётида яратилган асарлар учун факт аниқлиги эмас, балки тарихий моҳият аниқлиги, унинг буюк шахс шаклу шамоилига мутаносиблиги муҳимдир.

Бу ўзига хос хусусият, яъни тарихий моҳият аниқлигини бериш, ҳатто халқ ривоятлари асосида яратилган ёзма адабиёт намуналарида ҳам сақланиб қолади. Чунки у халқ бадиий тафаккурининг узоқ асрлар давомида шаклланиб, тегишли тақомилига етган ифодалаш усулидир.

Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ҳақида ўзбек ва қардош халқлар ижодиётида яратилган ҳикоят ҳамда афсоналарнинг юзага келиши, улардаги талқиннинг ўзига хослиги ва тарихийлик асосларининг начоғлик аниқлиги ҳамда бу ижодий жараёнда халқ бадиий тафаккурининг иштироки масаласини атрофлича ва теран ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бизгача Алишер Навоий ҳақида сақланиб қолган ривоят ва афсоналарнинг энг мукаммали Ойбек Ал.Дейчнинг "Алишер Навоий" номли танқидий-биографик очеркида келтирилган. Биз умуман тарихий шахслар, хусусан, Алишер Навоий образининг бадиий талқини ҳақидаги мулоҳазаларимизни муайян бир илмий нуқтада мухтасар қилиш учун, гапни энг аввало юқорида таъкидланган китобда Ойбек ва Ал.Дейч томонидан қайд этилган бир афсонанинг қисқача сюжетини қайд этишдан бошламоқчимиз. Бунинг асосий сабаби мазкур сюжет линияси Навоий ва Хусайн Бойқаро муносабатларидан ташқари халқ

томонидан тўқилган Гули образига ҳам муайян аниқлик киритади.

Қолаверса, Алишер Навоий ҳақидаги барча халқ ҳикоятлари ва афсоналарининг моҳияти, улардаги ифодалаш усуллари ҳамда тарихий қайд ва маълумотлар билан ҳамоҳанглик ана шу ҳикоятдан қувват олади, ўзининг ибтидосини бошлайди. Шунинг учун ҳам биз афсонанинг тўлиқ матнини келтириб, сўнг ундаги воқеаларнинг тарихий ҳақиқатга нечоғлик мутаносиблиги ҳамда бу борадаги халқ бадий тафаккури ва фантазиясининг роли ҳақда тўхталишни лозим деб топдик. 1).

Мазкур афсонанинг матнини кейинчалик профессор А.А.Семенов рус тилига ўгириб, "Ўрта Осиё Давлат университети бюллетени"нинг 1926йил 13-чиқарилишида чоп эттирган. 2).

Ривоятнинг тўлиқ матни қуйидагича:

"Кексаларнинг ривоятига кўра, Султон Хусайнга тобе бўлган Қарши вилоятида Сабзавор номли чўл бўлиб, у ерда Мир деган ақлли, фозил бир йигит яшар эди. Кунлардан бир кун у ўз сурувларидан мингта йирик ва бўрдоқи қўй ажратиб, хизматокорларига қўйларни Қаршига ҳайдашни буюради. Ўзи эса отда сурувнинг олдида боради. Мир қўй бозорига бориб, сурувни кутади. Сурув етказилиб, одамлар қўйларга харидор бўла бошлайдилар. Шунда Мир харидорларга қараб:

— Ҳалойиқ, мен қўйларимни савдоргарларга ҳам; бойларга ҳам сотмайман. Мен қўйларимни камбағал ва софдил кишиларга фақат қарзга бермоқчиман, — дейди.

Ана шундай кишилар топилган, Мир уларга биттадан қўй бериб:

1. Ойбек ва Ал. Дейчларнинг шаҳодатига кўра, мазкур афсонанинг мазмуни, тўғрироғи, сюжети битилган форсча қўлёзма шарқшунос олим, проф. А.С.Семенов томонидан Тошкент шаҳрида харид қилинган (муаллиф-тадқиқотчи изоҳи).

2. Шу сонли хужжат, 177-185-бетлар

Биродарлар, мен қўйларимнинг ҳақини Султон Хусайн ўлган куни оламан, — деб қичқиради ва отига миниб уйига жўнайди.

Бозорда подшоҳнинг айғоқчилари бор эди. Улар воқеани оқизмай-томизмай унга етказадилар. Бундан қаҳрланган Султон Қарши чўлига бориб, ўша Мир номли йигитни тутиб, Самарқандга келтиришни буюрди. Хусайн жборган кишилар бойвачча йигитни топадилар. У эса чопарларни яхши меҳмон қилади. Сўнгра подшоҳнинг амирини эшитиб, ҳеч нарса бўлмагандай, чопарларга қўшилиб Самарқандга отланади. Шаҳарга етиб келишгач, Султоннинг бир чопари унинг амри бажо келтирилганлигини шоҳга хабар қилади. Шоҳ Мирни ўз ҳузурига олиб келишни буюради. Бойвачча йигит шоҳ билан учрашгач, унга эҳтиром билан таъзим бажо келтиради. Султон уни ўтиришга таклиф этиб:

Қарши бозорига қўй суруви олиб бориб, қўйларни нақд пулга эмас, балки Султоннинг вафоти куни қимматини тўлайсан, деб қарзга сотган сен эмасмисан?— деб сўрайди. У яна: " Мен сенга нима ёмонлик қилдим, қандай ноҳақлик менданки, ўлимимни тилайсан?— дейди. Мир ер ўлиб, эҳтиром билан подшоҳга дейди:

Эй, бутун олам подшоҳи! Ҳалигача бирор бир бундай фоний сиздан зулм кўрдим деб айтолмайди. Ўртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги сиз туфайлидир. Менинг қилмишларим эса сизга бўлган самимий ҳурматим боисидир.

Буни қандай тушуниш лозим? — дейди подшоҳ.

Менинг сизнинг вафотингиз куни баҳона қилиб, элга қўй тарқатишимдан мақсад шуки, қўй қарз олган бечоралар кечаю кундуз шоҳимиз дард кўрмасин, деб сизни дуо қилишади. Қарзнинг муддати узоқ бўлишини истайди.

Йигитнинг ўзи ҳам, сўзи ҳам шоҳга еқиб қолади. У сарой

аъёнларига юзланиб:

Бу йигит ажойиб сўзлади. Афсуски, у чўлда яшар экан. Ваҳоланки, унинг ўрни саройда бўлиши лозим, дейди.

У мўншини чақириб, Мирни вазирликка тайинловчи фармон ездиради. Сўнгра унга мухр босиб, Мирнинг дастори қатига тиқиб қўяди... "Ҳикоятнинг кейинги қисмидан маълум бўлишича, подшоҳ Мирга Самарқанд қалъа девори ташқарисидан ажойиб бир боғ инъом этади. Яйловга ўрганган йигит шаҳарда зерикиб қолмасин, деб ғамхўрлик қилади.

Сарой муҳотида Мир аъёнларга хос назокатлиликини ўрганади, ундаги шеърӣй таъб камол топади.

"...Бир куни эрталаб ишга бораётиб, у томда кир еяётган гўзал қизни кўриб қолади. Миралининг юрагида ишқ тугён уради. У беихтиёр қизнинг ҳовлисига қаради ва дардини қизнинг отасига айтади. Қизнинг отаси ихтиёрни қизнинг ўзига солади. Қиз ғоятда ақлли эди. У отасига:

Ота, агар вазир мени чўриликка сўраса ҳам рози бўлар эдим, — деб жавоб беради.

Шу кеча Мирали тунни саройда ўтказади. Иттифоқо, эрталаб саройда овга чиқиш эълон қилинади. Овга боратуриб, бехосдан Султон ҳам қизни кўриб қолади. Овдан қайтгач, ошиқи беқарор бўлган Султон, қози калонни чақириб, уни Гулининг уйига (қизнинг номи шундай эди) совчиликка юборади.

Қизнинг отаси домулло Солиҳ яна қизнинг ўзига маслаҳат солади. Қиз:

Ота, мен туя эмасманки, икки жойимдан бўғизлансам, — деб жавоб беради.

Подшоҳ иккинчи марта Миралини совчиликка юборади. Бу гал қиз отасига:

Мен вазирга канизак бўлишга ваъда берганман. Шу туфайли подшоҳнинг сўзини қабул қилолмайман, — дейди.

Бироқ Мирали:

Подшоҳнинг менга марҳамати туфайли ўзимнинг муҳаббатимдан воз кечдим, — деб қизнинг подшоҳ никоҳига розилигини олади. Қиз қон йиғлайди...

Мирали шартга кўра (у қиз подшоҳ никоҳига рози бўлса, унинг ҳар қандай талабини бажаришга сўз берган эди) наслини ўлдирувчи дори ичади, қиз эса заҳар...

Мирали қизнинг иккинчи марта шартини бажариб, қизнинг ҳарамдаги уйига киради. Унинг мен ўлгач, тобутимни кўтар, дуода ед қил, деган восиятларини эшитади.

Подшоҳ овдан тез қайтиб келади. Канизлар Миралини този итларга овқат пиширадиган қозонга яширадилар. Подшоҳ уни кўриб қолади. Мирали дарвешлар жандасида ҳажга жўнайди. Гулини ёмон ҳолатда кўрган подшоҳ вазирни — Миралини сўрайди. Унинг Маккага жўнаганини эшитиб, унга Бедпой орқали хат йўллайди. Гули вафот этади. Унинг қабри устида икки ошиқ — рақиб ярашадилар".

Мазкур афсонага ҳамоҳангроқ бўлган бир ҳикоят проф. Е.Э. Бертельснинг "Навоий" номли рисоласида ҳам келтирилади. Бу афсона бевосита Алишер Навоийнинг елғиз умр ўтказиш сабабларини изоҳлаш билан бевосита боғлиқ, охир-оқибатда Заҳириддин Бобурнинг, биз таъкидлаган, машҳур қайди билан боғланиб кетади. Е.Бертельснинг "Навоий" номли рисоласида келтирилган афсонанинг қисқача мазмуни қуйидагича: "Шоҳ Хусайн Бойқаро ўз вазири Навоий билан овга

отланишади. Не тасодуфки, Навоий йўлда Гули деган бир соҳибжамол қизни кўриб, севиб қолади. Хусайн Бойқаро ўз дўстининг бу ишқий саргузаштидан воқиф бўлиб, у қизни ҳарамга олиб келтиришни шахсан Навоийга топширади.

Ҳам дўсти, ҳам шоҳ Хусайннинг фармонини бажариш учун Навоий Гулининг уйига ўзи совчиликка боради. Навоийни совчи сифатида кутиб олган Гули, пиёлага шароб куйиб, бирини шоирга узатади, иккинчисини ўзи олади. Бироз муддат ўтгач, (35 кун) шоҳ ҳарамдаги Гули Навоийни ўз ҳузурига чақиради ва заҳар ичганлигини, ўлимига эса беш кун қолганлигини айтади. Гули ҳақиқатга тик боқиб, бу фаний дунёда бир умр вафодор бўлиб қолишини айтади ва шоирдан ҳам ана шундай вафодорлик кутишини айтади. Маълум бўлишича, Навоий ичган иккинчи пиёладаги шароб эрлик хусусиятини емирувчи ёхуд унга заҳмат етказувчи ичимлик экан.

Биз бу ўринда ривоятдаги барча версияларни айнан ҳақиқат, аниқ бўлиб ўтган воқеа дейишдан йироқмиз. Бироқ ҳар қандай муболага, афсона заминида ҳам реал ҳақиқат унсурлари, қирралари мавжуд эканлигини, қатрада олам акс этиши мумкин эканлигини мутлақ ёддан чиқармаслигимиз керак.

Қолаверса, буюк философ Шеллингнинг таъкидлашича, "Мифология инсониятнинг илк тарихидир". Тарих мифологияда ўзига хос йўсинда акс этган. Бундай ҳолни энг қадимги одамнинг бадиий тафаккур тарзи, умуман, фикрлаш даражаси, меъери билан изоҳлаш керак.

Иккинчидан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қуйидаги дил изҳорларида ҳам ўша унут бўлаёзган тарихнинг гира-шира бўлса-да, нур сочиб турган шуълалари ўзича қиммат касб этгандек туюлади.

"Алишернинг мижози нозук била машҳурдур. Эл назоқатини давлатининг ғуруридин тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анча жиббилий (туғма) экандур. Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозук мижоз экандур" 1).

Шубҳасиз, биз "Бобурнома" муаллифининг қузатишлари билан юқорида келтирилган ривоят ўртасида аниқ тарихий боғланиш мавжуд, деган қатъий фикрни зўрма-зўраки ҳимоя қилмоқчи эмасмиз. Лекин бундай ички боғланиш эҳтимолдан ҳам ҳоли эмас. Чунки ҳар қандай эҳтимоллик асосида, оз бўлса-да, қонуний боғланиш мавжуддир.

Навоий ўзининг бир рубойида худди шу ривоятга монанд воқеани лирик-мажозий усулида қуйидагиларни ёзади:

Бир гул ғамидин, дедим, қўяй бағрима доғ,
Бергайму дебон атир, димоғимга фароғ.
Баргин чун муллаваас айлади бум ила зоғ,
Энди ани исламакка юз ҳайф димоғ.

Ҳар қандай шоирнинг шеърларида яшамоғи тан олинган ҳақиқат. Бас шундай экан, мазкур сатрлардаги оҳанг ҳам, ифода усули ҳам шоир ҳаёти билан, халқ ривояти, қолаверса, Бобур ишоралари билан ҳамохангдир.

Яна бир ўринда:

Бевафодур чун жаҳон гулзори, э кўнгул қуши,

Бўлма бир гул волеҳи, булбулга ногоҳ ўтканиб -
деб таъкидлайди.

Халқ ижодиёти намуналаридаги версиялар, шоирнинг дил изҳорларидаги мажозий вазиятлар, Бобурнинг қайдларидан келиб чиқиб, Навоий қачонлардир бир гўзални севгану, бироқ у гулнинг барглари "муллаваас айлангач", шоир севги борасидаги ҳар қандай

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. 233-бет.

ишончдан, комил эътиқоддан айрилиб, "олами тавре фард ва жарийда ўтказиш" йўлини ўзига мақбул тутган, деган хулоса-ю ҳукмга келиш ҳам муайян маънода мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Биз бу ўринда фақат мавжуд тарихий ва адабий қайд маълумотларнинг табиати ҳамда йўналишдан келиб чиқадиган хулосаларни қайд этишни лозим топдик, холос. Ҳар ҳолда уларнинг заминида эҳтимол тutilган мулоҳазалар салмоғи сезиларли бўлса-да, иккинчи томондан ички мантиқий-руҳий алоқадорлик ҳам яққол кўзга ташланади.

Энди проф. А.А.Семенов томонидан ёзиб олиниб, Ойбек ва Ал.Дейчларнинг "Навоий" рисоласига киритилган ривоятнинг табиатли, характери ва унинг Навоий образининг талқинидаги ўрнига бир назар ташлайлик.

Агар Султон Ҳусайн образи билан алоқадорлик эътибордан соқит қилинса, ҳикоятдаги Мир образининг Алишер Навоий шахсияти билан ҳеч қандай яқинлиги қолмайди. Чунки тарихий қайд, материал нуқтаи назаридан муносабатда бўладиган бўлсак, ҳикоятдаги Мир номли йигитнинг бирон бир хислати Алишер Навоий шахсига алоқадор эмасдек туюлади. Бироқ энг муҳими шундаки, биз ҳикоятдаги бадиий руҳий ҳолатга бир бутун борлиқ сифатида қарашимиз керак. Чунки Ҳусайн Бойқаро саройида Алишер Навоийнинг хизмат қилганлиги тарихий факт. Ҳикоятда худди ана шу фактни ўта нозиклик билан ўзгартириб, "ўта фантастик аниқлик билан тўйинтириш" каби хислат етакчидир. Гап бу ўринда, бадиий тафсил ва ҳолатларнинг Навоий фаолияти билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга мос тушишида эмас. Уларни халқ бадиий тафаккури ва фантазияси хоҳлаганча ўзгартириши, катта синовдан ўтказиши мумкин. Ҳолат, вазиятлар, тўқнашувлар ҳам ўта ғайри-табiiй тус олиши, ўқувчини ҳайрон қолдирарлик даражада

ўзгаришга юз тутиши ҳам табиий. Ҳаммаси бўлиши мумкин. Бироқ халқ бадий тафаккури бир нарсага йўл бермайди, у ҳам бўлса, Алишер Навоийнинг Султон Ҳусайн саройига келишининг моҳият нуқтаи назаридан тарихийлик асосидан ташқарига чиқишига йўл бермайди. Мир, яъни Алишер тадбиркор ва Султон Ҳусайнга содиқ (чунки у шоҳга яхшиликни раво кўради, кўй тарқатиш борасида уни узоқ умр кўришини истади) инсон сифатида гавдаланади. Бу тадбир орқали унинг асосий мақсади муайян лавозимни эгаллаш, у орқали бойлик орттириш ҳам эмас. Ана шу асосий йўналиш Гулига бўлган муносабатда ҳам, совчилик эпизодида ҳам етакчи бўлиб қолади. Мир ҳамма нарсадан воз кечиши, ҳатто кўнгли кўйган қизи Гулидан ўзини йироқ тутиши мумкин. Бунинг муайян мантикий-рухий асослари мавжуд. Акс ҳолда унинг кўйларини тарқатиб, "Биродорлар, мен кўйларнинг ҳақини Султон Ҳусайн ўлган куни оламан", дегани ҳам, вазир бўлиб тайинланиши ҳам ўта усталик билан амалга оширилган қаллобликнинг натижаси бўлиб қолар эди.

Кўриниб турибдики, халқ Мирдаги тадбиркорлик ҳамда ваъдага вафони улуғлаш йўлидан боради. Бунинг учун тарихий ҳақиқатга айнан мос тушувчи (Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларига оид) бадий тафсил ҳамда вазиятларнинг бўлиши шарт эмас. Энг муҳими Мир образидаги етакчи хусусият — тадбиркорлик буюк шоир шахсига оид муайян қирраларни очса бўлгани. У халқ фарзанди., ардоқли бўлганлиги учун ҳам унинг характерида олижаноб хислатлар етакчи бўлиши керак.

Қолаверса, хиенат халқимизда ўта номақбул ҳодиса сифатида доимо қораланиб келинган. Шунинг учун бўлса керак, мазкур афсонада ҳам Мирали қизнинг "Мен вазирга (яъни Миралига — Н.А.)

канизак бўлишга ваъда берганман. Шу туфайли подшоҳнинг сўзини қабул қилмайман", деган жавобини рад этиб, "Подшоҳнинг менга марҳамати туфайли, ўзимнинг муҳаббатимдан воз кечдим", деб қизнинг подшоҳ никоҳига розилигини олади. Қиз қон йиглайди..." Мирали шартга кўра наслни ўлдирувчи дори ичади, қиз эса заҳар...

Ҳар икки ривоятда ҳам Алишер Навоийнинг севгига вафодорлиги, садоқати ҳамда бир умр танҳоликда ўтганлигининг сабаби шартга биноан дори ичиш эпизоди орқали изоҳланаяпти. Ҳар икки ривоятда ҳам Алишер Навоий образини талқин этишда мазкур эпизод ўта зукколик ва нозиклик билан қўлланган. Бир томондан кенг халқ оммаси Алишер Навоийнинг "дунёни ғалати елғизликда ўтқарган"лигининг (Бобур) туб моҳиятини, унинг объектив ва субъектив сабабларини у вақтда атрофлича ҳамда теран тушуниб етмаган. Бобур таъкидлаган "мижози нозуклик"ка нисбат беришга эса шоирга бўлган катта эътиқод ва меҳр-муҳаббат йўл қўймаган. Натижада, халқ бадиий тафаккурида тарихий қайдларни ўта нозиклик билан ўзгартириш, уни ўта фантастик аниқлик билан тўйинтириш бошлаган. Бу мантиқий равишда наслни ўлдирувчи дори бадиий тафсили ҳамда у билан боғлиқ тўқима эпизоднинг туғилишига сабаб бўлган. Бу тафсил эса севгига содиқлик ҳамда аҳдда собитликни ифодалашда энг ишонтирарли ва шарқ халқларнинг одати удумларига ҳамоҳанглиги, мутаносиблиги билан ҳам диққатга моликдир. Эътибор қилинса, мазкур қиссадаги (Ойбек ва Ал.Дейчлар уни қисса деб аташади) воқеалар йўналиши, ривожи ва тақомилини таъмин этувчи уч нуқта кўзга яққол ташланади.

Улар бир-бирисиз мутлоқ аҳамиятсиз бўлиб қолади. Иккинчи томондан, улар бир-бирини мантиқан тўлдириб, ягона йўналишнинг

таянч нуқталари сифатида асар сюжетнинг яхлитлигини таъминлайдилар.

Биринчи таянч нуқта — Миралининг "Виродарлар, мен қўйларимнинг ҳақини Султон Ҳусайн ўлган куни оламан", деган эпизоддан бошланади. Зеро, унинг Султон Ҳусайн Войқаро саройига келиши ва содиқ, тадбиркор киши сифатида вазир этиб тайинланиши худди ана шу сўзларнинг шоҳга шарҳлаб берилиши билан бевосита мантиқий алоқадорликдадир.

Иккинчи таянч нуқта — Миралининг "Подшоҳнинг менга марҳамати туфайли ўзимнинг муҳаббатимдан воз кечдим", дейиши билан боғлиқдир. Бу изҳори дил ўша таъкидланган биринчи ҳолатнинг мантиқий-руҳий натижасидир. Ва, ниҳоят, Миралининг наслини ўлдирувчи дори, Гулининг эса заҳар ичиши натижасида қисса бош қаҳрамонининг қисмати билан боғлиқ барча воқеалар ўз ниҳоясига етади.

Қиссада Алишер Навоийнинг шахсияти, унинг Ҳусайн Войқаро билан муносабати, саройга келгач, вазир этиб тайинланиши ва ниҳоят, унинг севгилиси Гули ҳақидаги маълумотлар буюк шоир ҳақидаги тарихий ҳақиқатга айнан мос тушмаса-да, лекин моҳият эътибори билан унга ҳамоҳангдир. Моҳият ҳамоҳанглиги Миралининг таъкидланган уч таянч нуқтадаги хатти-ҳаракатидан келиб чиқади. Қолаверса, бу уч нуқта Миралини тарихий шахс Навоийга нисбат бериш учунгина хизмат қилиб қолмай, шу билан бирга қиссадаги султон Ҳусайн, Гули образларини бир-бирларига боғлайди — асарнинг тузилиш жиҳатидан яхлитлигини таъмин этади.

Мазкур қисса дастлаб ўзбек тилида бўлиб, бизгача етиб келган нусхага асарнинг номаълум адабиёт ихлосманди томонидан форс

тилида ёзиб қолдирилган қисқача мазмунига ўхшайди. Агар шундай бўлмаганда, форсчадан русчага ағдарилган таржиманинг охирида: "Вскоре Гуль скончалась, и над прахом любимой девушки произошло примерение двух соперников" (Тез орада Гули вафот этди ва унинг қабри устида икки ошиқ-рақиб ярашдилар) жумласи келтирилмаган бўларди. Чунки қиссанинг аввалги қисмида Мирали билан Султон Хусайн ораларида Гули туфайли содир бўлган рақиблик, унинг сабаблари ҳақида ҳатто ишора ҳам йўқ. Эҳтимол бундай муносабат ҳақида қиссанинг ўзбекча, тўлиқ матнида муайян бир ишора ёхуд эпизод берилгандир. Иккинчидан, форсча матннинг русча таржимасида: "Прошло некоторое время и молодой человек научился при дворе Султана таким манерам и в нем развилось поэтическое дарование" (Орадан бир мунча муддат ўтди ва йигит Султон саройида назокатли сўзлашни ўрганди, ундаги шеърӣ қобилият камол топди), дейилгани ҳолда, Миралининг шоирлик қобилиятини намойиш этувчи бирор-бир далил келтирилмайди. Ана шу икки эпизоднинг сабаб ва оқибат тарзида пухта ишланмаганлигининг ўзи ҳам мазкур қисса ўзига нисбатан каттароқ бўлган ўзбекча асарнинг қисқартирилиб форсчага ўгирилганидан далолат беради. Бу ўринда яна шуни ҳам унутмаслик керакки, халқ оғзаки ижодиётининг аксарият намуналарида қаҳрамонларининг бир-бирларига муносабатларини белгилувчи асосий, ҳал қилувчи нуқталар, ҳолатлар аниқ. Ўрни билан бир оз бўрттирилган ҳолда ёритилади. Акс ҳолда, уларнинг муносабатларидаги айрича, ўзига хос йўл тутишларнинг моҳияти очилмай, тингловчи учун мавҳум бўлиб қолади. Агар шу ўринда оғзаки ижод намуналарини бадий ўзлаштириш асосан тинглаш жараёнида амалга оширилгани эътибордан соқит қилинмаса, юқоридаги

қиссанинг қисқартирилганлиги борасидаги биз билдирган мулоҳазаларнинг ҳақиқатга яқинлиги яна ҳам ойдинлашади.

Иккинчидан, қиссанинг ҳозирги нусхасида Мирали ўта журъатсиз, севги-муҳаббат бобида эътиқоди суст кимса сифатида таассурот қолдиради. Акс ҳолда, унинг совчиликка бориши, Гулини Султон Хусайн никоҳига ўтишини, бунга розилик бериши учун ундашини, ҳатто бу ишга қизнинг отаси домла Солиҳни ҳам "Ҳар нарса худонинг хоҳиши билан бўлади, бандаси чорасиз", - деб ташвиқ қилиниши фақат шоҳ билан бўлган дўстлик муносабатлари орқалигина исботлаб бўлмайди. Миралининг шундай йўл тутишига, ўз муҳаббатидан воз кечишига сабаб бўлган ўша нуқта еки эпизод, яъни шоҳ билан ораларида бўлиб ўтган тўқнашув берилганида эди, унинг "Подшоҳнинг менга кўрсатган марҳамати эвазига мен ўз муҳаббатимдан воз кечдим", деган эътирофи яна ҳам тиниқ тортиб, ундаги дўстлик, садоқат каби хислатларни бўрттирар, уларни асарнинг етакчи йўналишига айлантирар эди.

Дейлик, қиссадаги воқеалар силсиласи ва ривожини бўйича Гули Миралини севади (шунинг учун у вазирнинг канизага бўлишга рози), Мирали ҳам қизни севади, акс ҳолда, у Гули берган наслни ўлдирувчи дорини ичмаган бўларди. Султон Хусайн Гулини севгани ҳолда қиз томонидан бу таклиф рад этилади. Хуллас, жаҳон халқлари орзаки ва ёзма адабиётидаги ўша машъум учбурчак - ер, ошиқ ва рақиб. Гули ўзи заҳар ичиб ўлади. Миралини наслсизлик дардига дучор қилади. Натижада Султон Хусайн канизаксиз қолади. Фақат Мирали хатти-ҳаракатидаги журъатсизликнинг сабаби шоҳ ҳукми билан боғланиб еритилганда, Гулининг Миралидан ўзига хос йўсинда ўч олиши, уни наслсизлик дардига дучор этишининг сабаблари яна ҳам,

ойдинлашарди. Гулининг хатти-ҳаракати, интилишлари ва уларнинг натижасида содир бўлган воқеалар мазкур қиссанинг мазмунини, ғоявий мундарижасини Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари доирасидан ташқарига чиқариб юборади. Чунки Гулининг заҳар ичиб ўлишни афзал кўриши, ўз севган кишисининг ўлимдан ҳам мудҳишроқ дард — наслсизликка маҳдум этиши — биргина шоир ва шоҳ муносабатидаги зиддиятлар моҳиятини очишга қаратилган эмас. Бу ўринда проф. Н.М.Маллаевнинг қуйидаги мулоҳазалари анча асосли ва ўринлидир.

"Халқ ижодида, бир томондан, Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги зиддиятларни маълум даражада тарихий ҳақиқатга мувофиқ равишда акс эттирилса, иккинчи томондан, бу ихтилоф аспектида умуман феодал жамиятидаги прогрессив кишилар билан реакцион кишилар ўртасидаги зиддиятлар тасвирланади" 1).

Қиссада тасвирланишича, Мирали (Алишер Навоий) Ҳисор тоғлари билан Сандиқли саҳроси оралиғида жойлашган Қарши вилоятининг Савзавор аталмиш чўлларида чорвачилик билан кун кечирувчи бойваччадир. У — бир оз шоир-табиат, ақли комил йигит. Мирали мамлакатнинг осойишталиги ва хавфсизлигини таъмин этган учун Самарқанд подшоҳига — Султон Ҳусайнга эътиқод қўяди ҳамда ўз тадбиркорлиги натижаси ўлароқ саройга яқинлашади, вазир этиб тайинланади. Одил ҳукмдор тарафдори сифатида халқни ҳам шу йўлга тарғиб этади.

Кўриниб турибдики, қиссада Алишер Навоийга нисбат берилувчи энг асосий жиҳат — шоирлик ҳам четлаб ўтилган. Иккинчидан,

1. Н.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. Тошкент, 1976, 351-бет

Миралининг чорвадор бойвачча йигит деб талқин этилиши бизнинг тасаввуримизни тарихий жиҳатдан яна узоқлаштиради. Ва қолаверса, қиссада Миралининг Гули ҳамда ўз тақдирига бефарқлиги, муҳаббатдаги журъатсизлиги бу қаҳрамонни реал тарихий шахс — Алишер Навоийдан яна ҳам узоқлаштириб, бегоналаштириб юборади. Бироқ булар, масаланинг бир томони, холос. Бизнингча, асосий гап халқ ижодида мазкур қиссанинг яратилиш сабаблари, унинг юзага келиши илдизларидадир.

Мазкур асарда, асосан, ўша Ойбек ва Ал. Дейчлар ўринли таъқидлаган фактларни нозиклик билан ўзгартириш, Алишер Навоий биографиясидаги "оқ доғлар"ни халқ бадиий тафаккурига хос топқирлик билан тўлдириш, шу орқали ўз сеvimли шоирнинг сиймосини янада мукаммал этиш иштиёқи етакчидир. Яна ҳам тўғрироғи, қиссадан кўзланган мақсад "дунёни ғалати ёлғизликда ўтқарган" шоирнинг бундай аянчли қисматга маҳдумлиги феодал муносабатларнинг ўта шафқатсизлиги туфайлидир, деган хулосани тингловчига етказишда. Шунинг учун ҳам қиссанинг мазмуни Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро муносабатларига нисбатан кенгроқ макон ҳамда муносабатлар зиддиятини қамраб олади.

Миралининг истиқомат қилган жойи ва касбкори масаласига келсак, бу асосан ана шу қисса яратилган жойга нисбат беришнинг ўзига хос бир усули, холос. Тарихда ўтган буюк шахсларни (ҳатто улар босқинчи бўлса ҳам, масалан, Александр Македонский каби) ўзиники, шу жой, элат, халқ фарзанди қилиб талқин этиш шарқ халқлари орзаки ижодиёти, ёзма адабиёти учун ўта қадимий анъаналардандир. Асардаги жой номлари ва атамаларга асосланиб, мазкур қиссани Қашқадарё воҳасида яратилган, кейинчалик у

қисқартирилиб форс тилига ағдарилган дейиш мумкин. Қиссадаги Мирали (Навоий) тадбиркор, камбағалларнинг ҳолига ачинувчи, уни енгиллатиш учун курашувчи, ҳукмдорни одиллик йўлига бошловчи, шу билан бирга, ўз шахсий ҳаётида бахтсиз бир йигит каби гавдаланади. Қиссадаги воқеалар тизмаси бош қаҳрамон характеридаги ана шу хислатларни ёритишга қаратилган. Энг муҳими, халқ бадий тафаккури ўзи севган дано фарзандининг шахсий ҳаётидаги ўзига номаълум бўлган ўринларни ўта муболағавий эпизодлар кашф этиш орқали ўзича, ўзига хос йўсинда нурлантиради.

Гап Алишер Навоий, Хусайн Вайқаро ва Гули образлари яратилган асарлар ҳақида борар экан, худди шу мавзуда усмонли турк халқи орасида шонён бўлган бир асарни ҳам назардан қолдириб бўлмайди. Кўзда тутилаётган асар "Гул ила Алишер ҳикояси" сарлавҳали достон бўлиб, унинг қисқартирилган нусхаси профессор И.О.Султоновнинг сазй-ҳаракати туфайли "Шарқ юлдузи" журналининг 1985 йил 12- сониди босилиб чиқди. Бу достон 1941 йилда ошиқ-бахши Мудомий хотираси асосида езиб олиниб, Туркияда чоп этилган. Алишер Навоийнинг шоир, олим, йирик давлат арбоби сифатида ҳали ҳаётлиги даврида-ёқ Шарқнинг кўпгина мамлакатларида, жумладан, Туркияда машҳур бўлганлиги ҳақида қатор тарихий ҳужжатлар мавжуддир. Ҳозирги замон турк адабиётшуноси Огаҳ Сирри Левенднинг "Алишер Навоий" сарлавҳали тўрт жилдли китобининг биринчи жилдида маълумот берилишича, Навоийнинг шеърлари Боязид II замонида Басрий номли киши томонидан Стамбулга келтирилади ва шоирнинг шуҳрати ёйилади. Навоий Туркияда фақат шоир эмас, балки давлат арбоби сифатида ҳам шуҳрат қозонади. 1)

1). Огаҳ Сирри Левенд. Алишер Навоий. Анқара, 1965, 250-252 -бетлар (асар турк тилида).

Шоир вафотидан кейин Туркияда ҳам унинг истеъдоди ва шахсини, давлат арбоби сифатидаги иқтидорини улугловчи бадиий асарлар яратилади, илмий-тадқиқот ишлари юзага келади.

Эслатганимиз достон, ўз ғоявий мундарижаси ҳамда воқеалар ривожига, иштирок этган қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатларига кўра проф. А.Семенов топган қиссага яқин туради. Шунинг учун ҳам уни Алишер Навоий ҳақида Шарқда кенг тарқалган мазкур қиссанинг қайта, пухтароқ ишланган шеърий талқини дейиш ҳам мумкин. Анъанавий сюжетни қайта ишлаш жараёнида, аynиқса, Алишер Навоий образи талқинида муайян ўзгаришлар юзага чиққан.

Иккинчидан, Алишер Навоий образининг мазкур шеърий талқинида муайян мукамаллик касб этишини асарнинг ёзиб олинган даври -1941 йил билан изоҳлаш мумкин. Бу даврга келиб фақат шоирнинг асарларигина эмас, унинг шахси ҳақидаги маълумотлар ҳам Туркияда кенг тарқалган эди.

Достонда тасвирланишича, Мир Алишер юқорида эслатилган қиссада баён этилганидек, Қарши вилоятининг Сабзавор чўлида эмас, Самарқанд қўрғонида яшайди. Фақат ез ойларидагина Самарқанд вилоятига қарашли қирга кўчиб чиқар эди. У қорамоллари кўп, давлатманд киши бўлиб, асосан, шуларни бозорга ҳайдатар эди.

Достоннинг дастлабки эпизодларида Мир Алишер жўмард, фақрпарвар, андишали, тўғри сўз йигит сифатида талқин этилади. У Самарқанд бозорига ўз молларини ҳайдатиб келгач, савдогарлар, қассоблар унинг атрофини ўраб олади. Шунда Мир Алишер "...молимни фуқарога ҳадя этаман, дейишдан тортиниб, бой зангин билан савдо қилмайман, улар билан олиш-беришим йўқ, фақат фуқарога

сотамаан" 1) деб жарчи солади.

Мир Алишернинг ҳатти-ҳаракатларида ўта назокатлилиқ ва мулоҳазакорлиқни сезган шоҳ уни вазирликка тайинлайди, боғ ҳада қилади. Боғда Алишер уй қурдириб, боғнинг чиройини очади.

У тушдан кейин гоҳида овға чиқар экан, бир куни кўза кўтарган қизга дуч келиб, уни севиб қолади ва бадиҳа билан шеър айтиб, қизга муҳаббат изҳор этади:

Занжири ишқингга этдинг гирифтор,
Кошки кўрмасайдим, дилрабо, сени.
Кўнгул қушимни сен айладинг шикор,
Жон олувчи кўрдим, маҳлиқо, сени.

Достондаги воқеалар тизмаси ҳамда вазиятлар қиссадагига нисбатан ишонарлироқ, қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракатлари тасвири ҳам ҳаётийроқ чиққан. Достонда баёнга нисбатан қаҳрамонларга хос хусуситларини очишга хизмат қилувчи ҳолатлар тасвирини бериш етакчилиқ қилади. Шоирнинг қиз билан учрашиб қолиши эпизоди таҳлилида буни аниқ тасаввур этиш мумкин. Шоир қизнинг гўзаллигидан ҳайратга тушиб, уни гулга қиёслаб шеър айтади.

Иттифоқо, қиз ҳам шеър воситасида жавоб қилади:

Гул исмим кам толе чиқмас орадан,
Рақиб гофил қолсин бу можародан:
Қулни қулга сабаб этмиш яратган,
Йўқса, куйдирмасди беҳуда сени...

Кўриниб турибдики, ўз исмини айтиб танишибгина қолмай, кўнглида кечаётган талотумлардан ҳам Алишерни огоҳ этмоқда. У шунчаки, Гул (Гули) деб ўз исмини айтиб, ўзини таништираётгани йўқ. Агар биз мазкур сатрларни фақат Алишер билан Гулининг танишуви шундай кечади, деган йўсинда шарҳласак, унда шеър

1. "Шарқ юлдузи" журнали. Гул ила Алишер ҳикояси. 1986, 2-сон, 163-173-бетлар (туркчадан Жамол Камол таржимаси)

матннинг мазмунини ўта бир еклама, саез англаган бўламиз. Қолаверса, воқеаларнинг кейинги оқимида, албатта, содир бўлиши лозим бўлган драматик тўқнашувларнинг моҳиятини, Алишер билан Гули севгисидаги пинҳоний дарднинг юзага келиш сабабларини гофилларча англаб етмаган бўламиз.

Рақиб гофил қолсин бу можародан...

сатридаги ўта нозик ишорага эътибор қилайлик. Хўш, нима содир бўлдики, уни рақибдан сир тутиб, яшириш керак?

Нима учун қиз бу ҳолатни еру қўкка ишонмаган ноёб нарсадай эҳтиёт қиляпти? У ўз номини айтди, холос. Исми Гули экан. Шунга шунча ваҳимами? Ана шу ва шунга ўхшаш саволлар бизни ўз гирдобига тортаверади. Натижада биз, банддаги сатрларни биргаликда олиб, бир бутун бадиий борлиқ сифатида кузатишга мажбур бўламиз. Таҳлилда ана шундай йўл тутсак, банднинг:

Кулни қулга сабаб этмиш яратган,
Йўқса, куйдирмасди беҳуда сени...—

сатрлари Гулининг изҳори дилидай аҳамият касб этади. Алишернинг бу сўзларни эшитгандан кейин бироз ноқулай ҳолатга тушиб қолиши ҳам қиздан ана шу дил изҳорини кутмаганлигидадир. Бу ўринда Алишерни журъатсизлик, пассивликда айблаш бадиий ҳақиқат мантиқига мутлақо зид ҳулоса чиқариш бўлади. Ахир у шоир, ўта нозиктаб йигит. Шунинг учун ҳам Гулига ўз дилидагини рўй-рост, бирданига айтолмайди. Бироқ қизнинг жавобидаги нозик ишораларни тушуниб етгач, унинг отаси хўжа Солиҳ ҳузурига боради. Шунда ҳам минг андишага бориб, тор жўрлигида ўз дардини унга ёради:

Бу савдо ақлимни келтирди зоя,
Куним йилга тенгдир, соатим оя.
Қўнди кўнгил қушим Гули раноя,
Нолакор булбулам, гула келмишам.

Асарда Алишернинг ҳам инсон, ҳам шоир сифатида ўта нозик таъблигига алоҳида эътибор берилган. "Нолакор булбулам гула келмишам" сатрининг заминидаги мажозий-руҳий ҳолат, "Куним йилга тенгдир, соатим оя" мисрасидаги қаҳрамон руҳиятини, унинг қалбида кечаётган талатумларнинг моҳиятини яна ҳам теранлаштиради. У ўта нозик таъб шоиргина эмас, ўз дардини, дил изтиробини ҳар қандай ҳолатда ҳам очавермайдиган, мабодо шу дардни тан олиш муқаррар бўлиб қолганда эса, "нолакор булбул"га айланиб у ҳақда фақат куйлай оладиган ошиқ сифатида гавдаланади. Шу ўринлардаги Алишернинг ҳолати буюк шоир ғазалларининг бирида ифода этилган "аҳли дард"ни едга солади.

Эй, Навоий, дардлиғ назмингни аҳли дард билур,
Дардсиз доғи бўлур они ўқиғач аҳли дард.

Мазкур сатрларнинг моҳияти халқ достонидаги "нолакор булбул"нинг ҳолату хусусиятига ўта ҳамоҳангдир. Биз бу ўринда дostonни яратган бахши буюк Алишер Навоийнинг айнан шу сатрларидан фойдаланган, деган мулоҳазани билдиришдан йироқмиз. Бироқ "нолакор булбул"нинг хос хусусиятларини очишда умуман, Навоий лирикасининг мутлақ таъсирини кўрмаймиз, дейиш ҳам халқ ижодиётининг табиатини, ижод жараёнининг характерини бир еклама талқин этиш бўлар эди. Қолаверса, гул ва булбул мотивининг Шарқ шеъриясида узоқ асрлик ва теран анъанага эга эканлигини еддан чиқармаслигимиз керак. Дард ҳақидаги юқорида келтирилган сатрлардаги дардли билан "нолакор булбул" ўртасида ўзаро ички моҳият ҳамоҳанглиги бор. Буни инкор этиб бўлмайди.

Бадий асарда, у халқ ижодиётида ехуд шоир, носир қаламига мансубми, бундан қатъий назар, ҳаётидагидек ҳеч нарса сабабсиз

содир бўлмайди. Содир бўлдимиз, демак, унинг оқибати ҳам мавжуд. Достонда ҳам қиссадагидек (А.А.Семенов топиб нашр этган асар назарда тутилмоқда — Н.А.) Гулининг отаси ижобий, эҳтиёткор киши сифатида талқин этилган. У "нолакор булбул"нинг навосини эшитгач, обрўли, давлатманд киши қизига оғиз солаётганини чуқур ўйлаб, мулоҳазакорлик билан иш тутади. Хотини, қизи билан маслаҳатлашиб, Гулининг розилигини олади. Бироқ худди ана шу эпизоддан бошлаб, достондаги воқеалар, қаҳрамонлар ҳамма муносабатлар зидланиши кескинлашади. Осойишталик билан давом этиб келаётган воқеалар тизимига шоҳ ва Шайхулислом Қози образининг киритилиши асардаги барча образларни қутблаштиради.

Шоҳ Гулини кўриб, унга ошиқи беқарор бўлиб қолади. Гулининг уйга Қозини совчиликка юборади. Хўжа Солиҳ Алишернинг умрини хавф-хатарда қолдирмаслик учун ўзаро келишилган маслаҳатдан совчини воқиф этмайди. Солиҳ яна содир бўлган ана шу муносабатларнинг сабабчиси Гулига, шоҳ совчиси ҳақидаги хабарни айтади.

"Кулни кулга сабаб этмиш яратган" деган ҳақиқатга ишонган Гулининг барча орзулари илк бор тўсиққа учрайди. Шунда ҳеч иккиланмасдан, шундай жавоб беради: "Сабаби ҳаётим, суюкли отам, мен бир туя эмасманки, икки марта бўғизлансам ва бу қайси китобда борки, бир қизга бир эр учун қисматнинг амри ижобат этилсинда ва ҳали ҳаёт экан, ўша амр ерда қолдирилиб, бир бошқаси учун қисматнинг амри қабул қилинсин... Мен подшоҳнинг амрини рад этаман".

Қизнинг бу жавобида ўнинг ўта ақллилиги, мулоҳазакорлиги ҳамда табиатидаги ростгўйлик, ўз сўзида собитлик хислатлари

мужассамлангандир.

Ахир, Алишернинг шеърига:

Кулни кулга сабаб этмиш яратган,
Йўкса, куйдирмасди беҳуда сени —

деб жавоб берган ва биринчи бўлиб дил изҳорини рўй-рост айтган шаддод қиздан бундан ўзгача муносабат кутиш ҳам мумкин эмас-ди!

Подшоҳ, иккинчи марта совчиликка энди Алишернинг ўзини ёборади: Алишер ўта мушкул ҳолатга тушиб қолганига қарамай, мулоҳазакорлик билан иш кўради. "Магар қисмат бизга кулиб боққанда, бу масаланинг орасига шоҳ аралашмасди. Балого ризо керак!" — деган хулосага келади. Унинг бу мулоҳазасида мавжуд шарт-шароитни теран ҳис қилиш бор, ахир у муайян шахс, кучлар қаршисида иложсиз эди. Достондаги воқеалар тизими қиссадагидек ривожланади. Ўлими яқинлашган Гул яна ўзига хос ўша поклик, рўй-ростлик билан Алишерни чақиртириб, унга васият қилади:

Гунча эдим, рози бўлдим ўлима,
Ет булбулни қўндирмадим гулима.
Ҳаётда тегмади қўлинг қўлима,
Тобутим остига кир ювош-ювош.

Ўз севгилисининг иложсиз қисмати учун ўзини ҳам гуноҳкор деб билган Алишернинг жавоби ҳам бундан мунглироқ, бундан ҳам фожиалидир.

Менга ўлим афзал бу тирикликдан,
Сен билан кўрардим кун ювош-ювош.
Сўлар гулим муродига етмасдан,
Вужудим тарк этар жон ювош-ювош...

Алишер Гулининг ёнидан чиққач, дарвеш либосида Байтуллога ҳажга отланади. Бироқ шоир ниятидан воқиф бўлган Хусайн, унинг ортидан нома йўллаб, ҳаж сафарини қолдиришни вазирдан илтимос қилади.

Достоннинг Алишер ва шоҳ муносабатига бағишланган ана шу эпизоди тарихий ҳақиқатга оз бўлса-да ўхшашдир. Маълумки, Алишер Навоий умрининг охирларида саройдаги низолар, ижтимоий-сиёсий воқеалар таъсирида руҳан чарчаб, бир неча бор ҳаж сафарига отланган. Хусайн Бойқаро эса мамлакат осойишталиги учун сафар ниятидан қайтишни ундан илтимос қилган. Характерли томони шундаки, юқорида эслатилган, А.А.Семенов нашр этган қиссада мазкур эпизод мутлақо йўқ. Қолган аксарият эпизодлар ва ҳатто қаҳрамонларнинг исмигача қиссадаги аниқлик сақланган ҳолда, Алишер Навоий ҳаётига оид мазкур тарихий фактнинг, шеърий ишора тарзида бўлса-да, достонга киритилишининг бизнингча муайян сабаблари бор.

Мазкур эпизоднинг достонга киритилиши Алишер Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига алоқадор маълумотларнинг унинг шоирлик шуҳратига нисбатан кенгроқ тарқалганини яна бир бор исботлайди. Достонга нисбатан олдинроқ яратилган қиссага бу факт киритилмаганлигининг яна бир сабаби бор. Олдинги асарда ҳам Гули, унга бўлган муҳаббат туфайли шоҳ билан шоир ўртасидаги муносабат зиддият тусини олмайди.

Достоннинг интиҳосида Хусайннинг "Дорилфигон" (Фикон — нола уйи) номли чиллахона қурдириб, дарвешона ҳаёт кечириши тасвирланади. Алишер ва шоҳ ўртасидаги муносабат қуйидагича яқунланади.

Алишер:

Аъло, эй шоҳи Самарқанд, қандни захр этмак керак,
Чунки бу фоний жаҳондир, ҳар гелан гетмак керак.
Ҳамма нарса ҳолиқийдир, якка шу дунё қолур,
Сарви гулнинг соясинда сўлди Гул, нетмак керак.

Хусайн:

Ўлажак ўлур на чора, найламак, нетмак керак,
Сарвдан тобут ясаб, гулдин кафан этмак керак.
Чун аносир ҳокка марбут, охири ҳам хок ўлур,
Тез ювинг ҳам кўтаринг, тез манзили етмак керак.

Достонда Навоий образининг талқини оптимистик тугалланмага эгадир. Гули вафот этгач, Алишер дарвешлик ҳассасини тутмайди. У Гулининг қабрини зиёрат қилиб туради. Бу унинг учун ҳаж зиёрати вазифасини ўтайди. Ҳар тонг чоғи эса оташнафас булбулдек дилтортар шеърлар ёзади.

Бу ўринда А.А.Семенов топган қисса муносабати билан профессор А.К.Боровков томонидан билдирилган мулоҳазаларнинг айримлари мунозарали деб ўйлаймиз.

Кўриниб турибдики, достонда Мирали ва Султон Суюн ҳақидаги туркман халқ ижодиёти намунасидан ҳам кенг истифода қилинган. Гулининг ўлими ва уни дафн этиш ҳақидаги мажозий истиоравий образли ифодалаш усули ҳамда шеърый воситалар тўлиғича, ўзгартирмасдан янги бадиий-руҳий ҳолатга сингдириб юборилган. Бу ўринда бош қаҳрамонлар муносабатининг ўзгачалиги ҳам ҳисобга олинмаган 1).

А.К. Боровков ёзади: "Книжная новелла о любви Навои к красавице Гуль противопоставляет везиря государю. Пользуясь правом господина, султан Хусейн лишает Навои любимое невесты: Навои пытается бежать в Мекку, остается бездетным, одиноким, как Григорий-отрок русской легенды, строит хижину и уединяется в ней. Известны народные предания о любви Шота Руставели к царице

1. Навоий образини талқин этишдаги кўчма, сайёр лавҳа ва тафсиллар ҳақида мазкур қисмнинг сўнгида батафсилроқ тўхталамиз — Н.А.

Тамаре, об измене жены, о трагической смерти первой невесты, что во всех случаях заставляет Шота Руставели уходить в далекие края, в монастырь или Иерусалим" 1).

Афтидан А.К.Боровков бу ўринда Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро ўртасидаги тарихий зиддиятларга кўпроқ таяниб иш кўрганда ўхшайди. Биз уч халқ ижодиға мансуб ҳар икки асарда ҳам шоҳ ва вазир образларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш эпизодига дуч келмадик. Ҳатто анча ҳаётий яратилган энг кейинги достонда ҳам Хусайннинг ўз шоҳлик мавқеини суистеъмол қилиши аниқ сезилмайди.

Ўзбек ва туркман халқ ижодиетида Алишер Навоийнинг шахсий ҳаётидаги "оқ доғ"ларни тўлдириш мақсадида яратилган, биз юқорида таҳлил қилган ҳикоя-қиссалардан ташқари ҳам талай асарлар мавжуддир. Филология фанлари доктори М.Муродов нашрга тайерлаган "Алломалар ибрати" номли китобида мазкур мавзудаги асарларнинг бир нечасини учратдик. Бу асарларнинг диққатга молик томони шундаки, уларда Навоий ва унинг шахсий ҳаётига оид томонларини тўлдириш фақат шоирнинг "ғалати елғизликда" кечган умрининг талқинидангина иборат бўлиб қолмайди, шоир образининг янги-янги қирраларини еритувчи воқеалар тилга олинади.

Бу ўринда "Навоий ўтди кўчангдан" номли ҳикоят анча диққатга моликдир. Ҳикоя қилинишича, Алишер билан Хусайн Бойқаро ешликдан қалин дўст экан: Хусайн подшо бўлиш ҳаёлига тушиб, суворий тўплаб жанг-суронлар қилиб подшоҳ бўлибди. Алишер эса шоирлик куйига тушиб, узоқ бир шаҳарга ўқишга бориб, машҳур бўлиб қайтибди. Халқ уни шоду хуррамлик билан қарши олибди. Подшо уни йўқламабди. Шунда Алишер, "Хусайн келганимни эшитмагандир ёки унинг подшоҳлик

1). Известия АН СССР отд. лит. и яз. 1947, том 6, вып. 6, 492-493

юмушлари кўпдир", - деб ўйлабди, севимли маъшуқаси Гулини эргаштириб подшоҳ ҳузурига йўл олибди. У подшоҳ шаҳарнинг ўртасида бир боғ барпо эттириб, унга туташ кўчалардан ўтган оддий халқни жазолашни одат қилганидан хабарсиз экан. Алишер ва Гулини посбонлар тутиб, шоҳнинг енига олиб борибдилар. Подшоҳ Алишерни танибди-ю, ўз ҳукумимда турмасам, аъёнлар олдида бебурд бўлиб қоламан, деб ўйлаб. Алишерга ва Гулига юзланиб, шундай дебди:

"Ҳой, мусофирлар, "Боғ кўчадан" юриб гуноҳкор бўлибсизлар. Мен сизларни зиндон қилишим керак. Лекин бир саволимга тўғри жавоб берсанглар, гуноҳларингдан ўтаман. Саволим шу: "Бир сўз дегилки, унда ўзинг билан аелингни исми, нима сабабдан боғ кўчага кирганинг англашилсин. Жавобинг менга ҳам, аъёнларимга ҳам маъқул бўлсин". Навоий бир дақиқа ўйланиб турибди-да ушбу байтни айтибди:

Навоий ўтди кўчангдан пиеда ери билан,
Киши балога қолурми ўз ихтиери билан.
Боғбонни дўст дебон келдим кўча боғи билан,
Авф этсалар кетгумдир Гули - ерим билан 1).

Шунда Ҳусайн: "Кечиринг, дўстим!" - деб Алишернинг қучоғига отилибди:

Мазкур ҳикояда ҳам Навоийнинг ҳаёти, Ҳусайн Вайқаро билан ўзаро муносабатларига оид тарихий фактларнинг ўзига хос бадиий-эстетик жиҳатдан ўзгартирилган талқинига дуч келамиз. Халқ ўз севган шоирининг Машҳад, Самарқанд таҳсилидан сўнг Ҳиротга етук шоир бўлиб қайтган йилларини ана шу йўсинда бадиий гавдалантиради. Шоир билан шоҳ ўртасидаги зиддиятли муносабатлар олдинда бўлгани, тасвирланган воқеалар Алишернинг ўсмирлик

1. Алломалар ибрати. Тошкент "Ёш гвардия" нашриети, 1982, 32-бет

йиллари билан боғлиқлиги учун ҳам ҳикоядаги баён усулидан ҳазил-мутойиба, ёшликнинг беғубор кўтаринки руҳи сезилиб туради. Ҳикоянинг мазмунини фақат ана шу йўналиш билан чағаралаб қўйсак, шубҳасиз, биреқламаликка йўл қўйган халқ тафаккури қудратининг беҳад уфқларини илғамаган бўлар эдик.

Ҳикояда шоир ва шоҳнинг ўсмирлик йилларига алоқадор воқеалар талқин қилинса-да, халқ бадиий тафаккури ана шу илк муносабатлар каъридан ҳам Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ўртасида келгусида кечадиган зиддиятларнинг моҳиятини аниқ илғаб, бу моҳиятни уларнинг ёшлик йилларидаги ҳатти-ҳаракатларига жо қила олган. Бу ўринда ҳикояда тасвирланган "Боғ кўча" ва Ҳусайннинг шу билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлари анча характерлидир. Унда кейинчалик тўлиқ шаклланадиган манманлик, кибрланиш, роҳат-фароғатга берилиш хусусиятларининг илдиэлари ана шунда. Алишерни таниса ҳам танимасликка олиб (бироз ҳазил-мутойибага мойиллик сезилса-да), ўз шартини қўйишда бўлгуси ҳукмдорнинг характерига хос қирралар бор.

Ҳусайн Бойқаро шахсига алоқадор яна бир хусусият ҳам худди ана шу "боғ кўча" билан алоқадор шарт қўйиш эпизодида очилади. Ҳикоядаги шоҳнинг шартини оддий, шунчаки бир синов эмас. Унинг шартига, кўра "гуноҳкор" шеър билан жавоб қайтариши керак. Бундай шартни эса ҳамма ҳам қўявермайди, шунингдек, унга ҳамма ҳам бирдек шеърый жавоб айтолмайди. Мазкур "Боғ кўча" эпизодининг характерли томони шундаки, биргина шу кичик восита орқали ҳам Алишер Навоийга хос донолик ва буюк санъаткорлик, ҳам Ҳусайн Бойқарога хос манманлик ва шеърятга ошуфталик тарихий ҳақиқат ҳамоҳанг ёритилляпти. Алишернинг кўча посбонига: "Бу адолатдан

эмас, иним", — деб уқтиришида Хусайннинг манманлигига қарши норозилик ҳамда адолатга ташналик руҳи бор.

Алишер ва Хусайн образларига, улар муносабатидаги ранг-баранг ҳолатларга эътибор бериш мазкур ҳикояда тарихий ҳақиқатга нисбатан яқинроқ. Таҳлил қилинган ҳар уч эпизоднинг ҳам муайян тарихий асосга эга эканлиги, билвосита бўлса-да, Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаронинг фаолияти, шахсиятлари билан мутаносиблиги ҳикояни буюк шоир образи талқин қилинган бошқа асарлар орасида алоҳида босқичга кўтаради.

Бу ҳикояда аввал таҳлил қилинган достон ва қиссалардагига ўхшаш сайёр эпизод ҳамда ҳолатларнинг учрамаслиги ҳам унга ўзига хос бир мустақиллик, алоҳидалик бахш этган. Кўриб ўтилган достон ва қиссаларда, улар ўзбек, усмонли турк халқлари томонидан яратилганига қарамай, сайёр эпизод, вазият, ҳатто шеърий сатрларнинг айнан такрорланиш, бирдан иккинчисига кўчиб юриши халқ ижодиётидаги анъанавийлик нуқтаи назаридан характерлилик касб этса-да, бироқ муайян халқ бадиий тафаккурининг оригинал ижодий маҳсули сифатида олиб қаралганида маълум даражада хира тортади.

Дунё халқлари орзаки ижодида бор олма талқинининг ранг-баранглиги ҳақидаги тадқиқотлар, унинг рамзийлиги, бу ҳодисанинг регионма-регион ўзгариб бориши борасида олиб борилган изланишлар фикримизнинг далилидир.

Мазкур изланишларнинг 1) аксарияти, сайёр образларнинг тузилишидан ҳам кўпроқ уларнинг кўчиб юриш сабабларининг

1. Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: А.Н.Васеловский. Историческая поэтика. М., Изд-во "Худ.лит-ра", 1940; А.А.Потебня. Из лекции о теории словесности. Харьков, 1894; С.Г.Лазутин. Вопросы поэтики

таҳлилига бағишланган. Ўзбек халқ ижодидаги бу ҳодисанинг кенг кўламлиги ва теранлиги алоҳида тадқиқотнинг объекти бўлгани учун биз бу ҳақда ишимизнинг имконияти даражасида тўхталишни лозим топдик.

"Алломалар ибрати" тўпламига киритилган "Ноўрин гумон", "Навоий ва Хусайн Бойқаро" ҳикояларида буюк шоирнинг "дунёни ғалати елғизликда ўтқаргани" масаласи билан боғлиқ бўлган, уни халқона бадий тафаккур воситасида талқин этувчи воқеалар акс эттирилган. Халқ бадий мантиқи бу муаммони сарой аъёнларининг ўз севимли шоири ва ҳикоячисига нисбатан амалга оширган ифвогарликлари билан боғлиқ ҳолда олиб тадқиқ этади. Халқона тафаккур мазкур муаммонинг илдизларини ўзига хос йўсинда излайди, шоир шахсиятидаги "оқ доғлар"ни ўзича, ўзининг буюк шоирига бўлган эътиқоди, меҳр-муҳаббатидан келиб чиқиб тўлдиришга, саъй-ҳаракат қилади. Бундан ташқари, ҳар иккала ҳикояда ҳам халқнинг буюк шоир ижодий психологияси ҳақидаги тасаввури ўзига хос,, бетакрор халқона мантиқ асосида ёритилади. Халқ ўз севимли шоири асарларининг реал замини, уларнинг юзага келиш, яратилиш жараенини ўзича тушунади, шундан келиб чиқиб айрича шарҳлайди. Шунинг учун шоир асарларининг юзага келишида санъаткорнинг қалби шууридан ҳам кўпроқ уларни тугдирган реал заминга нигоҳ ташлайди. Шеъринг сатрлардаги бадий мазмунни шоирга, унинг шахсиятига нисбатан берилган воқеалар билан асослашга асосий эътиборини қаратади. Бадий ҳодисаларнинг бундай кўтаринки мантиқий таҳлил усули, умуман халқлар ижодиёти учун муштаракдир.

русской словесности. Воронеж, 1958; Д.С.Лихачев. Поэтика древнерусской литературы. Л., 1967; А.Шаропов. Оламлар ичра оламлар. Тошкент, 1976.

Алишер Навоийнинг "дунени ғалати елғизликда ўтказгани" масаласига келсак, бу муаммонинг ҳал этилиши ҳар бир халқ ижодиётида ўзига хос кўринишга эга. Навоийнинг давлат арбоби, мутафаккир сифатида талқин этилишида муайян яқинлик, ҳамоҳанглик ҳамда тарихий ҳақиқат мантиқига амал қилиш ўзбек ва қардош халқлар ижодиётида муайян умумийликка эга бўлса, елғизлик муаммосини талқин этишда биз бундай ҳолни кўрмаймиз. Буюк туркман адиби Берди Кербобоев Алишер Навоий образининг халқ ижодиётидаги талқини хусусида тўхталиб ёзади: "Туркман халқ оғзаки ижодиётида Навоийнинг илғор фикрли шахс сифатидаги ўлмас-туганмас образи бенуқсон яратилгандир. Навоий яшаган даврдан беш юз йил ўтганига қарамай, бу улкан образ адолат тимсоли сифатида ҳалигача халқимизнинг онгида яшаб келмоқда, бундан кейин ҳам яшай беради 1)". Шубҳасиз, юқорида таъкидлаганимиздек, Навоийнинг шоирлик шухрати, давлат арбоби сифатидаги ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақидаги маълумотлар XV аср охирларидаёқ Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқлари орасида кенг тарқалган ва бу ўз наъбатида Навоийнинг давлат арбоби, даҳо шоирлиги борасидаги талқинини оғзаки ижодиётида маълум даражада "бенуқсон яратилиши"га замин бўлган.

Навоийнинг елғизлиги, уйланмаганлиги муаммосини турли халқлар оғзаки ижодиётидаги талқини масаласига келсак, бунда ўзгача ҳолни кўрамиз. Ўзбек халқ ижодиётида бу чигалликни Алишер - Гули - Хусайннинг бир-бирларига муносабатлари ва асосан Гулининг бевақт ўлимини талқин қилиш орқали ҳал этишга интилиш кучлироқ ҳамда

1). Берди Кербобоев. Тавланган асарлар. 6 томлик. 5-том. Туркменистон Давлат Нашр., Ашхабод, 1959, 29-бет (асар туркман тилида).

етакчи йўналиш бўлса, туркманларда бу воситадан мутлоқ воз кечилади, Гул Султон (Хусайн)нинг хотини сифатида берилиб, Мирали (Алишер) оилалик бахши тимсолида гавдалантирилади. Асосий эътибор яна Навоийнинг шоирлиги, донолигини тадқиқ этишга йўналтирилиб, Бобурнинг "дунёни фалати ёлғизликда ўтқарган" буюк шоир ҳақида билдирган фикрни четлаб ўтилади. Бунинг асосий сабаби, бизнингча, юқорида таъкидлаганимиздек, шоирнинг шахсияти ҳақидаги маълумотларни унинг шуҳрати ҳақидаги фикрларга нисбатан кеч тарқалгани ҳамда нисбатан кенг овоза тутмаганлигидадир.

Қолаверса, иккинчидан, халқ буюк тарихий шахсларнинг ибратомуз хислатларини талқин қилиш орқали ўзининг энг улкан эзгу ниятларини: адолат, саодат, тенглик ҳақидаги ўй-хаёлларини тараннум этган, шундай восита билан ўзига ҳимоячи топиб, озодлик, тенгликка ўзича йўл излаган. Мазкур ният нисбатан салмоқли ва долзарб бўлгани учун ҳам Навоий шахсий ҳаётига оид воқеаларни талқин қилишда тарихий ҳақиқат мантиқидан юқоридагидек чекинишлар, уни истаганча ўзгартириб бадиий тадқиқ қилиш ҳодисалари юзага келади.

"Мирали" туркумидаги туркман халқ ҳикояларидан бири "Нималарга харжлайсан"да биз худди ана шу версиянинг Мирали (Навоий)нинг шахсий ҳаётига оид фактларни "нозиклик билан ўзгартирилиб", асосий эътибор шоирнинг халқпарварлигини талқин этишга йўналтирилганининг тасдиғини кўрамиз. Ҳикоянинг қисқача баёни тубандагича.

Мирали Султон Суюнни бирор маротаба ҳам уйига таклиф этмаган экан. Кунлардан бир кун вазият тақозоси билан подшоҳ вазирни шундай таклифни айтишига мажбур қилади.

Султон Суюн Миралининг уйига бориб, ўз бош вазири ва хотинини бениҳоятда камбағал ҳамда ночор аҳволда яшаётганликларини кўради. Бу аҳволдан ҳайратга тушиб, вазирдан "Мендан ойига юз тилло олаётган маошингни нима қилаяпсан?,-деб сўрайди. Мирали, мабодо, бунинг сабабини билмоқчи бўлсанг, менинг орқамдан юр,- дейди-да, Султон Суюнни эргаштириб, шаҳар чеккасида ғарибу қашшоқлар яшаётган бир манзилга бошлаб боради. Шундан аввалроқ шоҳ Миралининг таклифига кўра бош вазирлик, унинг ўзи эса шоҳлик либосини кийиб олишган экан. Манзилга етиб келишгач, майиб-мажрух қашшоқлар, Султон Суюнни Мирали деб ўйлаб, унга епишиб оладилар. Шоҳ бош вазири Миралининг ҳар ойлик маоши кимларга харж бўлаётганини фаҳмлаб, бу мажрух одамлар учун иморат солдириб беришга ваъда қилган экан" 1).

Мазкур ҳикояда эътиборга молик томон шундаки, шоир оилали, уйланган киши сифатида талқин этилиб, тарих ҳақиқатига зид йўл тутилса-да, бироқ тарих бадииятини еритишда, Алишер Навоийни давлат арбоби ва фуқаропарвар шахслигини еритишда бундай "бузилиш" кўзга ташланмайди. Маълумки, Хондамирнинг "Мақорим-ул-ахлоқ" асарида ёзилишича, Навоий томонидан бунёд этилган, биргина Халосия хонақоҳида мусофир ва қашшоқларга овқат берилиб, ҳар йили 2000га яқин турли хил кийим-кечак тарқатилар экан.

Алишер Навоийнинг фақирпарварлиги, бечорапарварлиги, фақирларга ғамхўрлик мақсадларини кўзлаб "Шифоия", "Ҷамоатхона" хонақоҳи каби ўнлаб хайрли бинолар қурдирганлиги ҳам тарихий

1). Кербобоев Б. "Танланган асарлар"нинг IV томида келтирилган текст асосида берилляпти. 341-343-бетлар.

ҳақиқатдир. Ҷумладан, у ҳозирги Туркменистон Ҷумҳурияти ҳудудида бўлган Мерв (Мари) шаҳрида ҳам "Хусравия" (1476-1477) номли улкан мадраса қурдиради.

Бу ўринда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Навоийни Султондан моддий манфаат кўриш ўрнига, аксинча, Султонга моддий ердамлашиб турганлиги ҳақидаги шаҳодатни ҳам ҳисобга олсак, халқнинг шоирга бўлган эъзози нечоғлик тарихий ҳақиқат эканлиги яна ҳам теранлашади. Навоийнинг бундай фуқаропарварлиги жиддий ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик бўлиб, у илғор Шарқ бадиий тафаккури тараққиётида ўзига хос акс-садо берди. Бундан ташқари, агар биз Алишер Навоий ўзининг бу борадаги фаолияти билан Ҷамиятнинг илмий, маданий даражасини кўтаришни, асосан, Ҷамиятнинг қўйи табақаси аҳволини яхшилашни назарда тутганлигига эътибор қилсак, буюк шоир ва мутафаккирнинг ўз даврига нисбатан ғоятда илгарилаб кетганлигининг шохиди бўламиз. Зеро, ижтимоий тараққиётнинг юқори босқичида бўлган Европада ҳам Р.Оуэн, Шарль Фурье, А.Сен-Симон сингари утопик социалистлар бундай хайрли ишлар билан Алишер Навоийдан анча кейин (XIX асрда) шуғулландилар. Бу ўринда Навоий ижтимоий ҳаётидаги нотекисликлар ҳақида Е.Э.Бертельснинг фикрлари диққатга молик: "...Навоий ўз қиммат мавқеига кўра... сарой ҳаётининг марказида турди, бугина эмас, у маълум даражада сарой ҳаётини бошқарди ҳам ... Навоийда омманинг кенг қатлами ҳаётини яхшилаш борасидаги ўз ўй-орзуларининг ўтиб бўлмас тўсиқларга дуч келиши туфайли содир бўлган очиқ эътироз ва афсуслар тез-тез учраб туради" 1).

1. Бертельс Е.Э. Низами. М., Изд. АН СССР, 1956, с.251.

Хондамирнинг "Мақорим-ул ахлоқ", Бобурнинг "Бобурнома", шоирнинг ўз асари "Вақфия" кабиларда келтирилган тарихий фактларнинг моҳияти туркман халқ ижодиётидан келтирганимиз "Нималарга харжлайсан" ҳикоясидаги Навоий образида ўз аксини анча муфассал топган. Қолаверса, ҳикоядаги талқин улкан тадқиқотчи Е.Э.Бертельснинг фикрларини ҳам тўла тасдиқ этади.

Бир-бирига географик жиҳатдан яқин бўлган қардош халқлар ижодиёти учун образлар, муайян бадиий ёхуд шеърӣ сатрларнинг айнан кўчиб юришигина эмас, шунингдек, мавзуларнинг ўтиб туриши, уларни муштарак усулларда талқин этилиши ҳам табиий бир ҳолдир. Бундай муштаракликнинг сабаблари энг аввало қардош халқлар ижодиёти учун объект бўлган шахс, воқеа-ҳодисанинг шу халқлар тарихий тараққиёти, урф-одатлари, маданияти билан боғлиқлиги-ла изоҳланса, иккинчидан, бу бадиий-ғоявий талқин жараёни асосида муайян тарихий воқеаларнинг моҳиятини нисбатан аниқлаш, шу билан бирга нисбатан умумийроқ йўналишда ёритиш усули ётганлигидан далолат беради.

Ўзбек халқ ижодиётидаги "Одамий эрсанг..." ва туркман фольклори намунаси - "Мендан ҳам юз тилла" ҳикоялари орасида муайян мавзу муштараклиги мавжуддир. Биринчи ҳикоя шоир ҳаёти, шахси билан боғлиқ тарихий воқеалар заминида юзага келган бўлиб, унинг мазмуни қуйидагича: Мир Алишер Навоий ёши бир жойга етиб қолганда, ҳаж сафари ҳаёлига тушиб, подшоҳдан бир неча бор рухсат сўрайди. Лекин ҳар гал у рад жавобини олади. Бир гал унга шоҳ (Султон Ҳусайн Бойқаро) очикчасига: "Сизсиз улусни бошқариш қийин. Аъёнларга ишониб бўлмайди, пайимни қирқиш мақсадида бўлади. Дўст деб билсангиз, мени елғиз ташлаб, ҳеч қачон

кетмангиз", - деб айтади.

Орадан бир йил ўтгач, ниҳоят у ҳаж сафарига шохдан ижозат олиб, ҳовлисига келса, санъат ва илм аҳли ҳамда оддий халқ намояндалари уни кутиб туришган экан. Улар Алишер Навоийни ҳаж сафаридан қайтаришга келган эканлар. Шоирнинг бир меъмор дўсти шундай дейди:

Ҳазрат, сафар ихтиёрини тарк этинг, Сизсиз ҳолимиз забун бўлади. Ариқлар қазилуви, бинолар қурилуви тўхтаб қолади, эл боши галаён, тўс-тўполондан чиқмайди...

Бир кекса темирчи эса:

Улус масжид деса солдирдингиз, мадраса деса қурдирдингиз, Сиз бино қилдирган бу ҳаммомлар, кўприklar, ариқлар, ҳовузлар, боғ-роғлар, кутубхоналар савобининг ўрнини босолмайдими? - дейди. Бошқа бири:

Сиз етимларга-от, уйсизларга-уй, сувсизларга-сув бўлдингиз. Сизнинг раҳм-шақат, муравватингиздан одамларгина эмас, жониворлар, ҳатто ҳашоратлар ҳам баҳраманддирлар, шунинг ўзи савоб!" 1) - деб гапни чўрт кесади.

Ҳикояда Алишер Навоий образига алоқадор талқин чизгиларининг энг характерлиларига дуч келамиз. Бу ўзига хослик, чизгилардаги янгилик шундаки, улар аввало Навоий фаолияти, ҳаётига оид энг сўнгги тарихий воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини ўзларида ташиydi. Ҳаж сафарни қолдириш ҳақидаги Навоийга қилинган ҳар икки илтимоснинг моҳияти ўзгачадир ва ҳар иккиси ҳам моҳияти нуқтаи назаридан тарихий ҳақиқат мантиқига мосдир. Ҳусайн Бойқаронинг

1. Алломалар ибрати. Тошкент, "Ёш гвардия", 1982, 55-бет.

Навоийга ҳаж сафарини қолдириш борасида қилган илтимосига халқ манфаатини, эл-улус осойишталигини кўзлаб қилинган сазй-ҳаракат эмас, аксинча, ўз ҳукмронлик мавқеини буюк шоир обрўси билан мустаҳкамлашга интилиш, нима бўлмасин инқирозга йўл тутиб, таг-тагидан нурай бошлаган салтанатини омон сақлаб қолиш иштиёқи, теурийзодаларнинг кейинги йилларда тож-тахт учун авж олган курашларида буюк шоирнинг ўз томонида туриши унга нечоғлиқ ердам бера олишни ҳарбий стратег сифатида тушуниб етганлиги каби масалалар моҳияти жамулжамдир. У бу муаммоларни фақат Алишернинг обрўси, шуҳрати ҳамда теурийзодалар орасида катта ҳурматга лойиқ киши эканлиги туфайли фақат унинг обрўсига таяниб ҳал қилмоқчи. Хусайн Бойқаро халқ манфаати, ободончилик, эл-юрт осойишталиги-ю, салтанатда тартиб-интизом ҳақидаги Навоий ўғитларига оз бўлса-да, қулоқ тутиб, мазкур муаммоларни ўз интиҳосига етказмоқчи эмас. Ҳаж сафарини қолдириш ҳақидаги икки илтимоснинг бир-бирига моҳиятан зидлантириш усули шоҳнинг буюк шоирга бўлган муносабатини ана шу тарзда талқин этишга имкон туғдиради.

Тарихий манбалар ҳамда Алишер Навоийнинг 1492 йилдан Хусайн Бойқаро ва бошқа замондошларига йўллаган барча мактубларини жамлаган, буюк шоирнинг ўзи томонидан тартиб берилган "Муншаот" саҳифаларининг шаҳодат беришича, шоир ўз дўстини доимо инсоф ва адолатга, давлат-идора ишларини муттасил кузатиб туришга, золимларни ўз вақтида, гуноҳини бўйнига қўйиб, жазосини беришга ундаб турган. Бу ва бунга ўхшаш барча ишларни у халқ манфаати йўлида амалга ошириш ниятида бўлган. Шоирнинг Астрободдан йўллаган бир мактубидан баъзи парчаларни келтирамиз:

"Қуллуқ арзадошт улким, , бир неча сўз хотирға келиб эрди, арз

қилмоғи вожиб кўрунди. Аввал улким, илтизом қилилсаким, эрта уйғониб номоз қилилса...

Яна улким, алассабоҳ ҳарамдин чиққан, девонда ўлтуруб додхоҳ сўрулса, дағи додхоҳ сўрарди ўзлук била машғуллук қилилса, агар бир мазлумга бировдин зулме ўтган бўлса, золимга андоғ сиёсат қилилсаким, ўзга золимларга мужтиби интибоҳ бўлса...

...Яна улким, шаҳр эҳтисоби амрида яхши эҳтимом қилилса, андоқким, шаробхона, байтул-латар, қиморхона-буларга ўхшаш номашруъ умурни қуллий манъ қилилса. Муҳтасиблар ҳафтада икки қатла бозор аҳлининг нархларидан вуқуф топсалар..." 1).

Хусайн Бойқаро Навоийдан ҳаж сафарини бир неча бор кечиктиришни илтимос қилганда шоирнинг бу ва бунга ўхшаш ўғитлари, йўл-йўриқларнинг салтанатни мустаҳкамлаш ишига, халқ манфаатига муҳим ердам беришни назарда тутмаган. Уни таъкидлаганимиздек, фақат Навоийнинг обрўи ва шуҳрати воситасида ўз мавқеини мустаҳкамлаш қизиқтирган, холос.

Ҳикоядаги Навоий образининг характерли томонларини очадиган чизгиларнинг қолгани халқ вакилларининг илтимослари берилган эпизодда жамланган. Шуниси характерлики, Навоий ҳажга бориш ҳақидаги ўз ниятини амалга ошириш учун Хусайндан узоқ вақт илтимослар қилади. Охир-оқибатда бу нияти инобатга олиниб, шохдан руҳсат олгач, ўзи доимо шавқат сўраб, ҳимоя қилган факиру фуқаронинг илтимосига дуч келади. Шунча йиллардан кейинги қизиқиш туйғуси яна ўз-ўзидан барҳам топади ёҳуд ҳаж сафари амалга ошмайди. Шоир ҳаж сафаридан олинадиган савобдан халқнинг ўзига

1). Алишер Навоий. Асарлар, 15 жилдлик, 12 жилд. Тошкент, 1966, 130-бет.

бўлган ишонч-эътиқодини ёқори қўйиб, ўз ниятидан воз кечади. Ўзгача бўлиши, воқеаларнинг ривожини ва интиқосини ўзгача тугалланиши мумкин ҳам эмас эди. Чунки халқ бадиий тафаккурида "фантастик аниқликкача" тадқиқ қилинган Навоийнинг ижтимоий фаолияти, унинг буюк шахс эканлигининг моҳияти шуларни тақозо этарди. Саъй-ҳаракатидан фақир, фуқаро, фозилу фузало у еқда турсин, "жониворлар, ҳатто ҳашаротлар ҳам баҳраманд" бўлган Навоийнинг халқ илтимосини рад этиши тарихий ҳақиқатга зид ҳукм каби жарангларди. Дарвоқе, ана шу биргина жумланинг ўзида Навоийнинг сувсий ерларга ариқлар қазиб сув чиқариши, боғ-роғлар бунёд этиши билан алоқадор фаолиятига ҳам ўта тағдор ишора қилинади. Бас, Шундай экан, тўлиғича тарихийликка асосланиб яратилган бу ҳикояда фактларнинг тарихан аниқлиги эмас, балки улар моҳиятининг Навоий образини талқинига тортилган чизгиларга мос тушиши етакчи хусусиятдир.

Навоий сўфизмнинг пантеистик тариқатига амал қилиб, мукаммал инсонда яратганнинг зарраларини кўра билган. Камолга етган инсонлардан иборат эл учун эса, Навоий қарашича, завол йўқдир. Шунинг учун ҳам Мирали "Улуғ элда олам мужассамдур" деб Султонни тақводорликдан қайтаради. Макка ҳам, унинг берадиган савоби-ю, ҳатто Оллоҳнинг ўзи "халқ ва раият"га сидқидилдан хизмат қилишдадир.

Алишер Навоий барча соҳада ҳақиқат йўлини тутган давлат арбоби, буюк инсон сифатида машҳуру маълумдур. Унинг ўз иниси Дарвеш Алибек, жияни Ҳайдар, Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин Мирзолар тақдирига бефарқ қарамай, уларнинг баъзиларини ўлимдан сақлаб қолганлиги, Мўмин Мирзонинг қатл этилиши муносабати билан қаттиқ

изтироб . чекканлиги маълум. Алишер Навоий ўз ҳаёти фаолияти давомида булардан ташқари ҳам наҳақликка дучор бўлган кўплаб кишиларнинг фалокатдан халос бўлишига сабаб бўлгандир. Шоирнинг шу фазилати билан боғланадиган воқеалар "Юрт қоравули" сарлавҳали ўзбек халқ ривоятида умумлаштирилади. Унда баён қилинишича, Навоий Сотиболди номли борбон дўстининг ёрдам ва тадбиркорлиги туфайли Каримбобо номли ўтинчи чолни ўлимдан кутқариб қолади.

Навоийнинг ижтимоий адолатсизлик ва зулмга қарши фаол ва одилona саъй-ҳаракатлари ўзбек халқ ижодиёти намуналаридан— "Она сути" ҳикоясида ўта таъсирчан ифодасини топган. Ҳикояда баён қилинишича, Алишер қўшни мамлакатлардан бирида саёҳатда юрган вақтида, дарвоза ёнида изтироб ўтида қовурилиб ўтирган бир аёлга кўзи тушади.

Алишер қайта-қайта сўрайвергач, аёл ўз ғамининг боисини сўзлаб беради: "Подшоҳи оламpanoҳимизнинг бир одатлари бор — ўзлари дунёга келган кунлари туғилган бола ўн бешга кирди, дегунча уни ўлдиртириб юборилади. Шу одатлари туфайли не-не болалар бевақт халок бўлди. Мендан ҳам бундан бир кун кам ўн беш йил бурун бир ўғил кўрган эдим. Уни подшоҳликка билдирмасликка қанча уринмай, айғoқчилар пайқаб қолиб, подшоҳга хабар беришган экан. Кунини кеча келиб: "Эртага ўғлинг ўн бешга тўлади, подшоҳликка олиб кетамиз", — дейишди. Якка-ю ягона нури дийдамнинг кунини битди... Қанотидан айрилган лочин учолмас деганларидек, боламдан айрилиб қолган куним, менинг ҳам ўлганим, мен йиғламай, ким йиғласин" 1).

Шундан сўнг Алишер, аёлнинг уйига кириб, унинг ўғлига, онанг ўз сутидан хамир қориб қулча ёпиб берсин, деб тайинлайди.. Қулча

1). Алломалар ибрати. 61-бет.

тайер бўлгач, у болага "ўлим олдидаги охирги илтимосдан фойдаланиб, сен шу кулчалардан подшоҳга едир" деб ўргатади. Эртаси куни ҳамма воқеалар Алишер ўйлаганидек кечади: яримта кулча еган подшоҳда болага меҳр уйғониб, уни ўз туришган укасидай яхши кўриб қолади. Уни ўзига вазир қилиб тайинлайди ва шу кундан бошлаб ўзи одат қилиб олган бемаъни зулмкорликдан ҳам воз кечади.

Мазкур афсонадаги тасвир этилган машъум воқеанинг ҳамда уни одилона ҳал этилишининг Навоий шахсияти ва фаолиятига бевосита алоқадорлиги йўқ, албатта. Бироқ афсонадаги Алишер тутган тадбиркорлик, ундаги зулмга бўлган нафрат ҳамда ночор кимсаларга бўлган улкан меҳрнинг илдизлари ўз моҳияти жиҳатидан тарихий шахс — Навоий билан билвосита боғланади. У ўқувчи тасаввурини Мўмин Мирзо фожеаси, шоирнинг жияни, дарвештаб Хайдарнинг ваҳшийларча ўлдирилиши билан боғлиқ воқеалар заминига йўналтиради. Ҳатто энг муболағавий афсонанинг ҳам заминиди ҳаётини воқеалар ва муносабатлар учқуни мавжудлигини эътибордан соқит қилмасак, ҳамда "афсоналарда реал борлиқ ўзига хос акс этиш"ни (Н.Бердяев) эътироф этсак, унда юқорида таъкидлаганимиздек, воситали боғланишда муайян қонуният борлигини тан олишимиз зарур.

Маълумки, Алишер Навоий ўз асарларида хотин-қизларнинг ранг-баранг образларини яратган, уларнинг шаклу шамоилларидаги бетакрор қирраларни очиб, гўзалликларини шарқона, ўта нозик лутф билан мадҳ этган. Халқнинг буюк шоир ижодининг бу томонига эътибор бермаслиги, "дунени ғалати елғизликда ўтқарган" ўз фарзандининг бу борадаги ижодий-бадий талқинларига бефарқ томошабин каби муносабатда бўлиши асло мумкин эмас эди. Шунинг учун қатор халқларнинг бадий тафаккур ардоғидаги Гули образи

вужудга келган. Халқ шу йўл билан ўз фарзандининг биографиясидаги "кемтик"ни тўлдиришга ҳаракат қилган.

Шоир ижодида фақат хотин-қизларнинг ижобий образларигагина эмас, аксинча, талай салбий образларнинг талқинига ҳам дуч келамиз. Шунинг учун бўлса керак, юқорида таҳлил қилинган, туркман халқ ҳикояти "Мендан ҳам юз тилла"даги художўй хотин, яна бир туркман халқ эртагидаги пулдор хотин каби образлар юзага келган.

Мирали ҳақидаги туркман халқ эртагида ҳикоя қилинишича, Мирали бош вазир бўлгандан сўнг юртнинг ўри-қирини кўздан кечириб чиқади. Ўша вақтларда Мари яқинидаги Мурғоб дарёси жўшиб оқар экан. Унинг бир қирғоғидан иккинчи қирғоғига ўтиш кўприк солмоқ керак, деб Султон Суюнга маслаҳат солади. Бу кўприкнинг иқтисодий жиҳатдан ҳам, ҳарбий жиҳатдан ҳам аҳамияти каттагина эканини подшоҳга уқтиради. Натижада, шоҳ кўприк солмоқни лозим топади. Кўприк ҳамишалик бўлсин учун уни тошдан қурдиради.

Шу вақтларда Сарахсда давлати беҳисоб бой тул хотин яшар экан. У ўзича "Султон Суюн Мурғобнинг устида тошдан кўприк солдирган бўлса, мен ҳам Тажан дарёсининг устида тошдан кўприк солдирайин: Мен солдирган кўприк уникидан ҳам мустаҳкам, ҳам гўзалроқ бўлсин. Султон Суюннинг бир вақт йўли тушиб, шу кўприкдан ўтиб қолар. Балки мен шу восита билан унинг кўнглини овларман", — деб ўйлар экан. Пулдор хотин чиндан ҳам Сарахсдан бир манзил юқорида тошдан, абадий турғудек кўприк солдирибди. Кейинчалик, у кўприкдан "Пулхотин" деган ном ҳам қолибди (Бу кўприк ҳозир ҳам бор). Кунлардан бир кун қўшин билан бораётган Султон Суюннинг йўли шу кўприкнинг устидан тушиб қолибди. Ҳалиги

тул хотин Султон Суюннинг келганини билиб, безаниб чиқибди.

Султон Суюн кўприк енига келгач, бадавлат хотинга кўзи тушибди, у Миралига қараб, бир сатр шеър айтибди:

Безаниб чиқди кийиб сарали кўйлак савсани...

Мирали пулдор хотиннинг макрини фаҳмлаб, шоҳга шеър билан жавоб қайтарибди:

Ўтма номард кўпригидан, кўй оқизсин сел сани.

Шоҳ Миралининг жавобини унча хушламай, ундан сўрабди:

Пулдор хотин менинг учун, менинг давлатим учун улур иш қилибди. У давлатнинг ярмини харж этиб, кўприк солдирибди, бу кўприкдан ўтишимга қандай сабаб моне?

Давлат учун, халқ учун мол-нон нисор этган одамнинг оёғи тупроғини кўзингга сурма қилсанг оздир. Аммо бунинг бошқа сабаби бор. Пуллик хотин бу кўприкни от учун, обрў учун солдирди. Кўрмаяпсани, унинг кўприги тошкўприкдан ҳам ҳайбатли. Агар сен бу кўприкдан ўтсанг, пулдор хотин, биринчидан Султон Суюн ҳам менга бош эгди, Хуросоннинг Султони энди иккита бўлди: унинг бири — мен, деб бутун дунёга жар солади, иккинчидан, кўприкнинг икки бошига соқчи қўйиб, ўтган-қайтганга музд олади. Кўприкнинг баҳосини ўн ҳиссалаб чиқариб олади.

Султон Суюн Миралининг жавобидан қаноатланиб, товбаланиб оқаётган кенг дарёга кўз югуртирибди-да:

Бўлмаса энди нима қилмоқ керак? — деб сўрабди.

Таваккалнинг андиша билан иши бўлмас! — деб отига бир қамчи урибди. Султон Суюн ҳам бутун кўшини билан унга эргашибди. Карамли дарё ўз бағридан йўл бериб, катта кўшиндан биронтасини

ҳам ҳалок этмабди" 1).

Ҳикояда Мирали ҳақида яратилган барча асарларга хос хусусият, яъни асосан унинг тадбиркор, доно, ўта мулоҳазали инсон эканлигини талқин қилиш яққол қўзга ташланиб туради. Ана шу қирраларни очиш учун туркман халқи томонидан яратилган барча асарларда Мирали хилма-хил, бир-биридан мураккаб ҳолатларга рўбарў қилинади. Мирали ҳамма вазиятларни босиқлик билан синчиклаб ўрганиб, Султон Суюнга энг тўғри, доно маслаҳатлар беради ва уни ҳалокатлардан сақлаб қолади. Шуниси диққатга молики, Мирали қаршисидаги тўсиқлар— унга қарши берган, унинг донолигини синамоқчи бўлганлар, ҳақиқатан ҳам ўта маккор, доғуллидир. Таҳлил қилганимиз ҳудожўй хотин еҳуд пулдор хотин образлари — бунинг далили. Аввало, ҳар иккисининг хатти-ҳаракатларидаги асосий, уларнинг руҳий оламини белгиловчи хусусиятларнинг моҳияти Мирали (Навоий)га мутлоқ қарама-қаршидир. Шунинг учун ҳам Мирали уларнинг макридан Султон Суюнни воқиф этишга ҳаракат қилади, улар таъсирига берилишдан сақлайди.

Бу ўз-ўзидан ҳикоялардаги Мирали образининг мазкур асарларда бевосита акс этмаган бошқа хислатларини ҳам тингловчи ҳаёлида гавдаланишига сабаб бўлади. Зеро, доно ўғит бериш, ибратомуз тадбир ўйлаб топиш, пурмаъно лутфлар қилиш ва ҳозиржавоблик, ўз дўстига садоқат ҳамда фуқаропарварлик Миралига, унинг мутафаккирлик табиатига хос хусусиятлардир.

Анъанавий талқинлар таъсирида тарбияланган тингловчи Миралининг энг оғир вазиятда ҳам ҳақиқат томонида туриб, ўз

1. Б. Кербобоев. VI томлик, IV том, 310-311-бетлар.

донолиги туфайли ғалаба қозонишига ишонади. Аксинча, йўл тутишга унинг тасаввурида шаклланган Мирали (Навсий) образининг олмос кирралари изн бермайди.

Мирали ҳақидаги туркман халқ ҳикояларида Лайли ва Шириндай садоқатли, Меҳинбонудек тадбиркор аёллар образлари ҳам учрайди. Бизнингча, "Сомон остига сув қуйган" ҳикоясидаги аёл образида Лайли ва Шириннинг садоқат, Меҳинбонудаги тадбиркорлик, теран мушоҳада билан иш кўриш каби мулоҳазалар қисқача сюжети қуйидагичадир:

Султон Суюн Мирали билан шикордан қайтаётиб, бир қишлоқда ой юзли гўзални кўриб қолади ва унга кўнгил қўяди. Шоҳ Миралига уни қайси йўл билан қўлга киритсам экан, деб маслаҳат солади. Мирали унга:

Султоним, ақлни ишлатинг. Бировнинг хотинини олмоқ яхши эмас. Эл нима дейди. Сиз бу фикрингиздан қайтинг. Бўлмаса, биздан бутун халқ юз ўгиради, — дейди.

Султон Суюн вазирига:

Сен менга маслаҳат бергунча, бориб у гулнинг эрига маслаҳат бер. Мен уни ҳукм билан оламан. Аммо зўрлаш эмас, тадбир билан оламан. Шунда халқ мендан инжилмайди, — деб жеркиб ташлайди.

Султон Суюндан бир дўстимни кўриб келай, деб рухсат олган Мирали гўзалнинг эрини топиб, унга подшоҳ нима буюрса, "хўп" деб жавоб бергин деб ўргатади.

Султон Суюн эса у хотиннинг эрини чақиртириб:

Мен сёнга бир от, хўкиз, ўн кўчқор бераман. Шуларни олти ойда болалат. Агар шу ишни бажарсанг бошингни силайман, бажара олмасанг қаҳримга йўлиқасан — дейди. Шунда бир киши подшоҳнинг

борлигини ҳам унутиб, аёлнинг эрига: "Ҳой, эркак жониворни ҳам болалатиб бўладими? — деб сўз қотади". Аёлнинг эри:

Оллоҳнинг иродаси билан ҳар нарса бўлиши мумкин. Подшоҳлар ер юзининг оллосидир. Подшоҳ бўлади, дедими, ҳукм билан бўлдиради, — деб жавоб беради.

Олти ойдан сўнг подшоҳ ўша қишлоққа яна келиб, аёлнинг эрини чақиртиради. Бироқ унинг ўрнига хотини келади. У Миралининг ўргатишига кўра, подшоҳнинг "Эринг қани?" деган сўроғига:

Уни дард тутиб, чақалоқламоқчи бўлиб ётибди, — деб жавоб беради ҳамда подшоҳнинг кейинги саволига: — Эй Султоним, ҳўкиз бузоқ туққанда, от тойчоқ туққанда, кўчқор кўзилаганда, эркак одамнинг чақалоқ кўриши мумкин эмасми, — деб уни хижолат қилади.

Шунда подшоҳ Миралига: "Ҳой, сомон остига сув қўйган, мунда сенинг қўлинг бор", — дейди ва ниятидан қайтади.

Ҳикоядаги барча эпизодлар Миралининг ақлли, доно, ҳамма вақт юзага келган мушкул ишнинг моҳиятини тўғри баҳолай оладиган инсон сифатида талқин этишга бўйсундирилган. Гўзал аёлнинг тадбиркорлик билан жавоб қайтаришида ҳам аслида Миралининг донолиги ётади. Туркман халқ эртаклари ва ҳикояларининг аксариятида Султон Суюн вазири Миралининг маслаҳатига амал қилиб иш кўради, усталик билан тайерланган мушкул вазиятлардан эсон-омон чиқиб кетади. Мазкур ҳикояда илк маротаба Миралининг маслаҳатини қулоққа олмайди ва илк марта хижолатли аҳволга тушиб қолади.

Султон Суюннинг шартлари заминида ўта қувлик бор. "Мен уни зўрлаб эмас, тадбир билан оламан", деган шох шартининг мутлоқ мушкуллиги билан гўзал аёлнинг эрини ўз таклифига рози қилиб, кўндирмоқчи бўлади. "...фикрингиздан қайтинг, бўлмаса, биздан

бутун халқ юз ўгиради" деган эътиқоддаги Мирали, подшоҳ шарти заминидаги фаросатсизликнинг моҳиятини аёлга англатиш орқали уни адолатсизлик чангалидан қутқариб қолади. Султон Суюн шарти билан гўзал аёлнинг жавоби асосида ҳар қандай ўйламай айтилган фикрнинг асоссизлигини мантиқий далиллаш усули, тўғрироғи, ана шу усулнинг халқона ифодалаш йўсини мавжуд.

Султон Суюн илк марта Миралининг маслаҳатига қулоқ солмайдигина эмас, шунингдек, ўзининг шоҳ эканлигини кўрсатиб қўйиш учун "ҳокими мутлақ" сифатида иш кўради, ўз доно вазирини насиҳатгўйликда айблаб, жеркиб ҳам ташлайди. Бу эпизод Султон Суюн (Хусайн Войқаро)даги манманлик, кибрнинг бошланишидан ташқари, яна Навоий ва Войқаро ўртасидаги тарихий, реал муносабатларнинг узилишига ҳам ишорадир.

Ҳикоядаги шоҳ ва Мирали образларининг зиддиятли муносабатларидан келиб чиқиб, унда Алишер Навоий ва Хусайн Войқаро ўртасидаги ўзаро муносабатлар қутблари кескинлашиб, буюк шоирни Астрободга ҳоким қилиб тайинлаш арафасидаги вазиятга аниқлигини талаб қилишдан кўра, вазиятнинг, яъни Мирали ва Султон Суюн муносабатларининг узилишига эътибор бериш жоиздир.

Ўзбек халқ ижодиети намуналари орасида ҳам туркман эртак ва ривоятларида яратилган Миралига монанд шоир образига сайқал бериб, унинг характеридаги муайян хусусиятларни янада теранлаштирувчи ҳикоялар ҳам учрайди: "Худо сақласин" сарлавҳали ҳикояда Алишернинг бефаросат кишиларни мутлақ ёқтирмагани, шошмашошарликка, бефаросатликка, инсоннинг энг катта нуқсони сифатида муносабатда бўлгани ишонарли ёритиб берилган.

"Мирали билан савдогар" номли туркман халқ эртагидаги Мирали

образи халқ ижодининг шу жанрдаги бошқа намуналарида яратилган образларнинг ўта сунъий талқинига ўхшайди.

Алишер Навоий ҳақида яратилган ўзбек халқ ижодиёти намуналаранг-баранг мавзуларга бағишланган. Мавзулар қанчалар хилма-хил, тўқилган бадиий вазиятлар нечоғлиқ қутилмаган, ҳайратомуз бўлмасин, улар буюк шоир ва мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий шаклу шамоилини тўлиқ, бутун борлиғи билан гавдалантириш олдида ҳали ожизлик қилади. Халқ ана шу қарзни узиш учун буюк шоирнинг образига ҳеч бўлмаса ўта нозик чизги бўлувчи мўъжаз ҳикоялар ҳам яратишга қўл урган.

"Тандир қуролмаган, уй қуролармиди" 1) ана шундай мўъжаз ҳикоялардан. Шоирнинг қўшниси Маматнинг ялқовроқ ўғли Худойберди отаси ўлгач, ҳовлини сотиш пайига тушади. У отасининг васиятига кўра бу мушкул масала бўйича Навоийдан маслаҳат сўрайди. Навоий ҳовлини кузатиб бўлгач, "Тандирларинг биров эскироқ кўринади, бузиб янгисини қур, уйнинг нархи икки баробар ортади", - деб маслаҳат беради. Ялқов табиат Худойберди шу ишни ҳам уддасидан чиқолмагач, Навоий: "Қурдингми, биргина тандирни эплаб қуролмайсан, аммо уйни сотмоқчи бўласан. Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр, деб бекорга айтишмаган. Уйни сотиб қўйиб, янгисини тиклай олмай, кўчаларда қолиб кетишни ўйламадингми? Бор, ишла, уй ҳам ёнда қолади, тирикчилигинг ҳам ўтади", деб дашном беради.

Маълумки, ҳар бир халқ шу жумладан, Ўзбек халқи ҳам доимо меҳнатсеварликни улуғлаб келган. Меҳнат қилиш - ҳаётий эҳтиёжларнинг гултожи саналган. Бу ўринда, мазкур ҳикояда Алишер

1) .Алломалар ибрати. Тошкент, "Ёш гвардия", 1982, 40-42-бетлар.

Навоийнинг тарбиявий қарашларигина эмас, шунингдек, унинг меҳнатга бўлган муносабати, уни яшашнинг, тирикчиликнинг асоси деб қараши муҳимдир. Шубҳасиз, янги тандир қурилгани билан ҳовлининг нархи икки баробар ошиб кетмайди. Лекин Навоий ўз зукколиги туфайли ялқов Худойерди шу ишни ҳам уддалай олмаслигини фаҳмлаб, шундай маслаҳат берапти. Шунинг учун ҳам халқнинг "Пул бўлди, кул бўлди" мақолига амал қилиб, ҳовлисини соттирмаслик йўлини тутади. Навоий дашномлари таъсирида меҳнат қилишга қўниккан йигит яхши кун кечира бошлайди.

Кўриниб турибдики, халқ Навоий образини талқин этишда унинг хатти-ҳаракатидаги, сўзлаш, ўғити бериш борасидаги барча қирраларни мантиқий-психологик жиҳатдан пухта асослаган. Ҳикоядаги эпизодлар сабаб ва оқибат асосига жойлаштирилган. Яъни йигит Навоийга маслаҳат учун мурожаат этди, чунки ота васиятига амал қилиш ҳам қарз, ҳам фарз эди. Навоий эса ҳовлини сотиш эмас, аксинча, унинг кўриниши-ю аҳволини яхшилашни маслаҳат беради. Йигит маслаҳатни уддалай олмагач эса, унинг кимлигини "Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр" тарзида рўй-рост юзига солади. Натижада, йигит меҳнат қилиш йўлини тутади. Бир эпизод ёхуд муносабатнинг содир бўлиши олдинги лавҳа, муносабат моҳияти билан мантиқий алоқадорликка киришади, боғланади.

Ҳикоя эпизодларининг бундай мантиқий-психологик алоқадорлик асосига қурилиши ҳам асарни яхлит, бадиий жиҳатдан пишиқ, ҳам Алишер Навоий образи борасида тортилган чизгиларнинг ишонарли чиқишини таъмин этган.

Меҳнат ва Алишер Навоий мавзуси "Доно Навоий", "Ғазал ўқиш ҳам қийин эмасми?" сарлавҳали ўзбек ҳикояларида ҳам анча таъсирчан

еритилган. Ўзбек ва туркман халқ адабиёти намуналари орасида буюк шоирнинг ўта ноёб инсоний фазилатлар, нозик бадиий дид ва истеъдод ҳамда тадбиркор шахс бўлганлиги ҳақидаги ривоят ва афсоналар анчагина. Биз бу ўринда ҳар икки халқ оғзаки ижодиётида яратилган, мавзуси жиҳатидан бир-бирига яқин икки ҳикоядаги шоир образининг талқинига тўхталишни лозим топдик.

"Ҳозир жавоб шоир" сарлавҳали ўзбек халқ ривоятида тасвирланишича, Хусайн Бойқаро арқони билан шаҳар айланаётиб темирчилик маҳалласидан ўтиб қолади. Иттифоқо, бир темирчининг болғасидан учқун сачраб, унинг зарбоф тўни этагини куйдиради. Султон закий шоир бўлгани учун шу ондаёқ бир қоғозга:

Тушди дил доманига бир шарари шўрангез,
деб битиб, "Давом эттир!" -маъносида ёнидаги бир шоирга узатади. Табиийки, у бу ишни уддалай олмайди. Бу пайтда Алишер Навоий аёнларнинг иғвоси билан саройидан йироқлаштирилган экан. Шунда Хусайн Бойқаро:

Садқаи шоир кетинглар, буни дўстим Алишерга олиб бординглар,
қани, у қандай жавоб қиларкин? Лекин мисрани қаерда, қандай шароитда битганимни билдирманглар, - дейди.

Алишер Навоий подшоҳнинг мисрасига кўз югуртиргач, унинг остига қуйидаги мисрани ёзиб қўяди:

Ишқ оҳангари занжири жунун ишлар эди 1).

Шу ўринда "Алломалар ибрати" номли тўпламга киритилган мазкур ҳикояда йўл қўйилган баъзи нуқсонларни эслатиб ўтмоқчимиз. Энг аввало мазкур тўпламда Навоий битган сатрдаги "Ишқ оҳангари" бирикмаси "ишқ оҳанглари" тарзида бузиб берилган (19-бет). Бундай 1). Алломалар ибрати. 19-бет.

нуқсон ҳикоянинг ҳулосасида ҳам кўзга ташланади.

Байтларнинг мазмуни шундай экан: Султон Ҳусайннинг:

"Дил этагига куйдирувчи бир учқун тушди" деб езганига, Навоий: "Чунки темирчи ишқ девонларигача (?) занжир ишлар эди", — деб жавоб берибди (19-бет). Навоий битган сатрдаги бирикмаларнинг муносабатлари Алишер Навоий шеърий салоҳиятини бетақдор қирраларини еритишга сафарбар этилган. Шунинг учун халқ Ҳусайн Бойқарони ҳам унча-мунча шоир бас келмайдиган истеъдод соҳиби сифатида талқин этади. Диққат қилинса, бу образ талқини заминидан ҳам аслида Алишер Навоийни улуглаш, унинг ноёб ҳислатини эъзозлаш, асосий, ҳал қилувчи йўналишни ташкил этади.

Ҳикоя матнининг тўлиқ нусхасидан (Зарафшон воҳаси зиёли қарияларнинг айтган нусхасидан) шу нарса англашиладики, халқ Навоий асарларининг барчасини реал заминга асосланган, аниқ муайян ҳаётӣ воқеаларнинг таъсирида юзага келган бадиӣ эстетик ҳодиса сифатида тушунган ва талқин этган. Шубҳасиз, тарихӣ-иҷтимоӣ воқеалар, қараш ва муносабатларнинг акс-садоси буюк шоирнинг сатр-сатригача сингиб кетганлиги ҳеч кимда эътироз уйғотмайди. Лекин бу ўринда асосий гап ана шу акс-садонинг халқ томонидан муайян, реал ҳақиқат сифатида талқин қилинишидир. Худди ана шу усул, йўқдан бор қилишга қодир бўлган фикрлаш қудратида халқ бадиӣ тафаккурининг ўзига хос ички қонуниятлари яшириндир. Навоий томонидан Ҳусайн Бойқарога жавоб сифатида битилган "Ишқ оҳангари занжири жунун ишлар эди" сатрини темирчи ва унинг ўғли ҳақидаги мўъжаз, ўзига хос ҳикояча билан исботлаш, Ойбек ва Ал.Дейчлар томонидан таъкидланган ўз сувиқли шоири ҳақидаги "фактлар ўта нозиклик билан ўзгартириб, фантастик

аниқликкача" етқазишга қодир халқ бадиий тафаккурининг ихтиросидир, бу йўлдаги тиниб-тинчмас халқ меҳр-муҳаббатининг кашфиетидир. Ҳикоядаги барча эпизодлар тугал, ўз мантиқий-руҳий интиҳосига етган. Ҳатто темирчи, унинг ўгли севган қиз, уни бой-бадавлат оиладан эканлиги ва занжир ясаш билан боғлиқ кечинмаларнинг ўзида тугал бир ўзига хос асарнинг мазмуни яширинган. Тингловчи ёхуд ўқувчи темирчининг нотўғри, бузиб берилиши охир оқибатда бутун мисра мазмунини жумбоққа айлантириб юборган.

Аслида Алишер Навоий битган мисранинг мазмуни қуйидагичадир: "Ишқ темирчиси мажнунни банд қилиш учун занжир ясаётган эди".

Қолаверса, нашрга тайерловчининг эътиборсизлиги туфайли ҳикоя тўпламга қисқарган, энг керакли эпизод чиқариб ташланган ҳолда киритилган. Чунки Зарафшон воҳаси зиёли қарияларининг ҳикояларига кўра, Султон Ҳусайн Навоий битган мисранинг мазмуни билан қизиқиб, темирчини ўз ёнига чақиртиради ва унга фалон кун и мен устахонанинг ёнидан ўтаётганимда кимга нима ясаётган эдинг, — деб савол беради. Шунда уста:

Олампадох, бечора қулингизнинг битта-ю битта фарзанди бор. У номурод шаҳримиздаги атоқли кимсалардан бирининг қизига кўнгил боғлабди. Насихат қор қилмаяпти, шом тушди деғунча, ўша қиз қовлиси томон йўл олади. Ёлғиз фарзандимни ўлдириб қўймасинлар деган умидда, уни банд қилиб қўйиш учун занжир кишан ясаётган эдим, —деб жавоб беради.

Подшоҳ содир бўлган воқеадан тўлиқ воқиф бўлгач, Алишерни яна саройга келтиради.

Халқ Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро саройидаги аъёнларнинг

фисқ-фужури туфайли у ердан четлаштирилиши ва Султонни кейинчалик ўз қилмишидан надомат чекиши билан боғлиқ воқеаларни ўз тафаккури тарзига кўра тадқиқ этади ҳамда шу тадқиқ жараёнида буюк шоир истеъдодининг олмос қирраларини ўзича, ўзига хос йўсин ҳамда усулларда кашф этиб боради.

Мазкур ҳикояда Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога ёхуд аксинча, шоҳни буюк шоирга зидлаш усули кўзга ташланмайди. Чунки ҳикоядаги бадиий вазият ва деталлар, образларнинг ўғли, у севган, бой-бадавлат оиладан бўлган маъшуқа ҳақида қандайдир бир ички ҳазинлик билан тўйинтирилган афсона сифат ҳикояни тинглашга, ўқишга, ҳис қилишга мушарраф бўлади.

Иккинчидан, мазкур ҳазин ишқий муносабатининг заминидаги ҳаётий асрордан – темирчининг бу ишга ундаган сабаб "қўли калталиқдан воқиф бўлади. Бу – мўъжаз ҳикояда ўз мужассамлигини топган халқ бадиий тафаккури қудратининг ўзига хос ифодаланишидир.

Ана шу тугаллик яна ҳам мукамал бўлсин учун халқ Ҳусайн Бойқаро томонидан битилган "Тушди дил доманига бир шарари шўрангез" мисрасини юзага келиш сабабини содир бўлган воқеа билан мустаҳкамлаб, ҳам шоҳнинг истеъдодли, нозиктаъб шоирлигига, ҳам Навоийнинг барча бўлаётган воқеа-ҳодисалардан воқиф донишмандлигига урғу беради. Халқ таъбирича, шоҳ шеърлар битиши мумкин, бироқ у Навоийдек, воқеани аввал кўриб ёзилган сатрга, шу воқеани кўрмасдан жавоб айта олмайди. Шоҳ икки сатр моҳиятини тубандагича уйғунлаштира олмайди:

Ишқ оҳангари занжири жунун ишлар эди,
Тушди дил доманига бир шарари шўрангез".

Шунинг учун ҳам халқ ўз тасаввuriдаги Навойни улуг инсон, буюк шоир ва донишманд сифатида ардоқлабгина қолмай, ана шу хислатларни тафаккурнинг хаёл етмас аниқлигила талқин этади.

"Мирали" тўпламида ҳам мазкур ҳикояга ўз ғоявий мундарижаси жиҳатидан яқин бир ҳикоя берилган. Туркман халқ ижодиётига хос ҳикояда эртак унсурларини, биров ўзгартириб қўллаш усули, шартли равишда "Мирали ва Султон" деб номлаганимиз ушбу асарда ҳам анча сезиларли из қолдирган.

Ҳикоя баёнига кўра, Мирали кексайиб қолгач, Султон Суюннинг вазирлари ундан тезроқ қутилиш пайига тушадилар. Уни саёҳат баҳонаси билан бепоён чўлга олиб чиқиб, қудуққа ташлаб кетадилар. Султон Суюн бундан беҳабар. Мирали мендан аразлаб кетиб қолди, деб ғамга ботади ва қуйидаги мисрани битади:

Ғам билан, қайғу билан сўлди баҳорнинг гуллари.

Иттифоқо шаҳарга келган чўпон бу мисрани эшитиб ёдга олади ва сурувини ҳайдаган кун шу сатрни хиргойи қилиб юради. Бир кун унинг қулоғига:

Дўстини чоҳга солибдур, сайрамас булбуллари, — деган мисра эшитилади. Чўпон буни ҳам ёдлаб олади. У иккинчи гал шаҳарга тушганда шоҳнинг сатрига чўлда эшитган мисра билан жавоб қилади. Султон Суюн чўпондан қачон, қаерда ёдлаганини сўрайди. Уни қийнаб юрган муаммо равшанлашади. Подшоҳ вазирларини чорлаб бир сўз топинглар, мен ундан ҳам шод бўлайин, ҳам қийналайин, — дейди. Вазирлар ноилож Миралининг ёнига боришга мажбур бўладилар. Қайтиб келгач, шоҳга "Бу ҳам ўтиб кетар" деган жавоб қиладилар. Подшоҳ ғазабга тўлиб: "Ҳаромилар, бу сўз ўлимга маҳкум одамнинг сўзи. Уни қаердан ўргандингиз", дея ўшқиради.

Вазирлар ўз қилмишларини тан олишади. Подшоҳ Миралини вазирларга кўтартириб саройга келтириб, унга булардан ўч ол, деб буюради. Мирали "одам ўчини ўз тенгидан олса бўлади, оёққа кирган тикан учун кўлни қон қилиш шарт эмас", - деб ўч олишдан воз кечади.

Юқорида ўзбек ва туркман халқлари ижодида Навоий ҳақида яратилган латифанамо кичик, мўъжаз ҳикоялар ҳақида бироз тўхталган эдик. Қуйида ана шу йўсиндаги асарлардан энг характерлиси ва ибратомузини қайд этамиз: "Сарой аъёнларининг иғволаридан бешиб қолган Алишер бир баҳона билан Ҳусайн Бойқародан ижозат олиб, саройдан узоқлашибди. Алишерсиз юртни бошқариш подшоҳга оғир тушиб, унга неча бор одам юборса ҳам, у келмабди. Шунда Алишерга яқинроқ бир киши шоҳга:

Ҳазрат олийлари, Алишер Навоийнинг олдига бир аҳмоқ билан лақмани жўнатиш керак, - дебди. Алишер юборилган кишиларни танир, ҳатто, улар юрган кўчадан юрмас экан, шу туфайли уларни кўриши билан отланиб, саройга йўл олибди".

Умр бўйи комил инсон йўлида қалам ва ранж чеккан Алишер Навоийнинг аҳмоқ нодон суҳбатидан кўра яна саройга қайтишни афзал кўришининг заминида эҳтимол шоирнинг ушбу сатрларидаги фикр мужассамдир:

Камол эт касбим, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотаом ўтмак биайни
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

"Мирали ва Султон Суюн" ҳикоясининг заминида шоҳ, шоир ва вазирлар ўртасидаги ихтилофлар манзарасини еритиш этади. Ҳар қандай муносабатларнинг, у икки киши ўртасида бўладими ёхуд икки мамлакат орасида кечадими, асосий, йўналтирувчи нуқтаси бўлади.

Қолган нуқта ва йўналишлар уни тўлдиради, унга аниқлик киритади, холос. Шунинг учун ҳам ҳикояда келтирилган шеърий сатрлар ана шу ихтилофларни бартараф этиш йўлида халқ томонидан ўйлаб топилган воситалардир. Шубҳасиз, бу бадиий восита орқали Султон Суён (Ҳусайн Бойқаро) ва Мирали (Алишер Навоий)нинг шоир эканликларига ҳам ишора қилиняпти. Шундай бўлса-да, бизнингча, асосий эътиборни Мирали ва Султон Суён ўртасидаги муносабатларнинг узилишига қаратилгани мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай таҳлил усулига ҳуқуқ берадиган тарихий замин бор.

Алишер Навоийнинг шоирлик шухрати атроф ўлкаларга тарқалган вақтда Ҳусайн Бойқаронинг шоҳлик шухратига эндиgina ғишт қўйиб асос солинаётган эди. Унинг ҳукмдор сифатидаги обрўи шоир ва вазир Алишер Навоий номининг кенг тарқалиб, шухрат топиши билан бевосита боғлиқдир. Кейинчалик, Ҳусайн Бойқаро ўз тож тахтини қатъий қарор топтириб, мустаҳкамлагандан сўнг шоир билан шоҳ ўртасида муайян келишмовчиликлар келиб чиққан ва шоир бир неча бор саройни тарк этиш ҳақида шоҳ ва шоир дўстидан изн сўраган. Туркман халқ ижодиети намунасида талқин этилаётган эртаннамо вазият ана шу воқеаларнинг халқ бадиий тафаккуридаги акс-садоси бўлиши мумкин.

Шеърий сатрларни муаммони ҳал этишдаги асосий нуқта деб қарайдиган бўлсак, уларнинг ўзбекча нусхасидаги мисралардан заифлиги ва нисбатан анъанавийлиги, Навоий шоирлик итеъдодининг қирраларини очишга йўналтирилмаганлиги бундай қарашларимизни ўз-ўзидан чеклаб қўяди.

Ўзбек халқ ижодиетидаги "Оқилона жавоб", "Алишер билан булбул", "Навоий билан Винойи", "Нуқтанинг қудрати", "Ғазал тили

билан", "Гап навосида", туркман фольклоридаги "Осмоннинг оқ товуғи", "Биз одам эмасми?", "Отинг нега илжайпти?", "Қисқа ёпинчиқ" каби асарларни ҳам худди ана шундай жажжи латифа-ҳикоячалар қаторига киритиш мумкин.

Бу асарларнинг барчаси учун хос бўлган муштарак хусусиятлар асосан, уларнинг қисқа ва мухтасарлигида. Навоийга нисбат берилган ҳар бир кичик эпизоддан ибратомуз ҳикматлар, хулосалар чиқарилишидадир. Уларда кенгайтирилган воқеалар тизмаси мутлақ учрамайди ва аксарият ўринларда Навоийга хос ҳозиржавоблик, донолик, мулоҳазакорлик каби хислатларни улуғлаш етакчи йўналиш ҳисобланади.

Алишер Навоий образининг бадиий адабиётидаги талқини таҳлиliga бағишланган тадқиқотимизнинг биринчи бобида ўрганилган материалларнинг табиати, ғоявий-бадиий мундарижаси қўйидаги хулосаларни чиқаришга кафолат беради:

Биринчидан, Алишер Навоийнинг бадиий, илмий асарлари унинг ҳаётлигидаёқ Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқлари орасида кенг тарқалган, муайян ижодий анъаналарнинг юзага келишига сабаб бўлган. Бунда Алишер Навоий асарларидаги гуманистик фикрлар, умуминсоний илғор ғояларнинг кенг кўламлиги ва салмоқдорлиги асосий омил бўлиб ҳисобланган. Натижада, ана шу ғоялар асосида Алишер Навоий образининг ранг-баранг, халқона талқинлари вужудга келган. Алишер Навоийнинг шоирлик шухрати ва илгари сурилган ғояларнинг таъсир қудрати унинг шахсияти ҳақидаги фикрларга нисбатан аввалоқ тарқалгани учун туркий халқлар ижодиётида унинг буюк шоир, аллома қиёфасини гавдалантиришга уриниш эрта бошланган. Бу борада яратилган асарлар

мундарижасининг ранг-баранглиги ана шу тарихий-биографик вазият билан изоҳланади.

Иккинчидан, Алишер Навоийнинг тадбиркор, адолатпеша давлат арбоби сифатидаги шухрати ҳам буюк шоирлигидан қолишмасди. Унинг шахсиятидаги исбот талабсиз бу фазилати ҳам Шарқнинг кўплаб мамлакатлари халқлари орасида бевосита ёки билвосита маълуми машҳур эди. Ижтимоий-тарихий муносабатларнинг залворли тўсиқларига, адолатсизликка дуч келганда, фаровонлик ҳақида ширин орзуларга берилганда бевосита Алишер Навоий каби шоирларга эҳтиёж сезар эдилар. Шунинг учун ҳам ўзлари учун суяк ва қадрдон Алишер Навоий образининг адолатпешалиги билан боғлиқ хислатларни ўз ҳикоя, ривоятларида, эртакларида ўзига хос халқона усулида талқин этишди.

Зеро, Алишер Навоийнинг қуйидаги ибратомуз сатрлари бу халқлар учун ҳар қандай панд-насиҳатлардан яқин ва қадрдон эди.

Ўз жафо қилса менга, бир қатла фарёд айларам,
Элга қилса бир жафо, ўз қатла фарёд айламон.

Учинчидан, ҳар бир халқнинг ижодиётида Алишер Навоий образи шу халқларнинг яшаш тарзи, тараққиёти босқичи билан бевосита алоқадорликда талқин этилди. Таҳлил қилинган ўзбек ҳикоятларининг аксариятида уларни бой классик езма адабиётимиз таъсирида юзага келганлиги аниқ сезилади. Бу ҳикоялардаги бадий-ғоявий мукамаллик ҳам шу билан изоҳланади. "Алломалар ибрати"да берилган "Шоир жиловдори" номли ҳикоя Восифийнинг қаламига мансуб "Бадоеъ-ул вақое" асаридаги "Хамса" тугалланиши муносабати билан Ҳусайннинг Алишерни подшоҳликнинг оқ отига миндириш воқеасини халқ бадий тафаккурида бадий ўзгаришга учраган нусхасидир.

Ҳикоядаги Ҳусайн Бойқаро тилидан келтирилган: "...Ҳа, мен ҳозир сизнинг Султонингиз... Аммо қаршингизда турган дўстим Алишер элимизнинг келгуси авлод-аждодлари ҳам таъзимда бўладиган Султондир. Мен ана шу газал мулкининг султони, улуғ шоирга жиловдор бўла олганимдан ўзимда йўқ шодман", - деган сўзларда Султон Ҳусайн Мирзо "Рисола"сидаги қуйидаги сатрларнинг таъсири яққол сезилиб туради:

Эрур сўз мулкининг кишваристони,
Қаю кишваристон, хисравнишони.
Дема хисровнишонким, қаҳрамони,
Эрур гар чин десанг, соҳибқирони.

Шунга ўхшаш ҳолни туркман халқ ижодиётидан келтирилган ҳикояларда учратмаслигимизнинг сабаби, туркман ҳикоялари бевосита оғзаки ижод анъаналарининг давоми сифатида вужудга келган. Шунинг учун ҳам уларда афсонавий, фантастик, эртақларга хос хусусиятлар тенг ҳуқуқли бадиий восита сифатида аралшиб келади.

Ўзбек халқ ижодиётида яратилган ҳикояларда Алишер Навоий тарихий ҳақиқатга мос равишда ўзига тинч феодал оиласидан чиққан ўқимишли, доно вазир, буюк шоир сифатида талқин этилса, туркманлардаги Мирали (Алишер) халқ қўйи табақасининг вакили, шоир, бахшидир. Шунинг учун ҳам Миралини иложи борича, халқ бадиий тафаккури изн берган даражада ана шу табақага яқинлаштириб, у билан бир бутунликда талқин этиш кучли. Мирали (Алишер) халқ қўйи табақасининг вакили бўлгани учун ҳам оилали киши сифатида берилади. Бунда асосий эътибор унинг оилавий шахсий ҳаётига эмас, аксарият ҳолларда адолатпешалигини талқин этишга қаратилади.

Бешинчидан, ўзбек халқ ижодиётида яратилган ҳикоя ва

латифаларнинг аксарияти буюк шоир биографиясининг "оқ доғлар"ини тўлдириш, Навоийнинг нима учун "олами тавре фард ва жарийда ўткарганлигини (Бобур) бадий жиҳатдан ўзига хос тадқиқ ҳамда талқин қилишга бағишлангани ҳолда, бундай ҳолат туркман халқи фольклорида мутлақо учрамайди. Миралини оилали киши тарзида берилиши, бу муаммога ўзига бир чек кўйигандек туюлади. Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро образларининг ҳар икки халқ адабиетида ранг-баранг усул, воситалар, хилма-хил вазиятларда ёритилиши ҳам бу халқларнинг тарихий-ижтимоий ҳаётидаги, яшаш тарзидаги ўзига хосликлар билан изоҳланади.

Ва ниҳоят, олтинчидан, "Фалак кўрмади мен каби нодире" деб ўз ҳаёти ва ижодидан фахрланган буюк Алишер Навоий образини талқин қилишда бир халқ томонидан кашф этилган бадий эпизод, ибратомуз шеърий сатр ва ҳатто сюжет йўналишларини тез-тез қардош халқлар ижодида кўчиб юриш ҳолларининг ҳам гувоҳи бўламиз-ки, бундай ҳодиса қардош халқлар ижодиёти, қолаверса, умуман, бадий ижод жараёни учун табиий ҳолдир.

XX АСР ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ОБРАЗИ

1. Тарихийлик – образ реализмининг асоси.

Алишер Навоий ўзининг ҳаётида кўп қиррали ижодий фаолиятида меҳнаткаш инсонни, адолатли, инсонийликни қуйлаган, озодлик ва халқлар дўстлигига мадҳиялар айтган беқиёс даҳо санъаткордир. Аллома адиб Ойбек таъкидлаганидек, "Ўзининг оғир ва зулмат асри устидан ҳайкал каби баланд турган, шу билан бирга оз ўхшаган бу сиймони гўё уни ерга сирли ва қайсар замон шамоли келажақдан келтириб қўйганидай" 1) туюлади кишига. Зотан, Алишер Навоий ўзининг ана шу фазилати билан жаҳоннинг "мангу яшайдиган ва ҳаракат қиладиган", "жамият онгида ривожланишда давом этадиган" (В.Г.Белинский) ижодкорлари сафидан эътиборли ўрин эгаллади.

Буюк рус танқидчиси Н.А. Добролюбов, шеърятнинг ўзига хос таъсирчанлиги ҳақида "Поэзия бизнинг ички сезгимизга, қалбимизнинг барча гўзал, эзгу ва оқилона нарсаларга ишқибозлигига асосланади"

2), деб ёзган эди. Ўзбек шоирлари ўз асарларида Алишер Навоий бадиий образини яратишга қўл уришар экан, энг аввало халқимиз, қолаверса, кўп миллатли ватанимиз халқлари қалбидаги "барча гўзал" эзгу ва оқилона нарсаларга ишқибоз"ликни янада кўпайтиришни, кўзда тутишади, уларни барча эзгу инсоний хислатларга эга бўлган комил инсон сифатида кўришни орзу қилишади.

Ўзбек адабиёти ва санъатининг барча тур ҳамда жанрларида Алишер Навоий бадиий образини яратиш борасида катта ижодий ишлар амалга оширилгани ва унинг тобора кенг кўламлилиқ этаётганининг боиси,

1. "Ўзбекистон маданияти" газетаси, 1963 йил, 27 сентябрь, № 77 (1311).

2. Добролюбов Н.А. Адабий мақолалар. ЎзССР. Бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1959, 7-бет.

академик адиб Ойбек таъкидлаганидек, "...Навоийнинг ҳаёти — парвоз ва тушқунликка тўла, лекин Навоийнинг ўзи инсон сифатида доимо юксакликда қолди... Султон Ҳусайн Бойқаро билан ешликдаги шахсий муносабатлари сўзсиз таъсир кўрсатди, лекин унинг одабийлиги, ақл ва заковати бусиз жуда аён эди. Унинг моддий имконияти, ҳар қанча қобилиятли бўлса ҳам, йўқчилик туфайли мажбур бўлувчи кишилар каби пасткашликлар ва виждони қабул қилмайдиган ишларга боришдан озод қилинганди, лекин шу билан бирга унинг шахсан таъмагир бўлмаганига, саҳийлиги, очиқ кўнгиллигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бундай сифатлар бир одамда мужассам бўлса, скептикларда бизга идеаллаштирилган қаҳрамонни рўкач қилишяпти, деган фикр туғилади. Тарихий ҳақиқат шундай бўлса нима қилайлик?

Алишернинг турмуши тасвирида чиндан ҳам "қора доғ" йўқ¹⁾лигидадир. Шубҳасиз, Ойбек Навоий шахси ҳақидаги бундай тарихий ҳуқмга бирданига келмаган. У дастлаб буюк шоир ҳаёти ва ижодини синчиклаб ўрганди. Навоий даври ва ундан кейинги даврларда яратилган кўплаб тарихий асарларни бир-бирларига синчиклаб муқояса қилгач, ана шу "қора доғлар"нинг йўқлигига ишонч ҳосил қилди. Бу борадаги баъзи тўлдиришларимизни "Навоий" романи таҳлили муносабати билан билдирамиз.

Алишер Навоийнинг ижодда ва инсон сифатида баркамоллиги, унинг асарларидаги умуминсоний ғояларнинг кенг қамровлиги — шоирларни бу образ талқини мавзуига қайта-қайта мурожаат этишга чорлаётганининг сабаби ҳам ана шундадир.

Шеърятда шоир образини гавдалантиришнинг ранг-баранг усуллари мавжуд. Биз бу ўринда шеърятда Навоий образини гавдалантиришнинг

1. "Ўзбекистон маданияти" газетаси, 1986, 27 сентябрь, № 7.

нисбатан кенг тарқалган кўринишлари ҳамда бу бадий усулларнинг адабиётдаги янги онг ва янги инсонни шакллантиришдаги хусусиятлари ҳақида фикр юритишни лозим топдик.

Лирик шеърият, энг аввало, бадий ифодалаш қонуниятига асослангани учун буюк шоир образини талқин этишда Навоий асарларида тасвирланган қаҳрамонлар номини талмеҳ воситасида шеърий-руҳий кечинма оқимиға киритиб, фикрни бадий таъсирчан ифодалашга эришиш, ана шу қаҳрамонлар муаллифини ўқувчи хотирасида жонлантириш йўлидан боради. Аксирият ҳолларда бадий ифодалаш қонуниятига асосланган бу усул муайян қараш ва вазиятларни бир-бирига зидлаб гавдалантириш жараёнининг маҳсули сифатида юзага келади. Ойбекнинг 1933 йилда езилган бир шеъри бор. Шеърда янги тузум шароитида бир-бирини таниб, севиб қолишган бахтиёр қиз ва йигитнинг кайфиятлари ифодаланган.

Шу ўринда биз мулоҳазамизни таъкидлаб ўтишни лозим топдик. Ҳозир вақтли матбуот, радио ва телевидениеда Октябрь инқилобидан кейинги ҳаётимизни тўлиғича қорага бўяб, уни тўласича алдаш ва алданишлар даври деб талқин этиш етакчи йўналиш бўлиб борапти. Эҳтимол, бу гапда жон бордир. Бироқ етмиш йилдан ортиқ ўтган совет даври, уни ҳозир нима деб ҳақорат қилишимиздан қатъий назар, бу — тарих. Тарихни эса ўзгартириб бўлмайди. У содир бўлган улкан воқеа-ҳодисалар, миллионлаб ранг-баранг тақдирлар натижасидир. Шундай экан, ана шу воқеалар-ҳодисалар, тақдирларни ўз шеърий асарларида акс эттирган ёхуд уларнинг ҳаёт тарзлари, ўй-орзуларини ифода этган шоирларга ҳам "улар хато қилишган" эди тарзида муносабатада бўлишимиз тарихийлик нуқтаи назаридан ўта нонкўрлик ҳисобланади. Зеро, содир бўлган нарса қандай бўлса,

шундайлигича баҳоланса, тарих ҳам озор чекмайди, ҳақиқат ҳам букилмайди. Тарихий даврларга баҳо беришда ўта эҳтиёткорлик зарур. Биз бугун рад этаётганимиз воқеа-ҳодисалар вақти келиб, ўзининг муайян қирраси билан ўзлигини ҳимоя қила олмаслигига ҳеч ким, ҳатто энг буюк даҳо ҳам кафолат беролмайди.

Тарихга баҳо бериш, у ҳақда ҳукм чиқариш, келажакни башорат қилишдан ҳам мушкул ва мураккабдир. Шунинг учун ҳам биз бадиий асарларни ўша давр руҳи билан муқояса қилган ҳолда таҳлил қилишни лозим топдик.

Шоир бадиий контекстга Лайли ва Мажнунлар қисмати ҳақидаги фикрлар оқимини киритиши билан лирик кечинма йўналишининг таъсир доираси, кўлами ўзгаришга учрайди. Унинг қамрови кенгаяди. Ўқувчини узоқ ўтмиш қаърида содир бўлган фожиавий қисматлар тарихидан огоҳ этади:

Йигит Мажнун эмас, қиз эмас Лайло,

Иккиси меҳнатнинг эркин зарбдори.

Икки севгилини қопламас асло

Ўқиниш, айрилиқ, кўз ёш зори... 1)

Мазкур сатрлар ўқувчи тасаввурида муайян бирон-бир образни, тимсолни гавдалантирмайди. Улар Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсона, улар ҳақида:

Сўгин нечаким узоттим охир,

Йиғлай-йиғлай тугаттим охир —

дея дoston битган шоир ҳақидаги ўқувчи тасаввурида мавжуд бўлган тахайюллари ҳаракатга келтириб, маълум тартибга солади,

1). Ойбек. Созим. Лирика. Тшкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, 90-бет.

муайян мақсад сари йўналтиради. Бундай бадиий ифодалаш усулини Алишер Навоий қўллаган вазн, қофия ва бадиий шаклнинг бошқа кўринишларини қўллаш орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Ифодалаш воситаси ўзгаради, лекин зидлаш, моҳият бадиий усул талаби доирасида қолаверади. Ойбекнинг шеърида образлар қисматини зидлаш етакчи бўлса, Собир Абдулла Навоийнинг "Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим" ғазали таъсирида "Кўкка боқдим, сен каби иссиқ стора кўрмадим" деб бошланувчи ғазалида буюк шоир яшаган даврдаги ижтимоий муносабатлар нотекислигига янги тузумдаги тенгликни зидлайди. Эътибор берайлик, Навоийда:

Кўп ўқудим Вомиқу, Фарҳод, мажнун қиссасин,
Ўз ишимдан бул ажаброқ достоне топмадим.1).

Собир Абдулла:

Мен ўқиб, ҳажр ила кўкси пора Мажнун қиссасин,
Тушди бошга ишқ, мен кўксимни пора кўрмадим.2).

Собир Абдулладан келтирилган байтдаги мазмун моҳиятан янги давр кишисининг маънавий оламни еритишга, унинг озодлигини тараннум этишга хизмат қилишдан ташқари, буюк Алишер Навоий ва унинг "Лайли ва Мажнун" қиссаси ҳақида ўқувчи онгида ўзига хос тахайюллар уйғотишга ҳам кўмаклашади. Бу жараёнда мазкур ғазалдаги оҳанг, ритм ҳам фаол иштироқ этади.

Шеъриятдаги Алишер Навоий шахсининг муайян қирраларини гавдалантиришдаги бошқа бир бадиий ифодалаш усули шоир шахси ва фаолиятига оид у еки бу қайдларни таъкидлаш орқали юзага келади.

1). Алишер Навоий. Ҳазоин ул-маоний. 15 томлик. 1 том, Фаройиб ус-сиғар. Тошкент, ЎзССР Давлат Бадиий адабиёт нашриёти, 1963, 299-бет.

2). Собир Абдулла. Девон Тошкент, Тошкент Бадиий адабиёт нашриёти, 1965, 93-бет.

Бу усул жуда кўп шоирлар ижодида учрайди. Дейлик, Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тилининг асосчиси эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳодисадир. Иккинчидан, шоирнинг бутун ижодий фаолияти давомида севги-муҳаббатда садоқатни қўйлаб ўтканлиги ҳам бус-бутун тарихдир. Атоқли шоира Зулфия Навоий шахси, ижодининг ана шу томони билан боғлиқ иккита ўта салмоқдор ва кенг кўламли фактни тўрт мисрага жо қилади. Ҳақиқий бадиий ифодалашда доимо шундай бўлади. Бутун бир романга сиймайдиган воқеа ва тақдирлар бир сатрда ўз ифодасини топиши мумкин. Албатта, бу ўринда тасвир ва ифоданинг бир-биридан фарқланишини ҳисобга олган ҳолда фикр юритиш лозим. Тасвир нисбатан кенг кўламлилик талаб этадиган ҳодисадир. Ифодада эса муайян воқеа, нарсаларнинг муайян характерли қирралари зуҳр этади.

Бадиий ифодада воқеа ва тақдирларнинг кенгайтирилган тасвири эмас, балки улар учун энг характерли бўлган умумлашма, уларнинг моҳиятларини белгиловчи қирралар берилади, холос. Қатрада уммон акси берилади. Шу нуқтаи назардан Зулфиянинг шеърига эътибор берайлик.

Нақадар бахтиёр инсон эканман,
Сизнинг тилингизда чиқибди тилим..
Севгида толе ёр жувон эканман,
Сизнинг маҳбублардан олибман таълим.
Асли наслим билан шоир эканман
Шоирликка узр...

Сатрларнинг заминида Зулфияга, унинг ижод манерасига хос бадиий-мажозий ҳолатлар мавжуд бўлгани учун ҳам улар ўзларига нисбатан кенг, теран бадиий умумлашмаларни ташияпти. "Нақадар

бахтиёр инсон эканман" дейилгач, ўқувчи бу бахтиёрлик боисини шеърнинг иккинчи сатридан излашга мажбур бўлади. "Сизнинг тилингизда чиқибди тилим" мисраси энди унинг эътиборини XV аср воқеалари қаърига тортади. Нега энди "Сизнинг тилингиз?" Ўзбек тилида, деса бўлмайдими? Бўлади. Бироқ у қолда шеърдаги бадий мажозийлик вазияти йўққа чиқади. Ўзбек адабий тилининг асосчиси ҳақидаги шеърӣ қочирим барҳам ейти. Кейинги сатрлардаги ифодалаш ҳам шу йўсинда кечади.

Севгида толе ёр жувон эканман,

Сизнинг маҳбублардан олибман таълим 1) –

сатрларнинг қаърига сингдирилган поэтик мазмун яна ҳам теран, яна ҳам кенг кўламдир. Ўша сиз яратган маҳбубалар – Лайли, Ширинлардан таълим олганим учун ҳам, мана неча йиллар ўтдики, ҳамон ўша баҳор куйчисини "Баҳор келди сени сўроқлаб, қайдасан" деб дараклаш билан, унинг ёди билан ўзимни овутиш-ла бандман. Сизнинг маҳбубларингиз муаллималиғи учун мен бу қисматнинг мушкул, оғир ва ўта бешафқат синовларига чидадим,, демоқчи шоира. Қолаверса, шоирлигим ҳам Сиз туфайли, деб ўзининг буюк бобокалон шоир олдидаги фарзандлик бурчини адо этмоқчи.

Шоира "Пушкинга" деб аталган бошқа бир шеърида ҳам Навоийни Ҳофиз, Ҳузулий ва Пушкин каби даҳолар билан бир сафга қўйиб, аёллар қисматини талқин қилишда ва уларни улуғлашда Пушкин билан Навоий ижодида қандайдир уйғунлик топади, уларни халқлар дўстлигининг куйчилари сифатида тараннум этади.

Зулфиянинг "Қуешли қалам" достони буюк адиб Ойбекка бағишланиб

1). Зулфия. Уч жилдлик асарлар. II жилд. Тошкент. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1985, 102-бет.

ёзилган бўлса-да, шоира адибнинг Навоий шахрига сафарини тасвирлаш борасида халқнинг буюк Алишерга бўлган меҳри ҳам Навоий ижодининг асрлар оша барҳаётлик касб эта бориши сирларини лирик чекинишлар воситасида ўта таъсирчан ифода этади. Лирик чекинишдаги ифодалаш усули шартли-поэтик асосга қурилган. Шоира шартли-поэтик акс эттириш қонуниятига амал қилиб шоир асарлари, ғояларининг барҳаётлигини ифодалаш учун Алишер Навоий XV аср, Ҳирот бағридан XX асрга ҳозирги Ўзбекистонга кўчиради, уни "казо-казо, ишчилар" даврасига қўшади. Фан учун бундай шартлилиқ ўта ноилмий мақтанчоқлик ҳисобланса, бадиий ҳаёл ва тафаккур учун бу шунчаки инсон ҳамда ижтимоий ҳаётни тадқиқ этишдаги ўзига хос усуллардан биридир, холос.

Шартли-поэтик шартлилиқ усулидан фойдаланиб, у ёки бу ғояни ифодалаш асардаги лирик кечинма оқимига таъсирчанлик бахш этади. Ўқувчи диққатини ўзига тортади, натижада, унинг бу ғайритабиийлик асосидаги моҳиятини билишга, аниқлашга бўлган қизиқиши ортади. Бунинг учун шубҳасиз, мазкур сартлардагидек, воқеа-ҳодисалар ва шахсларни узоқ ўтмишдан ҳозирги даврга кўчиришга асос бўладиган, бундай восита орқали айтилмоқчи бўлган фикрнинг таъсирчанлигини таъминлайдиган салмоқдор поэтик мақсад бўлиши шарт.

Иккинчидан, поэтик шартлилиқ асосида воқеалар, шахсларнинг асрдан асрга, замондан замонга кўчиши улардан ҳар икки давр моҳиятига ҳамоҳанг, уйғун қирралар ҳамда хусусиятларни бўрттирилишига олиб бориши лозим. Ўша кўчирилаётган нарсанинг ўзида ҳозир учун зарур бўлган асос, поэтик моҳияти бўлиши шарт. Акс ҳолда, воқеа ва инсонларни асрдан асрга кўчириб юришдан ҳеч қандай маъни чиқмайди.

Зулфиянинг "Қуёшли қалам" достонидаги Навоий ғоялари ва яратган қаҳрамонларининг фаолият, интилишларидаги замонамизга оид ҳамоҳанг, унга уйғун чизгилар, ана шундай асос вазифасини ўтади. Иккинчидан, Навоийни XV асрдан кўчириб, XX асрда ҳаракат қилдирилиши бирданига, даб-дурустдан амалга оширилаётгани йўқ. У дастлаб адиб (Ойбек) ҳаёлида жонланиб, ана шу ҳаёл қанотларида майинлик билан мезбонлару казо-казо ишчилар орасига сингиб кетади. "Адиб асабини дўл шарросидай" савалаган минг хил уй-туйғулар ҳам "шеър даҳосидай бемисол, бетахтлит" Ойбек буюк шоир номидаги шаҳарни кўргандан кейин жунбушга келади. Шундай қилиб, лирик кечинма оқимида Ойбек — Навоий номли шаҳар — унинг гўзаллиги ва буюк шоирни меҳмонларни кутиб олиш учун мезбонлар билан бирга уларга пешвоз чиқиши воқеалари ўрин олган. Ойбекни буюк шоир ҳақида илк бор йирик роман ёзганлиги, унга қадар эса Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қатор диққатга молик тадқиқотларни амалга ошириб мутафаккир шоирнинг ижод этиш психологиясини теран ҳамда батафсил ўрганганлигини назардан соқит қилмасак, Навоий шахрининг гўзаллиги билан рўбарў бўлгач, атоқли адиб "асабини минг хил туйғулар, ҳислар дўл шарросидай" савалагани ойдинлашади, мазкур поэтик-мажозий ҳолатнинг моҳияти ўзлигини намойиш қилади. Адиб ҳаёлида бир "дунё хотира" жонланади. Ойбек онги ва тасаввурида содир бўлаётган ана шу фикрлар талашининг қонуний натижаси сифатида "навоий... одимни тезлаб", "мезбонлар билан" меҳмонларни кутгани шошади. Фақат ана шу фикрлар талаш туйғули у казо-казо ишчилар орасида юрипти, оддий инсон сифатида улар қаторида шаҳар қурапти.

Зулфиянинг Навоий образини талқин этишдаги ўзига хослиги,

оригиналлиги ҳам ана шунда. У устоз Ойбекнинг Навоийга бўлган улкан ва беадоғ меҳрини ҳам, биз учун шунчаки меҳрдек туюлган бу ижодий ҳолат заминидаги ўта мураккаб, ўта машаққатли меҳнатни ҳам теран ҳис қила олган. Шоир номи билан аталган "бемисол, бетахлит" шаҳарни кўриб ҳар қандай санъаткор ҳам Ойбек тушган вазиятни бошидан кечирмайди. Қолаверса, бу ўринда Ойбек шахсига хос хусусият — кўтаринки ва ўта фидойиликни ҳам унутмаслигимиз керакка ўхшайди. Ана шуларни яхши ва теран ҳис қилгани учун Зулфия Навоийни нисбатан қисқа туйғулар тўлқинида бўлса ҳам XV асрдан XX асрга кўчира олган.

Алишер Навоий образига хос чизгиларни бериш орқали ўқувчи тасаввурида муайян туйғуларни жонлантириш усули нисбатан ранг-баранг бўлиб, уларнинг нечоғлиқ оригинал ва бетакрор чиқиши муаллифларнинг бадиий тафаккур қудрати билан изоҳланади. Дейлик, Ҳамид Олимжон:

Пушкин пайдо бўлган ҳар бир эшикда

Навоий шарафи яшар муқаддас 1) —

деб езган экан, худди шу сатрларнинг ўзида шоирнинг дўстлик, байналмилаллик ҳақидаги қарашларнинг теранлиги ҳамда буюк Алишер Навоийга фақат ўзбекларгина эмас, шунингдек, барча халқларининг меҳр-муҳаббати буюклигини еритиб беришга бўлган иштиеқи ўз ифодасини топган. Сатрлардаги нозик бадиий ишора-санъаткорни енма-ён қўйиб Ҳамид Олимжонга уларнинг ижоди учун хос бўлган асосий хусусиятлар — гуманизм ва халқлар дўстлиги ғояларини ифодалашга имкон берган. Буюк шоир образи билан боғлиқ чизгиларни бундай мухтасарлик, теранликла бериш ва улар натижасида

1). Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. 1- том, 102- бет.

давримизнинг умуминсоний гояларини таъсирчан ифодалашни фақат бармоқ вазнида ёзилган лирик асарлардагина эмас, балки энг қадимий вазн – арузда ёзилган ғазалларда ҳам амалга ошириш мумкин.

XX аср шеъриятида ғазал жанри Ҳамза Ҳакимзода Ниезий, Ғафур Ғулом, Ҳабибий, Чустий, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Чархий, Восит Саъдулла, Э.Воҳидовлар томонидан янада ривожлантирилди. Ғазалнинг мавзу доираси, образлар силсиласигина эмас, унинг шаклида ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлди. Бу давр, тараққиёт талаби эди. Анъанавийлик ва таждиднинг характери, табиати шуни тақозо этади. Шу ўринда бадий фикрлаш, унинг табиати ҳамда анъанавийлик, таждид масалаларига, қисқача бўлса-да, тўхталиб ўтишимизга тўғри келади..

Бадий фикрлаш жараёнининг ўзига хос қонунияти бор. Бу қонуният бузилса, еки унга – фикрлашга, ташқаридан таъсир этилса, яратилган нарса ўзининг софлигини биров бўлса-да йўқотади. Бу ҳақда И.Кант ёзган эди: "Мыслить – значит говорить самим собой... Значит внутреннее (через репродуктивное воображение) слышать самого себя..."

Навоий образининг яратилишида, унинг барча босқичларида идрок этишининг ана шу мантиқий асосига зиён-заҳмат етказилган.

Ўзбек шеъриятида яратилган Навоий образи, улардаги чизгиларнинг аксариятида жимжимадор тасвир, тантанавор оҳангнинг етакчилик қилиши ҳам, унинг ўта замонавийлаштириш усулларининг кўп кўзга ташланиши ҳам бадий идрок жараёнидаги мантиқий асоснинг бузилиши билан бевосита алоқадор ҳодисадир.

Биз бу ўринда шунчаки мавсумий асарларни эмас, балки Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Зулфия, Ҳ.Ғулом, Мирмуҳсин каби қатор

шоирларнинг шеърларидаги нуқсонларни кўзда тутмоқдамиз. Ижодий жараёнга ташқаридан қилинган таъсир ҳар қандай истеъдод мувозанатини ҳам бузади.

Ўзбек адабиётида яратилган Навоий образининг ранг-баранг талқинларини ўзаро муқояса қилиб, уларни анъана ва янгича изланиш жараёнидан ташқарида эмаслигига мутлақ қаноат ҳосил қиласан. Чунки мазкур тадқиқотда Алишер Навоий образининг мумтоз ва ҳозирги ўзбек адабиётидаги намуналари асосий манба қилиб олинган.

Образнинг бадиий-тарихий тадқиқига қўл урилган даврлар ворисийдир. Иккинчи босиқич биринчисидан озуқа, ижодий таъсир олган. Улар ягона мақсадга – Навоий образини тўлароқ, мукаммалроқ гавдалантиришига хизмат қилади.

Амалда бўлган реалистик ва романтик тасвир – ифода принципи усулларида ҳам ана шу издошлик ҳамда янгича ижодий изланиш ҳолатларини кўрамиз. Романтик тасвир ва ифода усулидаги кўтаринкилик, мадҳия сифат хусусиятларнинг муайян қирралари мумтоз шеърятнинг таъсири билан ҳам далилланади. Мумтоз адабиётимизда Алишер Навоий образига оид сатрларда (назм ва насрда) асосан шоирнинг у еки бу хислату сифатларини, аксарият ўринларда унинг буюк шоирлигию саховатини қайд этиш етакчилиги қилади.

Шуниси диққатга сазоворки, буюк шоирнинг характери ва истеъдодига оид хоҳ насрий, хоҳ назмий (Бобур, Восифий, Хондамир, Махтумқули, Машраб, Хоразмий в.б.) қайдлар бўлсин, унинг энг белгиловчи хусусиятларини ўзида жонлантиради.

Бу ўринда романтик тасвир ифода усули ва воситалари етакчидир. Зеро, буюк шоир ҳаёти ва тақдири, шаклу шамойилининг шаклланишида

муҳим омил бўлган воқеа ва тўқнашувлар мантиқий психологик тадқиқ этилмайди. Бу биринчидан анъана, иккинчидан ижтимоий ва адабий тараққиёт даражаси талаби билан юзага келган ҳолдир. Зеро, санъаткор у ёки бу мавзунини, образни талқин этиш жараёнида янги, оригинал бадиий восита ҳамда усулларни кашф этиш билан бирга унда аввал мавжуд бўлган усул, воситалардан ўзининг гоявий ниятини ифодалаш учун самарали фойдаланиши, тадқиқ этилган у ёки бу муаммони янада кенгроқ, теранроқ ўрганиш мумкин. Бу ўринда энг муҳим ҳал қилувчи хусусият — эски ва янги адабий ҳодиса ўртасидаги алоқадорликнинг мантиқий асослари теран англашилгандагина, улар орасидаги ўзаро ворисийлик моҳияти рўй-рост очилади. Натижада, бизга нисбатан эски тўхлган, унут бўлаёзган нарса ўзининг янги бир қиррасини намойиш қилиб, яна яшай бошлайди.

Янги поэтик ният, бадиий контекст мазмунига мос янгича моҳият, янгича рух касб этади. Бундай ижодий таъсирланиш барча адабий жараён ва санъаткорлар учун ҳосдир. Шунинг учун анъананинг таъсирисиз шаклланган бирон-бир услуб мавжудлигини тасаввур этиш мушкул. Чунки анъана ҳар бир санъаткорнинг ўзига ҳослиги, индивидуал услубининг шаклланиши ва камол топишида алоҳида босқич ролини ўйнайди. Энг муҳими, анъана санъаткор истеъдодининг тўлиқ намоён бўлишида катта, беқиёс имкониятлар уфқини очиб беради. Эски билан янги адабий ҳодиса ўртасидаги мантиқий алоқадорлик ўз ичига мазмун ва шакл борасидаги изланишларни қамраб олади. Анъанавийлик фақат шаклий ўзлаштиришлар борасида эмас, шунингдек, поэтик мазмун, гоявий ниятни теранлаштириш соҳасида ҳам анча чуқур кечади.

Бу ўринда Алишер Навоий образи талқинининг ўзбек насри ва назмида Ғ.Ғулом, Миртемир, Ойбек, Э. Воҳидов, Ш.Камол, А.Ориповлар шеъриятидаги ранг-баранглигини эслатиш kifоя.

Анъанавий адабий ҳодисани янги шароитда давом эттириш ҳам анча мураккаб жараён бўлиб, бунда янги мазмун, санъаткор ниятининг нечоғлик муҳимлигини белгиловчи аҳамият касб этади.

Иккинчидан, шубҳасиз ана шу оригинал, муҳим ижодий ниятни гавдалантириш учун танланган поэтик шакл ёки ҳодисанинг ички алоқадорлиги, уларнинг ҳар иккиси ўртасидаги моҳият муштраклига ҳамда бу икки қутбни ягона борлиқ – бир-бирини тақозо этадиган диалектик бирлик сифатида пайвандлана оладиган юксак маҳорат ҳам ўта зарурий шартлардандир. Э.Воҳидовнинг "Ёшлик" девонига киритилган барча ғазаллари, айниқса, ундаги "Дебоча" ана шу руҳий алоқадорлик диалектикасини еритишга далил бўла олади. Маълумки, ҳар бир тарихий давр, ижтимоий – маданий ҳаёт тақозо этадиган эстетик талабларидан бири янгиликка интилиш кашфиётларга бўлган ҳаётий эҳтиёждир.

Ҳар қандай тараққиётнинг (у илмий бўладими, бадийи) заминида янгиликка бўлган интилиш ётади. Янгиликнинг характер ва моҳияти муқояса қилиш жараёнида аниқланади.

Бадий тафаккур тараққиётидаги поэтик ҳодиса бугун анъанавийлик касб этиши, борлиқ ва инсон оламидаги сирли қатламлар моҳиятини ифодалашда нисбатан иккинчи планга тушиб қолиши ҳам мумкин.

Бу инсон тафаккури, шу жумладан ижтимоий тафаккурда кечаётган жараёнларнинг нисбатан теранлиги, улкан шиддати ва тезлигидан, инсон руҳий қудратининг нисбатан беҳадлиги ҳамда беқиёслигидан

далолат беради холос. Шундай экан, новаторлик ҳамisha ва ҳамма вақт янгича фикрлаш маҳсулидир. Янгича фикрлаш эса ижтимоий ва руҳий эҳтиёж талаби натижасида содир бўлади. Янгиликнинг моҳиятида анъанавий, яъни аввалроқ қўлга киритилган барча кашфиётлар, оригинал фикрлар билан тўйинтирилган жараён жамул-жамдир. Уларнинг ўртасидаги ворисийликнинг вақт ўтиши билан янги босқичга янада теран узвийлик касб этиб, қонуният даражасига кўтарилишида. Адабиётшунос О. Шарафиддинов: "Новаторлик ҳаётдаги энг муҳим ҳодисаларни кўра билишдан, бадиий жиҳатдан ҳали ҳеч ким томонидан кашф этилмаган нарсаларни кашф этишдан, янги мазмун топишдан бошланади", — деб ёзганида, бизнингча, санъаткор маҳорати масаласини биров эътибордан четда қолдиради. Чунки янги тадқиқ этилган поэтик мазмунга мос, ҳамоҳанг бадиий воситаларнинг ўзи ҳам таъдид намунаси бўлиб, уларнинг ҳар иккиси ўртасидаги мутаносибликни юзага чиқара олиш бевосита шоир, ёзувчининг истеъдод даражаси, бадиий маҳорати билан белгиланади.

Бадиий кашфиёт — янгича фикрлаш жараёнининг маҳсули. Тафаккур жараёнининг ҳар қандай янги босқичи ўта мураккаб кечади. Зеро, анъанавий қолиплаш инсон фикрлаш қобилиятини муайян ҳолатдан чиқиб кетишига монелик қилади. Шунинг учун Э. Воҳидов, Жамол Камол ғазалларидаги Алишер Навоий образига чизгилар нечоғлик гўзал бўлмасин, уларда ана шу монелик қудратининг таъсири сақланиб қолган. А. Ориповнинг Навоий образи талқини борасидаги шеърларида бундай монелик таъсирини сезмайди. Чунки бадиий тафаккур шакл ва мазмуннинг барча компонентларини ўз ичига қамраб олади. Янгича фикрлаш, тадқиқ этишдан ажратиб, бадиий асарнинг гоявий мазмуни, образлар сйлсиласи, сюжет ва тузилиши, бадиий тили, тасвирий

ҳамда ифода воситаларигача бўлган барча янгиланиш томон ўзгаришлар санъаткор таъдидининг қирраларидир.

Демак, бадиий янгилик, кашфиёт мутлақ янги ўзига хос босқич, бадиий тафаккур ривожи жараёнининг қонуний – мантиқий давоми сифатида юзага келади.

Иккинчидан, ҳар қандай ворислик замирида муайян даврнинг янгилиги яшайди. Унинг анъанавийлик касб этиши эса, юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий ва инсон тафаккурининг нисбатан тез ҳамда узлуқсиз ўзгаришга, ўсишга мойиллиги билан изоҳланади.

Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ҳақида битилган капалакдек умри қисқа асарлар қанчалик осонлик билан ёзилган бўлса, шунчалар беиз йўқолиб кетмоқда. Шунинг учун ҳам янги аруз буюк Навоий ва Фузулийлар, Бобур, Машраб ва Мунислар, Фурқат ҳамда Муқимийлар қўллаган арузнинг қонуний издоши, ворисидир. Арузда қалам тебратган ва тебратаётган шоирларимизнинг Алишер Навоийни ўзларига устод, деб билиб, унинг образига хос бетакрор чизгиларини ўз ғазалларига алоҳида бир сифат кўрсаткичи тарзида киритишлари ҳам ана шундадир.

Эркин Воҳидов "Ешлик девони"га ёзган дебочасида ана шу бурчдорлик масаласини Навоий образига тааллуқли чизгиларни бериш орқали қуйидагича ифодалайди:

Истадим сайр айламоқни мен ғазал бўстонида,
Кулмангиз, не бор сенга, деб Мир Алишер енида.
Шеърят дунёси кенг, гулзори кўп, бўстони кўп,
Ҳар кўнгил арзини айтур, неки бор имконида.
Эй мунаққид, сен ғазални кўҳна деб камситмагил,

Севги ҳам Одам Атодин қолган инсон қонида.

Тошга ҳам ширин ғазал бахш айлағай оташ ва жон,

Шавқ ўти ёнса агар шоир-ғазалхон қонида.

Рост ғазал авжида барча Ой ила Зухро эмас,

Кўп эрур сомончилар ҳам шеърят сомонида.

Дўстларим шоир деманг, Эркин ғазал шайдосидур,

Еш денгу маъзур тутинг, савҳ ўлса гар девонида 1).
Ғазални тўлиқ келтиришимизнинг сабаби, бизнингча, унинг ҳар бир сатри, бандидаги мазмун бевосита "ғазал мулкининг султони" образини яратиб борасида ўта эҳтиёткорлик ва меҳр билан тортилган нозик чизгилардир.

Ғазалнинг биринчи бандида муаллифнинг шунчаки бир мақсади (ғазал бўстонида сайр этиш) ва мақсад йўлидаги руҳий ҳадик (зеро, у ғазал мулкининг султонига қарашли бўстонда сайр этмоқчи) ўзифодасини топган. У ҳали сайр этмади, энди сайр этмоқчи. Бу мақсад йўлида турган асосий девон шу бўстоннинг султони Мир Алишер Навоийдир. У султон билан тенглашмоқчи эмас, балки унинг тасарруфидаги гулзордан гулу лолалар териб, шеърӣ гулдаста тайерламоқчи. Эҳтимол, бу гулдастада лола билан ёнма-ён шунчаки бир оддий ўт ҳам бўлар... Банддаги биргина "Қулманғиз" сўзидаги яширин кўп маънолик хислати бунга ишорадир. Иккинчи бандга ўтгач, ғазалдаги лирик кечинма йўналишига бевосита Султоннинг ўзи ҳам "аралашади", бу йўналишни бошқаришда муаллиф Мир Алишердан мадад сўрайди. Шунинг учун ҳам банднинг мазмуни буюк шоирнинг "Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп" сатрларига ўта ҳамоҳангдир. Бу

1). Э.Воҳидов. Сайланма. Икки жилдлик. 1-жилд. Тошкент. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1986, 238-бет.

мутлоқ устод сатрларидаги мазмунни ўзлаштириш эмас, аксинча, Мир Алишер образининг чизгиларини беришда унинг ўз эстетик қарашларидан фойдаланишдир.

Ўқувчида Навоий қалбида кечган ижодий турғен онларини ҳис қилишга, унинг шоир сифатидаги ўзига хослигини яна ҳам яқиндан тушуниб етишга қулайроқ имкон яратадиган руҳий муносабатдир. Худди ана шу Навоий сатрларининг моҳиятидан фойдаланиш ўринли бўлгани учун ҳам иккинчи банд билан биринчи банд ўртасида маъно алоқадорлиги юзага чиққан. Мир Алишер ёнида сенга нима бор, деб қулишингиз ўринсиз, зеро, улуг амирнинг ўзлари "Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп" дейиш билан менинг сайр истагимни маъқуллалар мазмунидаги тугал ҳукм шоир образи талқинидаги чизгини янада тиниқлаштириш ҳамда ўз-ўзидан "Қулмангиз, не бор сенга, деб Мир Алишер ёнида" сатридаги ботиний маънони англаб олишда ўқувчига ёрдам беради.

Учинчи бандга келиб, диққат билан эътибор берилмаса, муаллиф Мир Алишер образи талқинидан узоқлашиб кетгандек туюлади. Бу тассурот юзаки, ўткинчидир. Ахир, 20-30-йилларда Алишер Навоийга бўлган ноилмий муносабатлар, уни "феодал", "сарой шоири", "фикрий ҳаёт эътибори билан ислом тасаввурига мансуб" чирғотой шоири 1), дея қоралашлар худди ана шу сатрларда эътироз билдирилаётган мулоҳазаларга, тўғрироғи, арузни янги давр учун номатлуб, кераксиз деб эълон қилган мунаққидларнинг фикрларига

1). Қаранг: Вадуд Маҳмуд. "Маориф ва ўқитувчи" журнали, 1925, 4-сон; Ж.Бойбулатов. Ўзбек адабиети ва чирғотойчилик. "Қизил Ўзбекистон" газетаси, 1929, 13,14,15 май сонлари. Шу автор, Ўзбекларнинг адабий мероси остида пантуркизм, "Шарқ ҳақиқати" газетаси, 1930, 7,8,9-сонлар.

мазмундош-ку. Албатта, айб қўйишлар хилма-хил, лекин моҳият бари-бир битта. Арузни рад этиш ғазални инкор этишга, бу эса шу мулкнинг Султони Алишер Навоийни бизга замондошлигини тан олмасликка, унинг олам-шумул аҳамиятини менсимасликка олиб боради. Эркин Воҳидов ўзбекнинг кўксини осмон қилгач бобокалон шоиримиз ҳамда унинг ардоқли мулки ғазални ҳимоя қилиш, ана шу ҳаракатни далиллаш учун Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳақидаги ривоят чизгисини ҳам ўта ўринли қўллайди.

Тўртинчи банднинг мазмуни Навоий истеъдодининг яна бир олмос қиррасини очишга қаратилган. Бу шоир ғазалларидаги таъсирчанлик, ўқувчи дилига ошно бўлган, унинг қалб тўрларида "ҳазинаи ганж" сифатида ардоқланган латиф дардга ҳамоҳанг туйғуларни жонлантира олиш хусусияти билан борлиқ поэтик ҳодисадир. Ғазалларидаги бу сифат қиррасини Алишер Навоийнинг ўзи ўта нозиклик билан ифодаланган:

Эй, Навоий, дардлиғ назмингни аҳли дард билур,
Дардсиз доғи бўлур, они ўқуғоч, аҳли дард 1).

Эркин Воҳидов буюк шоир ғазалларига хос худди ана шу томонни шеърӣ асарнинг тошга ҳам "оташ ва жон", ҳарорат ва ҳаёт бағишлай олиш қудратига қодирлиги ҳақидаги янги, ўзига хос ташбеҳлар билан яна бир бор исботлаяпти.

Бешинчи банднинг мазмуни ҳам бевосита Навоий образи талқинига алоқадордир. Агар буюк шоирнинг эстетик қарашларини диққат билан кузатсак, унинг ғазал мукамаллиги йўлида ҳар қандай нуқсон ва

1) Алишер Навоий. 15 томлик. 3-том. Тошкент. Вадий адабиёт нашриети, 1965, 63-бет.

камчиликларни рўй-рост, у ёки бу муаллфнинг обрў-эътиборидан қатъий назар, очиқ, холислик таъкидлаб ўтганининг шоҳиди бўламиз. Бу ўринда биргина мисол билан чегараланишни лозим топдик.

Алишер Навоий ўзининг "Мажолис-ун нафоис" асарида 459 шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид характерли томонлари зикр этади. Шулар жумласидан шоир Атоийнинг ижодини ҳам юксак қадрлаб, уни алоҳида қайд этади. Атоийнинг туркий тилдаги ижодини фахр билан таъкидлагани ҳолда шоирнинг:

Ул санамким сув ёқосинда паритек ўлтирур,

Ғояти нозуклигини сув билан ютса бўлур 1),

сатрларидаги қофия номутаносиблигини "қофиясида айибгинаси бор" (ўлтурур ва булур) эслатиб ўтишни ҳам унутмайди. Ғазалдаги мазмун ва шакл мутаносиблигига шунчалар талабчанлик билан муносабатда бўлган Алишер Навоий "шеърят осмонидаги сомончилар"ни мутлоқо кечирмаган, уларни ҳеч аямай танқид қилган.

Ҳозирги ўқувчи анойи эмас. У Атоийнинг бир бандидаги қофияда йўл қўйилган нуқсонни - "айибгинаси"ни устоз шоирнинг асарида қайд этилганини жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам "сахв ўлса гар девонида" сатрида ёшлигим учун маъзур тутарсиз тарзида, ўқувчидан биров андиша, биров эҳтиёткорликни раво кўриш сўраяпти. Шундай таҳлил ва тадқиқ йўлини тутганимиздагина ғазалнинг биринчи байтидан охирги байтигача буюк Навоий ҳақидаги ўй-мулоҳаза ҳамда фикрлар билан тўйинтирилганлиги ойдинлашади.

Навоий образининг бадиий талқинига тааллуқли чизгилар Эркин

1. Алишер Навоий. 15 томлик, 12-том. "Мажолисун нафоис". Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966, 63-бет.

Воҳидов ўртага ташлаётган юксак ғоявий-эстетик талаблар заминидадир. Бу шоирнинг юқорида эслатилган китобига критилган "Жавоҳирга бергусиз бойлик" сарлавҳали мақоласидан келтирилаётган қуйидаги мулоҳазалар ҳам тасдиқлайди: "Навоий шундай улкан чўққи, ундан узоқлашган сари маҳобати кўпроқ намоён бўлади. Биз бу чўққига зинҳор оптимизда қолган даражада деб эмас, доимо олдинда турган, биз доимо интилиб яшайдиган юксаклик деб қараймиз... Навоийнинг санъаткорлигига фақат ҳайратланиш мумкин. Унинг шеърини муъжиза даражасида" 1).

Таҳлил қилинган "Дебеча" ғазали ана шундай ҳайратланишлардан бирининг поэтик ифодасидир. Шунинг учун ҳам Навоий муъжиза шеърининг қаршисида бу девона "савҳ ўлса", маъзур тутса бўлади. Кўриниб турибдики, Навоий даҳоси ва унга бўлган турфахил муносабатларнинг моҳияти мазкур ғазалдаги ҳар бир банд, ҳар бир бадий сўз бирикмасининг борлигини таъминловчи асосга айлантирилган. Бу эса Навоийнинг асарларидан "инсон қўли битганига ақл бовар қилмайдиган" даражада ҳайратга тушган Эркин Воҳидов бадий тафаккурининг кашфиётидир.

Шунга ҳамоҳангроқ хусусиятни Жамол Камолнинг ғазалларида ҳам учратамиз. Бироқ улар устод ҳақидаги ўй-мулоҳаза, кузатишларни ифодалаш силсиласи бўлмагани учун эпизодлик характер касб этади:

Мен замона ўғлидирман, мен-ғазалхон наслиман,
Менга ҳам Гулбонга булбулдан келур дунё ғазал...
Мир Алишер хоки пойин кўзга суртарман, Жамол,
Тоезай деб кўз нурим бирлан гули раъно ғазал 2).

1). Эркин Воҳидов. Юқоридаги китоб, 47-бет.

2). Жамол Камол. Қуеш чашмаси. Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1975, 5-6-бетлар.

Ҷамол Камол ҳам буюк шоир образининг талқинига оид чизгиларни кашф этгандай туюлади. Лекин бу у студ ва шогирдлик ҳақидаги ахборотсимон фикрни айтишдан ташқарига чиқиб кетишга имкон бермайди. "Мир Алишер хоки пойин кўзга суртиш" фақат ғазалнинг матлаъсидаги "Ғазалхон наслиман" бирикмаси билан мантиқий алоқадорликка киришади, ҳолос. Натижада, шоирнинг буюк устод ҳақидаги ўйлари ғазалнинг бошидан охирига қадар бир текисда, бир бутун лирик кечинманинг йўналишини белгиловчи бадиий асосга айлана олмайди. Ҷамол Камол ғазалнинг эпизодик хусусиятга эга экани ҳам ана шунда. Иккинчидан, образ чизгиларининг нисбатан мухтасар ва теранликка эга эмаслиги ҳам ўқувчи тасаввурини шоир ҳақидаги турфахил муносабатлар, қарашлар қаърига тортиб, уларнинг юзага келиш сабабларини тадқиқ этишга чорламайди. Эркин Воҳидов ғазалидаги "Ғазал бўстонида сайр истаги", "шеърят осмонидаги сомончилар" каби поэтик эпизодларда эса, биз мутлоқ ўзгача ҳолатлар тизимига келамиз. Сабаби уларга Навоий ва у билан боғлиқ воқеаларнинг; моҳияти руҳ сифатида сингдирилган. Худди ана шу хусусият ўзлигини намойиш қилмас экан, энг чиройли, кутилмаган ўзига хос ташбеҳ ҳам эпизодик характердан ўзга аҳамият касб этмайди.

Алишер Навоий образини талқин этиш йўлида яратилган баъзи шеърӣ асарларда унинг қаҳрамонларини санаб ўтиш, асарларини шунчаки номини эслатиш етакчи бўлиб қолди. Чунки бу асарлар буюк шахсни бадиий талқин қилиш йўлидаги дастлабки изланишлар эди.

Профессор Ҳомил Ёқубовнинг шаҳодат беришича 1), буюк шоир ҳақидаги биринчи шеър Боту (Маҳмуд Ҳодиев) томонидан ёзилган бўлиб, болаларга аталган ҳамда "Болалар дунёси" журналининг 1921

Йил 2-сонида "Навоий" сарлавҳаси остида босилиб чиққан.

Шеър равон, болалар учун ўта тушунарли тилда ёзилган. Унда шоир Алишер Навоийнинг халқимиз олдидаги буюк хизматларини мадҳ этади. Шоир XV асрла ҳукм сурган туркий тилни камситиш ҳоллари ҳақида гапиргач, бирдан ана шу тилни ҳимоя қилган инсон ҳақида гап очади ва уни ўқувчиларга ўзига хос йўлда таништиради.

У киши ким? – десангиз,
Айтиб берай, ўртоқлар.
У кишими? Билсангиз,
Буюк шоир Навоий.
Шунинг учун болалар
Навоийни севайлик,
Навоийнинг отини
Олтин билан ёзайлик.

Аввало, шеърнинг тузилиши, ундаги кечинма оқими ўзига хос. Дастлаб форсигўй, арабнавис шоирларнинг мавқелари, туркий тилда асар ёзган шоирларнинг камситилиши ҳақида гапирилиб, бирданига шу тил ҳимоячиси ҳақидаги фикрга ва ундан Навоийга ўтилади. Натижада, Алишер Навоийнинг адабиетимиз тарихида тутган ўрни, унинг буюк хизматлари ўқувчилар онгига, уларнинг ақлу шуурига ўзига хос сингади. Боту, шубҳасиз, болаларнинг қизиқишини, руҳиятини сирли ҳолатлар моҳиятини билишга мойиллигини ҳисобга олган.

30-йилларга келиб буюк шоир ҳақидаги шеърларнинг салмоғи анча ошди. 1939 йилда бу мавзуда Мамарасул Бобоев "Занжирланган шер"

1. Ёқубов' Х. Навоий ва ўзбек совет адабиёти. "Шарқ юлдузи", 1968, 9-сон, 112-бет.

номли асарини яратди.

Мамарасул Бобоев ўз поэтик ниятини фалсафий-ижтимоий тадқиқи йўналишида юзага чиқаради. Шеърдаги лирик кечинманинг йўналишига диққат қилинса, занжирбанд шернинг атрофга қандайдир қаҳр, нафрат билан қараб туриши адолатталаб ижтимоий бир кучнинг рамзига айланади. Шуниси ҳам бўрки, шеърнинг юзага келишида Навоий мўйқаламига мансуб ягона "Занжирланган шер" сурати асосий туртки бўлган.

Албатта, шеър суратнинг бадиий шарҳи эмас, у нисбатан кенгроқ бўлиб, Навоий шахси, унинг ижоди, қаҳрамонларига оид муайян қирраларни ҳам қамраб олади. М.Бобоев ўз бадиий услубига содиқ қолиб, шеърнинг ижтимоий қамровини нисбатан кенг олади. У буюк шоир шахсига оид тафсиллар аниқлигига эмас, балки унинг маънавий олами, улуғворлигига оид умумлаштирувчи томонларга кўпроқ мурожаат этади. Натижада, шеърда кўтаринкилик, романтик ифодалаш усули етакчи аҳамият касб этади.

Шоир ўзининг романтик ниятини мукаммалроқ ифодалаш учун унга ҳамоҳанг, мутаносиб ташбеҳлар танлайди. Шеърнинг шартли биринчи қисмидаги ташбеҳлар нурли, ёрқин. М.Бобоев ҳатто буюк шоир қаҳрамонлари хусусиятларидаги фожиавий томонларни унутгандай иш кўради. Фақат нурли қирраларни излайди. Натижада, ўқувчида муайян кўтаринки туйғулар силсиласи вужудга келади.

Бу занжирланган шер, мужассам бир халқ,

Бунда гавдаланар ердаги деҳқон.

(Беллари дол бўлган омоч учидай)

Тоғ қазувчи, меъмор, қирдаги чўпон,

Виждон, қуёш бетли ҳақиқат ва ҳақ...
 Бу занжирланган шер, мужассам бир халқ,
 Бу ошиқ Мажнундир, донишманд Фарҳод.
 Бу вафоли Ширин ва гўзал Лайли,
 Бу меҳрибон Шопур, аламли Бехзод 1).

Шартли иккинчи қисм ана шу нурли оламнинг аксидир, Навоий маънавий оламига зид бўлган реал борлиқдир. Шунинг учун ҳам лирик кечинма оқимида ҳам, шеърнинг ботиний табиатида ҳам олдинги қисмдагига нисбатан зид ҳолат юзага келади.

Қаршисида ҳоким чирик салтанат –
 Жаллод кўзларидай манфур ва қонли,
 Эрлар ҳақоратда, шерлар занжирли,
 Ҳарамларда қизгин ҳайвоний ишрат.

Шоир буюк Навоий образига муайян қирраларни чизгач, шеърнинг охиридаги тўрт мисрада тушунтириш, изоҳлашга ўтиб кетади.

Чунки шеърнинг олдинги шартли биринчи қисмидаги "Занжирланган шер" бадий бирикмаси Навоий шахсига ишора бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, унинг қаҳрамонларини, замондоши Бехзоднинг таъкидланиши ҳамда уларга қарама-қарши "чирик салтанат", ҳайвоний ишрат" кабиларнинг берилиши буюк шоир шахси, у яшаган давр ҳақида муайян тасаввур уйғотади. Шундан кейин "Бу занжирланган шер – даҳо Алишер" сатри билан бошланувчи банд мутлоқ ортиқча бўлиб қолади. "Занжирланган шер" асаридаги лирик кечинма оқимида диққат қилинса, охирги банднинг ортиқчалиги, зўрма-зўраки киритилганлиги

1). Навоийни қуйлаймиз. Тошкент "Ёш гвардия" нашриёти, 1963, 70-бет.

яққол сезилади.

Буҳол 30-йиллар ўзбек шеърятининг муайян изланишлари бошидан кечираётгани билан бевосита боғлиқ ҳодисадир. Иккинчидан, бу йилларда Алишер Навоийнинг шахси, ижоди ҳақидаги фикр ва қарашли кенг ўқувчилар оммасига ҳозиргидек тушунарли ва яқин бўлмагани учун шоир ана шундай изоҳлаш йўлини тутгандек кўринади. Акс ҳолда, қуйидаги ўта саёз шеърий баённинг нима учун асар тугалланмаси сифатида киритилишини изоҳлаб бўлмайди.

Бу занжирланган шер-даҳо Алишер,
Минг йиллик маданиятнинг қомуси,
Бу шер ҳаётга мангу келган эр,
Беш юз ёшли тиниқ шеър Амуси.

Сатрлар оддий насрий баён усулини эслатади. Уларда на поэтик ифодага хос оҳанг ("қомуси" билан "Амуси") поэтик мазмун талабига кўра эмас, шунчаки зўрма-зўраки қофияланган, на ўқувчининг ёдида қоладиган бадиий ташбиҳлар бор. Бу сартларсиз ҳам шоирнинг поэтик нияти ўқувчига тўлиқ англашилиб турипти. "Занжирланган шер" даги бу камчилиكنи шоирнинг илк изланишлари натижасида юзага келганини эътибордан соқит қилмасак, ҳар ҳолда, муаллиф буюк Алишер Навоий образининг муайян қирраларини бадиий тадқиқ этиб, ўқувчиларда у билан боғлиқ муайян тасаввур уйғота олган.

XX аср ўзбек адабиётининг йирик ва бетакрор намояндаси Миртемирнинг "Бахшининг айтганлари" (1939), "Қуш тили" (1967) шеърларида ҳам буюк шоир образини ғоявий эстетик тадқиқ этишда унинг асарларига мурожаат этиш усули, у яратган образлар воситасида ижодий ниятни амалга ошириш етакчилик қилади.

"Бахшининг айтганлари"да Миртемир материални "Садди Искандарий"дан олади. Тўғрироғи, ундаги бир ривоятдан фойдаланиб, Алишер Навоий дунёқараши, унинг комил инсон ҳақидаги қарашлари билан боғлиқ муаммони тадқиқ этади. Навоий образининг муайян қиррасини еритиш учун Миртемир шоирнинг салмоқли, ижтимоий-фалсафий ғоялар оламига мурожаат этади.

Миртемирнинг "Бахшининг айтганлари" шеъри ўзига хос бадиий тузилишига эга. Шеърнинг бошланишида бахшининг созиға мурожаати ўз ифодасини топган. Шоир дастлабки сатрлардаёқ ўз ижодий ниятини ўқувчига етказишга муваффақ бўлади, шеърнинг мавзуи билан ўқувчини огоҳ этади. Қуйидаги сатрлардан кейин бахшининг "Садди Искандарий" таъсирида бадиий қайта ишлаш усули асосида тўқиган ўзига хос ҳикояти берилади. Шоир ўз шеъридаги поэтик ифода усулини халқ оғзаки ижодига ҳамоҳанг, у билан муштарак йўналишда қуради. Шеърнинг оҳанги ва жаранглашини ҳам бахшининг овози ҳамда сознинг навосига мослайди.

...Эшитганни суйла бир оз,

Навоийдан куйла бир оз.

Тимсолдир "Искандарнома",

Номасида кўп хангома 1).

Бахшининг ҳикояти гоҳ ғамгин, гоҳ ғазабли, гоҳ уйчанлик касб этади. Бу ҳолатлар шеърда акс эттирилган воқеаларнинг ривож, уларнинг характери ҳамда табиати билан бевосита боғлиқ ҳолда юзага келади.

Искандар замонида Мағриб мамлакатларнинг бирида жуда катта

1). Навоийни куйлаймиз. Тошкент, "Ёш гвардия" нашриети, 1968, 37-бет.

қирғин бўлиб, юрт подшоҳсиз қолади. Адолатпарвар Искандар мағлуб юртнинг тирик қолган аҳлига мурожаат қилиб ораларингдан бирор бир ақлли кишини кўрсатинглар, уни подшо қилиб кўтарайлик, дейди. Шунда одамлар Искандарга қарата қуйидагича жавоб қиладилар:

Ундай одам қолгани йўқ,
 Сўзимизнинг ёлғони йўқ.
 Магар, қолди биров омон,
 У ҳам бўлса телбасимон,
 Ўликлардир суҳбатдоши,
 Гиёҳ-кўкат нону оши.
 Тириклардан топмай улфат
 Кезар танҳо, умри-кулфат. (38-бет)

Шунда Искандар ўша "телбасимон, ўликлар билан суҳбатдош кимсага қизиқиб, уни олиб келишни буюради.

Эл гадони бошлаб келди...
 Еқаси чок, кўкси пора,
 Кўрар кўзга бир бечора:
 Даҳр ишидан силккан этак
 Икки қўлда икки суяк. (38-бет)

Миртемир қадмий бу Шарқ ҳикоятини ўта пишиқ, бир-бирини мантиқий – психологик тўлдириб боровчи қисмларга бўлинган бадий композиция асосига қуради: қирғинбарот уруш туфайли хона-вайрон юрт подшоҳсиз қолди. Искандар адолатли ҳукмдор бўлгани учун бу юртга доно бир кишини шоҳ этиб тайинлаши шарт. Шоҳсиз қолган юрт аҳли унга "Телбасимон" кишининг ғаройиб хислати ҳақида хабар беради ва кўтилмаганда бу киши иккита – бири шоҳники, бири

гадоники бўлган чаноқни кўтариб келади. Сўнг Искандар мутлоқ кутмаган жумбоқни ўртага ташлайди:

Қиммати бир ўлганида,

Аммо тирик юганида

Бири ғариб, бири устун...

Бу не жумбоқ, бу на тугун? (38-бет)

Бироқ бу шеърнинг ниҳояси, авж нуқтаси эмас ҳали. Бу — "даҳр ишидан этак силккан" шунчаки бир дарвешнинг ижтимоий тенгсизлик ҳақидаги ибратомуз ҳукми. Бундай ўта тағдор саволни ҳаётнинг турли-туман машаққатларини бошидан кечирган ҳамда уларнинг содир бўлиш сиру асрорларини излаган, у ҳақда ўзича муайян хулосага келган кишигина бериши мумкин.

Искандар берилган саволнинг моҳияти адолатпарварлик борасидаги ўз интилишлари ва ҳарактерларига ҳамоҳанг бўлгани учун уни шоҳликка кўтармоқчи бўлади. "Телбасимон" киши эса Искандарнинг таклифини рад этади. "Даҳр ишидан этак силкиган" кимсанинг ўзгача йўл тутиши ҳам мумкин эмас эди. Агар Искандар таклифини қабул қилса, унинг икки чаноқни кўрсатиб берган ўта тағдор саволининг аҳамияти йўққа чиқади. Мабодо, қабул этмаса, унда доно ва адолатпарвар Искандар олдига у мутлақ бажара олмайдиган шарт қўйиши керакки, токи Искандар ўз таклифининг ўринсизлигини англаб етсин. Шеърдаги лирик кечинманинг авж нуқтасида ана шундай шарт берилади: "Эй подшоҳ, менинг тахтга рағбатим йўқ. Лекин сен менга мангу умр, мангу йигитлик, битмас давлат ва мангу қувонч бахш эта олсанг, фармонингни бажо этаман". Искандар нечоғли доно, катта шухрат ва улкан бойликка эга бўлмасин, бу шарт олдида, ожиз эди. Чунки бу шартни ечиш амримаҳол. У асрларни қаритадиган, умуман

ҳаёт, борлиқ ва инсон муносабати мантиқига зид эди. Ижтимоий тенгсизликни шарқона бадиий ифодалаш усулида тадқиқ этган мазкур ҳикоятга Миртемир нега мурожаат этди?

Миртемирнинг асосий мақсади ана шу ҳикоятни қайта талқин этиш орқали Алишер Навоийнинг нечоғлик буюклигини, ўзаро хунрезлик авж олган шароитда ўта содда ҳикоятлар орқали бадиий таъсирчан тадқиқ эта олган мутафаккир шоирлигини мадҳ этиш эди. Шеърий сатрлар моҳиятига эътибор берсак, унда М.Вобоевнинг шеъридагидек буюк шоирни шунчаки тавсифлаш эмас, балки унда бутун умри ва ижоди давомида авайлаб, қайта-қайта мурожаат этгани — одил, адолатли шоҳ муаммосининг муайян қирралари ўз ифодасини топган. Навоийнинг ўзи бевосита таъкидланмаса ҳам, "Бахшийнинг айтганлари"да унинг мутафаккир, файласуф шоирлигига оид мулоҳазалар оқими доимо сезилиб туради. Искандар олдига қўйилган шартга келсак, уни ҳеч ким ҳатто Навоийнинг ўзи ҳам бажаришга қодир эмас эди. Хўш, унда ҳикоятга нега шундай мутлақ бажариб бўлмас шарт киритган? Аслида бу ечилиши амри маҳол шарт, бир восита холос. Асосий гап, ижтимоий адолатсизликнинг сабабларини излаб, уни бадиий тадқиқ этиш, ўқувчини инсон камолоти йўлидаги Навоий қарашлари билан ошно қилишдир. Миртемир Навоий образини яратишда бадиий чизгилар тортмайди. У буюк шоир руҳий оламининг, унинг адолатли шоҳ, комил инсон ҳақидаги нисбатан кенг кўламли қарашларининг муайян бир қиррасини ёритишга интилади, уни ўзига хос йўсинда ҳал қилади, холос.

Алишер Навоий ижтимоий тенгсизликни бевосита зулм билан алоқадорлигини ўта образли қилиб куйидагича ифодаланган эди:

Токи жаҳон зулмни қилмиш писанд,

Ерга тушар мева, йиғоч сарбаланд 1).

Шу сатрларнинг ўзи ҳам "Садди Искандарий" достонига киритилган ҳикоятнинг қамрови фақат адолатли шоҳ талқини билан чегараланиб қолмаслигидан далолат этади.

Миртемир буюк шоир ижодидаги асрий муаммоларнинг бир қиррасини еритиш орқали Навоий руҳий оламининг нечоғли беадад эканлигини тараннум эта олган. Миртемир ўз асарида Алишер Навоийнинг адолатпарвар шоҳ ҳақидаги қарашлари ва орзу-умидини бадиий тадқиқ қилиш билан бирга, умуман, Шарқ шеъриятида кенг ва атрофлича теран ишланган комил инсонни тарбиялашдаги панд-насихатининг аҳамиятини ҳам ўзига хос йўсинда талқин этади.

Дидактика воситасида инсонни тарбиялаш, уни барча қусурлардан холи тарзда талқин этиш Умар Ҳайём ва Паҳлавон Маҳмуд рубоийларида, Р.Тагор ва Л.Толстой каби буюк сўз санъаткорлари ижодида ҳам етакчи йўналиш саналади. Иккинчидан, Шарқда панд-насихатсиз, ибратомуз ўғитсиз бадиий асарнинг унчалар эътиборга молик бўлмаганини ҳам доимо ёдда тутишимиз лозим. Зеро, ҳар қандай адабиёт, ҳар бир асар инсонни тарбиялашга қаратилган экан, бу муаммони ҳал этишда Шарқ адабиети айниқса, дидактикага энг кўп эътибор берган. Бу борада Шарқ шеърияти намояндалари ҳатто ҳудудда кенг тарқалган, тарихий-ижтимоий тараққиёт, вазият тақозоси билан баъзан диний тус берилган ҳикоятлардан ҳам кенг фойдаланганлар.

Бундай ижодий муносабатнинг ерқин исботини Хўжа Аҳмад Яссавий ва Носируддин Рабғузийлар ижодида кўпроқ учратиш мумкин.

1). Алишер Навоий. Хамса. Тошкент, ЎзССР Фанлар Академияси нашриети, 1960, 94-бет.

Рабғузийнинг "Қисаси Рабғузий" китобида келтирилган Сулаймон алайҳис салом ва шайтони лаъин ҳақидаги ҳикоят диний қобиҳдаги талқиндан таъсирчан панд-насихатга ўтишнинг энг ерқин намунасидир. Инсонни энг ёмон қусур — ичишга мойилликдан воқиф этишнинг ўта таъсирчан йўли кашф этилган. Ана шу масалани пайғамбар фаолияти билан узвий алоқадор ҳолда талқин этилиши диний қарашлар етакчи бўлган шароитда яна ҳам муҳимлик, ҳаётий таъсирчанлик касб этган. Зеро, Рабғузий мазкур ҳикоятида асосий мақсад қилиб Сулаймон алайҳис саломнинг фаолиятини тадқиқ этишни эмас, балки ичкиликнинг кони зарар эканлигини олади. Пайғамбар ва шайтон муносабатлари иккинчи ўринга тушиб, воситачилик аҳамияти касб этади, холос. Комил инсонни тарбиялаш борасидаги мақсад асосий бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бундай ҳодисани шунчаки панд-насихат эмас, курашчан дидактика тарзида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Алишер Навоий томонидан яратилган "Садди Искандарий" достонидаги ҳикоят асосида яратилган шеър муаллифи Миртемир ҳам асосий эътиборни инсон камолоти масаласига қаратади. Телбасимон киши томонидан қўйилган шартнинг ўта муаммолигида ана шу камолга етган инсонни тарбиялашнинг нечоғли мураккаблиги ҳамда бу муаммонинг қанчалар бесарҳад кўламга эга эканлиги таъкидланади. Биргина Навоий яратган достонни эслаш билан инсон камолоти ҳақидаги муаммо буюк шоир ижодий фаолияти билан боғланиб, унинг бу борадаги изланишлари хусусида ўзига хос чизгилар тортилади.

Миртемирнинг Навоий образини талқин қилиш борасида яратган асарлари талайгина. Улардан бири — "Қуш тили" болаларга атаб ёзилган. Шеърнинг юзага келишида, шубҳасиз, Алишер Навоийнинг

"Лисон ут-тайр" асарнинг таъсири бўлган. Албатта, биз бу ўринда Навоий асаридаги ғоявий-мажозий талқинни назарда тутаётганимиз йўқ. Лирик қаҳрамоннинг шеър сўнгида:

Тилингиз биларкан-ку,
Ахир Алишер бобом.
Бобомдай бўлсам дейман,
Қуш тилин билсам дейман, 1)-

тарзидаги таъкидидан ҳам шоирнинг поэтик нияти англашилади. У "Лисон ут-тайр"нинг ғоявий йўналишини тадқиқ этмоқчи эмас. У Навоийнинг инсонпарварлигини янада бўрттириб, болалар дунёси ва руҳияти қизиқиш ҳамда интилишлариға ҳамоҳанг ҳолатларда ёритмоқчи, холос.

"Қуш тили" шеърининг яратилишиға Балх шаҳри яқинида Алишер Навоийнинг мусичалар тухум қўйган чодирини то қушлар учирма бўлгунча йиғиштирмасликни буюриб, Ҳиротға қайтиши ҳақидаги Хондамир келтириган ҳикоят ҳам асос бўлган бўлса керакки, шеърда бу мулоҳазани тасдиқловчи ўзига хос бадиий ишоралар бор.

Баъзан биз адабий таъсир масаласини ўта жўн, юзаки талқин этамиз. Аслида бу ўта мураккаб жараендир. Миртемирнинг икки шеърида бу жараён икки бир-бириға мутлақ ўхшамас кўринишда кечаяпти. "Бахшининг айтганлари"да воқеа ва ҳолатлар, "Қуш тили" шеърида эса ният таъсири ўз ифода ва бадиий ижросини топган. Чунки иккинчи шеърда муайян ҳолат ва воқеалар бадиий жиҳатдан қайта ишланмай, Навоийнинг атроф-муҳитға муносабати ифода

1). Миртемир. Асарлар. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. Тошкент. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 147-148-бетлар.

этилади, холос.

Кушлар, ҳей, кетманг узоқ,
 Қўймайман сизга тузоқ...
 Суксур, оққув, тустовуқ
 Сайранглар менга евуқ.
 Ҳиламангки, отгум тош,
 Ҳиламангки, мен бебош... (35-бет)

Кўриниб турибдики, шеърдаги муайян сатрлар бевосита Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятидаги конкрет фактлар ("Лисон ут-тайр") ҳамда вазиятлар (Хондамир келтирган ҳикоят) билан узвий, мантиқий алоқадорликда юзага келган. Бу ҳол бутун шеърин контекстни Навоий шахси ва фаолияти билан боғлиқ ҳолда болаларга тушунарли бадий йўсинда ифодалашга имкон берган.

Шоир Навоий шахсига ҳамда фаолиятига (Тилингиз биларкан-ку охир Алишер бобом) доир факт ва ҳолатларни шунчаки қайд этиш йўлидан бормади. Миртемир ўз поэтик ниятини лирик кечинма оқимиға, лирик қаҳрамонининг кушларга мурожаати, илтимосига сингдириб юборади. Шеърнинг ҳар сатрида, айрим асарлардагидек, буюк шоир ва у яратган асар еҳуд образларни қайд этиш усули учрамайди. Лирик қаҳрамоннинг муносабатларида, унинг кушларни кетмасликка ундаб қилган илтижоларида Навоийнинг инсон ва борлиққа бўлган ўта олижаноб, ибратомуз қарашларининг муайян қирраси ўз ифодасини топган. Мазкур шеърда Навоий образининг муайян томонини еритиш, унга хос хислатни талқин этиш бевоситалик асосига қурилган. Яна ҳам аниқроғи, шеърда Навоий образига хос чизгилар айнан бўртиб турмайди улар шеърин сатрлардан руҳий бир асос сифатида англашилади.

Шеърятда Алишер Навоий образини яратишнинг яна бир усули— бу бевосита буюк шоир шахси ва ижодий фаолиятига бағишланган шеърларда унинг конкрет жонли тасвирини, у ёки бу тарихий-ижтимоий ҳодисага муносабатини аниқ тасвир этиш ёки ифодалашдир. Навоий образининг у ёки бу хусусияти, қиррасини талқин этиш жараёнида ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос услубий изланишлари ҳам ўз ифодасини топади. Бу мавзуда қалам тебратган шоирлар, энг аввало, Алишер Навоийнинг шахси, ижтимоий ва ижодий фаолияти, маънавий олами, эстетик қарашларидан ўзларининг ижодий манералари ҳам поэтик тадқиқ усулларига ҳамоҳанг қирра, хусусиятларни танлаб олиб, бадиий талқин қилдилар. Дейлик, Алишер Навоий ва замонамиз мавзуи Ҳ.Олимжон, Ойбек, Рафур Гулом ҳамда Миртемирларда ранг-баранг, ўзига хос, қайтарилмас поэтик-эстетик тадқиқотлар натижаси ўлароқ ёритилди.

Мазкур мавзунини тарихий-мантиқий талқин этиш жараёни ҳам ўта ранг-баранг ва хилма-хилдир.

Миртемирнинг "Навоий" (1940, дастлаб бу шеър "Улуғ сиймо 1940" 1) деб номланган), "Навоий кўчасида" шеърлари тўлиғича бадиий шартлилик асосига қурилган.

Бадиий шартлиликнинг кўринишлари нисбатан ранг-баранг бўлиб, унинг бадиий ижод жараёнида энг кенг тарқалганлари қаҳрамон, замон ва вазият-ҳолат шартлилигидир. Бадиий асардаги қаҳрамон характер хусусиятлари макон ва замонга нисбатан шартли мажозий йўналишда ёритилса, бу ҳол кўпроқ фантастик-ғаройиб саргузашт асарларда кўзга ташланади, бу ўз навбатида қаҳрамон шартлилигини

1) Навоийни қуйлаймиз. Ўлмас сиймо. Тошкент. "Ёш гвардия" нашриёти, 1968, 33-бет.

таъминлайди. Кўп ҳолларда, асосан, шеърий асарларда, макон ва замон алмашилиб туради, қаҳрамон асрдан асрга кўчирилади, натижада, ният шартлилиги юзага келади. Зулфиянинг "Қуешли қалам" достонидаги Навоий образининг асрдан асрга кўчирилиши ана шундай бадий шартлиликка алоқадордир. Миртемирнинг эслатилган, ҳар икки шеърида ҳам бадий шартлилик хусусияти из қолдирган. Биринчисида бу эпизодик тарзида кечса, иккинчисида шоирнинг поэтик нияти ҳаёлий кашфиёт орқали муайян тарихни тиклаш асосида амалга ошади. Ана шу нуқтаи назардан шеърларга муносабат билдирайлик.

Шоир кейинчалик "Ўлмас сиймо"ни жиддий таҳрир қилиб, янги номланиш билан ўз "Асарлар"нинг биринчи дилига киритган. Шоирнинг қайта таҳриридан сўнг шеър яна ҳам тиниқ тортган. Навоий ва замонамиз мавзуи нисбатан аниқлик касб этган.

"Ўлмас сиймо"да:

Умринг — ёруғ, ватанинг — учмох,
Мендан сўра, мен ёниб ўтдим.
Англамади замона, эвоҳ,
Замонларки, ёруғ кун кутдим.

"Навоий"да:

Умринг — ёруғ, ватанинг — учмох,
Мендан сўра, мен ёниб ўтдим.
Англамади замона, эвоҳ,
Беш асрим, шу кунни кутдим.

(I том, 227-бет)

Таҳрир жараёнида киритилган поэтик-мантиқий ўзгаришнинг Навоий ва замонамиз, буюк шоир ижодининг тарихий- ижтимоий моҳияти

масалаларини ойдинлаштиришдаги вазифаси рўй-рост кўриниб турипти. Мазкур таҳрирни узоқ йиллар ижтимоий-адабий ҳаётда ҳар қандай мавзунини замон билан боғлаш лозимлиги ҳақидаги ўта схоластик "анъана" билан узвий алоқадорлиги масаласи алоҳида илмий тадқиқотни тақозо этгани учун биз бу ўринда унга батафсил тўхталишни лозим топмадик.

"Навоий" шеъридаги реалистик-бадий шартлиликнинг юзага келиши ўзига хосдир. Миртемир Навоий образининг бадий талқинини бериш учун уни ҳаёдан гавдалантириш усулини қўллайди:

Узун тунлар бедор ва танҳо,

Ўтираман тикиб кўзимни.

У келади, ярқироқ сиймо,

Унутаман бир дам ўзимни 1).

Ана шу ҳолатдан кейин шоирнинг буюк сиймо — Навоий билан суҳбати берилади. Навоийнинг эстетик қарашлари; у яратган қаҳрамонларнинг ибратомуз томонлари ёритилади. Буларнинг ҳаммаси лирик қаҳрамоннинг буюк шоир билан савол жавоби воситасида очилади. Замон ва тарихийлик нуқтаи назаридан олиб қаралса, бу суҳбат ғайри табиийдек туюлиши мумкин.

Ўқувчи шеър муаллифи ва Навоий ўртасидаги устозлик ҳамда шогирдлик муносабатининг ғайритабиийлигини, қаҳрамоннинг асрдан асрга кўчирилишини ишонқирамай қабул қилиши ҳам мумкин. Лекин Навоий ва замонамиз мавзуини бадий шартлилик усули асосида талқин этилиши нуқтаи назаридан олиб қаралса, бу соф реалистик ҳолатдир. Беш аср аввал яратилган асарларнинг, уларнинг муаллифи

1). Навоийни кўйлаймиз. Навоий. Тошкент, "Еш гвардия" нашриёти, 1968, 33-бет.

Алишер Навоийнинг барҳаётлигини тан олсак, лирик қаҳрамоннинг буюк шоир билан қилган суҳбати ва унда кўтарилган муаммолар ҳам реаллик, ҳаётийлик касб этади. Натижада, Навоий тилидан айтилган қуйидаги сатрлар ҳам унинг эстетик қарашларига ҳамоҳанг жаранглайди.

—Балли, — деди, — андак ҳавас бор,

Хикмат деган ғазалга ҳусн.

Чидам деркор, вазминлик даркор,

Куйлагани эрлар туйғусин. (33-бет)

Шеърнинг кейинги сатрларида Навоий яратган образлар воситасида шоир ва замонамиз мавзуи яна ҳам теранроқ еритилади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, шеърда 30-йиллар ўзбек шеърлятида етакчи бўлган ўтмиш билан янги даврни зидлаб ифодалаш усули ҳукмронлик қилади: яъни Лайли, Баҳром, Ширин, Фарҳодларнинг гўзаллигию паҳлавонлиги совет кишиларининг ҳусни ва шикоятли олдиди ҳечдир, тарзида фикрлаш анча кучли. Шубҳасиз, бундай талқин этиш фақат Миртемирга хос бўлмай, 30-йилларда, ҳатто кейинчалик қалам тебратган аксарият шоирларда ҳам учрайди.

Миртемир лирик кечинмани ана шу "қолип"га мос ҳолда давом эттирса-да, унинг бундай йўл тутмасдан бошқа иложи ҳам йўқ эди, Навоий образига хос бўлган чизгиларни жуда аниқ тортади. У совет даврининг ўзига хос шукуҳини ҳам Навоий образини еритишга сафарбар этади. Озод элнинг беармонлигидан қониққан "буюк аламдиди" шоирнинг руҳий дунёсини еритишда Миртемир 30-йиллар шеърлятимиздаги анъанавий зидлаш усулидан ўзига хос фойдаланган

Шоир кетди... Қўз узмай қолдим,

Кетди буюк у аламдиди.

Чўчиб турдим, бир назар солдим,

"Хамса" турар бошим тагида. (34-бет)

Шеърнинг тузилиши ҳам ўзига хос, ўта пишиқ ишланган. Лирик нечинма йўналиши бир маромда, поэтик мазмун талабига ҳамоҳанг ўзгариб туради. Шеърнинг бошланиши Алишер Навоийнинг ҳаелан келиши, тугалланмаси "буюк аламдийда"нинг кетиши билан якунланади. Ана шу бошланиш ва якун ўртасида ҳам лирик қаҳрамоннинг бадиий тадқиқ объектига муносабати ёритилади, ҳам буюк шоирнинг эстетик қарашлари, ижодий фаолиятига оид тўла-қонли поэтик ҳолатлар чизилади, ишонарли ифодаланади.

Биринчи, яъни Навоийнинг эстетик қарашларига оид поэтик ҳолатни олиб кўрайлик. Навоий имо қилгач, лирик қаҳрамон "ҳайрон бўлиб ғазали"ни ўқийди. Шунда Навоий (ҳатто тушда, ҳаелан бўлса ҳам) баъзи мунаққидларга ўхшаб ғазални кўнка кўтариб мақтамайди, балки ўзининг эстетик принципларига содиқ қолган ҳолда:

Балли, — деди, — андак ҳавас бор,

Ҳикмат деган ғазалга ҳусн.

Чидам даркор, вазминлик даркор,

Куйлагани эрлар туйғусин. (33-бет)

Бутун ижодий фаолияти давомида бадиий асарнинг мукаммаллиги учун курашган Навоийнинг машқ шеъри, ғазалга ўзгача баҳо бериши ҳам ғайритабиий чиқар эди. "Андак ҳавас бор" дейиш ҳам буюк шоирга ярашади.

Ҳикматни (бу ўринда маъно, мазмун ҳақида гап бормоқда) ғазалга ҳусн, дейишга келсак, Навоий ўз даврида ҳикматсиз ғазаллардан ўта зада бўлган ва бундай шеър битгувчиларни аямай танқид ҳам қилган.

Бу хусусида "Хайрат ул-аброр" достонида қуйидагиларни ёзади:

Лафзалари бемаза, тартиби суст,

Носара маънию адо нодуруст 1).

Шоир ана шундай ғазал ёзганларни уялмасдан ўз асарларининг "муҳоботини кўка еткуруб" мақтанганларидан озор чеккан эди. Шунинг учун ҳам Миртемир шеърий контекстга "Ҳикмат деган ғазалга ҳусн" сатрини киритиш билан буюк шоирнинг эстетик принципини қандай бўлса шундайлигича, муайян маънода тарихан аниқ ифодалашга муваффақ бўлган. Яна Навоий яратган образларнинг характерли хусусиятларини қайд этадиган бадиий ҳолатлар ҳам мазкур мавзу талқинига талай янгиликлар олиб киради. Навоий тилидан "балки Бахром — орам", "балки нозанин Лайли-онам", "балки нолакор Ширин-синглим", "балки паҳлавон Фарҳод-дўстим" дейилишининг ўзида ҳам буюк шоир яратган образларнинг ҳаётйилиги, шоир ижодининг моҳияти ва шахс сифатида унга хос бўлган хусусиятлар ўз ифодасини топган. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, шеърдаги ҳар бир ташбиҳ, ҳар бир бадиий ифодавий бирикмани асар умумий контекстининг тенг ҳуқуқли ва қонуний ажралмас бўлаги сифатида биргаликда олиб таҳлил этилгандагина Миртемирнинг Навоий образи талқинига қўшган ҳиссаси тўлиқ англашилади.

Шоирнинг "Навоий кўчасида" шеъри ҳам бадиий шартлилик асосига қурилган бўлиб, унда буюк шоирнинг номи билан бевосита боғлиқ жойу элатлар едга олиниб, ҳаёлан тикланиб, халқнинг битма-туганмас эҳтироми ифодаланади.

Қулоқ сол бу кўча саргузаштига:

1). Алишер Навоий. Ҳамса. Тошкент, ЎзССР Фанлар Академияси нашриети, 1960, 46-бет.

Ҳирот қалъасидан бошланур боши,
У ёғи уланур Ироқ даштига
Беш аср ёши.

Шоир географик аниқликни бузмаслик учун (тарихий шахс талқинида бу муҳим хусусият касб этади) "Ҳайхун белидан кўприксиз қатлаган бу кўчанинг беш асрга тенг йўлни босиб, то "Салатанат жой – Қизил майдонга" бошлангунча бўлган жойлар таърифини беради.

Шеър охирида бадий шартлилик ифода усули яна ҳам қатъийлашади, аниқлик касб этади. Ҳиротдан бошланган кўчанинг тарихий талқинини беришдаги шартлилик асосан, воқеани ўтган замонда эмас, балки ҳозирги замонда содир бўлаётгандек тасвирлашда, ўтмиш билан ҳозирни қоришиқ тарзда кўрсатишда юзага чиқади. Шеърнинг охирида эса Миртемир буюк шоирни жонлантириб асар бошидаги "шўх афсонага ўхшаш" кўринишларга муайян аниқлик киритади.

Навоийнинг ўзи ўйчан ташлар кўз,
Гавҳардай ярқирар эзгу кўчаси.
Не хожат кўп сўз, —
Элининг бахтига кўзгу кўчаси.

Шеър тугалланмасидаги тўлиқ бадий шартлилик руҳи Навоийнинг жонлантирилиши) дастлабки Ҳирот қалъасидан бошланган кўча таърифини тўлиғича буюк шоир босиб ўтган беш асрлик йўлнинг тасвирига айлантириб юборади. Навоий даҳосининг умрбоқийлигини ифодалаш учун Миртемир ўта таъсирчан бадий усул таялаган. Миртемир қўллаган бадий шартлилик усули реалистик қонуният асосига қурилган. Шунинг учун ҳам у Навоий шахсига, ҳаётига боғлиқ тарихан аниқ жойлар тавсифига асосий эътиборни қаратади.

Шеърда аввалги таҳлил қилинган асардагидек кўтаринки романтик ташбеҳлар учрамайди ҳисоби.

40-йиллар ўзбек совет адабиётида Навоий образини аниқ тарихий воқеа ёки деталлар воситасида ифодалашдан чекиниш ҳоллари ҳам кўзга ташланади. Бундай асарларда асосан Навоий ижодининг моҳиятини умумий бир йўсинда таъкидлаш, ифодалаш етакчилик қилади. Бундай ҳолни кўпроқ Ҳабибий ва Собир Абдулланинг буюк шоирга бағишланган ғазалларида кўпроқ учратиш мумкин:

Навоий бери гулзоринг очилди яхши соатда... 1)

Сўз дурри бирла тўлган кондан зар топилди, - 2)

сатрларидан Навоий образининг талқинига оид қандай янгилик топиш мумкин. Бу шунчаки, ҳаммага маълум фактларни қайд этишдан ўзга нарса эмас.

Ҳабибийнинг "Ҷаноб муҳтарам илм авжида олий моқом устоз" (1966) сатри билан бошланувчи ғазали ҳам юқоридагидек шоир шахсига тааллуқли бўлмаган хислатларни умумий йўналишда мадҳ этишдан иборатдир. Собир Абдулланинг "Эй, Навоий, умрлар бир яхши даврон истадинг" мисраси билан бошланувчи ғазалида ҳам буюк шоир образининг талқинига чуқурроқ кириб борилмайди. Ўқувчи ғазалдан Навоий талқинига оид ўзига хос чизгилар тополмайди. Унда анъанавий мадҳия усули етакчидир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, классик шеърятимизда яратилган мадҳияларда у ёки бу ҳукмдор, шоир ёки давлат арбоби қанчалар кўкка кўтариб мақталмасин, улар ҳақидаги, уларнинг шахсияти, фаолиятига оид муайян қирралар озми-кўпми ўз ифодасини топган.

1). Навоийни қўйлаймиз. 54-бет.

2). Шу китоб, 56-бет.

Навоийнинг дostonларида дўсти Хусайн Бойқаро ҳақида битилган сатрлар шулар жумласидандир.

Бундай ҳол Абдуғафур Ҳақирийнинг "Раҳбар шоир" (1948), Камолийнинг "Сухан доноси" (1948), Қ.Муҳаммаджон ва Маннон Ғаниларнинг "Навойдан дейди сўзини" (1948) каби шеърларида ҳам кўзга ташланади. Мазкур шеърларнинг биронтасида ҳам буюк Навоий образининг муайян қирралари, унинг шоир ва шахс сифатидаги у ёки бу хусусияти лирик кечинма воситасида еритилмайди. Чунки бу шеърларда лирик кечинманинг ўрнини шунчаки қуруқ тавсиф эгаллаган. Кўриниб туриптики, 40-йилларга келиб айрим ўзбек шоирлари анъанавий мадҳия талабларини ҳам ижодий жараёнга татбиқ этолмаганлар. Ваҳоланки, лирикада баъзан тавсифнинг ҳам ўринли қўлланиш ҳолларини учратамиз. Масалан, Миртемирнинг юқорида таҳлил қилинган "Навоий кўчасида" шеърида поэтик шартлилик талаби билан киритилган тавсиф лирик кечинмани тўлиқ, ишонarli чиқишига олиб келган.

Бунга буюк шоирнинг жонлантирилиши ва унинг ўз "эзгу кўчаси"га нигоҳ ташлаши билан алоқадор сатрлар сабабчи бўлган. Натижада, Навоий ижодининг умрбоқийлиги билан боғлиқ салмоқли бадиий ният ўқувчига сингдирилган. Тавсиф етакчилиқ қилган шеърларда эса бундай ҳолатни учратмаймиз. Уларда ўқувчиларга маълум ҳақиқатларни қайд қилиш, шунчаки суҳанворлик асосий ўринни эгаллайди. Бу мазкур шоирларнинг истеъдод ва бадиий маҳорат кўламининг саёзлиги, Навоий ижоди ҳамда ҳаётининг ўша вақтда ҳали кенг ўрганилмаганлиги ва муайян маънода давр шеърляти олдига қўйилган вазифаларнинг нисбатан тор амалийлиги билан бевосита алоқадордир. Лекин бу ҳол 40-йиллар ўзбек шеърлятида яратилган

оригинал кашфиётларга бутунлай кўланка соладиган даражада эмас эди.

Зеро, Гафур Гулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Миртемир каби улкан истеъдод эгалари мазкур мавзу талқини борасида ҳам ўзларининг ижодий эътиқодларига, кашфиётларига содиқ қолдилар, буюк шоир образини ранг-баранг бадиий тадқиқ этдилар. Бундай ўзига хос талқинларнинг заминида тинимсиз ижодий изланиш, Навоий ва умуман, ўзбек классик адабиёти соҳаси бўйича зукко билимдонлик, қолаверса, истеъдоднинг олмос қирралари яширинган эди. Буюк рус шарқшунос олими, Навоий ва Жомийлар ижодининг улкан тадқиқотчиси Е.Э.Вертельс ўзининг "Навоий ва Жомий" номли китобига езган сўзбошисида бу ҳақда қуйидагиларни қайд этади: "Считаю нужным указать, что многие стороны творчества Навои, может быть не были бы мне доступны, если бы я не общался с такими прекрасными знатоками узбекской классической поэзии, как Айбек и Гафур Гулям..." 1).

М.Шайхзоданинг Навоий даҳосига бўлган ижоди й муносабатлари унинг қатор илмий ишларида, хусусан, "Ғазал мулкининг султони" номли ўзига хос оҳорли тадқиқотида ёрқин ифодасини топган. Миртемир ўзининг она юрт, она тил ҳақидаги шеърларида Навоий ижодини нечоғлиқ чўнг англаб етганини фахр билан қайд этади. Масалан, шоир бу юксак фахр туйғуларини "Она тилим" шеърида:

Бу тилда куйлаб ўтди ҳиротлик устоз,

Қора қўрғошиндан қўйилмиш тил бу 2).

1). Е.Э.Вертельс. Избранные труды. Навои и Джами. М., "Наука", 1965, с.15.

2). Миртемир. Танланган асарлар. 3 томлик, 2 - том, 258 - бет.

Кўриниб турибдики, шоир биргина "ҳиротлик устоз" дейиш ва уни она тил ўтмиши билан мантикий алоқадорликка киритиш орқали ҳам аниқ тарихий ҳақиқатни таъсирчан ифодалашга муваффақ бўлган.

Ғафур Ғуломнинг ўзбек классик шеърияти ва айниқса, Алишер Навоий ижоди ҳамда шахсига бўлган меҳри айричадир. Ғафур Ғуломнинг буюк шоирга оид фалсафий-бадний мушоҳадалари гоят теран ва ўта тарихийдир. У Навоийга бағишланган аксар сатрларини хилма-хил мавзуларда ёзилган асарлари қарига ўта санъаткорона сингдириб юборади. Натижада, бундай шеърларнинг таъсирчанлик салмоғи янада кучаяди, уларнинг юзага келишига сабаб бўлган тарихий замин конкретлашиб, ерқинлик касб этади.

Шоир "Самарқанд учун" шеърида (асар СамДУнинг 20 йиллик тўйига бағишланган), ер юзининг сайқали бўлган тарихий шаҳарни узоқ ўтмишига назар ташлар экан, лирик кечинма оқимиغا Улуғбек, Навоий, Жомийларнинг буюк хизматларига тааллуқли фактларни олиб киради. Натижада, ўқувчи кўз ўнгига Самарқанднинг XV асрга оид шаклу шамойили, Навоийнинг бу шаҳарда кечган йигитлик йиллари гавдаланди.

Манглайинг бир ажин касб этолгунча,
Минглаб жафоларни кечирди бошинг..
"Зижи Кўрагоний" секундларида
Кўп қарра тутилди кўкда қуешинг..
Ишқу вафоларнинг "Хамса"син ёзган
Жомий, Навоийнинг асрий нидоси,
Ҳали гумбазидан гўнғирлаб келур
Олимлар баҳсининг акси садоси 1).

Воқеаларнинг тарихан издошлигидан ташқари, бу ўринда бевосита

1). Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик, 2 том. Тошкент, "Фан" нашриети 1984, 121-бет. (Кейинги келтирилган мисоллар ҳам шу нашрдан олинган. Виз фақат жилди ва саҳифасини қайд этиш билан чегараланамиз).

Навоийнинг Самарқанд даври ҳаётига оид бадиий чизгилар ҳам мавжуд. Бобурнинг "Бобурнома"да ёзишча, "Мир Алишер Навоий Ҳиридин (Хирот) Самарқандга келган фурсатлар Аҳмад Ҳожибек билан бўлур эди". Тарихий манбаларда қайд этилишча, Аҳмад Ҳожибек ўз даврининг етук кишиси, "Вафой" тахаллуси билан шеърлар ёзган шоирдир. Навоий у орқали "Алоий Шоший ва Файзуллоҳ Абулайслар билан суҳбат қуришга муяссар бўлган.

Алишер Навоий Файзуллоҳ Абулайс ҳақида ўзининг "Мажолис ун-нафоис" асарида қуйидагиларни ёзади: "Самарқанд ақобиридандур. Бовужидиким, Самарқанднинг аъломи уламиси эрди, шеър ва муаммога дағи мойил эрди. Фақир (Навоий) икки йилларнинг қошида сабоқ ўқидим, анча илтифоти бор эдиким, фарзанд дер эрди" 1).

Ғ.Ғуломнинг "Ҳали гумбазидан ғунғирлаб келур олимлар баҳсининг акси садоси" сатрлари ана шу қайд этилган воқеаларнинг бадиий ифодасидир. Файласуф шоир шеъриятидаги Навоий образи талқинига оид ҳар бир сўз, ҳар бир сатр ўзининг тарихий асосига эга. Шоир уларни шунчаки нималарнидир қайд этиш учун умумий бир йўналишда қўлламайди. Уларни Навоий ижоди, шахси билан алоқадорликда беради. Бу алоқадорлик руҳий бўлиб, сатрлардаги поэтик ишораларда гавдаланади.

"Самарқандлик пахтакор дўстларимга" шеъридан (1952) олинган қуйидаги сатрларга эътибор берайлик:

Ҳаммамиз интилган ўлуғ иқбол бор,

Умид тонгларида оларкан нафас.

Ота-боболардан қолган мақол бор,

1). Алишер Навоий. 15 томлик. 12-том. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966, 32-бет.

Тирноғни ўз этдан ажратиб бўлмас...

Ҳамиша ярқира, нилий осмон,

Гуллайбер, Алишер куйлаган чаман!

(II том, 265-бет)

Ғафур Гулом "Самарқанд учун" шеърида Навоий томонидан бу тарихий шаҳарга нисбатан қўлланган ташбиҳни янада конкретлаштириб ёзади:

Нилий гумбазлари кўк ичида кўк,

Ложувард осмонда чиний кабутар.

Қайд этилган сатрларда Навоийнинг Самарқанд даври ҳаёти ва унинг "шарқнинг кўрки" бўлган бу қадимий шаҳарга муносабати тарихий манбаларга ишора қилиш орқали ёритилган.

Навоийнинг Кўҳак суви — Чўпонота, Самарқанд шаҳри мадҳи ҳақидаги сатрлари ўқувчилар оммасига таниш:

Ушоқ тош лаълу, инжу киби,

Яшил сабзаси чаҳри мину каби.

Ки мансуб эрди анго Кўҳак суви,

Нединким эрур жори андин куйи...

Алишер Навоий султон Улуғбекнинг Самақанд шаҳрида олиб борган мангуликка дахлдор ишларини қайд этиб ёзган эди:

Расадким боғламиш зеби жаҳондур,

Жаҳон ичра яна бир осмондур.

Валек ул илм сори топти чун даст,

Кўзи олдида бўлди осмон паст.

Билиб бу навъ илми осмони,

Ки андин ёзди "Зижи Кўрағони".

Ғафур Ғуломнинг "Гуллайбер, Алишер куйлаган чаман!" сатри буюк шоирнинг ана шу каби қатор Самарқанд ҳақида битилган шеърӣ мисралар таъсирида юзага келган бўлиб, ҳатто шоирнинг "Нилий гумбазлари кўк ичида кўк" мисраси билан бошланувчи банд бевосита буюк шоирнинг "Жаҳон ичра яна бир осмондур" ташбиҳининг янада аниқлашган кўринишини эслатади.

Таъқидлаганимиздек, шоир аксар ҳолларда ўзининг Навоӣ ҳақидаги кузатишларининг натижаси ўлароқ туғилган туйғуларини, ўй-фикрларини турли мавзуларда ёзилган шеърлари қаърига сингдириб юборади. Шу жараёнда кутилмаган бадиӣ ташбиҳлар кашф этади, буюк шоир ижодига оид тарихий бирон бир ҳолатни қайд қилади. Бундай бадиӣ киритимлар, энг аввало, мазкур шеърларнинг мазмунига ҳамоҳанг бўлиб, уларнинг бадиӣ таъсирчанлигини кучайтиради, иккинчидан, улар алоҳида олинганда ҳам марварид доналаридек ўқувчи диққат-эътиборини ўзига тортади.

"Наманган учун" (1958) шеърда шоир ана шундай оҳори тўкилмаган ташбиҳ асосига ўзининг Навоӣ ҳақидаги мушоҳадаларининг нисбатан умумлашган, узак моҳиятини сингдирган. Юзаки олиб қаралса, Навоӣ қаердаю, Наманганнинг ҳавоси қаерда. Лекин шоир улар ўртасидаги ички ҳамоҳангликни теран илғаб, ўта зукколик билан ёзади:

Наманган ҳавосин куйладим чоғи,

Сувлар Навоӣ умидидек пок.

Тоғлардан шарқираб келган ирмоғи

Машрабдай ғазалхон, Мажнун — яқо чоқ. (146-бет)

Буюк инсонпарвар шоир Алишер Навоӣнинг инсон ҳамда адолатли

замонга бўлган ҳаётбахш умидини бунчалар мухтасар ифодаланган сатрлар инқилобдан кейинги ўзбек шеъриятида камдан-кам учрайдиган поэтик ҳодисадир. Мабодо бу сифатга ирмоқнинг Машрабга, унинг шарқираб оқиши олдида ҳатто Мажнуннинг яқоси чоклиги ҳақидаги ташбиҳлар моҳиятини қўшиб, бир бутунликда олиб таҳлил этсак, Навоийнинг пок умиди ҳақидаги мулоҳазаларнинг қамрови ва кўлами янада кенгаяди. Чунки мазкур ташбиҳларда фақат ўхшатилган нарсанинггина эмас, ўхшаш нарсанинг моҳияти ҳам бадий тадқиқ қилинмоқда. Навоий умиди, Машрабнинг газалхонлиги, табиатнинг ажиб кўриниши олдида Мажнуннинг яқоси чоклиги фақат гўзал лаҳзаларни таъкидлаш учун бадий восита бўлиб қолмай, улар бутуннинг босқичлари сифатида бир-бирларини тўлдиради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ўринли кашф этилган ташбиҳ лирик кечинма оқимида икки вазифани адо этади. У ҳар икки — ҳам ўхшаш, ҳам ўхшатилган нарсалардаги қирраларни еритади. Шеърдаги етакчи йўналишга қараб, ташбиҳнинг бадий ифодалаш жараёнидаги асосий вазифаси белгиланади.

Ғафур Ғулом озарбайжон ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстликнинг тарихий илдизларини поэтик тадқиқ қилар экан, Алишер Навоий ҳамда Фузулийлар ўртасидаги анъанавий боғланиш, маънавий меросхўрлик фактини лирик кечинма оқимида олиб киради.

Фузулий лирикасин

Булоқбоши устози —

(Ўзи тан берганидек)

Шоир ота Алишер. (26-бет)

Агар ўқувчи шу ўринда Фузулийнинг Алишер Навоий ҳақида айтган

"Султони салотини шуаро" 1) мулоҳазасини эсласа, Гафур Гуломнинг озарбайжон ва ўзбек шоири ўртасидаги ижодий муносабат борасидаги поэтик фикрлари янада теранлашади, тарийхийлик касб этади.

Мазкур сатрларда ҳам шоир ўзининг қадрдон ижодий усули тарихий ҳақиқатга суяниб иш кўришдан чекинмайди. Фузулийнинг қатор ғазалларида ҳам Навоийга устоз сифатида ёндошганлиги адабиётшунослигимизда қайта-қайта қайд этилган.

Гафур Гуломнинг "Сув ва нур" балладасида буюк Алишер Навоийнинг ижодида салмоқли аҳамият касб этган, айниқса, "Фарҳод ва Ширин" достонида ҳаётий муаммолардан бири сифатида бадиий тадқиқ қилинган қурғоқ ҳамда даштларга обиҳаёт чиқариш масаласи анча кенг талқин этилган. Шоир буюк Навоийнинг достонидаги Фарҳод, Ширин образларига балладада қайта-қайта мурожаат қилади, уларнинг орзу-умидлари, интилишларидаги ҳаётга ошуфталикни улуғлайди. Баллададаги Навоий яратган образларга мурожаат қилинган ўринлар Гафур Гуломнинг буюк устод олға сурган ҳаётий ғояларга доимо эътибор бериб келганлигидан, устод ижодидан самарали таъсирланганлигидан далолатдир.

Фарҳод ГЭСи курилиш муносабати билан битилган бу балладанинг ҳар бир сатридан халқимизнинг асрий орзусини янги тузум даврида амалга ошганлиги таъкидланаркан, шоир бу муаммонинг ўзига хос тарихий талқинига ҳам назар ташлайди:

Навоий – ўзбекнинг буюк фарзанди,

Бу улуғ умидни тизди назмига.

1) Алишер Навоий. Кўзимнинг мардуми. Ҳажжи нашр. Сўзбоши муаллифлари: А. Шаропов, С. Ҳасанов. Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 6-бет.

Бугаро Ширинга сув керак каби,
 Нур керак Фарҳоднинг ширин базмига.
 Минг йиллар куйланди бу ширин дoston,
 Миллионча Фарҳоднинг кўкси қабариб.
 Қилайлик, оқибат, бу элни бўстон,
 Умидга сад бўлган тоғни кўпариб.

(IV-том, 110-бет)

Маълумки, Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонини яратишда ёзма адабиётдаги анъанавий, сайёр сюжет талқинлардан ташқари ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўта сермахсул хазинасига мурожаат қилган. Н.Маллаевнинг таъкидлашича, Навоий достонни яратиш жараёнида эътибор қилган ана шундай асарлардан бири "Ширинсой ва Фарҳодтоғ" ҳақидаги афсонадир 1).

Ғафур Ғулом халқ оғзаки ижодининг ҳам етук ва забардаст билимдонларидан бири бўлган. Шунинг учун ҳам у Сирдарё бўйларида кенг тарқалган ана шу афсонанинг қадимий илдизларини ёритади. Натижада, халқ афсонаси ва Навоий достонида кўйилган муаммонинг моҳияти ойдинлашиб, "ўзбекка эски умид бўлган, халқларнинг қадим орзуси – нур ва сув" масаласининг муҳимлиги янада кучаяди.

"Фарҳоду Ширин" деб айтар афсона,
 Замири тилакнинг зўр шашчироғи.
 Афсона-умидга тилак, баҳона,
 Ҳатто, макон тайин-Сирнинг қирроғи.

Кўриниб турибдики, Ғафур Ғулом Навоий образи талқинида ҳар гал янгича йўл излайди. Буюк шоир образига етарли чизгилар тортиш

1). Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Н.Маллаев, Ўзбек адабиети тарихи Тошкент, "Ўқитувчи" нашриети, 1965, 497-498-бетлар.

учун янги-янги фактларга мурожаат этади, ўқувчи шуурини Навоийнинг ижодий ва шахсий хислатларига оид ҳолат, нуқталар билан тўлдиришга ҳаракат қилади.

Шоир шеърларидаги бадиий топилмалар ҳам ўта ўзига хос. Улар узоқ вақт давом этган мушоҳада ҳамда мулоҳазаларнинг маҳсули сифатида доимо ўзларига нисбатан кенг, теран тарихий воқеалар, қайдлар ҳақида далолат берадилар. Шу ўринда навоийшунос олим Н.Маллаев қайд этган "Ширинсой ва Фарҳодтоғ" афсонасини келтириб, ундаги илгари сурилган рояни Ғ.Ғулом сатрларидаги ижодий ният билан муқояса қилиб кўрайлик. "Ширинсой ва Фарҳодтоғ" афсонасининг қисқача сюжети қуйидагичадир:

Фарҳод бир камбағалнинг ўғли бўлиб, отасидан унга бир кетмон ва бир сандиқ мерос қолади. Сандиқдаги кўзгуни қўлига олиб, унда бир гўзални кўриб, хушидан кетади. Ўртоғи Шопур уни ўзига келтириб, икковлон шу гўзални излаб йўлга тушишади. Излаб-излаб Бекобод шаҳрига келиб қолишади. Бекобод ўта хароб экан. Аҳолиси эса тоғ-тошни кесиб Сирдарё сувини чўлга оқизиш билан овора экан. Фарҳод отасидан қолган кетмонни ишга солиб мўъжизалар кўрсатибди: Унинг шухрати шаҳар ҳукмдори – Гулчеҳра ва унинг жияни Ширинга етибди. Шундай қилиб Фарҳод кўзгуда кўрган гўзал Ширин билан учрашипти.

Шириннинг гўзаллигини эшитган Эрон шоҳи Хусрав унга совчилар юборипти. Бироқ Гулчеҳра турли баҳоналар билан ҳар гал совчиларни қайтарар экан. Хусрав Бекободга қўшин тортипти. Фарҳод тоғдан қулатган тошлар Хусрав қўшинларини чекинишга мажбур этипти. Хусрав ҳийла йўлига ўтиб, ким Мирзачўлга сув чиқарса, Ширин ўшаники бўлсин, деган шарт қўйипти. Хусрав Мирзачўлга бўйра

ездирибди. Бўйралар товланиб, оқаётган сувдек мавж берипти. Ширин ноилож Хусравнинг таклифига кўнипти. Тонг отгач, алданганини билган Ширин йиғлаб Фарҳодни излаб йўлга тушипти. Маккор шоҳнинг ҳийласини эшитган Фарҳод ҳам Шириннинг енига жўнабди. Ўртада Сирдарё оқар экан. Икки ошиқ бир-бирларига етиша олмапти.

Шунда Фарҳод Ширинга, қўлини чўзган экан, тоққа айланиб қолипти. Ширин кўзи ешини тўкавериб сойга айланибди. Ўшандан бери кишилар тоғни Фарҳодтоғ, сойни Ширинсой деб аташар экан 1).

Алишер Навоий Фарҳод ва Ширин ҳақида ёзма адабиётда яратилган дostonаларни ҳам синчиклаб ўрганган, бу ранг-баранг афсона ҳамда ривоятлар шоир ижодига солмоқли таъсир кўрсатган.

Топқир файласуф-шоир Рафур Ғулом қуйидаги сатрларни битганда худди ана шу ижодий жараеннинг бутун сирларидан бевосита воқиф бўлган кишидек фикр юритади. Ўз сатрларининг моҳиятини халқ афсонаси ва Навоий ижоди билан мантиқан алоқадорликда талқин этади:

"Фарҳоду Ширин" деб айтар афсона,

Замири тилакнинг зўр шамчироғи.

Навоий асарларидаги қомусий мазмун, мавзу кенглиги ва муҳимлиги, замонавийлик руҳининг кучлилиги, инсон қалб дунёсининг ниҳоят атрофлича ва чуқур ифодаланиши, улуг мутафаккирнинг аср билан қадамба-қадам, ҳатто, жуда кўп ижтимоий-сиёсий масалаларни кўтариб чиқиш ва ҳал қилишда, яъни севги-садоқат, инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстлик, тинчлик каби умуминсоний ва

1) Н. Маллаевнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" (Тошкент, "Ўқитувчи" нашриёти, 1963 йил, 512-бет) дарслигидан матни асосида берилди.

бахт-саодатли, адолатли ҳаётни барпо этиш каби қатор масалаларда ўз замонасидан неча асрлар илгарилаб кетиши, воқеаликдаги қолоқ, хунук нарсалар, адолатсизликни қоралаб, яхши илғор нарсаларни астойдил ҳимоя қилиши бошқа юзлаб ўзбек ёзувчилари қаторида Ғафур Ғулом учун ҳам бир мактаб бўлди.

Ғафур Ғуломга Навоий наъраси бутун кўкни қоплаб олган "Қалби озод шеър, инсоний муҳаббат, меҳр-ла вафо, эрку бахт тимсоли" бўлиб гавдаланади 1).

Шоир кейинги сатрларда ана шу "асрий нидо"нинг моҳиятини тадқиқ қилади. Тарихан аниқ шахсга хос хусусиятларни бирма-бир оча боради. Навоийнинг ибратомуз фазилатларидан бири - у ўз халқи ва юртининг ҳурматини она сутидай ҳалол, покиза тутди. Халқига бўлган ана шундай изчил эътиқод уни ўз даври билан айри тушишига сабаб ҳам бўлди.

Тирик одамларга насиба бўлган
 Ҳаётин фароғат, жаҳоний алам,
 Бириси озгина эркалаб ўтиб,
 Бириси бир умр таъқиб қилса ҳам,-

бу элсевар, халқнинг дардини ўз дарди деб билган, иймон эътиқоди мустаҳкам Навоийни "ложувард кошинли, олтин қаср", тан олмади, унинг қадрини билмади".

Иккинчидан, файласуф шоир Ғафур Ғуломнинг бу сатрлари заминида Навоининг ўша "Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам", дея тортган нолаю комил ишончга тўла унлари ётади.

Ғафур Ғулом буюк шоирнинг ҳаётидаги "фароғат эркалаб ўтган"

1). С.Мамажонов. Услуб жиолари.Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1972, 21- бет.

дамларни ҳам уни "бир умр таъқиб қилган жаҳоний алам"ни ҳам ўқувчи теран англаб етиши учун "Саркашу барҳаёт, бўйсунмас шуур-ла дурахшон юлдузлар сари ўқирган, эрку бахт тимсоли" каби назик бадиий ишораларни поэтик контекстга олиб киради. Кейинги сатрларда ҳам буюк шоир ҳаётидаги "фароғат эркалаб ўтган" дамлар ва уни таъқиб этган "жаҳоний алам" ўртасидаги зидликка мос бадиий мажозий ҳолатлар яратилади. Гафур Гулом энди ижтимоий-тарихий муҳит тўғрисида Навоий ҳаётида юз берган, моҳиятан бир-бирини рад этувчи ҳолатларни муқояса қилади.

Хусайн Бойқаро саройида юзага келган ўта ноҳуш шароит ҳамда темурийзодаларнинг тож-тахт учун олиб борган урушлари Навоийнинг бутун умри давомида орзу қилган идеаллари, интилишлари учун зид эди. Қолаверса, мактабдош дўсти Хусайн Бойқаронинг ўз фарзандларига бўлган муносабати, баъзи фитначи кимсаларга изн бериши ҳам буюк шоир интилишларига мутлақ тескари бўлиб, бу Ҳиротнинг барча илғор кучларга, олиму фузалоларига қарши қаратилган ҳаракат эди. Чунки Алишер Навоий ана шу илғор томоннинг раҳнамоси ва ҳимоячиси, барча эзгу ҳатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаган давлат арбоби ҳисобланарди. Имон-эътиқодда собит кишиларга нисбатан амалга оширилган ҳар қандай хуруж Алишер Навоий учун яна бир зарба эканлигини диққат-эътиборда тутсак, Гафур Гуломнинг қуйидаги сатрларининг тарихий-ижтимоий моҳияти шунчалар теран англашилади:

Ҳирот тонг отарин тасаввур қилиб,

Йигитлик умрининг камолин кўрдим.

Қариган чоғларинг қаро шомиди

Хуросон ўлкасин заволин кўрдим. (143-бет)

Шеърнинг кейинги бандлари асосан, Навоий ижодининг олам-шумул аҳамиятини таъкидлаш, ўзбек халқи тарихини сохталаштириб талқин этувчи мухолифларимизнинг кирдикорларини фож этиш каби ўта умумий туйғулар билан суғорилган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, шоир мазкур мотивларни шунчаки қайд этиш йўлидан бормади. Хатто буюк шоирнинг доимо барҳаётлигини таъкидлашда ҳам Ғафур Ғулом ўз услуби учун хос бўлган муайян фикр, мулоҳазани фактик далиллаш йўлидан бориб, кутилмаган бадиий мажозий ташбиҳлар қўллайди:

Бирор шоҳ байтингни ёддош тутмаган,

Каттадир, кичикдир, бизда киши йўқ.

Олтин балдоқдаги нифрит, кўз каби

Асаринг биз учун бўлди қорачуғ. (143-бет)

Мазкур сатрлардаги поэтик ташбиҳлар асосида фақат Алишер Навоийнинг ижодини ардоқлашгина эмас, шунингдек, шоир ижодининг асл моҳиятини, ундаги умумбашарий инсонпарварлик ғояларининг нечоғлиқ теран талқин этилганини ифтихор билан эътироф этиш ҳам ўз ифодасини топган.

Биз юқорида нисбатан умумий ғоя ва фикрларни ифодалайди деганимизда мазкур сатрларнинг Ғафур Ғуломнинг ўз шоҳ байтлари билан муқояса қилиб айтдик. Ўз-ўзича бу сатрлар ўзга шоирларнинг энг яхши байтларидан қолишмайди.

Ғафур Ғулом устоз шоирнинг руҳий ва бадиий оламига ўзига хос назар ташлайди. Бу оламнинг нечоғлиқ бетакрор ва теранлигини бадиий тадқиқ қилиш учун янги-янги, ўз замондошлари шеъриятида мутлоқ учрамайдиган, оҳори тўкилмаган образли муқоясалар қўллайди. Келтирилган сатрлардаги "Олтин Балдоқ" ва асаринг",

"нифрит кўз" ва "қора чўғ" кабилар билан муқоясаланиши фақат мазкур шеърнинг бадий синтаксисини бойитиш, мазмунни таъсирчанроқ ифодалаш мақсадида лирик кечинма оқимиға киритилгани йўқ. Улар, энг аввало, ўқувчи эътиборини Навоий шахсияти ва унинг ижодидаги етакчи йўналиш — инсон қадр-қимматини улуғлашга тортади. "Алишер" шеърида қўлланган барча ранг-баранг ташбиҳлар худди ана шу нуқтада бирлашади. Бадий муқояса образлардаги маъно англатувчи қирраларга, диққат қилинса, Навоий образига тортилган ўзига хос тизгиларни эслатади. Уларнинг бири унинг шахсий ҳаёти, бошқаси ижоди, яна бири эса буюк шоир ижодининг умумбашарий аҳамияти билан мантиқий алоқадорликдадир. Шунинг учун ҳам ана шу ниятларнинг кўлами ва табиати бадий образларнинг ўта бетакрор чиқишига сабаб бўлган. Уларнинг бири нисбатан ерқин, аниқ, бошқаси бадий ишора каби шартли, бевосита тортилган.

Алишер Муштарий юлдузи каби,
 Ўзбек осмонида балқиган чоғи,
 Яна бир мухтарам ўғил кўргандай
 Каттароқ очилди олам қучоғи.
 Электр барчанинг уйин еритур
 Ва туз тотимида миллий фарқ йўқ.
 Маърифат инсоннинг шерик хислати,
 Ватани фазодир бўшаларкан ўқ. (143-бет)

Мазкур байтлар сабаб ва оқибат усули асосига қуриган. Яна ҳам аниқроғи, биринчисидаги "олам қучоғининг каттароқ очилиши"нинг сабаби иккинчи банддаги "туз тотимида миллий фарқ йўқ"лиги ва отилган ўқнинг ватани фазо эканлигидадир.

Сабаб ва оқибат усули асосига қурилган мазкур поэтик

образларнинг вазифаси буюк Алишер Навоий ижодининг оламшумул аҳамиятини еритишидадир. "Туз тотимида миллий фарқнинг йўқ"лиги ҳақидаги бадиий-мантиқий ҳукм шоир ижодидаги умуминсоний муаммолар талқинига ишорадир. Умуминсоний масалалар эса барча миллат ва хилма-хил диний мазҳабдаги кишиларни бир хил ташвишга солади, уларнинг мазкур муаммоларни ҳал этиш йўлидаги хатти-ҳаракатлари, интилишларини уйғунлаштиради. "Электр барчанинг уйин еритур" сатрида ҳам Алишер Навоий ижодига хос бўлган ана шу умуминсоний нуқтаи назар ўз ифодасини топган.

Кейинги банддаги "Маърифат – инсоннинг шерик хислати" сатрини "бўшалган ўқнинг ватани – фазо" яна ҳам мукаммаллаштиради. Инсон кўзига зиё бахш этиш барча халқ мутафаккирларининг азалий хислатларидандир. У ҳам туз каби миллату мазҳаб танламайди. Унинг ҳам ватани бўшалган ўқ каби бесарҳаддир. Худди шунинг учун ҳам Алишер "Ўзбек осмонида балқиганда" оламнинг кучоғи яна ҳам каттароқ очилди. Ҳиротда туғилиб вояга етган ўзбек фарзандини олам ўзига фарзанд қилиб олди.

"Алишер" шеърининг ҳар бандида истифода қилинган поэтик образларнинг маъно англатиш кўлами, уларнинг умумий мазмунни ифодалашдаги вазифалари ҳам гоёта ранг-барангдир. Юқорида қайд этилган:

Олтин балдоқдаги нифрит кўз каби

Асаринг биз учун бўлди қорачўғ, –

сатрларидаги шеърий-мажозий образлиликнинг табиати, маъно англатиш хусусияти муайян маънода Алишер Навоийнинг "Қаро кўзим разалидаги бадиий ифодалаш усулини эслатиши билан инсон қадр-қиммати муаммосини бир киши, яъни буюк шоир тақдири мисолида

талқин этса, "электр", "туз тотими", "бўшалган ўқ" образларида ана шу масаланинг нисбатан кенг кўлам ва йўналишда еритилишининг гувоҳи бўламиз. Поэтик образлардаги бундай хусусият уларнинг юзага келиши учун асос бўлган муқояса предметларининг табиатида мавжуддир.

"Олтин балдоқдаги нифрит кўз" ва "Асаринг -қорачўғ"да нисбатан алоҳидалик маъноси яширин бўлиб, улар инсон қадр-қимматининг ардоқланишини ифода этади. Электрнинг ҳамма ерда бирдек нур сочиши, туз тотимидаги муқим хусусият, отилган ўқнинг чегара билмаслигида аввалги ташбиҳларга нисбатан умумлаштирувчи қирралар ҳам, умуман умумийлик ҳам ғоят кучлидир. Шунинг учун ҳам кейинги ташбиҳларни муаллиф буюк Алишер Навоий ижодининг олам-шумул моҳиятини еритишга сафарбар қилади.

Шеърда Алишер Навоий образининг энг муҳим қирралари ўз бадиий-мантиқий инъикосини топган. Энг муҳими, Гафур Гулом аввалги шеърларида Навоий характериға оид шунчаки эпизод тарзида берилган қирраларни бу ўринда такрорламайди. Алишер Навоий асарлари ва ҳаётиға оид маълумот ва қайдлар билан янада чуқурроқ танишиш унга бу образ талқинига оид янги-янги чизгилар тортишға имкон бергани учун ҳам у ўз-ўзини такрорлаш йўлидан бормади. Шунинг учун ҳам, бизнингча, "Алишер" шеъри узоқ давом этган ижодий изланишларнинг натижаси ўлароқ юзага келган.

Шоир аввалги шеърларида Навоий образига оид қирраларни мавзу талабига кўра у еки бу йўсинда кечинма оқимиға киритиб келди. Буюк шоирға оид ташбиҳу поэтик образлар аввалги шеърларда мазмунни кучайтирувчи таъсирчан воситалар сифатида қўлланди, холос. Шубҳасиз, бундай ҳолларда ҳам Гафур Гулом тарихийлик

талабларига содиқ бўлиб қолди, ўз шеърий муқоясаларини мантиқий жиҳатдан аниқ заминга қурди.

"Алишер" шеърида эса Ғафур Ғуломнинг ўз устоди образига оид поэтик муқоясалари энди бевоситалик чегарасини ёриб чиқиб, бевосита Навоий образини бадиий тадқиқ этишга йўналтирилди. Шунинг учун ҳам шеър матнидаги барча бадиий тасвир ва ифода элементлари мазмунни юзага чиқаришда бевосита иштирок этади, шоир образининг у еки бу қиррасини очишга хизмат қилиш борасида лирик кечинманинг изчиллигини таъминлашда ва бандлар моҳиятини бир-бирига уйғунлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Ғафур Ғуломнинг "Алишер Навоий қабри устида" шеъри ҳам бевосита шоир образининг талқинига алоқадордир. Шоир мазкур шеърдаги бадиий ифода усулини реалистик шартлилик асосига қурган. Унинг умумий руҳидан буюк устод қаршисига сарҳисоб учун борган лирик қаҳрамон руҳий оламидаги тўлғоқлар, зиддиятли кайфият рўй-рост англашилади. Унда Навоий руҳи олдида бурчдорлик руҳи етакчидир. Буюк шоир руҳи қандайдир қудратли маънавий борлиқнинг тимсоли сифатида жонлантирилади:

Дилим равшанлиги ҳиссин йўлида офтоб айлаб,
Мозоринг бошида таъзим ила турмакдадурмен
сарҳисоб айлаб,

Қулоғинг сўз эшитмас бўлса ҳам
қалбдан хитоб айлаб,

Ватандошлар саломин неча жилдли бир китоб
айлаб,

Навоий деб Мусаллога келибман интихоб айлаб 1).

1) Ғафур Ғулом. 12 томлик, Мукамал асарлар тўплами. III том. Тошкент, "Фан", 1984, 327-бет.

Мазкур сатрлардаги асосий моҳият "Ватандошлар саломини" кўп жилдди бир китоб қилиб, буюк Навоий қабри устида сарҳисоб бераётган лирик қаҳрамоннинг дил равшанлиги билан ёритилган ҳисларидадир. Бу ҳисларда бурчдорлик, меросий ҳуқуқ руҳи ҳукмрон. Уларда буюк Навоий орзу қилган эрк ва озодликнинг шуқуҳи балқиб турипти. Шунинг учун ҳам шоир ўз она юрти — Ўзбекистонда эришилган зафарларнинг тотли нашъу намосидан буюк ватандошини огоҳ этади, "доимо мунаввар бахтли кундуз"га эришган халқнинг, "башар тарихида юз бор ўқилса" ҳам топилмайдиган мамлакатнинг яшаш тарзидан сарҳисоб беради. Шунинг учун ҳам бу юртни:

Жамолини кўришга бир умрлар юммайин кўзни,

"Навоий ҳам ётар то рўзи машҳар тарки хоб айлаб".

(II том, 327-бет)

"Ҳирот" номли шеърлар туркумига киритилган мазкур мухаммаснинг Навоий образини бадий талқин этишдаги вазифа ва мундарижаси ўзига хосдир. Аввалги таҳлил қилинган шеърлардан фарқли ўлароқ, бунда буюк шоир образига, унинг яшаш даврига оид конкрет, аниқ поэтик чизгилар кўзга яққол ташланмайди. Бироқ мухаммасда Навоий даҳоси, унинг эзгу орзулари қудратли бир руҳ сифатида ҳамма нарсани сарҳисоб қилиб туради. Шунинг учун ҳам ана шу сарҳисоб муаллифни бадий ташбиҳларни ўта эҳтиёткорлик билан ишлатишга, кўтаринки романтик кайфиятга изн бермасдан, ўта босиқлик билан ифодалашга "мажбур" этади. Мухаммасда Фарҳоду Ширинларни ҳам чирой, ҳам меҳнатда қувиб ўтган замондошларимиз эмас, шунчаки "бахтли саҳрога сув чиқарган туман Фарҳоду Ширинлар" ҳақида гап кетади, холос. Чунки сарҳисоб эзгулик, юксак инсонийлик тимсоли бўлмиш Навоий олдида бериляпти.

Муаллиф уни тирикдек тасаввур этиб (бу ҳол Навоийдан келтирилган охирги сатрда яна бир бор тасдиқланади), ўта ҳаққонийлик билан буюк шоирнинг мангу барҳаётлигини далолат этади. Бу барҳаётлик шоир қарашларининг бизнинг давримизда амалга ошганлиги, ҳаётий зарурат каби абадийлиги билан исботланади.

Хуллас, файласуф шоир. Ғафур Ғулом Алишер Навоий образини бадиий тадқиқ этишда тафаккур ва ҳаёл кудратининг замини сифатида асосан тарихийликка суянади. Поэтик образлиликнинг ҳар қандай кўринишини ана шу замин билан тўйинтиради. Бу эса охир-оқибатда шоирнинг мазкур мавзудаги шеърларига таъсирчанлик ва том маънодаги ҳаётийлик бахш этади. Шунинг учун ҳам, оз бўлса-да, Ғафур Ғуломнинг бу мавзудаги поэтик асарлари Навоий образини тадқиқ этиш жараёнидаги энг нодир намуналардан бири бўлиб қолди.

Шоирнинг барча бошқа сафдошлари қатори Навоий образи талқинига сиёсий тус берган ўринларини яшаган даври талаблари билан узвий алоқадорликда олиб қаралса, унинг буюк тарихий шахс тадқиқотида ўзига хос йўл тутганлиги яна ҳам ойдинлашади.

1948 йилда кўп миллатли мамлакатимизнинг барча халқлари улуг Алишер Навоий туғилган куннинг 500 йиллигини тантанавор нишонладилар. Унинг асарлари кўп миллатли мамлакатимиз халқ ва элатлари тилларига таржима қилинди. Бу вақтга келиб Алишер Навоий тилини, ижодини ҳар томонлама, кенг кўламда тадқиқ қилиш ишлари бошланди. Шоир ижодининг Шарқ ва барча туркий халқлар адабий жараёнидаги тутган ўрни, уларга таъсири масаласи етук тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлди.

Биз назарда тутаётган даврда профессорлар И.С.Брагинский, А.Мирзоев, Ҳ.Арасли, М.Гулизода, В.Қориев ҳамда

Е.Исмоилов, Р.Қодирий, К.Мамбетов ва Ш.Абиловларнинг Навоийнинг бадиий-эстетик олами ва форс-тожик, озарбайжон, туркман, қорақалпоқ, қозоқ, уйғур ҳамда татар адабиётлари тараққиётларида ўйнаган роли ҳақидаги қатор илмий тадқиқотлари, рисолалари юзага келди. Турли йўналиш ва савиядаги бу ишларда буюк шоир даҳосининг кенг кўламлиги, унинг туркий, форс-тожик тилидаги адабиётларнинг равожига қўшган ҳиссаси илк маротаба асосий текшириш объекти қилиб олинганлиги, айниқса, диққатга моликдир. Бу ўз навбатда ўзбек олимларининг Навоий ҳақидаги изланишларини янги фактлар билан бойитди, буюк мутафаккир ижодига хорижий тадқиқотчиларнинг эътиборини тортди. Шунинг учун ҳам кўзда тутилаётган даврда Муҳаммад Яқуб Воҳеди Жузжоний, Сайид Муҳаммад Абдуллоҳ, Фикрий Салжуҳий, Хоравий, Абдулҳай Ҳабибий, Оғаҳ Сирри Левенд каби афғон, ҳинд, турк олимларининг Навоий ижодига, унинг бадиий-эстетик оламига бағишланган илмий-тадқиқот ишлари юзага келди. Немис олими Альфред Курелла, чех олими Ян Рипкаларнинг ишларида Навоий ижоди бутун Шарқ адабиётлари алоқадорлигида олиб таҳлил қилинди, асосий эътибор унинг умуминсоний ғоялари талқинига қаратилди.

Аргентиналик адабиётшунос олим Луис Орсетти "Алишер Навоий — шоир ва буюк инсон" номли рисоласини Буэнос-Айресдаги "Улисес" нашриетида босмадан чиқарди. Алишер Навоий ижодига бўлган бу ва шунга ўхшаш қизиқишлар, ўз навбатида ер юзининг турли минтақаларидаги бадиий ижод намояндаларининг асарларида ҳам акс-садо бердики, биз бу ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтишни лозим топдик. Бу даврга келиб СССР халқлари, шу жумладан, ўзбек адабиётининг ранг-баранг жанрларида Алишер Навоий образини

роявий-бадий тадқиқ этиш, уни кенг кўламда ҳамда тарихий воқеалар, шахслар билан ички алоқадорликда олиб улкан адабий-ижтимоий ҳодиса сифатида гавдалантириш кўзга ташланади. Бадий сўз усталари энди бу бетакрор даҳонинг маънавий, руҳий оламига теранроқ кириб бориш ҳақида бош қотира бошлашади. Зеро, уларни бундай ижодий изланишларга ундовчи муайян илмий-тарихий асослар бу даврга келиб нисбатан қарор топган эди. Навоий ижодига бўлган ўта нисбий вульгар-социологик қарашлар аста-секин барҳам топа бошлаган эди. Бу ҳам ўзбек адабиетида, хусусан, шеъриятида аввалдан мавжуд бўлган Навоий шахсига қизиқишни янада тезлаштирди. Мазкур жараёнга, айниқса, буюк шоир ижодини Шарқ ва жаҳон адабиётларининг алоқадорлигида олиб ўрганиш борасидаги тадқиқотлар сезиларли таъсир кўрсатади. Навоий ижодини турли миллат ва турли минтақа вакиллари томонидан тадқиқ қилиш охир-оқибатида фақат юбилей муносабатлари билан чекланиб қолишдек ўта турғун жараёнга чек қўйди. Натижада, Навоий поэтик ва фикрлар оламини тадқиқ этиш узлуксизлик касб этди, у доимий тирик жараёнга айланди, шоир туғилган кун 9 феврални ҳар йили байрам қилиш одатга киритилди.

Ўзбек совет адабиёти, айниқса, шеъриятида Навоий образини бадий тадқиқ этишдаги бу босқич алоҳида диққатга созвордир. Юқорида кўриб ўтганимиз - Гафур Ғулом, Миртемир шеърларидаги изланишлар 40-йилларнинг охирларига келиб Ойбек ижодида янада равнақ топди. Ойбекнинг бу соҳадаги ижодий заҳматлари айричадирки, бу - унинг илмий, шеъри й ва насрий асарларида ўз ифодасини топган.

Ойбек 1949 йилда Навоийга бағишлаб, "Ҳайкал олдида" шеърини

езди. Мазкур шеър битилгунча Ойбек буюк шоир ҳақида талай тадқиқотларни, "Навоий" поэмаси ва романини езиб тугаллаган эди. Бу ҳақда адибнинг ўзи қуйидагиларни ёзади: "Улуғ инсонпарвар образи ўрта аср тун қоронғулигини еритувчи еруғ машъал каби менинг хаёлимни эгаллаб олди. Мен аввало "Навоий" поэмасини эдим. Навоий образи менинг кўпгина лирик шеърларимда ҳам гавдаланди.

Ниҳоят, "Навоий" романини ёзишга тутиндим. Романни уруш йили, қиш фаслида совуқ хонада, жинчироқнинг титроқ хира шуъласида ёзганман...

Буюк шоир Навоий ҳақида материалларнинг 1928 йилдан йиға бошлаганман, шоирнинг ўлмас асарларини ва унинг даврини ўрганиб, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бир талай тарихий-адабий асарлар ҳам эдим..." 1).

1942 йилда езиб тугатилган "Навоий" романи учун Ойбек 1946 йилда СССР Давлат мукофоти лауреатлигига сазовор бўлди.

Шоир "Ҳайкал олдида" шеърини 1948 йилнинг майида Навоий юбилей кунлари унга ҳайкал ўрнатилиши муносабати билан ёзган. Шунинг учун ҳам шеър нисбатан умумийроқ характерга эга. Унда бевосита шоир шахсига, унинг поэтик образини гавдалантиришга алоқадор чизгилар кам.

Ойбек асосан шеърда Навоийнинг буюк инсонпарварлигини ва шу туфайли кўп миллатли Ватанимизда эъзозланишини бадиий-мантикий тасдиқлашни етакчи ният қилиб олган.

Куйлаганда беш аср бурун

1) Ойбек. Асарлар. X томлик. 1-том. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968, 11-бет.

Халқни, ҳақни, ишқни бу инсон.

Юраги ҳам эркин, ёруғ кун —

Дарди билан тепарди ҳар он.

Мазкур сатрлар битилган даврда Ойбек, юқорида ўзи таъкидлаганидек, "Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бир талай тарихий-адабий асарлар"ни; Навоий" номли поэма ва романини ёзиб улгурган эди. Шундай экан, бу сатрлар шунчаки оддий ахборот бўлиб қолмайдими, деган савол турилиши мумкин. Аввалам бор, мазкур мисраларда Навоий даҳосига, қолаверса, бутун Шарқ адабиётига даҳлдор уч: халқ ҳақ ва ишқ мавзуи илк бор таъкид этиляпти.

Чамаси Ойбек буюк шоир куйлаган, ана шу мавзуларнинг умрбоқийлигини бизга нисбатан теран ва кенг ҳис қилгани учун шеърнинг кейинги бандида "Адабий тош либосидадир, қўлда китоб, кўзлари ўйчан", бадиий бирикмаларини қўллайди.

Шубҳасиз, бу бадиий образли бирикмалар — Навоий ҳайкалини жонли тасаввур этиш натижаси. Бироқ, Ойбек дастлабки сатрларда тилга олинган уч мавзунинг борлиқ каби адабийлигини, "туз тотимидан" барча халқлар учун кенглигини ёрқинроқ ҳис қилиш учун, уларнинг маънавий залворини таъкидлаш учун "қўлда китоб,, кўзлари ўйчан" сатрини қўллаганга ўхшайди. Натижада, сатрларнинг умуминсоний ғояларни таъкидлаб кўрсатишдаги салмоғи ортган. Шеърнинг умумий программ характерда эканлиги ҳам Навоий ижодидаги етакчи мавзуларнинг барча халқу элатлар учун туз тотимидай бараварлиги билан изоҳланади:

Сўзларингни севар рус, қозоқ,

Туркман, латиш, грузин, арман.

Ҳар қандай миллий ва диний адоват, келишмовчиликлар, халқ, ҳақ

ишққа бориб тақалгач, ўз-ўзидан барҳам топади. Чунки бу муаммоларнинг моҳияти дунёдаги турли-туман мазҳаб ва ҳар хил тараққиёт босқичида бўлган халқу элатлар учун ҳамоҳангдир.

Уларнинг интилиш ва орзулари, қарашлари, ягона мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлари ана шу нуқтада бирлашади. Алишер Навоий эса, Ғузулий эътироф этганидек, мазкур мавзуларнинг бадиий талқинида "булоқбоши-устоз"дир. Навоийга ҳайкал ўрнатилиши муносабати билан Ойбек қалбу шуурида кечган туйғуларнинг муъжаз талқини ана шулардан иборат. Кўриниб турибдики, шеърда, бир икки сатрни ҳисобга олмасан, Алишер Навоий образини яратиш борасида тортилган аниқ бадиий чизгиларни учратмаймиз. Бироқ шунга қарамай, Ойбек Навоийнинг шахси, бадиий-фалсафий дунёси ҳақида ўқувчини ҳаяжонлантира оладиган, унинг қалбу шуурини бойитиб, маънавий қудрат бағишлай оладиган ўзига хос бадиий кечинма, руҳий таҳайюл яратган. Бундай фазилят шеърда ўз-ўзидан, осонликча юзага келавермайди. Бу – 1928 йилдан бошлаб, "буюк шоир Навоий ҳақида материаллар йиғиш", "қиш фаслида совуқ хонада жинчироқнинг титроқ, хира шуъласида" ишлашдан кейин юзага келган, ўта сиқик, бадиий-фалсафий умумлашмалардир.

60-йиллар шеъриятида Навоий образини бадиий тадқиқ қилишнинг яна ҳам янги-янги йўналишлари юзага келди. Бадиий ифодалашда юзага келган бу хилма-хиллик, энг аввало, шеъриятимизга кириб келган янги бўғин шоирлар ижодида кўзга ташланади. Улар Навоий образини яратишда бадиий муқоясанинг янги-янги кўринишлардан унумли фойдаландилар, шеъриятимиз бадиий имкониятларини янги-янги поэтик ифода, тасвир воситалари билан бойитдилар. Натижада, шоирлар буюк шоир образини яратишдаги зўрма-зўраки тафсирлашдан

йироқлашиб, бевосита шоир шахси, фаолиятига оид тарихий лавҳалар яратиш йўлидан бордилар.

Бу ўз навбатида Навоий образининг у ёки бу қиррасини жонли тасвир этиб кўрсатишга, ўқувчи тасаввурида муҳрланиб қоладиган муъжаз поэтик лавҳаларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Шубҳасиз, бундай воқеабанд шеърлар фақат учқур хаёлнинг маҳсули эмас эди. Уларда навоийшунослик фанининг эришган ютуқларга таянган ҳолда яратилди. Бу жиҳатдан шоир Барот Бойқобиловнинг "Регистондаги ўйлар" (1966) шеъри характерли бўлиб, унда Жомий ва Навоийларнинг гард билмас дўстлиги тараннум этилади:

Юлдуз тўла кўнка боқиб

Сукунат оғушида

Регистоннинг миноралари

Турар эди хитобдай,

Жомий билан Алишербек

Мадраса эшигидан

Бир-бир босиб чиқиб келмиш

Субҳидамда офтобдай!

Икки буюк сиймо

Боқмиш янги дунёга,

Оромбоғда бир париваш

Куйлар "Қаро кўзим"ни,

"Эй, турки шўх", дея Жомий

Нидо этмиш сабога,

У моҳитоб даргоҳига

Еткур менинг сўзимни 1).

1). Навоийни куйлаймиз. Регистондаги ўйлар. Тошкент, "Ёш гвардия" нашриёти, 1968, 85-86-бетлар. "Ёш

Шеърнинг кейинги сатрларида ана шу бадиий шартлилик яъни Навоий ва Жомийларнинг бизнинг давримизда жонлантирилиши янада кучайтирилади. Лирик қаҳрамон бу икки мутафаккир шоирнинг қаршисида тиз чўкиб, таъзим қилади. Улар ўз навбатида унинг бошини силаб, оромбоққа — уларни мунтазирлик билан кутаётган халқ ичига ўтиб кетадилар. Ўзаки олиб қараганда, бунга ўхшаш поэтик шартлилик аввал ҳам ўзбек шеърлятида мавжуддек таассурот қолдиради. Миртемирнинг шеърида туш эпизоди орқали Навоий даҳосининг эстетик асоси ўзига хос талқин қилинади. Лекин Б.Бойқобилов "Регистондаги ўйлар..." шеърида туш ҳолатини акс эттирмайди. У ҳар икки шоирни бизнинг кунларнинг тўла иштирокчиси сифатида жонли гавдалантириш йўлидан боради. Бу ҳолатнинг қадим мозий, Самарқанд билан боғланиши эса ҳар икки шоир асарларини эслатиш орқали амалга оширилади. Шеърнинг ниҳояси Навоий ва Жомийларнинг ибратли дўстлиги ўзбек ва тожик халқлари қадимий ора-инилигининг рамзидир, деган поэтик ният билан якунланади:

Бизнинг кунда ўзбек, тожик
 Бўлиб кетди кўшмағиз,
 Келажакда нима деркин
 Бунга олим одамлар!

(36-бет)

Сартларнинг моҳиятидан кўриниб турганидек, Б.Бойқобилов Навоий образига хос чизгилар тортишда ўз устози Миртемир томонидан кашф этилган бадиий кашфиёт поэтик шартли усулни мутлоқ такрорламайди. У янгича йўлдан боради, туш эпизодини четлаб ўтади.

Бу ҳолни шоирнинг "Беҳзодни хотирлаб..." (1967) шеърида ҳам кўрамыз. У яна шартлилик усулига мурожаат этади, она юртимизнинг

наврӯз байрамига Навоий, Хондамир, Бехзод ва бошқа машҳуру мақбул ватандошларимизнинг ташриф этганликларини юксак бир қониқиш билан қаламга олади. Бу ўринда гап мазкур шеърда Навоий образига бевосита алоқадор, тарихан аниқ чизгиларнинг берилган-берилмаганлигида эмас, ҳар бир шеърӣ сатрга шундай талаб билан ёндошилаверса, унда поэтик асарларда тарихийликни ифодалашнинг ўзига хослиги ўта соддалашиб кетади. Бу ўринда асосӣ гап Навоий даҳосининг қай даражада ва кўламда ўз ифодасини топганлигидадир. Шубҳасиз, шеърда ўша 60-йилларга хос ҳаётимизни ўта кўтаринки руҳда мадҳ этиш руҳи етакчи. Бу ўша даврдаги аксарият шеърларга хос хусусиятдир. Шунга қарамай, унда Навоий яшаган даврдаги адабий ижодкорлик муҳитининг руҳини жонлаштириш ва бунинг воситасида буюк шоирни улуғлаш нияти муҳим аҳамият касб этади:

Бу қутлуг айёмда улуғ меҳмонлар
 Бошидан сочингиз гулу лолани.
 Кўнглин сархуш этсин абри найсонлар,
 Атиргул бўйидан тутинг бодани.
 Навоий сиймосин яратган Бехзод,
 Сизни кўриб, дўстлар, тишлаб қолсин лаб...
 Қалбин асир айлаб, бу бахтли ҳаёт
 Шоҳона бир сурат чизса, не ажаб?! 1).

Шоир Б.Войқобиловнинг шеърда қўлланилган бадиий шартлиликнинг ҳаққонийлигини унинг тарихий асоси ҳам тасдиқлайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, шеърда давримизнинг ривожидан Навоий, Хондамир, Бехзодларнинг ҳайратга тушишлари акс этган сатрлар анча

1). Навоийни куйлаймиз. 88-бет.

жонли ва таъсирчан чиққан. Характерли томони, шоир ўтмишни қоралаш йўлидан бормайди. У Навоий, Беҳзодларнинг идеалларидаги юрт билан Ўзбекистонни қиёслайди:

Мен излаган баҳор – Ўзбекистон деб

Диёримиз кўркин этсин якқалам.

Бу юрт ёзилмаган улкан дoston деб,

Яна бир Навоий изласин рассом. 1).

60-йилларда шеъриятимизда Навоий образини талқин этишда уни лирик қаҳрамон билан юзма-юз қўйиб кўрсатиш (Хуснуддин Шарипов "Навоий!"), уни ўзга даврнинг ўзга бир буюк ижодкори билан ёнма-ён тасвирловчи (Сайёр "Навоий ва Райнис", Юсуф Шомансур "Навоий ва Маяковский") шеърлар ҳам юзага келди. Алишер Навоий лирик қиёфасининг бу хил муқояса қилиш усулида талқин этилиши шеъриятимизда янгилик эмас. Анча авваллари Ғафур Ғулом ал-Беруний, Абу Али ибн Синони ТошДУ профессорлари (мударрислари) тарзида, эзгулик, билимдонликни Навоийдан қолган меросий ҳис сифатида талқин этган эди:

Бу ерда коинотнинг сирлари жумбоқ эмас,

Бу ерда ал-Беруний, Абу Али мударрис.

Эй, ўғил, кафтингдаги олмосдир, тупроқ эмас,

Қизгинам, зеҳнингдаги Алишердан мерос ҳис. 2)

Шеъриятимиздаги ана шу анъанавий муқояса қилиш усули ва йўналиши 60-йилларга келиб ёшлар ижодида бироз ўзгаришга, тўғрироғи, таҳрирга учради. Вақтида Ғафур Ғулом, ўрни билан мисраларни "Ойбегим-Авезовим" тарзида қофиялаб, бу икки буюк

1). Навоийни куйлаймиз. 88-бет.

2). Навоийни куйлаймиз. 56-бет.

адибни бир-бирига қиёслаган эди. Бу шунчаки юзаки ҳодиса эмас, Фафур Гулом бу икки адиб учун муштарак бўлган томонни — Авезовнинг Обой, Ойбекнинг Навоий ҳақида тенги йўқ ёзувчи эканликларини теран ҳис этиб, юқоридаги қофияни қўллашга қўл урган. Юсуф Шомансур ўзининг эслатилган шеърда даб-дурустдан”.

Бири Бойқаронинг ўнг қўл вазири,

Бири пролетариатнинг туғма шоири. — 1)

дея замон ва макон нуқтаи назаридан бир-бирларидан ўта олис, дину сиёсат жиҳатидан бир-бирларини рад этувчи икки буюк ижодкорни бир-бирига муқояса қилади:

Оқ булутни салла қилганча бошга

Тверь хиебонидан ўтар Алишер,

Пушкин майдонида тушиб курашга!

Маяковский иккиси соврин олишар.

Шоир Ю. Шомансур томонидан қўлланган муқояса усули биринчи қарашда ўта ғайритабиийдек туюлади. У макон ва замон бирлигига мутлақо эид таассурот қолдиради. Лекин шеърдаги бадий шартлиликнинг табиатига, у орқали ифодаланаётган ижодий ниятининг юзага чиқишига эътибор берсак, бизнинг ғайри-табиийлик ҳақидаги фикрларимиз ўз-ўзидан хира торта бошлайди. Чунки бадий шартликка асос бўлган деталлар — Навоий билан Маяковскийнинг кураш тушиши, буюк ўзбек шоирини (XV аср) Тверь хиебонида (XX аср, Москва) оқ булутни бошга салла қилганча (IV аср) ўтиши кабиларгина шартлидир. Моҳият, ҳар икки буюк шоир ижодининг халқлар бахт-саодати учун хизмат қилиши эса ўта реалистикдир. Чунки

1). Ўша китоб, 82-бет.

уларнинг ижоди диний мазҳаблар ҳамда маконлар чегарасини бузиб ўқувчиларни умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялайди.

Шеърдаги бадий маҳорат ана шу шартли усул даражасида эмас. Бу шеърнинг тугалланмаси берилган қуйидаги сатрларда ҳам яққол кўзга ташланади. Бироқ ундаги ғайри-табiiйлик янги бўлгани, анъанавий ифода усулига ўхшамаганлиги учун бизга эриш туюлади, холос:

Улар ҳақгўйликда, мардлик, софликда

Дарёйи азимдир, бирлашган, пайваста.

Х.Шарипов даврнинг долзарб муаммоларини ўзига хос йўсинда ифодалаш, Навоий давридаги баъзи иллат ва муносабатларнинг яшовчанлиги, уларни ижтимоий тараққиёт йўлида ҳали ҳам ғов бўлиб турганлигини рўй-рост ёритиш учун "Навоий" шеърда бадий шартлилик усулига мурожаат этади.

Шеърдаги шартлиликнинг ўзига хос табиати ва характери Навоийни тирик инсон каби жонлантириб, у билан суҳбат қилиш жараёнида очилади. Натижада, замон бирлиги (XV ва XX асрлар) атайин бузилади. Чунки ўрталиги бир-биридан беш юз йиллик масофада айри яшовчи кишиларни ягона нуқтага йиғишнинг ўзи шунчаки юзага чиқавермайди. Бунинг учун ўртадаги замон исмли чегарани олиб ташлаш керак. Энг муҳими, ана шу замон номли чегарани олиб ташлаб, Навоийнинг XX асрга кўчирилишини бадий-мантиқий асослаб, ўқувчини бунга ишонтира олиш керак. Акс ҳолда, ўта ғайратабiiй бадий шартлик намунаси ҳам атайлаб ўйлаб топилган усулга ўхшаб қолади. Ҳозирги даврдаги иллатларнинг моҳиятини рўй-рост ёритиш мақсадида Навоийни XV асрдан XX асрга олиб келиш керак. Зеро, шеърда Навоий даври эмас, балки бизнинг замонамиздаги иллатлар, нуқсонлар, уларнинг юзага келишига сабаб бўлган моҳият

еритилапти. Даврлар муқоясаси жараёнида бизни меҳр-шавқат, одоб, инсонийлик борасида ҳатто XV аср даражасидан ҳам тушиб кетганимиз мантиқий асосланади. Икки суҳбатдошнинг гурунги ўта содда, табиий мурожаат, савол-жавоб асосига қурилган.

Э, дўстим Навоий, бўлма кўп тажанг,
Сал эви биланда ношукурлик ҳам 1).

Навоийга сансираб мурожаат қилапти, нега уни ношукур, деб айблаяпти? Аввало, поэтик шартлилик талабига кўра ўртадаги беш юз йиллик чегара олиб ташланади. Одоб, меҳр-шафқатдан бир оз йироқлашган бизнинг лирик қаҳрамонимиз эса, Навоий тугул Муҳаммад алайҳиссаломга ҳам сансираб мурожаат, этишга ўзини маънавий ҳақдор деб билади.

Буюк шоирни ношукурликда айблашнинг сабаблари шеърнинг кейинги мисраларида бирин-кетин ёригилади:

Ахир, пул топсангу, йўл қурай десанг,
Тўсолмас йўлингни биронта одам.
Беш юз аскар тўплаб, бир ёндан ака,
Бир томон ука бошласа уруш.
—Обрўйинг етарли, —
Тушсанг ўртага,
Юлдуз кўрмай тўхтар ҳар қандай хуруж. (78-бет)

Бундай ишни биздан беш юз йил аввал яшаган буюк Навоий уддалай олар эди. Ўз-ўзидан бизнинг "буюклар"чи, улар амалда нимани уддалай оладилар, деган тағдор савол келиб чиқади.

Шоир Навоий ўзи билан Ҳусайн Войқаро ўртасидаги зиддиятларнинг

1). Навоийни қўйлаймиз, 78-бет.

кескинлигидан хабардор эди. Бироқ Ҳусайн Бойқаро муносабатининг душманлик даражасига ўсиб чиқишни хаёлига ҳам келтирмасди. Зеро, Навоий дўстликни муқаддас деб билар, уни иймондек пок сақлашга умри бўйи интилган инсон эди:

Сенинг асабингни авайлади, фан,
Олимлар дилингга қўнмасин деб доғ,
Ҳаттоки Ҳусайннинг душманлигидан
Тўрт юз йил кечикиб этишди огоҳ. (78-бет)

Ҳозирда эса дўсту душманликни мутлақ ажратиб бўлмайди, кишилар, ҳатто, шоирлар ўртасидаги муносабатлар дағаллашиб, ўртадан одоб деган муқаддас тушунча кўтарилиб кетди. Мисралардаги сўзларнинг тағ-замин маънолари ўқувчиларни ана шулардан огоҳ этади. Бу борада ҳам биз Навоий давридан орқага кетдик. Бу — аччиқ, лекин аниқ ҳақиқат. Ҳусайн Бойқаронинг Алишерга душманлиги масаласига келсак, проф. А.П.Қаюмов таъкидлаганидек, бу муносабат ўта мураккабдир: "Навоий билан Ҳусайн Бойқаро муносабатлари серқирра ва мураккабдир. У алоҳида илмий тадқиқотни талаб қилади. Аммо бир фикрни қатъий айтиш керакки, агар Султон Ҳусайн эмас, Абу Саид Мирзо каби Навоийга барҳаёт бўлиб, барча душманлари хуружидан омон топишида султон Ҳусайн Бойқаронинг ижобий роль ўйнаганлиги шубҳасиздир. Айни замонда кучли марказлашган давлат тарафдори Навоий ўзининг бутун куч-қувватини Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратди ва бу соҳада кўп иш қилди. Султон ҳам буни яхши билар эди" 1).

Шунингдек, улар ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблигини ҳам

1). "Совет Ўзбекистони", 1968 йил, 25 сентябрь.

унутмаслигимиз шарт. Хусайн Бойқаронинг Навоийга бўлган муносабатларида Астробод даври шоирни заҳарлашга уринишлар, бу воқеага алоқадор кимсаларнинг шоҳ томонидан кейинчалик ҳуфена қатл этилиши ва бошқа ҳодисалар ана шу мураккабликнинг асосини ташкил этади.

Шоир "тўрт юз йил кейин" очилган душманлик борасида гапиргани, бизнингча, ана шуларни назарда тутган. Шеърнинг кейинги бандларида давримиздаги инсоний муносабатларнинг нисбатан мураккаблиги қаламга олинади. Шубҳасиз, бундай зиддиятли ҳолат ҳам Навоийга мурожаат этиш орқали очилади. Муаллифга буюк Навоий инсоний муносабатларни баҳоловчи қаттиққўл ҳакам бўлиб хизмат қилади. Албатта, бу кескин фикрни ўртага ташлашда бир бадиий восита, ҳолос. Лирик қаҳрамон Алишер билан ўзини қиёс қилиб шундай дейди:

Сен кўрган у замон кенгайиб кетган,

Ўртасин, чеккасин топмоқ кўп қийин,

Баҳс чоғи ўртага тушаман деган

Ўртада қолиб ҳам кетиши мумкин.

Сенга қийин эди, дўстим Алишер,

Ва лакин менга ҳам тутмагил осон (78-бет)

Нега энди бундай? Бу қийинчиликларнинг сабаби қаерда? Бунинг учун шеърдаги лирик кечинманинг тўлиқ оқимига қулоқ тутиш керак. Юзаки қараганда шоир аслида унчалик аҳамиятли бўлмаган воқеаларни умумлаштиргандек бўлади.

Бизда "оқсоқол" деб ном олганлар ҳам "қиртишлаб юришар иякларини" сатри бироз эриш ҳам туюлади. Диққат қилинса, ана шу эриш туюлган сатр ортида бутун бир давр ва унинг муайян вакиллари

турганини сезиш унчалик қийин эмас. Эскилик қолдиги деб одобдан айрилдик, диний сафсата деб иймондан жудо бўлдик. Баъзан мўйсафидлар учун ҳусн бўлган кўринишни диний ақида дегувчилар ҳам топилди. Ижод бир томонда қолиб, мансаб учун баъзи "оқсоқол" санъаткорларимиз иймонидан ҳам кечдилар. Булар энди тарих. Шеърда Навоий ва у яшаган мураккаб давр, шоир ва шоҳ муносабатларидаги нисбатан қоронғу томонлар талқини давримиздаги мавжуд иллатлари фош этишга қаратилганики, бунга шоир Ҳ.Шарипов поэтик шартли усулдан ўта моҳирликла фойдаланиш туфайли эришган.

40-йилларда шоир Ғайратийнинг "Навоийга", Ғ.Махмудовнинг "Устоз", С.Қўқонбековнинг "Бир қафт тупроқ", Ш.Алиевнинг "Навоий чамани" каби қатор шеърлари юзага келди. Лекин уларнинг кўпчилигида Навоий образининг у ёки бу хос хусусиятларини гавдалантиришдан кўра, шоирни таърифлаш устун туради.

Уларнинг айримларида буюк Навоийнинг халқ қалбида қолдирган нурли ва фахрли сиймоси таърифу тавсиф қилинади, у абадий барҳаётдир, деган поэтик гоялар олға сурилади. Масалан, Алиев "Навоий чамани" шеърда шоирнинг лирик ижоди ҳақида ўйга толиб, уни қуйидагича мадҳ этади:

Бу – Навоий чамани турфа гуллар маҳбуб,
 Маъшуқалар мактубин безашади тунлари.
 Йигитлар жангда солса душманларга талатуп,
 Тиконлари санчилар ёвга ханжар сингари.
 Бешик тебратган она алласи шу гуллардир,
 Деҳқон уруғ сочаркан дилдаги навоси шу.
 Хушовоз ғазалхонлар севимли булбуллардир,
 Шу гулларга қўйишга энг баланд ҳавоси шу.

Демак, бундан чиқадиган мантикий хулоса шуки, Навоийнинг шеърлари маъшуқалар мактубларининг саҳифаларидан тушмас экан, оналар алласида деҳқон ёхуд жангчи хиргойисида, ҳатто булбуллар навосида ҳам Навоийнинг поэтик овози омухта экан.

Бундай ўртамиёна шеърият намуналари, ҳатто улар буюк Навоий образини яратиш йўлидаги уринишлар "самараси" бўлса ҳам, ўқувчида теран тасаввурларнинг юзага келишига туртки бўла олмайди. Чунки ният қанчалар улкан бўлмасин, унинг бадиий ифодаланиш даражаси ўта ожиздир.

Ўзбек лирик шеъриятининг 50-60 йилларида яратилган Алишер Навоий образи хусусида гап борганда, болалар шоири Қуддус Муҳаммадийнинг ўзига хос, бетакрор санъаткорлик билан яратилган "Азиз бобом" шеърини ҳам эслаш зарурдир.

Шеърда Навоийнинг ўзига хос олами, руҳий дунёсига оид чизгилар болалар психологиясига мос равишда, уларга ҳамоҳанг қилиб чизилади:

Бир азиз бобом бор дунёда танҳо,
Хуштабиат, хушҳолат, мулойим, доно.
Кўнгилларин кенглиги ер куррасисимон,
Кўзлари нуроний ойнаи жаҳон.
Сўзлари сўлмас гул сочар кўклам, ёз,
Жаҳон зийнатиға берар минг пардоз...
Шоир, боғбон, олим, файласуф, сарвар,
Умрини халқига атар, элсевар.
Ўйлари ҳамиша оталик меҳри,
Дунёға, инсонға одамлик меҳри.

Шеърда Навоий дунёқараши, руҳий оламининг беқиёсلىгига оид,

унинг ақл-заковати, тафаккур қудрати билан бевосита алоқадор кузатишлар ҳам роят таъсирчан, болаларнинг ешу қизиқишларига мос ҳолда ифода этилган.

Шеърдаги ифодалаш усули ҳам ўзига хос. Унда халқ ижодига хос кўтаринки романтиклик, қиссадан ҳисса чиқариш етакчилик қилади:

Кўз қорачигига жаҳонни жойлаб,
 Шаҳолат девини занжирбанд боғлаб,
 Зулматни қалаган гулханга-ўтга,
 Эркин ҳаёт, тинчлик истаган юртга.

Шунинг учун бу шеърни 60-йиллар ўзбек болалар адабиётининг энг яхши асарлари қаторидан жой олганлиги ҳам бежиз эмас.

. . .

Мутафаккир шоир Алишер Навоий туғилган куннинг 500 йиллигини нишонлашга тайергарлик кўрилатган пайтларда унинг бадиий образини яратишга бағишланган иккита баллада ҳам юзага келди. Улардан бири Мақсуд Шайхзоданинг қаламига мансубдир. Асар дастлаб "Ўртоқ Навоий" сарлавҳаси остида босилди. Шайхзода ўз асарида Навоий сиймосини XV аср Хуросон ҳукмдори саройидаги воқеалар, зиддиятлар, ўзаро келишмовчиликлар асосида ёритишга қўл урган. Асар шоҳ саройидаги ишрат баъзи тасвири билан бошланади;

... Яна мастдир султон Ҳусайн Бойқаро,
 Кеча кўп қоронғу, ҳатто ой қаро:
 У ҳам зуваласи нозик шоирдир,
 Ғазаллар тўқишда анча моҳирдир.
 Афғонли, эронли, қуллар пайдарпай,
 Кумуш қадахларда ташир эди май:

Дуторнинг, чангларнинг, уднинг садоси,
 Осмонда тахтгоҳда ўлтирмиш султон,
 Елпигич елпийди охуйи хутон,
 Кўп дилкаш рақс айлар ҳинду қизлари,
 Тизилар Хиванинг инжу қизлари,
 Султоннинг анчага етса ҳам еши,
 Ашула истайди туманли боши.

Кўриниб турибдики, жуда сиқик бўлса-да, ана шу бир кичик лавҳада Хусайн Бойқаронинг ҳаёт тарзи, айнан унга хос бўлган яшаш мантиқи ўта таъсирчан берилган.

Шоирнинг мактабдош дўсти ҳамда унинг бу аҳволга тушганлигининг туб сабаблари ёритилмаса-да, бироқ бадий-мажозий ҳолатнинг рухидан ўша ижтимоий-тарихий воқеаларнинг руҳи сезилиб туради, уларни юзага чиқарган тарихий ҳақиқат балқиб туради. Султон ҳофизлар лабидан учган Навоий ғазалларини эшитар экан, базмида унинг йўқ эканлигига эътибор беради ва уни олиб келишни буюради.

Ҳирининг энг чекка бир гўшасида,
 Боғларга элтувчи тор кўчасида,
 Пойтахтнинг хилватгоҳ маҳалласи бор.

Шоирнинг қалби эса бундай жирканч ҳаётни эмас, дунёни тингламоқда.

Унда шинам уйнинг дарвозаси бор...
 Бу ерда қаламни юргизар шоир,
 Дунё — оламни ҳам кезар шоир.

М.Шайхзода анъанавий қарама-қарши қўйиш усулидан усталик билан фойдаланиб, икки улкан тарихий шахслар дунёсининг қабарик

томонларини ёритади. Бироқ балладанинг Навоийга хос хусусиятларни тавсифлашга оид ўринлари анча нурсиз чиқиб қолган. М.Шайхзода устод Навоийнинг ижод билан машғул онларини ўта нозиклик билан чизгач, ўша икки оламини, бир-бирига зид руҳиятни тўқнаштиради. Гўзал китоби "Хамса" устидаги киши тарк этиб, подшоҳ саройига жўнашга мажбур бўлади:

Эҳтиром ичида адиб кутилар,
 Урфларга муносиб гуллар тутилар,
 Ҳасадни яширмас вазир-вузаро,
 Таъналар қилиниб кулгилар аро,
 Кийимлар музайян, раҳбар-еввойи,
 Кўп яхши билади буни Навоий.

Султон ҳам уни "собиқ муҳрдор" деб кутиб олиб, қандайдир бегона қараш билан ундан шеър айтишни талаб қилади. Навоий эса, "шеърга майл қўйган соҳибқирон"дан бундай ҳолатларда жирканар эди. Шунинг учун ҳам Навоий асаридан келтирилган қуйидаги сатрларга М. Шайхзода ўта теран ва салмоқли маъно сингдиради. Буюк эътиқод соҳибининг бетакрор ва собитлигини яна бир бор таъкидлагандек бўлади:

Май ичингким, даҳр эли ичра
 Кўп истаб топмадик,
 Аҳди паймонида бўлган устивор,
 Эй, дўстлар!

Ва ниҳоят, асар охирида Навоий шахсияти, рухий оламини яна ҳам муфассалроқ очувчи сатрлар келтириш билан шоир ўз кечинмасига хотима ясайди.

"Тут гадолиғни Навоий мугтанам,

Шоҳлар олдида бош индурма кўп".

Мамарасул Бобоевнинг "Устоз" балладаси ҳам Навоий образини яратишда ўзига хос бир ҳодисадир. Негаки, шоир ўзгалар юрмаган ижодий сўқмоқлар излайди ва топади ҳам.

Кўзда тутилаётган даврда Навоий мавзуси собиқ Иттифокдаги барча қардош халқлар адабиётига кириб борганлиги, бу давр умумсовет навоийшунослигининг катта ютуқларидан ҳисобланади.

Бу алоҳида тадқиқотни талаб қилади. Шунини алоҳида эслатиш ҳам жоизки, мазкур даврда Навоийнинг бадиий образини яратишда тасвирлаб беришдан кўра тавсифлаш, мадҳ этишга мойиллик ҳоллари ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Алишер Навоийнинг ҳаққоний поэтик образи яратилган Ғ.Ғуломнинг "Алишер", М.Шайхзоданинг "Навоий" каби асарларига ҳамоҳанг шеър дostonлар бизнинг адабиётимизда ҳали бармоқ билан санарлидир.

Бундан ташқари, кўриб ўтганимиздек, баъзи шоирлар ижодида Навоий образини яратишда бадиий маҳоратнинг етишмаслиги билан боғлиқ — ҳаёт ҳақиқатини теран англамаслик, уни бадиий ҳақиқат даражасига кўтара олмаслик каби камчиликлар ҳам кўзга ташланиб туради.

Давримизнинг забардаст шоири А.Орипов 60-йилларда ўз шеърларида Алишер Навоий сиймосига дадил қўл уриб, фавқулодда муваффақиятларга эришган эди. Унинг "Алишер" (1968), болаларга аталган "Алишернинг онаси" каби шеърларида буюк даҳо сиймоси фалсафий-тарихий таҳлил йўли билан акс этган.

"Алишер" шеърида буюк шоир шахсига таҳсину офаринлар айтиш руҳи етакчилик қилса ҳам, буюк мисралар орасида А.Ориповга хос фалсафий фикрлаш буюк шоирнинг на фақат ўзбек халқи, балки бутун

Шарқ халқлари тарихида ардоқлашга лойиқ буюк даҳо эканлигига урғу қилади:

Жаҳонки муқаддас нени кўрибди –

Барига онасан, эй нодир ҳаёт.

Беш юз йил наридан бориб турибди,

Нурли бу юзларга нуроний бир зот 1).

Шундан сўнг шеърда дунёда ном қолдириш учун ҳар бир инсоннинг ҳар хил ишлар қилиши, кимдир аслаҳа кучи билан жаҳонгирлик даъво қилиши, кимдир яна бошқа ишлар қилиши, аммо тарихда эслашга лойиқ ном қолдира олмаслиги, Алишер Навоий эса ўз қалами билан жаҳонни забит эта олганлиги айтилади, албатта, бу олдин ҳам ўзга ижодкорлар томондан айтилган фикр. Бироқ ана шу фикрни А.Орипов ўзига хос йўсин ва поэтик тафсиллар воситасида шундай ифодалайдики, натижада, олдин айтишган поэтик фикр бутунлай ўзгача шукуҳда жаранглайди:

Дунёда бирор ном қолдирмоқ учун

Юрт бузиш шарт эмас, деган гап-ку рост.

Кимдир иш қилганда найзанинг кучин,

Алишер қаламни кўрсатган, ҳолос.

Бу фикр шеърда шу ҳолича қолиб кетмайди. Шоир янги поэтик тафсиллар мисолида буюк шоир қолдирган эзгу номнинг, буюкликнинг замон ва маконда чексизлигини алоҳида рағбат билдиради:

Тун билан тонг эрур ташбеҳда удум,

Мисоли заҳру май, шаҳру шакар лаб.

Кимнидир қуешдай эсласа мародун,

1).Орипов Абдулла. Муножаат. Сайланма. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-мантбаа бирлашмаси, 1992, 143-бет.

Кимнингдир зулматдай юрарлар қарғаб.
 Нидо тингла бу кун юртинг тарафдан,
 Эй йироқ. Хиротда маскан топган эр!
 Огоҳ бўл, Алишер, сен ушбу гапдан:
 Ҳар икки набиранг — бири Алишер.

Навоий сиймосини тавсиф этар экан бу улуг даҳодан қолган ўлмас шеъриятни шоир ёддан чиқармайди:

Байтингга бир бора қовушган ҳар лаб.
 Такрорлаб кетум Машҳаргоча то.
 Қоратиб турибсан бу ен, не ажаб
 Миллиард мартабали жаҳонни ҳатто

Абдуллача хос образлиликни қарангки, шоир шеъриятининг марзини чақа олган, унинг оҳангу навосидан баҳра олган шахс бир умргача бу шеъриятга ошно бўлиб қолишинг "Байтингга бир бора қовушган лабнинг мошҳаргача (яъни абадий) такрорлаб кетишига қиёслайди.

Хулоса қилиб айтганда, гарчи бир нечта шеър ёзган бўлса ҳам, Абдулла Орипов Алишер Навоий образини яратишда ҳозирги шеъриятимизда алоҳида ўрин эгаллайди.

ЛИРО-ЭПИК ПОЭЗИЯДА АЛИШЕР НАВОИЙ ОБРАЗИ

Лиро-эпик поэзиянинг образ яратишдаги имконият ва хусусиятлари ўзига хосдир. Агар лирик шеъриятда образнинг муайян хусусиятига оид у ёки бу қирра ўзига хос йўсинда ифодаланса, лиро-эпик поэзиянинг қамрови нисбатан кенг бўлиб, унда қаҳрамоннинг характериға хос бўлган қатор хусусиятлар анча теран ва мукаммал тасвир этилади. Қаҳрамоннинг ўзига хос хусусиятлари конкрет ҳолат

ва вазиятларда тарихан аниқ ҳамда ишонарли тадқиқ этилади. Асарда тасвир этилаётган тарихий-ижтимоий шароит ўзининг аниқ қирралари, кўринишлари билан гавдаланади. Тарихий шароит ҳамда қаҳрамоннинг нисбатан кенг тавсифу тасвир талаб этувчи хусусият ҳамда қирралари шоирнинг бадиий ишораларида мухтасарлик топади.

Лиро-эпик поэзияда тасвир билан ифода усули ўзаро қоришган бўлиб, бу шоирга, энг аввало, муҳим ва таъсирчан ҳолат ҳамда вазиятларни саралаш имконини беради. Иккинчидан, воқеалар ривожининг мантиқи изн берган ҳар қандай ҳолатда унга бевосита кечинма йўналишига аралашуш имконини беради. Албатта, бундай аралашуш кечинма йўналишининг моҳиятига ҳамоҳанг бўлиши керак. Акс ҳолда, бундай йўл тутиш на шоирга ва на ўқувчига наф келтиради. Воқеалар ривожига, тасвир этилаётган у ёки бу вазиятга шоирнинг лирик кечинма воситасида аралашуви мантикий-психологик жиҳатдан исбот талаб этмайдиган аксиома даражасида бўлиши керак. Яъни айнан шундай бўлишига ўқувчи ҳам мантиқан ишонсин, ҳам руҳий қониқишни ҳис этсин. Бу осонликча амалга ошадиган ҳодиса эмас. Зеро, қаҳрамоннинг энг муҳим характерли хусусиятларини ҳам эпик йўналишда тадқиқ этиш, ҳам лирик кечинмалар орқали уни таъсирчан ифодалаш бир бутуннинг қисмлари сифатида доимо бир-бирини мантикий-руҳий жиҳатдан тўлдириб бориши керак. Тадқиқ ва ифода усуллари сифатида улар бир-бирига зид, шу билан бирга ягона мақсад йўлида бир-бирларини тўлдиради. Албатта, бундай хусусият барча лиро-эпик асарлар, хусусан, дostonларга ҳам хос бўлавермайди. Буюк Ойбекнинг халқ афсоналари асосида яратилган "Ғули ва Навоий" дostonи юқорида биз таъкидлаган мантикий-руҳий асосланиш усулига яққол мисол бўла олади. Ойбекнинг халқ афсонаси

сюжети асосида яратилган "Гули ва Навоий" достонида буюк шоир шахсининг биз учун қоронғу бўлиб келган қирраларининг ўзига хос талқинига дуч келамиз.

Достон биринчи марта "Совет Ўзбекистони" газетасининг 1968 йил 25 сентябрь (№ 225) сониде босилган. Асарда ёзилган мўъжазгина кириш сўзда, адибнинг умр йўлдоши Зарифа Саидносирова куйидагиларни қайд этган эди: "1968 йилнинг марта ойида Ойбек хаёли яна беш асрлик вақт чангини тозаллаб, тарих йўлларини кезди, бир халқ афсонаси асосида "Гули ва Навоий" достонини яратди" 1).

Достоннинг сюжети тўлиғича халқимиз орасида кенг тарқалган афсонадаги йўналишга мос тушади. Бироқ Ойбек достонга Навоий, Гули, Хусайн Бойқаро ва вазиру амалдорларга алоқадор қатор муҳим эпизодлар, уларнинг муносабатлари, интилишларига мос тушувчи драматик вазиятлар ҳам киритганки, булар ўз навбатида халқ бадиий тафаккурининг маҳсули бўлиш афсонанинг таъсирчанлигини янада кучайтирган. Бу ҳақда достон жараёнида ўрни билан тўхталиб ўтамиз.

Ойбекни бу достонни битишга ундаган нарсая халқ афсонасидаги сюжетнинг ўзига хослигидир. Иккинчидан, Ойбек "Навоий" романини ёзиш, унга оид тарихий ҳужжат, ёдномаларни ўрганиш борасида халқ орасида кенг тарқалган Навоий ва Гули муносабатига оид маълумотларни учратмаганидир. Тарихий қайд, ҳужжатларда ўз муҳрини қолдирмаган афсонавий маълумотни эса, у ўз романига кирита олмас эди. Киритса, романнинг тарихийлигига, демак, ҳаёт ҳақиқати мантиқига путур етган бўлар эди. Бошқа томондан эса,

1) Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1976, 278-бет.

роман ёзиш жараёнида йиғилган Навоий шахсига оид материаллар, шу жумладан, шоир ва Гули ҳақидаги халқ афсонаси унинг доимо бедор ва теран шуурига тинчлик бермас, "яна беш асрлик вақт чангини тозалашга" даъват этар эди. Шунинг учун бўлса керак, Ойбек достонининг муқаддимасида ўз шуури сафарбар этган юмшнинг ҳам афсоналигию ҳам унда "ҳақиқат уруғи" борлигини алоҳида таъкидлайди:

Асрларнинг сўкиб чокини,
 Кўзларимга суриб хокини.
 Тарихларни бир-бир титурман,
 Афсоналар топиб битурман.
 Афсонанинг кўпдир қуруғи,
 Ҳақиқатнинг баъзан уруғи.
 Уюм-уюм тош ичра гўё.
 Бир гавҳардай беради зие. 1)

Сатрлар заминидаги моҳиятга диққат-эътибор берилса, шоир ўзининг мазкур достонида афсонинг уйдирмаси билан енма-ён "гавҳардай ҳақиқатнинг уруғи" ҳам мавжудлигини асосий етакчи хусусият сифатида таъкидлаётгани рўй-рост англашилади. Демак, муаллиф ўз достонини яратишда халқ афсонасидан ташқари "тарихларни бир-бир титиб", "хокини кўзларига сурган" қайдлардан ҳам унумли фойдаланган. Асарда афсона билан гавҳардай зие берувчи "ҳақиқат уруғи" енма-ендир. Биринчи иккинчисини тақозо этарлик даражада уйғунлашиб, муштарак хусусиятга айланиб кетган.

1). Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Тошкент, "фан" нашриети, 1976, 67-бет (Кейинги кўчирмалар ҳам шу жилддан олинди).

Муаллиф буюк шоирнинг йигитлик шаклу шамойилини романтик кўтаринки бир кайфиятга тасвир этиб, уни ўқувчи дилига ошно этгандан кейин сарой қизларининг тилидан;

— "Кўзларинг маъносига боқ!"

— "Вазир ҳазрат эмишлар бўйдоқ..."

деган муаммони ўртага ташлайди. Достоннинг бутун қолган қисмида қаламга олинган воқеалар, вазиятлар, ўзаро муносабатларнинг зиддияти ана шу муаммонинг ёритилиши йўлидаги интилишлардир. Қолаверса, ана шу поэтик муаммо халқ афсонасига томон йўл очадиган ўзига хос калитдир. Ойбек Алишербекнинг шоиру вазирлиги, илҳом тўлғоғию ғазал нафосати борасидаги лирик кечинмаларини бергач, яна ўша муаммони ўзгачароқ тарзда ўқувчининг ёдига солади, уни асосий мақсад сари етаклайди:

Шоирнинг ҳар қадамин чиндан,

Хонзодалар кузатур зимдан.

— "Алишербек мунча беназир —

Дер бегимлар. — Бу офат вазир..."

Диққат қилайлик. Сарой қизлари Алишербек ҳақидаги гапни тортиниб, йиманиб, кимдандир эшитгандай тарзда айтишяпти: "Вазир ҳазрат эмишлар бўйдоқ". Улар ўзларининг дилларидаги қандайдир пинҳоний илинжни ҳам очиқ айтиша олмайди. Буларнинг иффат барқарорлигига, саройдаги ижтимоий ҳолатларига ўта мос тушган. Хонзодаларнинг шамаларида эса биз бундай ҳолни кўрмаймиз. Сарой

қизлари "Вазир ҳазрат"лари дейишса, хонзодалар ҳеч тортинишмай "Алишербек бунча беназир" тарзида унинг вазир ҳазратлигини унутишиб, ўзлариникидай муомалада бўлишади. Саройдаги "бу — офат вазир..." бирикмасида ҳам тўқликна шўхлик қилувчи хонзодаларнинг

хос хусусиятлари ўз ифодасини топган. Икки хил, икки мавқедаги аёлларнинг ички дунёлари, ўй-хаёллари, Навоий ҳақидаги аёллик ҳукмлари бир-бирини рад этади, бир-бирига зид. Лекин асосий масала – Навоий шахсига қизиқишда улар ҳамфикрдирлар. Зеро, сарой қизлари ҳам, хонзодалар ҳам бир тоифадан. Бундай мантиқий, бадий-руҳий асосланишни Навоий ҳақида яратилган бошқа лиро-эпик асарларда учратмаймиз. Бунинг муайян сабаблари бор. Бу, энг аввало, Ойбек истеъдоди, бадий тафаккурининг теранлиги билан изоҳланади. Иккинчидан, бунда "Навоий" романи муаллифнинг катта ва машаққатли тажрибасининг уни езиш жараенида орттирган малакаларининг ҳам муайян таъсири, ўзига хос муҳри бор.

Достондаги воқеаларнинг кейинги силсиласида, бизга тарихдан маълум бўлган, вазир Навоийнинг тижорат, ўзга мамлакатлар билан муносабат, халқ ва мамлакат тинчлиги борасида Ҳусайн Бойқарога кўрсатган таъсирлари, шонинг бундай муносабатни баъзан маъқуллаб "Мантиқи зўр, яхши кенгаш – бу!" тарзида эътироф этиши, баъзан эса:

Лекин, шоир, унутманг, қилич –

Кўп ишларда ҳал қилувчи куч –

қабилида темурийзодалиги тутиб кетиши сиқик ва таъсирчан гавдалантирилади. Натижада, ўқувчи Навоийнинг ҳолати, саройдаги мавқеи, хонзодабегимлар ва Ҳусайн Бойқаронинг унга муносабатларидан озми-кўпми хабардор бўлади. Худди ана шу вазиятда достон сюжети йўналишига халқ афсонасида олға сурилган ният ва воқеалар киритилади.

Достонга Навоий ва Бойқаро, Навоий ва Гули ҳақидаги афсоналардан утчаси асос қилиб олинган. Асарнинг бошланишида

"Мирали ва Султон Суюн" ҳақидаги туркман халқ афсонаси, кейинчалик "Навоий ва Гули", достон сўнгида шоир ва шоҳ ҳақидаги халқ ривоятидан бир лавҳа берилган. Кўриниб турибдики, достон маълум маънода тузилиш жиҳатидан анчагина мураккабликка эга. Достонда марказий ўринни Гули ва Навоий ҳақидаги ўзбек халқ ривояти эгаллади. Мирали ва Султон Суюн ҳақидаги ривоят ҳам бироз ўзгартириб киритилган ва асосан Навоий, Ҳусайн Бойқаро характерларини еритишга бағишланган. Агар туркман халқ ривоятида Мирали бозорда қўйларни бепул тарқатганидан кейин саройга вазирликка тайин этилса, достонда тасвирланишича, Навоий вазир сифатида хизмат қилаётганда қўйларни камбағалларга бепул тарқатиб шоҳ кўнгилни хушнуд этади. Натижада, бў ривоят шунчаки Навоий ва Ҳусайн Боўқаро ўртасидаги кундалик муносабатларни ифода этувчи воситага айланади. Мазкур мулоҳазани муаллифнинг шоҳ тилидан айтган қуйидаги фикри ҳам тасдиқ этади:

Ҳусайн кулур, қаҳқаҳа узоқ,

Гар эсига тушаркан ҳар чоқ.

Севар эди шоҳ афсонани,

Такрорлашни бу ҳангомани.

Достонда келтирилган ривоятда шоир ва шоҳ ўртасидаги кундалик муносабатларни аниқлашдан ўзга вазифа йўқ, дедик.

Хўш, унда туркман ривояти билан унинг қайта ишланган шеърӣй вариантыдаги тарихийликнинг меъери қандай, деган савол туғилади. Бизнингча, қардош туркман халқ ривоятида тарихийлик нисбатан юзакироқдир. Достонда воқеаларнинг бевосита саройга кўчирилиши муносабати билан унинг тарихийлиги теранлашган.

Навоий ва Гули ҳақидаги ривоятга келсак, унинг тузилиши, удаги

воқеалар йўналиши ҳеч ўзгартирилмасдан достонга киритилган. Ҳатто Навоий ва Гулининг нутқидаги ифодалаш усуллари ҳам сақланиб қолingan. Достондаги ривоят бадий жиҳатдан ўта пухта ишланган, тили ўта ширали, " баҳоримга егилди қиров" каби ажойиб, теран истиораларга бой.

Достонда истеъфода этилган ҳикоят ёхуд афсоналардан яна бири Навоийнинг донолиги ҳақидаги халқимиз яратган ривоятнинг руҳини шоир ва унинг севгилиси хусусиятдаги боғланиши билан алоқадордир. Фақат бу ўринда ҳам нозик бўлса-да, муайян бир ўзгариш содир бўлади: Навоий билан Ҳусайн Вайқаронинг ҳикоят хотимасидаги вазифа ўринлари ўзгаради.

Қуюлур ёш, сийна - ўт ҳозир,
 Ҳусайнга йиглаб дер шоир:
 -"Соянгизда сўлди Гул чаман..."
 -"Сарвдан тобут, гуллардан кафан..."
 Деб шоирнинг бўйинига шу он
 Ҳўнграб отар ўзини хоқон.

Халқ ривоятида эса шоир ва шоҳнинг ўринлари ўзгачароқ эди. Суюкли хотинининг ўлими ҳақидаги хабарни шоир Султонга:

Сарви гулнинг соясида сўлди гул нетмоқ керак,
 тарзида етказди, Султон ҳам шеър билан:

Сарвдин тобут ясаб гулдин кафан этмоқ керак, -
 деб жавоб беради. Ҳаммаси ўхшаш ва ҳамоҳангдек. Бироқ Навоий томонидан айtilган сатр матнининг моҳиятига, аниқроғи "Соянгизда сўлди Гул" бирикмасига асосий эътиборни қаратайлик. Демак, Гули вафотининг асосий айбдори - шоҳ, чунки улкан дарахтнинг қуюқ соясида қолган Гулнинг ҳолига вой ва бошқалар.

Ойбекнинг "Гули ва Навоий" достонида буюк шоирнинг шахсиятига, унинг севгилиси ҳақида халқнинг бадиий тафаккури яратган бадиий борлиқ ва эҳтимол тутилган поэтик фикр янада қатъийлашади, Навоийнинг машҳур рубоийсидаги маънога нисбатан яна ҳам яқинлашади:

Бир гул ҳажрида қуяй дедим бағрима доғ,
Бергайму дебон атр димоғима фароғ.
Чун мулаваас айлади баргини бум ила зоғ,
Энди ани ҳидламакка юз ҳайф димоғ.

Биз буни хоҳлаймизми ёки йўқми, тарихий фактлар бу воқеани рад этадими ёки аксинча, бироқ ривоятнинг Ойбек достонида қайта ишланган вариантыдаги моҳият, айниқса, "соянгизда сўлди Гул..." бирикмасидаги поэтик ҳукм буюк Навоий рубоийсидаги мазмунга, поэтик-мажозий ҳолатга ўта ҳамоҳангдир. Шунинг учун буюк Ойбекнинг "Гули ва Навоий" достонида тортилган поэтик чизгилар лиро-эпик усулда яратилган асарлар сирасидаги энг ёрқин ва теран, энг ишонарли ва тарихий чизгилардирки, кейинчалик бундай кашфиётни шеърӣ роман, драматик дoston муаллифлари ҳам амалга ошира олишмади. Зеро, асрлар хокини кўзига тўтиё сифатида сурган санъаткоргина бундай улкан ижодий шижоатга эга бўлиши мумкин эди, холос. Ойбек буюк шоир ва Султон ҳамда яратилган халқ афсоналарининг моҳиятини ягона мақсадга ўта моҳирлик билан йўналтира олди. Ҳар уч афсонадан бевосита Навоий шахсига оид қиррани танлаб, улар орқали шоирдаги донишмандлик, севгию барқарорлик ҳамда давлат арбобига хос босиқлик каби хусусиятларни ишонарли, таъсирчан акс эттиради.

Ойбек ўз достонида воқеаларнинг кечишини асосан, Навоий ва

Хусайн Бойқаро муносабатлари асосига қуради. Уларнинг ўзаро шоирлик ва дўстлик муносабатлари, муайян бир қирраси, Гули ва унинг ўлимини эътиборга олмаганда асосан, тарихий заминга эга. Саройдаги базмлар, бодахўрлик, мушоирахонлик, Навоий даҳосига айтилган таҳсинлар, буюк шоирнинг шоҳ дўстига қайғуриши каби воқеалар тарихий-ижтимоий нуктаи назардан асослангандир. Гули ҳақидаги афсонанинг киритилиши билан асардаги тарихийлик мувозанати яна ҳам эҳтимоллик томон оғади. Натижада, юқорида қайд этганимиз, уч афсонадаги Гули — Навоий — Хусайн Бойқаро муносабатлари олдинги ўринга чиқиб, адибнинг шоҳ ва шоир ҳақидаги, уларнинг дўстлигию рақиблиги ҳақидаги нуктаи назари қатъийлашади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Ойбек Навоий ва шоҳни бир-бирларига кескин зидламайди. "Соянгизда сўлди Гул, чаман" тарзида зидлаш эса бевосита 60-йиллар адабиётимизда ҳукмрон бўлган бир еқлама қараш, ҳар қандай муносабатга сиёсий тус бериш каби ҳолат билан изоҳланади. Умуман, Ойбекнинг бу достонини ўзбек ва қардош халқларнинг Навоий ҳақидаги ривоятлари билан теран муқояса қилиб ўрганиш яхши натижалар беради, деган умиддамиз.

Ойбек достонида тарихий шахслар — Навоий ва Хусайн Бойқаро образларини гавдалантириш масаласига келсак, адиб бу ўринда ҳам реалистик принципларга содиқ қолади. Хусайн — темурийлар салтанатининг вориси, айни вақтда шоир сифатида гавдалантиришга ҳаракат қилади.

Ойбекнинг портрет чизиш йўли билан ўз асари қаҳрамонларининг ички дунёсини очиш борасидаги моҳорати бу ўринда ҳам етакчидир. Беҳзод қалами билан чизилган Хусайн Бойқаро портрети бу шоҳ ҳақида

тарихий хужжатларда учрайдиган қайдларга ҳамоҳанг ҳолатга дуч келамиз.

Достонда Навоий ва Ҳусайннинг саройидаги дастлабки учрашуви куйидагича бадиий талқинга учрайди:

—Алишер, сарой беклари,
Соҳиб ақл бўлса сиз каби.
Уйқуни ҳеч қувмас ваҳм, ғам,
Кўнглимиз тинч бўлурди ҳар дам.
Не қилайки, бўрилар бисер
Шу сабабки орзуларим хор.

Навоийнинг жавобида унинг ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳам ўз ифодасини топади:

—Подшоҳим, фикрингиз тўғри,
Ҳушёр бўлинг, кўп беклар бўри.
Дехқонлардир меҳнат эгаси,
Беклар; бойлар унинг канаси.
Подшоҳим бўлсинлар одил,
Соянғизда мунаввар ҳар дил 1).

Ҳусайн Бойқаро шахсиятида одил ҳукмронни кўрмоқчи бўлган Алишер ички ва ташқи урушларсиз, савдо, тижорат воситасида ҳокимиятни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш ҳақида ўз мулоҳазаларини шоҳга изроҳ этади:

Ҳинд юрти—ла бошланг тижорат,
Улуғ элдир.

1). Алишер Навоий даврида жамиятни иқтисодий жиҳатдан таъминловчи асосий синф деҳқонлар бўлган. Шунинг учун ҳам Навоий барча асарларида ("Ҳайрат ул-аброр", "Махбуб ул-қулуб" ва бошқалар) бу табақага катта эҳтиром ва меҳр билан қараган.

Беринг ижозат,
 Юборайлик элчилар – доно,
 Карвонларга юклангиз савдо...
 Чин-мочин бор, нозик санъати,
 Айни борди-келди фурсати.
 Араб оти энг сулув отдир,
 Жаҳон аро хўб аъло зотдир.
 Қилинг савдо, эл топур равнак,
 Бундоқ тадбир, шоҳим, ҳакдан-ҳақ.

Шубҳасиз, муаллиф Алишер Навоий мулоҳазаларининг тағ заминига – мамлакатнинг иқтисодий аҳволига бевосита ишора қилмайди. Бироқ бу мулоҳазаларнинг руҳида ўқувчи буюк династиянинг инқирозга юз тутганлигидан, мамлакатдаги ўзаро урушлар ва иқтисодий тангликдан огоҳ бўлиб туради.

Бу мисраларни кўздан кечириб туриб, ҳар қандай китобхон ҳам улур Навоийнинг бизнинг замонамизга ҳамнафаслигини ҳис этади, унинг чинакам улуғлигига тан беради. Зеро, муайян тарихий босқичлардаги вазиятлар мутаносиблиги кўрилажак тадбирлар ҳамоҳанглигини ҳам юзага келтиради. Шунинг учун ҳам буюк Навоий фаолияти ва мулоҳазаларида бундай ҳамоҳанг ўринларни кўплаб учратишимиз табиийдир. Адиб ўз достонида Алишер образининг ана шу қиррасига алоҳида урғу берган. Алишер Хуросон ҳукмдорини жамият ишларига жалб этгач, унинг шахсий камолоти йўлида қайғуришни ҳам назардан соқит қилмайди.

Ўқинг китоб, китоб – хазина,
 Нурга тўлар китобдан сийна.
 Ўқинг ҳикмат, жилд-жилд фалсафа,

Бахш этур фан кўнгилга наъза.

Ойбек бу сатрларни дostonга шунчаки шоҳга қилинган насихат баҳонасида киритган эмас. Бу Навоий образи талқинининг марказий таъмал тошидир. Зеро, Хусайн томонидан уни тан олиниб, қилинган жавобда буюк династия ворисига хос ғурур ва дунёқараш ўз ифодасини топган.

Худди шу фикрларнинг бадий инъикоси "Садди Искандарий" да ҳам борлигига эътибор берсак, дostonдаги Алишер образи нечоғлик аниқ ва ишонарли яратилганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ойбек ўрни билан бир-икки мисрада Хусайн Бойқаронинг дунёқарашига хос қиррага ҳам чизги тортади:

— Мантиқи зўр, яхши кенгаш бу!

Лекин, шоир, унутманг, қилич—

Кўп ишларда ҳал қилувчи куч...

Дўсти Навоий фикрига шоҳ қарши эмас. Шунинг учун ҳам уни "мантиқи зўр, яхши кенгаш" деб эътироф этяпти. Бу ўринда унинг шоирлиги, муайян даражада мутафаккирлиги намоён бўлган. Лекин асосан у темурий ҳукмдор позициясида қолади.

Ана шундай вазиятда Дostonдаги бош қаҳрамонларнинг маънавий дунёси, сиёсий қарашлари, маълум маънода ташқи кўринишлари ёритилгач, дostonнинг бош мавзуи — Навоий шахсининг севги муносабатларига оид талқинга ўтилади. Дostonда дастлаб Шарқ халқлари фольклорида яратилган Навоийнинг кўй сотиб, пулини подшоҳ вафоти кўни олишни ваъда қилган ривоятдан фойдаланилади. Улуғ адиб афсонани "шоҳ афсона" деб атган. Агар "Юсуф ва Зулайҳо" сюжети "Қўрьонга киритилгани учун "аҳсан ул-қисас" (қиссаларнинг энг чиройлиси) деб ҳисобланганини эътиборга олсак, Навоий ва Гули

ҳақидаги қиссанинг шоир томонидан "шоҳ афсона" деб аталишида ҳам катта маъно бор. Ойбек Ҳусайн Бойқаронинг ғоятда етук шоир бўлганлигини, ҳар бир янги шеърига Навоийнинг муносабатини билишни истаганини ҳам назардан қочирмайди:

Кўрпачанинг тагидан мағрур

Бир варақни аста суғурур:

—Ҳукмингизга бўлсин ҳавола,

Назмдан машқ — кўнгулдан нола...

Ойбек томонидан тортилган чизгилар ниҳоятда нозлик ҳамда маъноси ўта салмоқли. Ҳусайн шоҳ сифатида ўта кеккайган, шунинг учун ҳам разал битилган варақни "кўрпачанинг тагидан мағрур" суғиради. Шундай мағрурлик Навоийнинг буюк шоирлиги олдида ҳеч қандай қадр-қимматга эга эмас. Шунчалар мағрур шоҳ ўз разалини бор-йўри "назмдан машқ" дейишдан нарига ўтмайди.

Алишер Навоий ўта самимий инсон ва юксак маданиятли бир киши бўлган. Ойбек унинг бу фазилатига ҳам Ҳусайннинг шеъри муносабати билан алоҳида чизги тортиб ўтади:

Шоир хушхол, чехрасида нур...

—Шеър бобида ўзингиз — хоқон.

Истардимки, мулки Хуросон

Бўйла улуг Темур сингари

Қулоч езса Бойқаро даври.

Бу нуқтада аввал Навоийга хос юксак маданият, шарқона тавозе, қолаверса, XV аср Хуросон, умуман Шарқ мамлакатларида кейин ҳам амалда бўлган саройга хос муносабат ўз ифодасини топган. Бу мазкур нуқтадаги муайян бир товланиш. Асосий товланиш эса машҳур ва мақбул муҳим ният-эл-юртга маърифат тарқатиш-ла ўзаро

талон-тарож урушларга чек қўйиш, мамалакатда осойишталикни таъминлаш орзуси билан изоҳланади. Бу орзу- Навоий билан ҳамма вақт бирга. Бу орзусиз Навоий образининг характерли хусусиятларини тушуниш амри маҳолдир.

Муаллиф талқинидан Навоий Ҳусайн Бойқарони самимий ҳурмат қилганлигини ва унга катта умид билан қараганлигини сезиш мумкин. Ойбек Ҳусайн Бойқарони шеърсеварликда Навоий билан ёнма-ён қўяди:

Икки шоир - подшоҳу вазир,

Иккови ҳам бирдек севар шеър.

Аммо Хуросон ҳукмдорининг шеър базми майсиз ўтмас эди. Ойбек бу нарсага ҳам алоҳида эътибор берган. У шу вақеа-вазият тасвирида ҳам Навоий шахсиятига хос хуш хулқлик, юксак маданиятлиликини поэтик таъкидлашни лозим топган.

Достонда акс эттирилган воқеаларнинг кейинги ривожи анча шиддатли ва кескин кечади. Сўжет йўналишига Гули, Солиҳ боғбон, Қози калон каби образлар киритилади. Навоий ҳақида яратилган ривоят ва афсоналардан ўринли фойдаланиш ҳам сўжет тезкорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган. Воқеалар тезкорлиги муаллиф эътиборини асосий, ҳал қилувчи нуқталардан чалғитмайди. Бу ўринда ўзга бир хусусиятга урғу бермоқчимиз. Гули образи тарихий эмаслиги ҳамда турли туркий халқлар афсона ва ривоятларида яратилган бадиий тўқимага асосланганлиги учун бўлса керак, бу образ тасвирида Ойбек романтик ифода, тасвир воситаларини чексиз истеъфода қилади. Гулининг кўриниши учун ишлатилган бўёқ ва ранглар, муқояса этилган ташбиҳлар тўлигича Шарқ шеъриятида қўлланилган табиий хазинани, жиҳозу тобланишларни эслатади.

Шоир Гули таърифидан кейин (муайян тарихий қайдларга

асосланган ҳолда) Алишернинг шундай гўзал қиз билан тасодифан учрашиб қолганлиги ҳақидаги воқеани тасвир этади. Бунда унинг ижоди учун ўзбек, тожик, туркман, турк, озарбайжон халқ оғзаки адабиётида яратилган афсона ва ривоятлар қўл келган.

Хондамир, Восифий асарларида таъкидланганидек, Алишер ювош бир отга миниб, ҳар кун давлат бурчи туфайли саройга боришга мажбур бўлган. Бунинг устига Алишер кўркем кўринишли бўлган. Қолаверса, буюк шоир, олим, вазир. Шунинг учун бу мазкур зотни томоша қилиш учун қизлар, келинчаклар томларга чиқар эканлар. Ҳатто, Алишернинг бир кун қулоғи оғриб, дасторини эгри кўндирганлигидан нусха кўчириб, Ҳирот қизларининг ҳам ўз рўмолларини "бир шох" боғлаб, унга "нози Алишерий" деб ном қўйганликлари эл-юрт орасида машҳур бўлганлиги ҳақида тарихий қайдлар бор. Ойбек Навоий образининг талқинида ана шу тарихий қайдларга асосланади: яъни, ҳукмдор билан мулоқотдан қайтишда Алишер тасодифан ўз дили ва дидига муносиб қизни кўриб қолади: қизгина томда рўмолни езаётган пайтда Алишернинг нигоҳига кўзи тушади. Улар бир-бирларига табассум қиладилар. Шоир таъбирича бу табассум — ишқ ва ҳижроннинг ибтидоси эди:

Бир табассум учди Гулидан —
 Сирли туйғу қизнинг дилидан...
 Достонларда доим ўқиган,
 Рўеларда хаёл тўқиган
 Алишер ўз севгилисини
 Топди Ширин ва Лайлисини...
 Бир табассум, бир ногоҳ, е-ҳу!
 Қалбларини боғлади мангу.

Алишер отнинг тизгинини қайтариб, қизнинг отаси билан аҳдланишни лозим кўради. Унинг отаси Солиҳ бобо исмли боғбон экан. Табиийки, оддий боғбон ўз уйида машҳур вазирни кўриб довдираб қолади. Алишер эса ўта камтарлик билан чолдан ўзини куёвликка қабул қилишни сўрайди.

Шу вазиятга кичик бир изоҳ. Ўзбекчилик, умуман, мусулмончилик одатига. кўра Навоийнинг бундай йўл тутиши, яъни ўз муддаосини бўлғуси қайнотасига юзма-юз айтиши ғайри табиийдек туюлади. Лекин биз бу ўринда халқимизда қадимдан мавжуд бўлган ва орзаки ижод намуналарида ўз муҳрини қолдирган одатларимизни ҳам назардан соқит қилмаслигимиз керак. Халқ ривоятларида акс эттирилганидек, қизгина боғбоннинг елғиз фарзанди эди. Чол Алишердан ижозат сўраб, бунга қизи қандай жавоб беришини билгани ичкарига йўл олади. Кейинчалик англашилишича, Гули Алишерни аввалдан севиб юрар экан. Шунинг учун ҳам у шоирнинг таклифини дарҳол қабул қилади. Ҳоятда севинган вазир: "Остонангиз босганим учун", деб қизнинг отасига минг олтин ҳадя этади. Ана шу воқеалар тасвиридан сўнг Ойбек Алишер характериға хос яна бир фазилатни – унинг нозик дидли, покиза йигит бўлганлигини қаламга олади:

Хона катта, ганж панжарадор,
Нафис завққа мос зап нақши бор...
Шоир дидли – сипоҳи жиҳоз,
Истар қарур-қурур бўлса оз.

Достонда Алишернинг Гули муҳаббатидан наъза топиб, ажойиб шеърлар битганлиги ениқ сатрларда ифодаланади. Ора-оралаб унинг ўз ҳовлисидаги мулозимлари билан самимий, ўта меҳрибончилик муносабати бўлганлиги ҳам эслатилади.

Ойбек, шубҳасиз, Навоий, Гули ва Хусайн Бойқаро ҳақида яратилган халқ ривоят ҳамда афсоналарини шундайлигича дostonга киритаверса йўқ. Улар муаллиф ниятига уйғунлаштирилиб, қайта ишланган. Шунинг учун ҳам Навоий яшаган ижтимоий-тарихий шароит руҳини бериш ниятида шоир XV аср Ҳиротининг ҳаққоний тасвирини ўта санъаткорлик билан чизади.

Турли касб, табақа, хилма-хил интилиш ва характерга эга кишилар йиғилган XV аср Ҳирот бозори, ундаги қий-чув, "ҳаё-ҳу", кетти-кеттилар ҳамда буюк шоир, вазир ва ошиқ харидор кайфияти поэмада тиниқ тасвир этилган.

Гули ҳам шеърни теран ҳис қила оладиган, лутфийхон гўзалдир. У танбурга жон ато қила оладиган созанда, чеҳрасида эса ҳаё балқиб туради, сўзларида зарофат.

Ана шундай комил дилбарни овга отланган Хусайн Бойқаро ҳам кўриб қолиб, унга кўнгиш боғлайди. У Солиҳ боғбон хонадонига Қози калонни совчи қилиб юборади. Қози калон подшоҳга Гулининг рад жавобини олиб боради. Подшоҳ Солиҳ боғбон хонадонига иккинчи марта бир вазирини юборади. У подшоҳга хушхабар етказади. Солиҳ боғбон "тақдир тақозоси" деб никоҳга розилик беради. Алишер эса подшоҳ қилимишига яраша йўл тутишни ўзига лозим топмайди. Бу фожиани у ҳам "тақдир" деб изоҳлайди. Достоннинг интихосида Гулининг заҳар ичиб вафот этиши, шоирнинг эса Гули ҳижронида ҳаётдан тоқ ўтишга аҳд қилганлиги баён этилади.

Образларнинг бу тариқа талқин этилиши ҳаёт ҳақиқатига мосдир. Чунки зўравонликка асосланган ўрта аср феодал жамияти қанчадан-қанча ошиқ-маъшуқларнинг заволи бўлмади, дейсиз.

Орзулари поймол бўлган севишганлар эса буни тақдирнинг тақозоси деб билдилар.

Ойбекнинг "Ғули ва Навоий" достонида мамлакат фаровонлиги йўлида хизмат қилишга подшоҳни доимо тарғиб этган, шундай бўлишига ишонган буюк шоирнинг ижод, ижтимоий ҳаёт ва севги борасидаги қарашлари ўзининг таъсирчан ифодасини топган. Асардаги Алишер ва Ғули муҳаббати фожиасининг ишонарли тасвирланиши эса муаллифнинг халқ ижодиёти намуналаридан ижодий фойдаланиб, халқчил ғояларни ифодалашда кўрсатган санъаткорлигидан далолат беради.

Асарда мамлакатлар ва эллар аро дўстона муносабат ғоясининг олға сурилиши ҳам ўта диққатга молик, долзарб масаладир. Айни шу фикрнинг Навоий тилидан айтилиши эса образнинг моҳият қамровини янада кенгайтишига сабаб бўлган.

Профессор Алибек Рустамов ўзининг "Қайта қуриш ва Навоийхонлик" номли мақоласида Навоий фаолиятининг умумбашарий аҳамиятига тўхталиб ёзади: "Улуғ мутафаккир бутун умрини, сиёсий, ижтимоий ва адабий фаолиятини халқаро тинчлик ва бутун инсониятнинг осойишталигига бағишлади. XV асрда Навоий жон куйдирган бу заруриятнинг XX аср охири фақат инсон эмас, ер кулласининг қуёш атрофида ҳаракати учун нечоғлик зарурлиги маълум бўлди. Навоийнинг бутун фаолиятининг таъсирчан тарбиявий аҳамияти бор" 1).

1). А. Рустамов. Қайта қуриш ва Навоийхонлик. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1987, № 8 (2904)

60-йилларнинг охирларида академик шоир Ойбекнинг "Ғули ва Навоий достонидан ташқари, Алишер Навоийнинг эпизодик образи яратилган бошқа бир достон юзага келди. Бу шоир Ғайратийнинг "Хумор" номли поэтик асаридир 1).

"Хумор" 1967 йилда ёзилган бўлиб, унинг мундарижасини иқтисодий-ижтимоий тенгсизлик ва феодал жаҳолати исканжасида заволят топган икки ёшнинг севги фожиаси белгилайди. Асарда тасвирланишича, ҳиротлик Абулғози номли бойнинг хонадонида Ҳасан номли камбағал йигит боғбонлик қилар эди. У бойнинг Хумор исмли қизини севиб қолганлигидан бу хонадонда катта ихлос ва ғайрат билан ишлар эди. Хумор ҳам Ҳасанни юракдан севганлигидан боғни холи кўргунча Ҳасан билан суҳбатлашишни қумсар эди:

Йигит чалар созин титратиб,
Хумор унга бўлур аста жўр.
Севги дардин кўкка янгратиб,
Севишганлар қалбида гурур.

Достондаги то мусаввир Маҳмуд Музаҳҳиб Навоий ҳузурига нажот сўраб боргунча бўлган воқеалар буюк шоир шахси билан боғланмайди. Ана шу учрашув содир бўлган эса бутун бўлиб ўтган воқеалар — Ҳасан, Хумор ва мусаввир, барча-барчаси тақдири буюк тарихий шахс номи билан узвий боғланиб кетади.

Мусаввир ва буюк шоир учрашгунча содир бўлган воқеаларнинг кечиши тубандагича: Қосим мунший Абдуғозига Мирзо Ҳусайн уни

1). "Шарк юлдузи" журнаги, 1968, 9-сон,
24-38-саҳифалар. Достондан парчалар шу манбадан олинган.

бекликка кўтаргани, Элёр шаҳар ҳокими этиб тайинлангани ҳақидаги хабарни келтиради. Табиийки, шундай бўлгач, энди Абдулғози оиласи билан бошқа жойга кўчиб кетиши лозим эди. Ҳасан севгилисидан ажралаётгани учун ҳижрон азобига тушади. У нима қилишини билмай бир-икки бор кўрган ва яхши одам, деб билган мусаввар Маҳмуд Музаҳҳибнинг олдига маслаҳат сўраб боради. Маҳмуд Музаҳҳиб эса овлоқ жой топиб, севишганларни ёнма-ён қўйиб, уларнинг расмини чизади. Ҳасан ана шу суратга тикилиб, ёрининг хаёлида кун ўтказар эди. Бироқ сурат воқеаси ва Ҳасаннинг Хуморга муҳаббати эл орасида шоён бўлиб қолади. Бора-бора бу гап Абдулғозининг ҳам қулогига етади. У Ҳасанни Ҳиротдан банди этиб келтиради ва зиндонга ташлатади. Хумор посбонларга пул бериб, яширинча Ҳасан билан учрашиб туради. Ҳасан Хуморга:

—Нажот йўлини ахтарсанг, илдам
 Рассом Маҳмуд ҳузурига бор.
 У дардингга топади малҳам
 Ва бўлади бизга мададкор.
 Эшитганман, Маҳмуд Музаҳҳиб
 Навоийдек улуг устодга
 Шогирд эмиш, самимий муҳиб,
 Ёмон кўз-ла боқмас ҳаётга,

дейди.

Хумор Ҳасаннинг маслаҳатига кўра, мусаввирга учрашади ва бўлган бутун воқеани айтиб беради. Маҳмуд Музаҳҳиб "чизган расм икки ешнинг бошига бало бўлди", дея афсусланиб, Алишер Навоий енига боради. Воқеадан огоҳ бўлган шоир ва бош вазир бу

мушкулотни "тун билан нур кураши" деб баҳолаб, севгиси таққирланган ёшларга ёрдам қўлини чўзади: у ўз номидан Элёр шаҳри ҳокимига нома ёзиб, Ҳасанни зудлик билан озод этишни талаб қилади. Ҳоким бундан таъсирланиб:

Навоийга биздан таъзим,
Азиздир у берган ёрлик,
Даҳосига бўлсин таҳсин,
Фикри-дўстлик ва дилдорлик, —

дея ҳибсхонадагиларнинг ҳаммасини, жумладан, Ҳасанни ҳам озод этишга буйруқ беради. Бироқ вақт ўтган, Ҳасан вафот этган эди. Дастондаги кичкина бир эпизодда Алишер Навоий образига хос қирранинг талқин этилиши, шоирнинг умуман севги муаммосига бефарқ муносабатда бўлмаганлигини кўрсатади. Эркин севги билан замона зайли ўртасидаги тўқнашувни эса шоир ёруғлик ва зулмат ўртасидаги кураш сифатида баҳолаган, қўлидан келганича ёруғлик тарафдорларнинг бахти учун курашган, деган роя дастоннинг асосий мотивига айтилган.

Оддий бир ҳаётӣ, кундалик муаммо сифатидаги Хумор ва Ҳасаннинг севгиси масаласига оид воқеалар буюк шоир Навоийнинг сазӣ-ҳаракати билан алоқадорликка киргач, теран ижтимоӣ мазмун касб этади. Алоҳида таъкид лозимки, Ғайратӣ дастон тузилишининг ўзига хослиги ҳамда таъсирчанлиги устида шеърӣ истеъдод эгаси сифатида самарали меҳнат қилган.

Албатта, дастонни яратишда Ғайратӣ адабиётимиз ва оғзаки ижодиётимизда қадимдан мавжуд бўлган анъанавӣ сюжетдан фойдаланган. Бироқ воқеалар тизмасига мусаввир ҳамда Алишер Навоӣ киритилиши билан ундаги анъанавӣлик руҳи янгилик кашф

этади, воқеалар реал замин ва муайян давр — XV асрга кўчади. Тарихийлик анъанавийликни дostonдан сиқиб чиқаради. Энди айнан шундай воқеа Навоий фаолиятида содир бўлганми ёки йўқми, деган савол бу ўринда керак эмасга ўхшайди. Зеро, тарихий фактларнинг mavjud ёки йўқлиги бу вазиятда ҳеч қандай белгиловчи аҳамиятга эга эмас. Асосий гап Навоийнинг севишганлар тақдирига муносабати, яъни шоир шахси билан боғлиқ ҳолда берилган воқеаларнинг моҳиятидadir. Моҳиятни эса шоир Ғайратий тўғри ва ишнарли ёрита олган.

* * *

60-йилларда Алишер Навоий даври ва унинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган мавзуларда ёзилган катта ҳажмли, драматик характеридаги асарлар ҳам юзага келади. Андижонлик муаллиф Восит Саъдулла 1967-68 йилларда "Хуросон юлдузи" номли драматик поэма яратиб, уни 1972 йилда алоҳида китоб шаклида эълон қилди 1). Муаллиф бу асарни 1971 йилда "Шарқ юлдузи" журнали саҳифаларида "Салтанат ларзада" номланиши билан "шеърый драма", деб чоп эттирди. Асар алоҳида китоб бўлиб чиқишидан олдин муаллиф унга жузъий қўшимчалар киритган. Тадқиқот мавзуимизнинг йўналишидан келиб чиқиб, биз асарнинг қайси жанрга кўпроқ мослиги хусусида мулоҳаза юритиб ўтирмай, ундаги Алишер Навоий образининг бадий талқини масаласига тўхталамиз, холос.

Асарнинг "Муаллифдан" дея номлаган саҳифасида асарнинг

1). Восит Саъдулла. Хуросон юлдузи. Драматик поэма. Тошкент, "Ёш гвардия" нашриёти, 1972.

мундарижаси шундай белгиланади: "Мен бу асаримда Алишер Навоий ҳаётининг ҳали қаламга олинмаган энг муҳим, сарсону саргардонликда чиниққан, илк девони билан буюклик кошонасининг остонасига қадам қўйиб, шеърятда Хуросон юлдузи бўлиб танилган ва давлат арбоби сифатида шаклланган йигитлик даврни акс эттиришга ҳаракат қилдим ¹⁾.

Қайд. этилганга қўшимча қилиб шуни таъкидлаш керакки, асарда Алишернинг севги саргузаштлари ҳам қаламга олинган. Бироқ, асарда Алишернинг севгиси халқ оғзақи ижодиёти намуналарида, шунингдек, ҳозирги адабиётдаги мавжуд талқинларга нисбатан ўзгачароқ йўналишда тасвирланган. Алишер севгилисининг оти Райҳон, Гули унинг тахаллусидир. Қизнинг отаси Қулмуҳаммад эса бадахшонлик хонанда, бастакор олим. Сўнгра, асарда тасвирланишича, уни ешлигида Алишерга бешик кертти қилиб қўйган бўладилар (Навоий: Қулмуҳаммад отахоним ажойиб одам... падарим билан ҳам дўст эдилар. " Алишерни ўғил қилиб оласиз" десалар "кошкийди, кошкийди" деб қўядилар, ўша мулоқот, сўзлар ҳамisha едида, отангизга берган сўзим - сўз дейдилар (42-бет). Халқ ривоятларида ҳикоя қилингандек, бу қизни Алишернинг дўсти Ҳусайн Вайқаро эмас, балки Балх ҳокими Қоплонбек севиб қолади. Уни Султон Абдусаид Мирзо ҳам ўз саройига келтириш орзусида бўлади. Қизни подшоҳ назаридан узоққа яширадилар, у сарой тазийкидан ҳолос топади. Навоий Самарқандга сургун этилиши туфайли қиз билан бошқа учрашмайди.

Ҳўш, Алишер Навоий асарда қандай талқин этилган? Аввало, у Райҳоннинг, - Гулининг ошиғи сифатида уларнинг ҳовлисига эркин

1). Ўша китоб. 3-бет.

кириб чиқади. Қиз билан мушоиралар қилади, улар жўровоз бўлиб ашула куйлашади. Худди ана шу ҳолат асарда XV аср ўзбек оиласи учун эришроқ тасвирланган. Ўқувчи ишонмайди бу тасвирга. Бундан ташқари, асар қаҳрамонларининг нутқларида мантикий собитлик ҳам аксар ҳолларда бузилади. Масалан, Гули Навоийнинг "Ўзингни кўриш ҳам кўнглимга ором" деган сўзидан ҳаё тортгандек бўлиб: "Алишер, ўтиш йўқ шеърдан нарига" дейди-ю, сал ўтмай:

Берганда кўнгил ошиқи мардонага бергил,
(Майда ўрилган сочларини ушлаб нозланади)

Кўнгил эрмас, ўсди соч ҳам бу тунда

Қувончимга сизмай яйрашларимдан —

деб йигитнинг иштиёқини қитиқлайди. Еки асар матнидаги чойхўрлик билан боғлиқ ўринлар ҳам борки, у тарихий ҳақиқатга унчалик мос эмас. Чойхўрлик одати Ўрта Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярмида шоён бўлган. Яна XII аср шоираси Робия ва бошқа шоирларни шубҳасиз билган Алишернинг: "Эшитмадим Хуросондин чиққанини шоира" 1) каби гаплари ҳам тарихий ҳақиқатга зиддир.

Поэмадаги Абдусайд образини бироз жонлироқ чиққан, деб ҳисоблаш мумкин. Асар бош қаҳрамони Алишер Навоий образи хусусида бундай хулосага келиш қийин. Асарда Навоий образи ўта ҳаракатсиз, шеърый сатрлар ижрочиси сифатида талқин этилади. Асар муаллифининг Алишерни "давлат арбоби сифатида шаклланган йигитлик даврини акс эттирдим", — деб ёзишга қарамай, Алишернинг Самарқанд сурғунигача темурийлар давлатининг қайси ва қандай мансабларида фаолият кўрсатганлигини илғаш ҳам мушкул. Асарда тасвирланишича, у ҳатто аҳоли орасида Хусайн Бойқарога рағбат уйғотишдан ҳам

1). Хуросон ялдузи, 9-10-бетлар.

истиҳола қилади. Қуйидаги парча даъволаримизнинг исботидир:

Бойқаро: Алишер, иккимиз ҳам тақдиримизни белгиловчи кескин шу кунларда, дўстлигимиз ҳурмати, сизнинг Ҳиротда бўлишингизни, эл орасидаги юксак обрў-эътиборингизни менинг салтанат учун курашимга бағишлашингизни истардим.

Навоий: Шаҳзодам, шу сўронли вақтда давлат, сиёсат ишларига аралашмоқ, бирор фикр айтмоққа ёшлик қилурмен, деб ўйлайман!

Асарда Алишернинг ижтимоий фойдали фаолияти сифатида уй-жойи тортиб олинган бир чолга ариза ёзиб берганлиги кўрсатилади, холос (72-бет). Бошқа ҳолатларда эса, у ё қуруқ ваъзхон-насихатчи ёки ўз фикридан дарҳол қайтадиган шахсдир. Бир ўринда у Абдусайдга шундай дейди:

...Салтанатда ўн йил бўлсангиз ҳамки,
Бир бино Ҳиротда бўлмади бунёд.
Бир ўйлаб кўринг-чи, аъло ҳазратим!
Тахтга чиққан кундан то бу чоққача,
Нималар қилдингиз сиз Хуросонда?
Эл учун равон йўл қурдингизми, йўқ.
Ариқлар қазиб, сув бердингизми, йўқ.
Хонақо, мадраса очдингизми, йўқ.
Дилларга маърифат сочдингизми, йўқ.
Солдингизми бирор дарега кўприк –
Йироқ элдан келган карвон ўтгулик.
Боғу хиебон ҳам этганингиз йўқ,
Санъатни қадрига етганингиз йўқ.

Худди шу гаплардан кейин у:

Тахту бахтингизга бегаразмен, шох,
 Душманлики мендан кутмангиз асло! —

дейди.

Муаллиф Навоий характерида ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижаси ўлароқ содир бўлган руҳий қарама-қаршиликлар силсиласини очиб беролмаган. Шеърӣ матнда бир сатрда айтилиши, ифодаланиши мумкин бўлган фикр йигирма ва ундан ортиқ сатрга чўзиб юборилади. Қолаверса, қайд этилгандек, ўрни-ўрни билан ўз фикрига зид хулосага келиш ҳоллари учраб туради. Натижада, Навоий образининг талқинидаги мантиқий-руҳий асос бузилади. Ана шу мулоҳазаларнинг ўзидек асарда Алишер образи жуда бўш ишданганлигини кўрсатиш учун етарли эканлигини ҳисобга олиб, бу ҳақда ортиқча тўхталиб ўтиришни лозим кўрмаймиз.

Алишер Навоий образини янгича воқеалар йўналиши асосида талқин этишдан кўра, байт-барак талқинини эслатади. Бундай ҳолнинг содир бўлишига, бизнингча, муаллиф томонидан буюк Навоий характерининг қайси қирраларини қандай воқеа ва тўқнашувлар воситасида ёритиш лозимлиги аниқ белгилаб олинмаганидадир.

Иккинчидан, муаллиф ўз асарини "Хуросон юлдузи" дейдими; "Салтанат ларзада" дейдими, қандай номланишидан қатъий назар, XV аср Хуросон, темурийлар династиясининг инқирозга юз тутган даври тарихий материалларини ўта синчиклаб ўрганиши лозим ва шарт эди. Навоий ва унинг даҳосини буларсиз тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Шубҳасиз, Навоий —ўта комил тарбия кўрган, шарқона тавозени ҳар қандай шароит ва ҳар ерда ўрнига қўйган инсон. Бироқ у ўзининг она юрти Хиротдан Самарқандга сургун қилаётган, моддий жиҳатдан ўта қийин аҳволда яшашга мажбур этаётган ҳамда отаси Фиёсиддиндан

қолган барча еру бойликларни тортиб олишга тайёр турган Абдусайд Мирзо олдида шарқона тавозени, биров бўлса-да, ўзгартирган бўлур эди. Бу ўринда, айниқса, зиёли аҳлининг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар сабабини бошқалардан олдинроқ сезишини ҳисобга олсак, масала яна ҳам ойдинлашади.

Қолаверса, унинг мактабдош дўсти Бойқаро Абдусайднинг тахт душмани эди. Шуларнинг билвосита бўлса ҳам иштирокчиси бўлган Навоий негадир асарда ўта суст ҳаракат қилади.

В.Саздулланинг "Хуросон юлдузи" асарида, муаллифнинг ижодий нияти нечоғлик ўзига хос бўлмасин, буюк шоир образини талқин этишда қатор камчиликларга йўл қўйилганки, натижада, на XV аср тарихий-ижтимоий шароити, на Навоий ҳақидаги талқинда муайян ижобий натижаларга эришилган.

* * *

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлаб эпик пландаги катта шеърый асарлар яратиш анъанаси 70 ва 80-йилларда ҳам давом этди. Бу соҳада айниқса, таниқли шоир Барот Бойқобиловнинг фаолияти ибратлидир. Кўзда тутилаётган даврларда у Навоий мавзуида, икки шеърый романни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди. Шоирнинг биринчи романи 1977-1979 йилларда ёзилган бўлиб, у 1981 йилда "Шуқуҳли қарвон" номи билан Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида босилиб чиқди. Бу ромanning мавзуи ва унинг ғоявий-тарбиявий аҳамияти ҳақида китобга кириш сўзи

ёзган филология фанлари доктори А.П.Қаюмов қуйидаги илиқ фиркларни баён этади: "Навоий тўғрисида шеърий асар яратмоқ эзгу бир иш. Навоийнинг ижоди, унинг ҳаёти ва шахсияти ҳар жиҳатдан ижобий ибрат бўлиб хизмат қилади (таъкид бизники – А.Н.)

Шеър билан ёзилган асар эса, китобхон қалбига Навоийга оид олий фазилатларни чуқурроқ сингдирмоққа, шу билан кишиларнинг чин инсоний камолот касб этмоқларига, эҳтирос билан тўлиб тошган, ҳароратли илҳом билан ёзилган шеърий асар, бу жиҳатдан айниқса, жуда муҳимдир. Шоир Барот Бойқобиловнинг "Шукуҳли карвон" асари шундай шеъриятнинг ерқин намунаси сифатида юзага келган. Унда Навоийнинг Самарқанд шаҳрида яшаган ва таҳсил қилган йиллари, бу шаҳардаги аҳли фозил билан қўрган ижодий суҳбатлари, Самарқанд адабий муҳитида тутган бош ўрни, ҳасадчи ирвоғарларнинг шоир ва унинг дўстларига қарши уюштирган фитналари, ниҳоят шукуҳли карвон билан Ҳиротга голибона қайтиши жуда таъсирли ифодаларда баён этилган 1).

Алишер Навоий ҳақида катта ҳажмли шеърий оригинал асар яратиш, Навоий образини шу даврга қадар яратилган бадиий асарларда ёритилмаган еки кам эътибор берилган қирраларини топиб, аниқ ва жонли акс эттириш, табиийки, 70-йилларда ҳар қандай ижодкор учун ғоятда мураккаб бўлиб, у санъаткордан катта билим, синчковлик, журъат талаб қилар эди. Бу мавзуда Ойбекдек адиб қалам сурганлиги эътибордан соқит қилинмаса, масала яна ҳам мушкуллашади.

Шунинг учун ҳам Б.Бойқобилов 80-йилларгача Алишер Навоий ҳақида яратилган барча бадиий асарларни, унинг ҳақидаги тарихий

1) А.П.Қаюмов. "Шукуҳли карвон"га ёзилган кириш сўз. Ўқорида эслатилган нашр. 3-4-бетлар.

факт ва қайдларни, айниқса, Навоий замондошларининг у ҳақидаги хотираларини, илғор совет навоийшунослик фани ётуқларини синчковлик билан ўрганади ҳамда романнинг мавзуини тўғри белгилайди. Чунки Навоийнинг Самарқанддалиги давридаги ҳаётининг фаолияти, ижоди турли бадиий асарларда у ёки бу муносабат билан тилга олинган бўлса-да, мукаммал ва батафсил тадқиқ ва талқин қилинмаган эди. Роман ҳар бири йигирма қўшиқдан ташкил топган (шоир бобларни қўшиқ деб атайдиган) икки қисмдан иборат. Ўз навбатида айрим қўшиқлар ҳам бўлимчаларга ажратилади. Биринчи қисмда Алишернинг Хиротдан ихрож этилишидан бошлаб, то унинг Самарқандда Ҳожа Фазлуллоҳ Абулайс мадарсасини хатми қутуб қилишигача бўлган воқеалар ўзининг бадиий талқинини топгандир. Тарихий манба ва едномаларда қай йўсинда айтилмасин, шоирнинг Абдусaid Мирзо ҳукмронлиги даврида Хиротдан Самарқандга ихрож (сурғун) қилинганлиги биргина Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида ўз номи билан рўй-рост таъкид этилганини эътироф этиб ўтишимиз керак. Бу таъкид ўрганилгунга қадар Навоийнинг Самарқандга келиб, моддий жиҳатдан мушкул аҳволга тушиб қолганини гоҳ ўқиш-ўрганиш, гоҳ яна қандайдир сабаблар билан изоҳланар эди.

Романнинг дастлабки қўшиқларида шоир Алишер Самарқандга келиш сабаблари қуйидагича талқин қилинади:

Мурувват илкига муҳтож Навоий,
 Бошида офтобдек кулмади толе.
 Чунки жондан азиз дўсти Бойқаро
 Хуросон тахтини қиларди даъво.
 У билан Навоий ҳамфикру ҳамдаст,

Бир мақсад йўлида жонлари пайваст.
 Хатто тоғалари у билан ҳамдард
 Бўлишиб, ялови тутганди баланд.
 Шерсифат Мирсаид Муҳаммад Али
 Элга дoston бўлди мардлик туфайли.
 Бундан Абўсаид хабардор эди,
 Дилида аламу ўч бисёр эди.
 Шу сабаб, Навоий топмади қадр,
 Аҳли боргоҳ этди ҳолига жабр.
 Маҳрум бўлиб тамом ота мулкидан,
 Хуросон ўртанди кўнгил мулкидан 1).

Шоир худди ана шу вазиятдаги Алишернинг руҳий ҳолатини таъсирли
 ифодалаш учун "Биринчи кўшиқ" таркибига Навоийнинг:

Навоий, балки шаҳ кўнгли манга қайд
 ўлмаса, биллаҳ,

Агар кавнайнга хошок чоғлик

илтифотим бор —

мақтаъли ғазалини жуда ўринли равишда тўлиқ киритади.
 Ғазалдаги бадий мазмуннинг шоирнинг муайян ҳолатига мутаносиб
 тушиши, энг аввало, шеърий матнга давр руҳини олиб кирган гўё
 анъанавий мухаммаслардагидек мулоқот қилувчиларнинг ўзаро
 суҳбатларини жонлантирган.

Навоий Самарқандга келгач, Лабиҳавуз даҳасида қарор топади.
 Ғарибликнинг даҳшатларини чекаётган бўлса-да, отасининг қадрдон
 танишларини топиб, улардан паноҳ излаш йўлини тутмайди. Бунга,

1). В.Бойқобилов. Шукуҳли карвон. Шеърий роман. Қайд этилган
 нашр, 32-33-бетлар.

бизнингча, ундаги ғурур йўл бермайди. У ўз оғир аҳволини шарҳлаб, Сайид Ҳасан Ардашерга мактуб йўллайди. У ҳатто зоҳидона ҳаёт кечирсамми, деган ҳаёлларга ҳам боради. Бироқ ундаги некбинлик кайфияти ролиб чиқади. Лабиҳавуз даҳасини Дақиқий, Саккокий, Қосим Анвор, Лутфий, Жомий каби буюк шоирлар қадами беаган эди. Шу даҳадаги бастакор Ҳамшид Саодий даргоҳидан жой топган Навоий ана шу алломалар каби адолат, бахт учун курашиб яшашни ўзига энг олий ният қилиб олади.

Навоийнинг бу хонадонда истиқомат қилишини Амир Султон Ҳасан Архангийнинг ўғли шоир Мирзобек эшитиб, уни йўқлаб келади. Мирзабекнинг отаси ва Ғиёсиддин Кичкина бир вақтлар қадрдон биродар эдилар. У Алишерни зиёфатга чақириб, уни Аҳмад Ҳожибек, ҳатто, Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзога манзур қилмоқчи эканлигини айтади.

Бироқ бу соф инсоний муносабатларга асосланган режадан Султон Абусаид Мирзонинг кишиси — Шакур Мирзо хабар топиб, ғоят ташвишга тушади. Навоийни қандай бўлмасин Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзо илтифотига сазовор этмаслик учун бутун имкониятларини ишга солади. Бу орада Аҳмад Ҳожибекнинг йўлланма мактуби туфайли Навоий Чокардиза маҳалласидаги фақиҳ Хожа Абулайс мадрасасидан бошпана топишга муюссар бўлиб, кейинчалик унинг оталарча меҳр-муҳаббатини қозонади. Алишер Хожа Абулайс раҳнамолигига кўра, араб тили, аруз, мантиқ, фикҳ каби илмлардан ташқари, Хожа Уҳд Мастунийдан фалакиёт, Алоий Шошийдан муаммо назариясини, Қутб Канафийдан табобатни, Улуғбекка ҳамсабоқ бўлган Муҳаммад Олимдан яна қатор илмларни ўрганиши лозим эди. Шу тариқа Алишер Навоийнинг мутафаккир аллома бўлиб етишувида Самарқанд илмий

адабий муҳитининг ҳал қилувчи аҳамияти романда тарихан аниқ бадий лавҳаларда ишонарли акс эттирилади.

Навоийнинг Самарқанд даври ҳаёти ва фаолияти ижодий, илмий суҳбатларга ўта бойдир. Бунинг сабаби, авваламбор, Самарқанд узоқ йиллар давомида Шарқнинг адабий-илмий марказига айланган шаҳар эканлигида. Шунинг учун ҳам Навоий бу муҳитга ўта чанқоқлик билан шўнғиди. Иккинчидан, Навоийнинг ўзи ҳам Самарқанд шеър ва илм аҳли учун маълум маънода ўз қарашлари, истеъдоди билан янгилик эди. Бу ҳол Навоийни янги шеър ва илм аҳлига тезда сингиб кетишига асосий сабаблардан бири бўлди.

Навоий Хожа Абулайс мадрасасида Бадиий, Сафойи, Ҳаримий, Нодир Марвазий, Бакоий Хоразмий каби талабалар билан қалин дўст киришди: уларнинг самимий ихлос ва ҳурматига сазовор бўлади. Гарчи, илми адабда Навоийнинг устунлиги сезилиб турса-да, у ҳеч қачон ҳаволаб кетмас эди, ўзини бошқалар билан тенг тутарди. У ҳаққоний мақтов этишган пайтларида ҳам:

Азизлар, сўзингиз жонимга малҳам,

Вале олқиш бирла қилмангиз мулзам 1), -

деб ширигина жавоб бериб кўярди.

Муаллиф Навоийнинг хатти-ҳаракати, ўзгаларга муносабати, ҳатто сўзлаш йўсинида ҳам унга хос бўлган табиий камтарлик хислатини доимо диққат-эътиборида тутди.

Алишер Навоий романда тавсирланишича, шаҳар илм ва шеър аҳли, мадрасадон дўстлари билан ҳам фикр бўлиб кетгандан кейингина ўзини Самарқандлик деб ҳис эта бошлайди, у самарқандликларнинг

1). Шукуҳли карвон, 88-бет.

мурувватига, улкан меҳрига фахр билан таъзим этади: дўстлари

Мирзобек:

Мавлоно Навоий, унутманг вале,

Бул давра шукуҳли Ҳирӣ туфайли.

Навоий:

Азизим, Навоий дилбандлигдур,

Билсангиз, ул эмди самарқандлигдур (89-бет)

Ўзга юртдан келиб, қаерда, фалон шаҳарда мусофир бир кимсанинг обрӯ-эътибор топиб кетиши ҳамма вақт аҳли жамоанинг муайян қисмида эътироз тугдирган ва тугдиради ҳам. Бу гал Навоийга нисбатан ҳам шундай бўлади. Унинг обрӯсини Самарқанд аҳли аро сарбаланд бўла бориши айрим кишиларга еқмас эди. Дейлик, шаҳар доруғаси Аҳмад Ҳожибек Алишерни йўқлаб, унга Сарҳовуз даҳасидан ҳовли инъом этиб, эғнига зарбоф тўн кийгизиб, қўлига барқут ҳамён тутқазганидан, вазир Шакур Мирзо чидаб туролмайди. У Аҳмад Ҳожибекка қараб:

Ҳазрати, товачи келиб Ҳиротдин

Огоҳ этди бизни сир-синоатдин.

Навоий Ҳиротдин қилинмиш ихрож,

Ки ўтлуғ сўзига эл эмиш муҳтож, - (96-бет)

дейди.

Аҳмад Ҳожибек эса Навоий сўзини (ғазалларини) аҳли Самарқанд қанча севса шунча яхши деб, унинг иғволарига мутлоқ эътибор бермайди. Бу мағлубиятдан кейин вазир Шакур Мирзо Муҳсин Саркор, бош миршаб Зокир Али, зиндонбон Мир Аҳмад, сарой шоири Файз Маҳмуд ва бошқа ўзига тобе кимсаларни йигиб, пинҳона машварат

ўтказди. Файз Маҳмул Навоийга айғоқчи этиб, уни боргоҳдан узоқлаштириш, Аҳмад Ҳожибекни эса шоҳга ёмон отлиқ қилиш билан шуғулланиш учун тайин этилади. Бу қора гуруҳлар буюк шоирнинг халқчил ниятларини ғазаллари туфайли эл орасида ёйилиб кетаётганидан кўрар эдилар.

Улар, ана шу ягона ният йўлида бирлашадилар. Навоийдан уларнинг биронташи ҳам шахсий ғараз кўрмаган бўлсалар-да, ҳасаднинг тубида доимо яширин ётган асрий иллат уларни ягона нуқтада бирлаштиради. Бу барча ва маконларда бирдек амал қиладиган руҳий ҳолатдир.

Ҳусайн Бойқаро билан Навоий ўртасида маълум алоқалар содирлиги ҳам романда ўзининг ишонарли ифодасини топган. Навоий шубҳасиз, "дағал ва тундху" Абусаид ўрнида "ҳар нечук адолатпарвар, теурийлар аро моҳир суҳанвар" Ҳусайннинг тахтга чиқишига тарафдор эди. Чунки унингча:

Хуросон мулкига шоҳ бўлса шоир,

Балки эл қалбидан терар жавоҳир. (113-бет)

Романдаги воқеалар силсиласида шу нарса ҳам диққатга сазоворки, муаллиф Фазлуллоҳ Абулайснинг қисқа бир лўқмаси орқали Ҳусан Бойқаронинг подшоҳ бўлишига фақат Навоий эмас, балки Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолисининг катта бир қатлами ҳам тарафдор эканига ўқувчини ишонтира олган:

Ҳусайн Мирзодек чапдаст баҳодир

Хуросон мулкида ёвқур, танҳодир.

Ул Султон шамширин синдирмаса гар,

Улуснинг қонидан замин ранг олар (133-бет)

Восит Саъдулланинг "Салтанат ларзада" драматик достониға нисбатан "Шукуҳли қарвон"да Навоийнинг Султон Абусаид Мирзо

ҳокимиятига нисбатан муносабати очиқ рӯй-рост ёритилган. Бу муносабат, воқеалар моҳиятидан англашилгандек, катта тарихий ижтимоий аҳамият касб этиб, шахсий адоват чегарасидан чиқиб кетади.

Абусаид Мирзо тинимсиз урушлари туфайли халқнинг тинқасини қуритиш билан чекланиб қолмай, Улуғбекнинг онаси бегуноҳ Гавҳаршодбегимни, неваралари Мирзо Аҳмад, Мирзо Абдураззоқ, Мирзо Маҳмудларни қатл этиб, халқнинг нафратига йўлиққан эди. Худди шу ўринда Алишер образининг яна бир қирраси ялт этиб кўзга ташланади " у халқни Ҳусайн қўллаб-қувватлашга тарғиб этади:

Султон Абусаид қурган салтанат

Шаънига замонлар ўқиган лаънат.

Адолат нурига эл эрур муҳтож,

Одил бир подшоҳга муҳтож тахту тож.

...Мирзо Ҳусайнга улус қўшса бош,

Балки осойишта, ул бўлгай нурпош (136-бет).

Амир Архангий, Аҳмад Ҳожибеклар таъсирида бўлган Султон Аҳмад Мирзо (Абдусаднинг ўғли) эса кейинги воқеалар таъсирида ташвишда эди. Чунки халқ оммасигина эмас, балки илгари отасига мойил бўлган айрим беклар ҳам марказий ҳукумат сиёсатидан норози эдилар. Айёр Шакур Мирзо ҳоким ана шундай мураккаб руҳий талотумда эканлигида унга: "Ғалаёнчи халқнинг бошлиғи Ҳусайн Бойқаро, У Алишердан дастур олиб туради. Навоийнинг тоғалари ҳам Бойқаро хизматида", - деб тилеғламалик қилади. У яна:

Навоий деганда аҳли Хуросон

Бойқаро яловин тутар бегумон (139-бет)

дейиш билан ҳокимдаги иккиланиш шубҳасини авжга миндиради.

Лекин Султон Аҳмад Мирзо барча туғилган шубҳаларни ақл-идрок билан муқояса қилиб, вазирнинг хиёнаткорона таклиф ва йўл-йўриқларини рад этади. Навоийнинг қобилияти, ҳақгўйлигига тан беради. У, ҳатто, Навоийнинг туркча, янги "Хамса" битиб, бутун Шарқда шухрат қозонишига ишонади:

Туркона "Хамса" га у урса қалам,

Не ажаб, қошида бош эгса олам! (148-бет).

Дарҳақиқат худди шу даврларда, Самарқанд Навоий онгида туркча "Хамса" битиш ғояси туғилган эди. Ҳожи Абулайс мадрасасида икки йил таҳсил кўриб, Алишер Навоий хатми қутуб қилади. Устози Абулайс унга:

Улуғбек мактабин сабоғини сиз

Қорачиғ сингари асранғиз гардсиз.

Сиз олган илмдан баҳра топса ким,

Калидини тутгай илкига тилсим.

Шарафли мактовга лойиқ эурсиз... (155-бет)

дея оқ фотиҳа беради. Бу оқ ният, оқ фотиҳа Алишернинг Улуғбек илмий оламининг, у қолдирган оламшумул мероснинг етук вакили эканлигига шаҳодатнома эди. Алишер Навоийнинг Самарқандда кўп қиррали билим эгаси, шухратли даҳо шоир бўлиб отишганлигига, тан олинганлигига изҳори дил эди.

"Шукуҳли қарвон" романининг иккинчи қисми Султон Аҳмад Мирзонинг, ҳатто пойтахт Ҳиротни ҳам ҳайратга солиб, Алишер Навоийга расмий равишда "Чифатой амири" лавозимини берилиши тантанаси тасвири билан бошланади. У Алишерга амирлик либосини кийдира туриб айтади:

Мавлоно Навоий, сизни Самарқанд

Бошингиз силамиш фарзанди монанд.

...Боргоҳ остонида топгайсиз қадр,

Чигатой улусга бўлгайсиз амир (161-162-бетлар)

Навоий амирлик лавозимига эришгач, Амир Низомиддин Шайхим Сухайлий кабиларни саройга тортади, илм ва шеър аҳлига ҳомий сифатида эзгу ишлар қилади, жангоҳлардаги бечораларга нажот беради, деҳқонларнинг бошини силайди. Навоийнинг бундай хислатлари у ҳақдаги қатор адабий асарларда ҳам қайта-қайта акс эттирилгани учун бу хусусда батафсилроқ тўхталиб ўтирмаймиз. Шубҳасиз, Навоий ҳақидаги асарларда қайта-қайта акс эттирилган воқеа-ҳодисаларни шоир Барот Вайқобилов айнан такрорламайди. Уларни ўзига хос услуб йўналишида талқин этади. Бироқ ҳаммасининг вазифаси бир нуқтага — Навоийнинг инсонпарварлик, эл-улус осойишталиги ҳамда мамлакат равнақи йўлидаги фаолиятини бадиий талқин этишга йўналтирмаган. Ҳаммасида ҳам асосий муддао — битта.

Шунга қарамасдан "Шукуҳли карвон" романида акс эттирилган бир воқеага муносабат билдирмасдан, уни тадқиқ этмасдан бўлмайди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Амир Архангий Султон Аҳмад Мирзо салтанатининг устунларидан бири эди. Айни пайтда у доруға Аҳмад Ҳожибекнинг ҳам суянган тоғи эди. Унинг ўғли Мирзобек эса маърифатли амирзода, ғоятда хушқалом шоир сифатида эл-улус орзига тушган эди. Вазир Шакур Мирзо бора-бора ўз мансабимни Мирзобек эгаллаб олади, деган таҳликага тушади. Шу мақсадда у шоир Файз Маҳмуд уйида бўлган бир базмда уни заҳарлашга муваффақ бўлади. Бу сирни муғбача (даврада жом тарқатувчи) элга ошкор қилади. Натижада, бу қабих қилмиши учун Шакур Мирзо Самарқанд ҳокимининг амри билан зиндонга ташланади. Кейинчалик эса, Шакур Мирзо, Файз

Махмуд ва Соқий (мурбача эмас)лар қатл этилади. Бу Самарқанддаги илғор фикрли кишиларнинг зулмат устидан қозонган илк ғалабаси эди. Навоий ва унинг тарафдорлари бошларининг Мовароуннаҳрдан сарбаланд бўлиши эди. Бу Абусаид Мирзо ҳукмронлигининг инқирозга юз тутиши эди.

Визнингча, асарга яна бир эпизод ўринли киритилган. Ҳусайн Бойқаро тахт-тож учун курашларда бир гал қаттиқ зарба еб, умидсизлик гирдобига тушган пайтда доранда унга Навоийдан мактуб келтиради. Мазкур мактуб муаллиф томонидан Навоийнинг "Қасидаи ҳилолия" асари мазмунидан фойдаланиб ёзилган. Мактубдаги давлат руҳи умидсизлик шаҳзодани ғайратга чорлайди. У руҳан тетикланиб, хатининг мазмунидан ҳатто жанговарлиги сўна бошлаган, пароканда кўшинини ҳам огоҳ этади:

Сизни дуо этмиш амир Навоий,

Дуо бирла бермиш фармони олий:

"Ул мулк ҳисори фатҳи насиб қилсун,

Ҳирийда адолат офтоби кулсун".

Мавлоно Навоий орзусин бажо

Этмаклик, азизлар, олий муддао.

Биз танҳо эмасмиз, Навоий бордур,

Навоийга муштоқ эл бизга ердур... (232-бет)

Тарихий нуқтаи назардан шоир В.Войқобиловнинг шундай йўл тутиши тўғрими, тарих ҳақиқатига зид бормаганми, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, 1469 йилга келиб, Навоийнинг шуҳрати бутун Хуросонда овоза бўлган эди. Бу — тарихий ҳақиқат. Навоий ўз дўсти, мактабдоши сиймосида, энг аввало, шоир ва шоҳни биргаликда, бир бутун тарзда тасаввур этар эди. Шунинг учун ҳам

муаллиф томонидан бундай мадад воситасининг қўлланиши тўлиғича ўз-ўзини оқлаган.

Бу воқеа тасвирида Хусайн Мирзо томонидан Ҳирот тахтининг эгалланишида Навоийнинг жуда катта ҳиссаси борлиги аниқ сезилиб туради. Чунки Навоийнинг Хусайн Бойқарога тарафдорлиги фақат орзугина бўлиб қолмай, балки у муайян тарихий-ижтимоий моҳиятга ҳам эга бўлган.

Демак, Алишер Навоий сиймоси Абусаид Мирзо истибдодига қарши курашувчи кучларнинг ташкилотчиси, илҳомчиси, ғоявий йўналтирувчи тарихий шахс даражасига кўтарилганлигини ҳам алоҳида таъкидласак хато қилмаймиз. Бу эса, бизнингча, асарнинг жуда катта ятуғидир. Бу ўринда биз Навоийни исёнчи ёхуд исёнчиларнинг раҳнамоси деб ҳукм чиқаришдан йироқмиз. Гап фақат ният ва мақсадлар умумийлиги устида борапти. Навоий эса ўз мақсадини амалга ошиши йўлида доимо собит бўлган.

Алишер Навоий Самарқандда яшаса ҳам, Абдусаид Мирзонинг Амир Султон Барлос, Амир Аҳмадиёр каби саркардалари кўмаги остида Эронга ҳужум қилмоқчи эканлигидан хабардор эди. Шоир бутун Хуросон халқининг тинкаси қуриганини, лашкарнинг ҳам Абусаиддан норозилигини ўта яхши билар, доно ҳарбий мутахассис янглиғ, теран тушунар эди. Шунинг учун ҳам Навоий ўз дўстини фурсатни қўлдан бермасликка, фаолиikka чақирар эди. Алишернинг сиёсий воқеаларга синчковлик билан берган баҳоси тўғри чиқади. Қорабоғда (Озарбайжон) Узун Ҳасанга қарши жанг пайтида сипоҳлар Султон ва унинг амирларини ўлдириб, урушдан бош тортадилар. Уларнинг кўпчилиги Хусайн Бойқаро лашкарига бориб қўшилади. Хусайн янги теурий Султон сифатида тантанавор равишда Ҳиротга киради.

Султон Ҳусайн Мирзо Ҳирот тахтини эгаллагандан кейин қилган энг яхши бир иши шуки, у Абусаидга тобе бўлган ерларни, жумладан, Самарқандни эгаллашга шошилмади, Султон Аҳмад Мирзога эса даҳлсизлик инъом этди. Ундан фақат Алишер Навоийни юборишни сўраб, хатти маншур юборди, холос. Самарқанд Султони эса ўз навбатида бу илтимосни бенаму кўст ниҳоясига етказди.

Роман муаллифи Навоийнинг Ҳиротга қайтишини қуйидагича рамзий-мажозий талқинда беради:

Табарруқ заминда туғилган "Хамса"

Буюк эл меҳрига йўғрилган "Хамса".

Бешикни тарк этган гўдак сингари,

Тетапоя қилмиш Хуросон сари (266-бет)

"Шукуҳли карвон" шеърий романи китобхонни Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти билан чуқур таништиришда қимматли бадий омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Асардаги бу фазилатни яхши ҳис қилиш учун ўқувчидан ҳам муайян синчковлик, тарихий тайергарлик, ундаги бадий ишораларни аниқ ва теран фаҳмлай олиш талаб қилинади. Унга шеърий асарга бўлган муносабат ила ёндошиш керак. Асарда муаллиф Алишер Навоийнинг Самарқандда етук шоир ва олим, Султон Абусаид Мирзонинг зулмкор салтанатига қарши курашнинг етук вакилларида бири сифатида вояга етганини, уни тадбирли амир сифатида халқ учун, илму фан учун эзгу ишларни амалга оширганини, туркий "Хамса"нинг биносига худди шу ерда тамал тоши қўйганини бадий жиҳатдан ишонарли тасвирлаб бера олган.

Унда Алишер Навоий шахсиятига хос камтаринлик, ўзлигини оёқости қилмаслик, ўзбек юрти ва бу юрт халқларига нисбатан самимий ва оташин меҳр, устозлар ўғитига содиқлик, ота-она,

умуман аждодлар руҳини табаррук билиш каби ахлоқий, маърифий хислатларнинг бадиий талқин этилиши унинг аҳамиятини янада оширган. Қонли урушларни қоралаб чизилган рамзий, фалсафий йўналишдаги поэтик тасвирлар эса романга ўзига хос замонавий руҳ бахш этган. Муаллиф тарихий ҳақиқатни таъсирчан бадиий ҳақиқатга айлантиришда ҳам, кўриб ўтганимиздек, муайян ытуқларни қўлга киритган.

Бизнингча, асарнинг хотимасида берилган "Ташаккур сенга, эй, муқаддас шаҳар" сатрлари билан бошланиб "Турфа оҳангларда сўзим янградим" мисраси билан тугалланувчи қисм ўта баландпарвоз, асосий сюжетга алоқасиз чиқиб қолган. Муаллиф ундан воз кечса, фақат ютади, холос.

Агар романнинг умумий камчиликлари устида гап кетса, биз, аввало, ундаги сюжет ва композицион заифликлар ҳақида гапирган бўлардик. Шоир Алишернинг Самарқанддаги ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча тарихий, адабий ва ривоят йўсинидаги материалларни сараламасдан, муҳимни номуҳимдан ажратмасдан романга битта ҳам қолдирмай киритишга ҳаракат қилади. Дейлик, Алишернинг бир гадодан "Кўкрагимдир субҳнинг пироханидан чокроқ" мисраси билан бошланувчи байти сотиб олиш воқеасига нисбатан кўп ўрин бериб, уни миридан-сиригача шарҳлаш, бизнингча, ортиқчалик қилади. Айрим боблар – қўшиқлар эса мушоира сифат бўлиб, воқеалар ривожига равоқ сингиб кетмайди, кечинмалар оқимиға монелик қилади. Алишернинг Ургут томонда овға чиқиш эпизоди ҳам умумий ниятдан ташқари ортиқчадир. У эпизод асардан тўлиғича олиб ташланса ҳам, асосий воқеалар силсиласида узилиш содир бўлмайди.

Бироқ бизнинг тадқиқотимизнинг мақсади романда Алишер образини

талқин этилишини кузатиш бўлганлигидан, булар ҳақида батафсил гапириб ўтирмаймиз. Алишер Навоийнинг Самарқандаги даври ҳаёти талқини масаласига келсак, шоир Барот Бойқобилов уни тарихий-бадий йўналишда санъаткорларга хос оригинал юзага чиқара олган.

Шеърӣ роман Навоийнинг мазкур давр ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган. қатор насрий асарлардан, инсоф юзасидан мулоҳаза юритганда, ишонарли ҳам таъсирчан тадқиқ этилган. "Шукуҳли карвон"даги бадий-тарихий тадқиқ, айниқса, янги-янги тарихий шахсларнинг Навоий шахсияти билан алоқадор воқеалар атрофига тортилиши ҳам ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг баркамолликка эришган даврини бадий адабиётда тарихан ишонарли тадқиқ этиш қанчалик муҳим ғоявий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлса, унинг ешлик даврини еритувчи чинакам бадий асарлар ҳам ўзининг маърифий ва эстетик таъсир қуввати жиҳатидан шунчалик эътиборга лойиқдир. Чунки бундай асарларни ўқир экан, айниқса, еш китобхон Буюк Алишернинг ешлик давлари хусусида билимга эга бўлибгина қолмай, балки ўтмишнинг ўзига хос шукуҳи, унинг ибратомуз, шунингдек даврлар ва халқлар рад этган қабихликларнинг сирларидан воқиф бўлишида. Натижада, китобхонда турли тарихий-ижтимоий босқичларда содир бўлган ҳамда ҳозирда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, тақдирларни муқояса қилишга, уларни муайян нуқтаи назардан баҳолашга имкон туғилади. Бундай ҳол, айниқса, тарихий Буюк шахслар ҳаётига оид асарларни ўқиганда тез-тез содир бўлиши табиий. Буюк Навоийнинг ешлиги кечган тарихий-ижтимоий давр, айниқса, бўлғуси даҳонинг ешлиги ҳақидаги асарлар ҳам ўқувчида

ана шундай табиий қониқиш ҳиссини уйғотади. Ёзувчи С.Айнийнинг Улуғ Ватан урушидан олдин "Навоийнинг болалиги" номи билан туркум ҳикоялар ёзганлиги ҳам ана шу жиҳатдан фоят қизиқарлидир. Л.Г.Бать "Ҳаёт бўстони", М.Осим "Зулмат ичра нур" қиссаларини Алишернинг болалик йиллари тасвиридан бошлаганлар. Адиб Ойбек эса ижоди камолат сари ўтаётган бир даврда "Алишернинг ёшлиги" номли қисса яратади. Олдинги саҳифаларда кўриб ўтганимиздек, шоир Б.Бойқобилов Алишернинг Самарқанддаги ҳаёти ва илмий-адабий ижтимоий фаолияти ҳақида "Шукуҳли қарвон" романини ёзиб, катта хайрли ишни амалга оширди. Роман халқимиз томонидан умуман яхши кутиб олинган, сўнгги 1981-1983 йиллар мобайнида шоир Б.Бойқобилов Алишернинг ёшлиги мавзусини нисбатан катта планда — шеърӣ роман доирасида ёритиб, яна бир эзгу ишни амалга оширди. Алишернинг ёшлигини катта тарихий-ижтимоий ҳаёт, унинг тинимсиз зиддиятлари билан узвий алоқадорликда ёритган бу роман "Нотинч Хуросон" 1) деб аталади.

Роман муаллифи ўз асарини ҳужжатлиликка (документализмга), тарихийликка тўлиқ амал қилган ҳолда ёзди. Агар романда тўқима образларни (улар кам) гавдалантиришда ижодий тахайюл ўта жоиз бўлиб қолганда ҳам шоир фақат тарихий қайдлар, ривоят-ҳикоятлардан фойдаланади, уларни ўз мақсадига мувофиқ равишда бадиий талқин этади.

Олдиндан шуни ҳам айтиб қўйиш жоизки, шоир Б.Бойқобилов Алишернинг ёшлиги ҳақида жаҳонга машҳур Ойбек, Айний каби санъаткорлар қалам тебратган бўлганига қарамай, "Ўз Навоий"сини

1). Б.Бойқобилов. "Нотинч Хуросон". Тарихий-шеърӣ роман. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

ярата олди, Филология фанлари доктори, проф. А.Хайитметов романга езган кириш сўзида тўғри таъкидлаганидек, асар муаллифи: "...Улугбек, Ардашер, Лутфий, Мирхонд, Шарафуддин Али Яздий, Пахлавон Муҳаммад кабиларнинг ёқимли инсоний образларини ҳам Навоий билан боғлаб ранг-баранг ҳаётий эпизодлар, учрашувлар орқали чизади. Тўғрироғи, бу тарихий шахсларни автор ўз ижодий фантазияси билан янгидан жонлантиради.

...Хусусан романдаги Навоийнинг ота-онаси ҳақидаги саҳифалар янгилик. Чунки бу вақтга қадар ҳеч ким улуг шоирнинг ота-онаси ҳақида бу қадар эпик кўламда ҳикоя қилмаган 1).

Асар муқаддима ва хотимадан ташқари, ҳар бири йигирма кўшиқдан иборат бўлган "умр фусулининг навбахори", "Ҳаёт гулшанининг шукуфа ва гулзори", "Йигитлик чашмасорининг ҳаётбахшлилигининг оғози" сарлавҳали уч қисмдан ташкил топгандир.

Биринчи қисм Алишернинг ҳижрий 844 йилда Хиротда таваллуд топиши воқеасини тасвирлаш билан бошланади.

Алишернинг отаси Амир Ғиёсидин Муҳаммад Баҳодирга гўдакнинг туғилганлиги ҳақидаги хушхабарни қайноғаси Муҳаммад Али етказади. Муҳаммад Али шеър машқ қилувчи фозил киши бўлгани учун ҳам "ўғил тоғасига ўхшайди" деган ўзбек удумига амал қилиб, гўдакнинг исмини Алишер деб аташга изн сўрайди.

Алишер тилга кирганданок бийрон, ҳамма нарсага қизикувчан бўлади. У тоғаси билан боғда сайр этар экан, уни лол қолдириб:

Не хусусда куйлар булбул тинимсиз,

Нечун шохдан-шохга ўтар, кўнимсиз?

Қушлар ўз тилида не деб сўйлашур,

1). Қайд этилган асар, 11-бет.

Балки одам каби қушлар ўйлашур?

каби саволлар беради. Барча жонзод одамга ўхшайди, деган жавобни эшитгач, эса:

Йўқса, ўқ узишар қушларга нечун?

Нечун толейини этишур забун?

деб тоғасини тамоман довдиратиб қўяди. Алишер тоғасидан бағри тош кишилар қушларга эмас, балки бир-бирларига ҳам ўқ узишларини эшитиб, чуқур хаёлга толади.

Еш Алишернинг характериға, табиатига ранг-баранг кўриниш ва воқеа-ҳодисаларга шайдолик билан бирга муносабатдаги собитлик ҳам хос эди. У Шохрух Мирозонинг: "Алишербек, отурсен камон?" деб берган саволиға:

Фикрат камонидан ўқ отгум, аммо

Илму назм этмиш фақирни шайдо (133-бет)

деб жавоб беради.

Алишер мактабда Хусайн билан бирга "билимни одобга омухта" қилиб таълим берадиган хушфезъл домулло қўлида таълим олади. Асли самарқандлик бўлган кекса найсоздан най чалишни ўрганади. Ана шу даврдан бошлаб унда барча билимларни эгаллашга иштиёқ, назмни ўзгача бир шукух, қониқиш била ҳис қилиш бошланади.

Лекин Алишернинг ешлик дамлари ана шундай хушчақчақ онлардангина иборат эмас эди. У зулмга қарши бош кўтарганларнинг шафқатсизлик билан осилиши манзарасини кўради. Эҳтимол унинг мурғак тасаввурида илк бор золим шоҳ ва яхши кишилар ҳақидаги тасаввур ана шунда палак езгандир:

Буважон, қизғанур маҳбусларни эл,

Қаранг, кўзларига, еши бўлмиш сел.

Аларнинг ҳолига йиғлайди шаҳар,

Шунча бағри тошми шоҳнинг, алҳазар! (55-бет)

У саройда Хонзодабегим шарафига Ферузабегим томонидан берилган зиёфатда онаси Маъсумабегим билан иштироқ этиб, шўх рақслар, пурзавқ куйларга мафтун бўлади. Шу билан бирга, у Абдуллатиф Мирзонинг Улуғбек шаънига айтган беандиша сўзларини ҳам эшитади. Шоҳ ва олим Улуғбек шахсига бўлган икки хил муносабат уни ўйлаб қўяди. Асарда Алишернинг Улуғбек билан (рамзий маънода) учрашуви ҳам акс этган. Улуғбек Алишердан:

Ёлдузлар шивирлар шеър айтиб менга,

Илҳом парсидек сир айтиб менга —

деган сатрларни тинглар экан, унинг шухратли шоир бўлиб етишувига ишонади.

Улуғбекдек буюк мутафаккир олимнинг, мабодо бу учрашув реал содир бўлганда, ўзгача йўл тутиши мумкин ҳам эмас эди. Шоир Улуғбекнинг бир умрлик фаолияти моҳиятидан келиб чиқиб ана шу шартли учрашув эпизодини ўта ўринли ва мақсадга мувофиқ қўллаган.

Еш Алишер характериға хос асосий хусусиятни белгилашда Улуғбек Самарқандга қайтгандан кейин Хуросонда содир бўлган нотинч аҳвол ҳақида шоир билан Ҳусайн ўртасида бўлиб ўтган бир суҳбат алоҳида диққатга молиқдир. Ҳусайн:

Парво қилма, кимнинг илқудир баланд,

Ўшани бу дунё этар сарбаланд.

Алишер:

Нечун парво қилмай, нечун турай жим,

Дунё зўрники, деб ким айтмиш, дўстим?

Дунё — рамзий эрса, тахту тож агар,

Нечун подшоҳ бўлмас адолатпарвар?
 Қўли қисқа эмас, улуснинг — узун,
 Соҳиби рой бўлса-да, қудрати фузун,
 Эл агар чиқарса бир еқадан бош,
 Тоғлар ҳам зарбига беролмас бардош (81-бет)

Бу еш Алишер онгида кўрган воқеалари, уйда, саройда турли кишилардан эшитган гаплари, баъзи мулоқотлари таъсирида шакллана бошлаган собит эътиқоднинг илк куртаклари эди. Булар унинг то ҳаётининг сўнггича янада бақувват тортиб, такомиллашиб борди.

Романда тасвирланишича, еш Алишер Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарини ҳам бошқалардан ўзгача, қандайдир ўзига хос бир нуқтаи назар асосида мутолаа қилади:

Болалик дунёсин тарк этган мисол
 Ҳаётдан қушларга излайди тимсол.
 Қушлардек иноқмас, дейди, эл нечун?
 Нечун худхуд янгилик сардор йўқ бугун?
 Элни қовуштирса, ким топиб бардош,
 Улусга худхуддек бўлса қайғудош (95-бет).

Ўқувчига еш Алишернинг бугунги кун талаби билан бундай мулоҳаза яритиши ғайритабиий туюлиши мумкин. Шундай туюлиши табиий ҳам. Чунки биз ўқувчини инсон тафаккур қудрати бесарҳадлигига ҳали тўлиқ кўниктира олганимизча йўқ. Инсон қудратига ишонмаслик касали ҳам шундан келиб чиқади.

Романнинг иккинчи қисмида еш Алишернинг отасининг вафот этиш, унинг энди улусни ўзига ягона суянчиқ, деб билиши билан бевосита алоқадор воқеалар қаламга олинади.

Кўриниб турганидек, Алишер ўсмирлик йилларидаёқ шахс

(индивидуум)нинг бахти, тақдири халқ бахти ва тақдири билан вобастадир, деган ягона тўғри фикрга келади.

Муаллиф нуқтаи назарича, Алишер Абулқосим Бобур Мирзо вафотидан сўнг хафсаласизлик қилаётган Хусайнни Ҳирот тахтини эгаллашга ташвиқ этувчи сифатида фикрлай бошлаган, мулоҳаза юритган:

Афсус, минг афсуски, сизга Хуросон

Умид кўзин тикиб, боқмиш нигорон.

...Ҳирийга керакдур адолатли шоҳ,

Қудратли раҳнамо, саодатли шоҳ! (185-186-бетлар).

Шубҳасиз, ёшликда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Ваъзан баланд-парвоз романтик хаёллар ёшликнинг асосий таянчи ҳам бўлади. Бироқ ёш Алишерга тахт учун курашга чорлашнинг нисбат берилиши тарихан нотўғридир.

Романнинг учинчи қисмида Алишер тилидан Хусайн Бойқарога ёзилган мактубда ҳам айнан шу ҳолатни кўрамыз:

Абусаид зулми топмаса барҳам,

Ҳирот жаннат эмас, бўлгай жаҳаннам.

Улусни зулмдан қутқармоқ даркор,

Ҳалокат домида Хурсон ночор (233-бет).

Алишер Хусайн Бойқаро учун тахтни эгаллашнинг бирдан-бир йўли халқнинг ишончини, ҳурматини қозонмоқ деб тўғри тушунганлигининг талқинида ҳам яна шу тарихан нотўғри муаммога дуч келамиз.

Романнинг ниҳоясида Алишернинг Абусаид Мирзо саройига чақирилиши, шоҳ эса унга ўз жанговар (тўғриси, хунрезлик) қришларининг назмий тарихини ёзишни буюриши, лекин шоир бундан усталик билан бўйин товлаши ғоятда таъсирчан акс эттирилган.

Алишер катта журъат билан хунрез ҳукмдорга шундай дейди:

Бир қошиқ қонимдан кечинг, ҳазратим,
Одил сўзни деяр фақир журъатим,
Қон тўкмоқ ва этмак юртларни вайрон
Ҳукмдор номига келтирмагай шон.
Жаҳонгир бўлмакни айламанг орзу,
Уруш — ширин ҳаёт жонида оғу.
Мулки Хуросонни обод этинг сиз,
Боғлар барпо қилинг ва экинг ниҳол,
Ариқлар қазитинг, оқсин шух эилол.
Улус яйраб юрсин боғлар аро маст,
Ободон юмушга жон этсин пайваст,
Ўшанда номингиз дoston бўлғуси,
Фақир назмига ҳам имкон бўлғуси. (125-бет).

Мазкур шеърий парчага кичик бир эътирозимиз, у ҳам вазиятнинг В.Саъдулланинг "Хуросон юлдузи" ("Салтанат ларзада") драматик достонидаги кўринишга ўхшаб кетиши ҳамда Навоий раддиясининг жуда-жуда дostonдаги раддияга ҳамоҳанглигини алоҳида таъкидлаб қўйишдир. Аслини олганда, Алишер ҳукмдорга ўзгача йўналишда жавоб ҳам бера олмас эди. Вазият шуни тақозо этар эди. Унинг дилидаги "инсонлик ҳақиқати" (Н.А.Добролюбов ибораси) шунигина бухрар эди холос.

Алишер шахс сифатида ҳам ҳайратомуз даражада латиф, неқният инсон бўлган. Шунинг учун ҳам у Абусаид Мирзога аччиқ, аммо беғараз жавоб қайтаради. Унинг бу "қилмиши", устига-устак унинг Хусайн Бойқаро билан дўстлиги, Бадахшон кўзғолончиларига хайрихоҳлиги каби "гуноҳлари" билан қўшилиб, шоирнинг Самарқандга

сургун бўлишига асосий сабаб бўлган.

Кўздан кечирганларимиздан маълум бўладики, шоир Б.Войқобилов "Нотинч Хуросон" романида еш ва ўспирин Алишер характерининг шаклланиши ва такомиллаша боришини бадий-тарихий тадқиқ этишда муайян ютуқларга эришган. У "Ўз Алишерини" яратиш ниятини нисбатан амалга ошира олган ҳам. Бироқ "Нотинч Хуросон"да ҳам "Шукуҳли қарвон"га хос бўлган қатор қачиликлар (биз уларни "Шукуҳли қарвон"га бағишланган саҳифаларда кўрсатганимиз) яна такрорланади. Бундан ташқар, "Нотинч Хуросон"даги қатор эпизодлар - масалан, еш Алишернинг саройда ташкил этилган зиёфатда Абдулатиф томонидан Улугбек Мирзога ифво уюштирилишини эшитиши, кўзғолончи халқ вакиллариининг дорга осилиши воқеасининг шоҳиди бўлиши ва ҳоказолар - Ойбекнинг "Алишернинг ешлиги" қиссасидаги эпизодларга жуда-жуда ўхшаб қолган. Хатто дор воқеасидан таъсирланган Алишернинг сўзлари бир муаллиф томондан ёзилганга ўхшайди: Қиссада:

-Тақсир, тўғри айтурсиз, тушундим. Одамларга разм солсам, кўпчилик уларни қизғанадур, йиғлайдур (65-бет).

Шеърий романда:

Буважон, қизғанур маҳбусларни эл,

Қаранг кўзларига, еши бўлмиш сел... (55-бет)

Ва энг охиргиси ва асосийси, ҳар иккала шеърий романда ҳам маснавий тарзида қофиялаш усулидан фойдаланишга зўр бериш муаллифнинг бадий фикрлаш имкониятларини чегаралаб, муайян қолипга солиб кўрган. Натижада, бир қатор сатрларнинг маъно аниқлаштириши бузилган, баъзиларида ғалати - на бошланиши, на хотимаси йўқ шеърий жумлалар юзага келган.

Бироқ бу ва бунга ўхшаш баъзи камчиликларга қарамай, Б.Войқобиловнинг мазкур романи еш Алишер образини анча ишонарли ҳамда тарихий-бадий таъсирчан яратган асарлар сирасига кириши билан катта қадр-қимматга сазовордир.

IV Б О Б

XX ЎЗБЕК НАСРИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ОБРАЗИ ОЙБЕКНИНГ "НАВОИЙ" РОМАНИДА ТАРИХИЙЛИК ВА БАДИИЙЛИК

XX аср адабиёти тарихий шахслар образини реал, бадиий гавдалантириш соҳасида бой тажрибага ва беқиёс ютуқларга эга. А.Толстойнинг "Петр I", М.Авезовнинг "Абай", Ю.Тиняновнинг "А.Пушкин", Б.Кербобоевнинг "Махтумқули", М.Урдубоднинг "Қилич ва қалам", С.Улуғзоданинг "Рудакий" (пьеса) асарлари тарихий шахс ва муайян даврнинг ўзига хос томонларини бадиий тадқиқ этишда муҳим ижодий-эстетик ҳодиса бўлди. Шубҳасиз, мазкур асарларни бир хил мавзу ёхуд бир хил даражада ёзилган, деган нуқтаи назардан йироқмиз. Уларнинг барчасида муайян халқ ҳаёти тараққиетида ижобий роль ўйнаган ижтимоий-тарихий, маданий-маърифий ҳаётга салмоқли таъсир этган буюк тарихий шахсларнинг индивидуал характерли хусусиятлари, давлат ҳамда жамоат арбоби сифатидаги фаолиятларининг энг муҳим қирралари ёритилган. Бу ана шу тарихий асарлар учун хос бўлган муштарак хусусиятлардир. Шу билан бирга ҳар бир халқ тарихи, миллий тараққиети, муайян ижтимоий-сиёсий шароит билан мантиқий алоқадор томонлар уларда ўзига хос, қайтарилмас йўсинда акс эттирилгандир. Худди шундай муштарак ва ўзига хос томонлар М.Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" (трагедия), Уйғуннинг "Абу Райҳон Беруний" (драма), О.Ёқубовнинг "Улуғбек" хазинаси, "Кўҳна дунё" (роман), С.Абдулланинг "Мавлоно Муқимий" (роман), К.Яшиннинг "Ҳамза" (роман) каби асарларида ҳам ўз бадиий талқинини топган.

Бу насрда буюк Ойбек асос солган ижодий анъананинг мантиқий

давоми бўлиб, ўз навбатида ўзбек адабиетида тарихий шахс образининг талқини қатъий бир силсилага эга эканлигини кўрсатади. Ойбек 1944 йилда Давлат мукофотига сазовор бўлган "Навоий" романи билан ўзбек адабиетини Иттифоқ миқёсига кўтарди, уни замонавий жаҳон адабиети даврасига олиб кирди.

Тарихийлик нуқтаи назаридан "Навоий" романини XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросон ҳаётининг ойнаси дебгина таърифлаш камлик қилади. Чунки унда кўзда тутилган даврдаги географик майдон ва унда яшаган барча халқлар ва улуғларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий-маданий ҳаёти акс эттирилган. Академик шоир Ғафур Ғулом Ойбекнинг "Навоий" романининг хусусиятлари ҳақида қуйидагича

мулоҳаза билдирган: "Ўзбек адабиётига тарихий роман жанрининг киритилишида Ойбекнинг хизмати каттадир. Давлат мукофотига сазовор "Навоий" романининг яратилишида Ойбек А.Н.Толстой каби совет тарихий роман жанрининг йирик усталари тажрибаларига асосланди. Тарихий шахснинг ролини идрок этган улуғ мутафаккир Навоийнинг ҳаққоний бадиий образини яратиб борди. Ойбекнинг бу асари XV асрдаги воқеаларни – тарихий кишилар ҳаётини, ёзувчи, тарихчи олимларнинг ҳаёти ва асарларини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эгадир. Ойбек бундай тарихий реалистик роман яратишга XV асрга тегишли тарихий материаллар, турли-туман ҳужжатлар ва фактларни тўлиқ ўрганиб чиқиш туфайли эришди. Бу асарда Ойбекнинг ёзувчилик қобилияти билан бир қаторда унинг олимлиги ҳам ўз аксини топди" 1).

1). Кўчирма У.Шокировнинг "Замон нафаси ва образ" рисоласининг 67-саҳифасидан келтирилди (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1980).

Муаллифнинг мазкур асари ҳақида адабиётшунослик ва адабий танқидда юзлаб мақолалар, илмий-тадқиқот ишлари мавжуддир. Лекин бу ўринда биз тадқиқотимизнинг йўналиш моҳиятидан келиб чиқиб, романга тааллуқли барча илмий-тадқиқот ишларига муносабат билдириб ўтишни ортиқча деб ўйлаймиз. Фақат зарур бўлган ўриндагина баъзи илмий мақолаларга мурожаат этамиз, уларга тадқиқотимиз мавзуси билан алоқадор ҳолда ўз муносабатимизни билдираемиз. Асосан эса ҳозирги давр адабиётшунослик ютуқларига суянган ҳолда асардаги Алишер Навоий образи талқинига оид муносабатларимизни баён этамиз.

"Навоий" романида буюк мутафаккир шоирнинг Хуросонда Хусайн Бойқаро тахтни қўлга олганидан то вафотигача бўлган даврдаги ҳаёти акс эттирилган (1469–1504). Демак, асарда Алишер Навоийнинг ҳам давлат арбоби сифатида шаклланган давридан то камолот поронасига еткунича бўлган даври ўз бадиий аксини топган. Бу борада езувчи баъзи муаллиф чекинишларида, қаҳрамонларнинг ўзаро нутқларида Навоий характерининг шаклланиши ҳақида ишончли, тарихий-мантиқий асосланган маълумотларни ҳам қайд этиб ўтади: "Ҳалвофуруш шоир Туробий дўстлари Зайниддин Ҳиротий ва Шаҳрисабзлик Султонмуродга Алишернинг Ҳиротга келганлиги ҳақида хабар етказиб: "Напалак гулзорда айланганидек ... у жаноб ҳам то гўдакликдан бошлаб арбоби илм, фикр, шеър, санъат орасида кезадилар", — дейди.

Мударрис Мавлоно Фосиҳиддиннинг сўзларича,, — деди Султонмурод, — Алишер инсон фикрининг барча соҳаларида кенг маълумотлар соҳиби эмиш. Тарих, фалсафа, мантиқдан бошлаб тирандозликка, мусиқийликка қадар ҳеч бир соҳани қолдирмаган

эмиш".

Мавлоно Туробий яна шундай дейди: "Шундай кунлар бўлганки (Самарқандда), Алишер майда харжлари учун ҳам тангасиз қолган. Унинг инсоний ғурури, табиатининг нозиклиги Аҳмад Ҳожибек каби улуг саркарда дўстдан ёрдам сўрамоққа йўл қўймаган."

Романнинг дастлабки саҳифаларидан келтирилган ушбу парчаларнинг моҳияти Навоий характеридаги муҳим, етакчи хусусиятларни ёритишга йўналтирилган. Буюк шоир элга маърифат тарқатувчи шахс, маданий ва илмий-фалсафий тафаккурнинг тарқалишига кўмак берувчи ҳомий сифатида гавдаланади. У Султонмурод билан биринчи учрашувдаёқ унга шундай дейди: "Ҳизмат ва ғайратни асло қўлдан берманг... Эл, улус зотларга ғоят муҳтождир, илм дарахтини яхши парвариш этиб, юрт тупроғига чуқур томир ёйдирмоғимиз ва ундан мўл ҳосил олмағимиз керак".

Ўз-ўзидан кўриниб туриптики, Ойбек ўз асарларига Навоийни тайёр, шаклланган характер сифатида киритди. У инсон ва шоир сифатида тўлиқ шаклланган. Бутун Шарқ адабиёти, турли халқларнинг оғзаки ижод намуналарини яхши ўзлаштирган, уларда кўтарилган умумбашарий муаммоларнинг асосий талқин йўналишларини тегиз равишда етган ижодкор, аллома сифатида доғруғи анча узоқларга тарқалган. Шунинг учун ҳам у шунчаки насиҳатгўйлик қилаётгани йўқ. У Султонмуродга ўз нуқтаи назарини, идеал ва яшашдан мақсадини уқтиряпти. Навоий ўзининг шон-шуҳрати ҳақида эмас, эл улус, манфаати йўлида, унинг камолоти тўғрисида қайғураяпти. Бу ўша машҳур "Эл нетиб топқай мени ким, мен ўзимни топмасам" сатрларининг муаллифи бўлмиш шоирнинг дил сўзлари.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, романдаги Навоий ва унинг

сафдошу шогирдлари томонидан айтилган ҳар бир жумланинг тағамини унинг ижодида, асарларида мавжуддир. Бу ўринда Ойбек юксак маҳорат намунасини намойиш этган.

Алишер Навоий Ҳиротга келиб, муҳрдорлик мансабига тайин бўлгач, юксак инсоний орзулар ҳаёли билан яшай бошлайди. У мазҳабий икир-чикирлардан ҳоли, некинчалик инсон эди. Албатта, у ўзининг бундай яшаш ва фикрлаш тарзи муайян қарама-қаршилик, тўсиқларга дуч келишини ҳис қилар, замон носозлигини теран фаҳмлар эди. Даҳо санъаткорнинг бундан ўзгача фикрлаши, замона носозлигининг моҳиятини нималарда яширин эканлигини тушуниб етмаслиги мумкин эмас ҳам эди.

У шарқона тафаккур соҳиби эди. Навоий замона носозлигига қудратли ислом қонуниятларига тўлиқ амал қилган ҳолда муносабат билдирди. У ўз фикрларини ўта кескинлик, заҳархандалик асосига қурмади, унинг ибромомуз ҳукмларида шарқона лутф ва ҳаётий ҳақиқат мантиқи етакчилик қилди. Шунинг учун ҳам у қудратли исломнинг қоида ва қонуниятларига тўлиқ амал қилган ҳолда "ҳар қандай мазҳаб жанжалларидан юқори" турди ва севимли иниси Дарвешалига ҳам, гарчи у Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги қарашларида қанчалар ҳақ бўлмасин, шундай йўл тутишни маслаҳат берди. Бир ўринда Навоий иниси Дарвешалига насиҳат қилиб, айтади: "Давлатнинг молияси не ҳолда, қўшини не аҳволда, мадрасаларда толиби илмлар, олим ва фозилларнинг тирикчиликлари қандай, ҳар наф амалдорлар пойтахтда, туманларда, вилоятларда халққа не турда муомала қилурлар: деҳқоннинг рўзғори нечук — мана бу вазифаларни ақл кўзи билан кўриб, тадбир ва салоҳия билан ҳал қилмоқ керак эди. Аниқ, ҳар қандай мазҳаб жанжалларидан юқори турмоқ лозим".

Хўш, мазкур мулоҳазанинг моҳиятини Навоийнинг қайси асарида учратиш мумкин? Бунга далил излаб узоққа борилмайди. Шоирнинг "Маҳбуб ул-кулуб", "Муншоат" асарларига мурожаат этилса бўлгани. Бу ўринда асосий гап масаланинг бошқа томонида ва савол ҳам ўзгача бўлиши керак. Навоий, умуман, мазҳаб айирмаларига эътибор берганми, бундай айирмачиликка рағбат кўрсатганми? Навоий асарлари сатрма-сатр кўздан кечирилса ҳам, бундай муносабатнинг шоҳида бўлмаймиз. Чунки у бундай муносабатни "майда гап" деб билган.

Уни ташвишга солган, ўйлантирган масалаларнинг доираси нисбатан кенгдир. Бу жиддий масалаларни Алишер Навоий ўрта аср маърифатпарварлари сингари халқни саводли ва маданиятли қилиш йўли билан ечиш мумкин деб ўйлайди. У шу мақсадда зўр кутубхона ташкил этишга киришади. Тараққийпарварлик, халқлар дўстлиги руҳи билан сугорилган бу ният Навоийнинг фикрлашига, ижодий дунёсига мос эди. "Биз шундай кутубхона бино қилайликки ... бутун эл қошида манзур ва мўътабар бўлсин. Шаики улум ва фунундаки, азминаи қадимдан то шу дамгача одамзоднинг фикр гавҳари ижод этишдир ва китоб суратга чекилмишдир, барчаси бизнинг кутубхона хазинасини зийнатласин. Фақирнинг холис нияти шулки, бу ерда Хуросоннинг ва ўзга мамлакати исломнинг барча уламо, фузало, шуароси китоблардан истифода қилган, Бу ерда фалсафанинг Сукрот, Афлотун ва Арастулари, ҳикмат ва риёзиётнинг Фипогурлари, илмий ҳайъатнинг Улуғбеклари, шеърнинг Фирдавсий ва Низомий Ганжавийлари - ҳар қайсилари ўз соҳаларида осойишта машғулотда бўлғайдир. Илмнинг равнақиға ҳаракат қилғайлар, фикрнинг янги-янги хазиналарини ихтирок этғайлар. Улар кашф этган ҳақиқат қуёшлари

иртимиз самосини нурга тўлдирсак, мақсадимизга етган бўлурмиз".

Мазкур сатрлардаги фикрлар ахборот усулида баён этилсада, улар Навоийнинг муҳим, етакчи хусусиятларини белгиловчи чизгилар сифатида ўта зарурдир. Зеро, Навоий ана шу етакчи ниятларини амалга ошириш борасида ҳаракат қилади, ижтимоий-тарихий воқеаларга муносабат билдиради. Шунинг учун ҳам Алешр Навоий аввало диний ҳамда мазҳаб курашларига нафрат билан қаровчи, байналмилал дунёқарашга эга оташин ватанпарвар, маърифатнинг буюк ўзгартирувчилик қудратига комил ишонч билан қаровчи инсон сифатида кўзга ташланади. Ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Унинг тафаккур кўлами ҳамда бадий ҳаёлот дунёси нечоғлик кенг ва сарҳадсиз бўлмасин, саъй-ҳаракатлари XV аср изнида эди.

Инсон тафаккури сарҳад билмайди. Уни кимдир рад этиши, унга қаршилиқ қилиши мумкин. Лекин уни бутунлай йўқотиш ҳеч қачон, ҳеч кимнинг қўлидан келган эмас. Романда ҳам ана шу оддий ҳақиқат бузмасдан, бўялмасдан акс эттирилган. Муайян ижтимоий-тарихий шароитда юзага келган ҳар қандай илғор қараш ехуд ният тўсиқларсиз, қарама-қаршилиқларсиз амалга ошмаган ва ошмайди ҳам. Чунки илғор қараш қандайдир муайян консерватив, турғун қолип ва фикрлашга қарама-қарши ўлароқ туғилади, шаклланади. Унинг камолга етиши учун ана шу тўсиқ, қарама-қаршилиқларнинг мавжуд бўлиши шарт. Улар мавжуд бўлмаганда, уларга зид ниятнинг туғилиши кулгули бўлур эди. Шунинг учун ҳам бундай ният ва қарашларнинг қаршилиққа учраши, бу шаклланган ниятнинг камолга етиши йўлидаги дастлабки босқичдир, холос. У юзага келиб шаклландими, мабодо у ҳаётий мантиқ тақозосига кўра тугтилган бўлса, албатта, камолга етади. Акс ҳолда, у шунчаки, вақтинчалик шов-шувдан нарига

ўтмайди. Шу маънода Навоийнинг қарашлари мазҳабу давлат бошқаришга оид фикрларини тўла рўёбга чиқиши тарихий-ижтимоий тараққиёт мантиқига зид эди. Буни Навоийнинг ўзи ҳам гоёт теран фаҳмлар эди. Замона носозлиги масаласида у ўзининг ўзиб кетганлигини билар эди. Ойбек шуни ўта теран мушоҳада қилган файласуф адиб сифатида, Навоийни асрий муаммолар ҳақида ўз-ўзи билан баҳслашаётган мутафаккир сифатида гавдалантирадики, ўз навбатида буюк тарихий шахс бадий талқинининг энг юксак намунасининг юзага келишига сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам Навоий тилидан айтилган қуйидаги фикрлар ҳозир ҳам ўзининг долзарблигини йўқотган эмас.

Маълумки, феодал Шарқда мамлакатни бошқаришда ҳукмдорлар маълум қонун олдида масъул эмас эдилар. Ёш амалдор Алишер Навоий бу нарсани катта камчилик деб ҳисоблайди. У "вазирлардан ва беклардан тортиб, то энг кичик амалдорларгача, ҳам бир иш учун қонун олдида масъул бўлиши керак" — деб билади. Ўз тенгдоши, виждонли мансабдор Хўжа Афзалга "Хуросонда бир давр яратмоқ лозимки... ўзга халқлар ибрат ола билсинлар...Токайгача инсонлар ваҳшат саҳросида қолурлар! Инсон барча махлуқотнинг тожидир. У шарафли, соф гўзал яшамоғи керак. Давлат арбоблари ақл ва адолатни шиор қилсалар, халқни парвариш этсалар, ҳаётнинг зангини олтинга айлантирмоқ мумкин".

Унинг бу фикрлари замирида мамлакатни бошқариш учун қандайдир ўзига демократик асосларга таяниб иш кўриш лозим деган ният этади. Бу Навоий шахсиятининг ўзига хос, бетакрор бир қиърасидирки, Ойбек уни ўта ишонарли тадқиқ эта олган. Ва ҳоланки, Навоий дунёқарашининг бу қиъраси у ҳақда олиб борилган

аксарият илмий тадқиқотларда ҳам қайд этилмаган. Алишер Навоий мутлоқ ҳокимият тарафдори, у давлатни бошқаришдаги анъанавий усулларга қарши эмас, фақат уни тозалаш керак, тарзида фикр билдирган, деб санаб кетилаверади. Унинг "Олма хоҳам, ки наввад..." каби шеърларида ифодаланган орзуларига эътибор берилмайди. Шу жиҳатдан романда Навоий образининг ана шу қиррасини кўрсатиш таҳсинга шоян бир ишдир.

Алишер Навоий подшоҳ Хусайн Бойқаро билан суҳбатларида ҳам "ҳокимлардан бошлаб то маҳалла қоровулига қадар ёлғиз давлат манфаатини ўйлайдиган, халқ билан яхши чиқишадиган инсофли одамлардан тайин этишни ҳамisha бир қоида қилиб олмоқ зарурлигини" қайта-қайта уқтиради. Навоий тилидан айтилган "халқ билан яхши чиқишадиган инсофли одамлар" мулоҳазаси заминидан ҳам муайян демократик талаблар руҳи мавжуд. Чунки халқ билан яхши чиқишиш — бу энг аввало унинг талабларига, орзу-интилишларига мос йўл тутишнинг ўзидир. Бу шарқона демократиянинг, умуман демократиянинг ўзак масаласидир. Бу нуқтаи назардан қаралса, Ойбекнинг романи ўзига хос янгича тафаккурни, янгича муносабатни талаб этади, янгича фикрлаш учун етарли метариаллар беради.

Романда Алишер Навоийнинг ўзбек халқининг асл фарзанди сифатида ўз она тилини давлат ишларида, илм ва нафис адабиётда ўзининг қонуний ўрнини эгаллаши учун кураш олиб борганлиги ҳам тарихан тўғри ва ишонарли тасвирлаб берилади. У Хусайн Бойқаронинг ўзбекча газалларини тинглар экан: "Ўз тилимиз нақадар тоза, рангли ва салоҳиятли. Бу сўз билан ҳар нечук руҳни, маънони ифода этмоқ мумкин. Мен аминманки, бизнинг лисонимиз фикр гавҳарларини назм ишига теришда форс лисонидан кўра кўпроқ

имкониятларга молиқдир", — дейди.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Навоий ўзбек тилини эъзозлаш эвазига ўзга тилни камситмайди, инкор этиш йўлдан бормайди. У ўзбек тилининг ички имкониятларидан келиб чиқиб фикр юритади. Шоирнинг шоҳга муносабатида алоҳида таъкид бор. Зеро, Ҳусайн Бойқаро саройида, унинг ўзи ўзбек тилида газал битганига қарамай, давлат ишлари форс тилида олиб борилад эди. Навоий ана шунга урғу бермоқда. Романда халқни камолга етказиш учун уни маърифатли қилишнинг ўзи етарли, деб ўйловчиларнинг хатолари ҳам роятда ишонарли ва санъаткорона тасвирлаб берилган. Масалан, асар қаҳрамонларидан бири, эиели Султонмурод ўз "эътиқодича" халқ илмга бегона бир гуруҳ кимса эди. У илм орқасида "расо инсон" бўлиши мумкинлигига ишонганидан, халқни ҳар ерда, ҳар ишда жаҳлнинг қурбони, деб тушунади. Лекин Ҳиротда ижтимоий тузумга қарши кўтарилган кўзғолонни мушоҳада қилар экан, бошқача хулосага келади: "Ҳўжа Абдулло, Ҳўжа Қутбиддин каби олий вазифадор ҳам илмдан баҳраманд зотлар ўз нафслари, худкомликлари учун фуқарога бу даражада зулм-ситам қилибдилар. Аслида бадтарин жоҳиллар улардир. Филҳақиқат, инсонни комил бўлмоқ учун илмдан ўзга яна бир сифатлар керак эмиш..."

Асарда Ёдгор Мирзо хуружи ва Ҳирот кўзғолони воқеалари муносабати билан Алишер Навоий образининг яна қатор янги қирралари тадқиқ этилади. Алишер Навоий "қони — эти, тирикчилиги—ери, тили, тарихи бир" бўлган халқларнинг икки душман гуруҳга бўлиниб, ўзаро қирғинга киришганлигидан изтиробга тушади. Шу билан бирга у адолатли давлат илмпарвар ҳукмдор орзуида бўлганлигидан Ҳусайн Бойқаро ҳокимияти ҳамда кўшинини

мустақамлашга бутун борлиғи билан ҳаракат қилади. Ўзига яқин йигитлар ердамида душман кучларининг аҳволи, улар тушган вазият ҳақида маълумотлар йиғади, ишбилармон беклар билан "русумоти жанг" хусусида суҳбатлар ўтказади.

Навоий: "Тарих кўрсатурким... Мунажжимлар билан баҳамжиҳат бўлган кўп сафарлар бениҳоят фоже оқибатлар турдирмишдир. Мунажжимларнинг мулоҳазасидан ҳақиқатдан кўра хурофот зиёдароқдир", — деб подшоҳни жангга отлантиради ва ҳақ бўлиб чиқади.

Ёдгор Мирзога қарши амалга оширилган оқилона тадбирда Алишер Навоийнинг етакчи роль ўйнаганлиги бизга тарихий ҳужжат ва китоблардан маълум. Ойбек ана шу тарихий фактни ишонарли ва аниқ акс эттирган. Демак, бор, мавжуд бўлган нарсa бадий қайд этилган. Фақат шугинами, деган савол турилади. Йўқ, албатта. Ойбек тарихан аксариятга маълум бўлган фактни романга киритиш воситасида Навоийни яна янгича фикрлаш соҳиби сифатида гавдалантиришга муваффақ бўлади. Навоий мунажжимларнинг кароматларига асосланиб иш кўришга қарши, у — вазиятга, муайян ҳолатга қараб янгича тадбир қўллаш тарафдори. Вуюк шоирнинг бу йўлдаги асосий таянчи "Тарих кўрсатурким"нинг моҳиятидадир. Ана шу бирикманинг ўзиданоқ Навоийнинг бу борада қатор тарихий манбалар, хусусан мунажжимларнинг кароматлари туфайли содир бўлган тарихий фожеалар тафсилотидан хабардорлиги рўй-рост англашилиб туради.

Янгича фикрлаш аслида эскича қарашларни асосли равишда, тарихий-мантиқий йўналишда рад этишдан бошланади. Шоир "Тарих кўрсатурким" дея ҳукм юритар экан, мунажжимлар каромати туфайли

содир бўлган воқеаларни муайян маънода таҳлил этиб, рад қилади. Бу ўринда асар муаллифларини "Мир Алишер мунажжимлар фикрига асосланиб юриш бошлашни рад этди" деган тушунтириш бериши шарт эмас. Зеро, бу фикр шоирнинг "Тарих кўрсатурким" ҳукмида умумлашгандир.

Ҳирот халқи кўзғолонида муносабат масаласида эса Алишер Навоий образининг яна бошқа қирралари еритилади. Навоий ва шоҳнинг бу воқеага муносабатини акс эттириш орқали муаллиф икки шахс руҳий оламининг бир-бирига зид томонларини кашф этади. Шоир ва шоҳнинг бир ҳолатга муносабатларидаги тафовут воқеалар ривождаги номутаносибликни кескинлаштиради. Хусайн Бойқаро "Бу тожу давлатни қилич билан олганмиз... ўни яна қилич билан пойдор қилмоққа ҳаракат қилгумиздир..." деган қарорга келади. Бу фикрни Мажидиддин "аҳли салим меваси" деб мақтайди. Навоий эса бу воқеага адолат нуқтаи назаридан ёндошиб: Масала адолат ва ҳақиқат масаласидир... ҳақиқат оломон тарафдадир. Ҳақ сўзни айтган оғизларни тош билан қонатмоқ эмас, ҳақиқат тамалини қулатмоққа кўтарилган қўлларни кесмоқ зарур. Закот йиғмоқ давлат ишидир, лекин бир неча баднафс, чиркин махлуқлар учун бойлик манбаи эмас! Бу идорани ширага ўч чиркин пашшалардан тозаламоқ зарур!" -деган мулоҳазани ўртага ташлайди.

Хусайн Бойқаро содир бўлган воқеалар моҳиятини темурийлар династиясига мансуб шахс сифатида идроқ этади ва ўзига ҳукм чиқаради. Бу талқин қуйидагичадир: "Визнинг хизматимизда бўлган зотларни санг-бўронга тутмоқни салтанат тожиги отилган ҳақорат деб билгумиздир". Шоир ва шоҳ ўртасидаги нуқтаи назар, қарашлар кураши аста-секин кескинлашиб боради. Шоҳ ўз қарашини

темурийларга хос улуғворлик, тантанаворлик ила изохлайди, изҳор этади. Навоий мулоҳазаларида эса босиқлик, теран мулоҳаза, кўламли таҳлил етакчилик қилади. "Бизга қолса, асло! Салтанат тожини қуёш янглиғ самоват доирасида билинг. Наинки Хўжа Абдулло Ҳожидек бир хомтама, аждарнафснинг бошига тушган тошни салтанатга нисбат берурсиз. Бир золимнинг боши шикаст топгани учун эл устида тиг уйнатмоқ... Модомики, халойиқ кўлга тош олибдир, унинг кўнглида дард бордир. Бу дардни таҳқирламоқ эмас, адл суви билан ёвмоқ, даволамоқ лозимдир".

Буюк шоирнинг адолат, тинч-тотувлик, ҳақиқат ҳақидаги барча мулоҳазаларнинг ягона асоси, таг замини – халқдир. Унинг барча мулоҳазада мулоҳазалари ана шу таг заминдан озучаланиб, мадад олиб туради. У халқни ҳар қандай улкан ижтимоий тадбир нажоткори, улкан яратувчи куч деб билади. Халқнинг қудрати ҳамма нарсага қодир – яратишга ҳам ва аксинча, йўқотишга ҳам. У Ҳусайн Бойқарога яна бир аркони давлатнинг пойдевори халқ эканлигини эслатиб қўяди. Шоирнинг бундай хулосага келишининг ҳам ўзига хос таг замини бор. Бу – шунчаки айтилган гап эмас. Бу ҳукм бевосита ўша "халқ билан чиқишиш", Эл нетип топқай мениким...", "Тарих кўрсатурким" каби жумлалар моҳияти билан мантиқий-руҳиявий алоқадорликдадир. Ёзувчи ўз қаҳрамонининг халқ ҳақидаги умумлашма ҳукмининг ишонарли чиқиш учун зарур бўлган барча асосларни зукко файласуфдай ягона силсилага тизади. Натижада, қаҳрамон тилидан халқ ҳақида айтилган фикр қатъий қонуният қудратига эга бўлиб, мантиқий асосланади. У ўзидан олдинги қараш ва фикрлар билан занжирий алоқадорликка киришади ва ҳоказо.

Халқ манфаати учун, адолат учун подшоҳ билан тикма-тик

баҳслаша олган Алишер подшоҳни халқнинг беҳудуд қудратига ишонтиради, салтанатнинг беҳатарлиги халқнинг осойишталиги билан боғлиқ эканлигига уни амин этади: "Зеро халқ шундай бир дарёий азимки, у тошса, унинг мавжидан на шоҳнинг қасри, на дарвешнинг кулбаси қолур... элнинг, юртнинг бахти барқарор бўлса, салтанат ҳам беҳатар бўлур".

Бу мулоҳазалари билан Навоий китобхон кўз ўнгида халқ ва давлат муносабатларини тўғри англай билган ақлли, халқпарвар, доно арбоб сифатида гавдаланади. Ўқувчи унинг сиймосида XV аср Шарқ феодализми зулумоти ичра порлаган машъални кўргандай бўлади. Айни пайтда эса ундаги адолат ва халқпарварлик уни замонамиз кишиларига яқинлаштиради.

Навоий нима ҳақда ўйламасин, у улканми ёки кичикми, доимо мутафаккир ва давлат арбоби сифатида масаланинг бутун кенг-кўламлиги ва мураккаблиги билан муқояса қилиб иш кўради. Унга шошма-шошарлик билан ҳукм чиқариш ётдир. У ўз қаршисидаги шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаронинг ҳам салоҳиятли, тадбиркор, ақлли эканлигини яхши ҳис қилади. Қолаверса, саройдагилар ҳам анойилардан эмас. Ўз ҳукмига мос ва зид мулоҳазаю мушоҳадаларни бир-бирига муқояса қилиб, муайян бир тўхтамга келади. Шунинг учун ҳам ҳатто уни ўраб олган рақиблари ҳам ақл-идрок билан иш кўриш борасида Навоийга тан берадилар, ўзлари ҳам ўйламасдан ҳаракат қилишдан чўчийдилар. Демак, Навоийнинг мутафаккир сифатидаги фаолияти унинг рақибларини ҳам муайян маънода ўйлашга, фикрлашга мажбур этади. Бу ўз-ўзидан романни ўқишли ва қизиқарли чиқишига сабаб бўлган. Ўқувчи асардаги ҳар бир эпизод, у ёки бу характернинг портретига тортилган чизги, улар томонидан айтилган

шунчаки луқмага ҳам бефарқ қарамайди. Қаҳрамонлар характеридаги бу муайян мутаносиблик асарнинг руҳини фалсафий романга яқинлаштирган. Хатто дағал, ўта кескин муомала соҳиби Тўғонбек ҳам Навоий характеридаги ақл-идрок билан иш кўриш хусусиятини, анча кечикиб бўлса-да, тўғри англаб етади. Едгор Мирзо йигитлари қаторига ўтган Тўғонбек шундай дейди: "...Навоий катта куч: сиесатни тубли билади. Ақлга бой, ҳам эл-улус орасида обрўси баланд".

Ёзувчининг таърифича, "Тафаккур", амалий ҳаракат унинг (Навоийнинг) мангу ҳамроҳлари эди". "Нима учун, масалан, Хитойи чинчиларни, Хитойи шоиларни, Кашмир шолларини Ҳиротда яратмоқ мумкин бўлмасин", – деб ўйга ботар эди шоир. У ҳар доим муқояса билан банд, янгилик кашф этиш машғул эди. Бу эса фақат доно, мутафаккир соҳибига хос хусусиятдир.

Алишер Навоий Ҳусайн Вайқаро ҳукмронлигининг биринчи даврларида уни адолат ўзанидан бошлашга катта эътибор беради. У мамлакатнинг келажаги учун керакли бўлган турли ҳунарларга катта аҳамият бериш зарурлигини, юртда илим ва ҳунарни яхшилаш учун ҳамisha ҳомийлик қилиш кераклигини подшоҳга қайта-қайта таъкидлайди.

"Подшоҳ ёлғиз пойтахтнинг эмас, бутун вилоятларнинг ишларидан ҳар кун хабардор бўлиб туриш, ҳамма мансабдорларнинг вазифаларини тафтиш этиш зарурлигини баён" этади. Унинг ўзи учун эса: "...мансабларнинг паст-баландлиги йўқ. Эл хизматида ҳамма рутбалар шарафлидир". Шунинг учун ҳам Алишерни яхши кишилар "эл бахтининг туғилган куни" – деб қарши оладилар.

Навоийнинг ўз қарашлари ва эл томонидан унга берилган баҳо

бевосита унинг фаолияти, эзгулик йўлидаги сазйҳаракатлари натижасидир. Шубҳасиз, шоир ҳаракатига тўсқинлик қилувчи акс ҳаракат ҳам юзага келади.

Навоий тадбиркор амир сифатида мамлакатдаги қурилиш ишларига, илм ва санъат ривожига қанчалик кўп эътибор бергани сарой муҳитида унинг душманлари шунчалик кўпая боради. Шоирнинг укаси Дарвешали Навоийни фаолроқ қарши ҳужумга ўтишга ундайди. Навоий бунга кўнмайди, давлат аҳамиятига эга ишлар билан боғлиқ масалаларни шахсий адоватга айлантириш керак эмас, деган мулоҳаза юритади. Бу, ўринда биз Алишер Навоийнинг яна бир инсоний фазилатини кашф этамиз. У доимо эл-улус гами, мамлакат равнақи ва осойишталигини асосий мақсад, таянч қилиб олган. Бундан ўзга, бунга бевосита алоқадор бўлмаган воқеалар унинг шуурини безовта қилмайди. Уларнинг барчаси асосий масала олдида шоирга ғалати туюлади. Шоир ўзининг кундалик фаолиятини, бутун фикру шуурини ана шу асосий мақсадга йўналтиргани ҳамда бунга дўсти Ҳусайнни ишонтира олгани учун ҳам тўсқинлик қилувчи томоннинг, яъни янгича фикрлаш, янгича идора усулига қарши гуруҳнинг акс фаолияти ҳам кучаяди, кескинлик касб этади. Натижада, кутблар ўртасидаги зиддият яна ҳам яққолроқ яна ҳам аниқроқ кўзга ташланади.

Аммо шоирнинг душманлари чидаб туролмас эди. "Хуросон давлатини Навоий ўз қўлига олди, — деб куюнади Алишер Мўғул. — Жамики ишларга, жамики мансабларга ип солиб кўйди у ... Шаҳарларнинг, вилоятларнинг ҳокимлари ҳисоб-китобини қўлтиқлаб, бўзчининг моқисидай, Ҳиротга қатнаб туришлари лозим эмиш".

Ойбек Навоий шахсига оид чизгилар тортар экан, у буюк шоирни идеаллаштириш, уни кўкларга кўтариб мадҳ этиш йўлидан бормади.

Навоийни давлат ишларида бўладими, ижод оғушида бўладими, Хуросон ва теурийлар тақдири ўй сураётганда акс эттирадими, барибир, уни XV аср фарзанди сифатида жонли гавдалантиради. Ойбек тасвирида Навоий қандайдир илоҳий сиймо эмас. У —реал ҳаёт ва ижод ташвишлари билан яшаётган оддий бир инсон. Бироқ у ана шу ташвишларни теранроқ ҳам кенг кўламлироқ ҳис қилади. У бошқалардан фарқли ўлароқ, биринчи ўринга эл-юрт ташвишини қўяди ҳамда асрлар давомида талқин этиб келишган шарқона гуманизмга содиқ қолади.

Демак, Навоий, биринчидан, илоҳий даражага кўтарилиб мадҳ этилмайди, иккинчидан, айнан шу ўринда ундаги мавжуд бўлган муайян тарихий хислатлар барча учун муштарак хусусиятлар сифатида улуғланади. Буларнинг барчаси характернинг ички ва ташқи характеридан келиб чиқади.

Мажидиддин эса Навоийнинг ўз ишлари билан халқнинг кўзини очаётганлигидан ваҳимага тушади. Навоийнинг халқ ва адолат ҳақидаги мулоҳазаларини "қуруқ сафсата" деб атайди. "Навоий баъзи муҳтарам қозиларимизни, амалдорларимизни халққа жабрситам қилишда айблаган эдики, бутун мамлакатда халқ ҳушёрланиб қолди... Бу сиёсат эмас, ҳақоратдир", — дейди у.

"Навоий атрофида жам бўлган ҳамма мадрасаларимизда дарс айтган мударислар илми ҳайъат риезиети ва мантиқ каби динимизга раҳна солувчи... илм аҳлларидадир", — деб аюҳаннос солади мавлоно Шаҳобиддин.

Навоий рақибларининг сўзларидан ҳам Навоийнинг халқ орасида нечоғлиқ обрўга эга эканлигини аниқ ҳис қилиш мумкин. У ўзининг доно тадбирлари ва халқпарварлиги билан золимларга даҳшат солган:

халқнинг зулмга қарши дадил бош кўтаришига қарши бўлмаган, ўз ишлари билан халқнинг ақл кўзини очишга кўмаклашган. "Улус Навоийда ўзининг ягона умидини кўради", — деганда Соҳиб Доро ҳақ эди.

Романда Алишернинг ўзга инсоний фазилатларини акс эттиришга ҳам етарли ўрин берилган. Шу ўринда бир нуқтани алоҳида таъкид этмоқчимиз. Даҳо санъаткорлар шахси ва ҳаётига бўлган муносабат барча тарихий даврларда ҳам бир хил бўлавермаган. Аҳмад Яссавий, Навоий, Бобур ва Машрабларга, буюк Пушкин ва Л.Толстой, Е.Чаренц ва С.Есенинларга бўлган муносабатларнинг нисбатан зиддиятлиги ҳам буни қайта-қайта исботлаб турипти. Замона зайли билан ўзбек классик шоирларини "феодал-срой шоирлари" дея баҳоланган даврлар ҳам бўлгани ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Бобурни дастлаб шоҳ бўлгани учун айблаб, унинг ижодидан воз кечилди. Анча вақтлар Бобур шахсиятидаги шоир ва шоҳликни айқаш-уйқаш қилиб, ўзимизча талқин этиб юрдик. Бу ва бунга ўхшаш англашилмовчилик ҳамда ноилмий талқинларнинг замини тарихийлик принципига бефарқ қарашимизда, ҳар қандай тарихий қайд ва воқеага сиёсий тус беришимизда эди. Ойбекнинг "Навоий" романида оз бўлса-да, буюк шоир ва тасаввуф масаласининг қамраб олинмагани ҳам эҳтимол шу кечириб бўлмас адашиш билан изоҳланар. Бу ҳақда кейинчалик тўхталиб ўтамиз.

Ойбек ўз асарида Навоий образини талқин этишда тарихийлик принципига тўлиқ амал қилди. Бу ўринда Ойбекнинг Навоийга муносабати машҳур шоира Марина Цветаеванинг Пушкин шахсига муносабатини эслатади. Вл.Орлов шоира ва Пушкин муносабати ҳақида ёзади:

"С Пушкиным она постоянно сверяет свое чувство прекрасного,

свое понимание поэзии.

При этом в отношении Цветаевой к Пушкину не было решительно ничего от молитвенно-коленипреклоненного почитания литературой "икон" 1).

Ойбек ҳам Навоий шахсига муносабатда худди ана шундай йўл тутди, десак мутлоқ янглишмаган бўламиз. Зеро, Ойбек ўзининг Навоий ҳақидаги илмий тадқиқотларида, "Ғули ва Навоий" достонида буюк шоир даҳоси ҳақида нечоғлик кўтаринки оҳангда ёзган бўлмасин, романда тарихий принципдан, Навоий ҳақидаги тарихий қайдлардан чекинмади. Шунга қарамасдан романда яратилган Навоий образини шоир ва давлат арбобининг энг мукамал тарихий талқини, дея олмаймиз. Бу, энг аввало, асарда Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига асосий эътибор қаратилгани билан изоҳланади. Навоий шахсияти эса, давлат арбоблигидан ташқари яна унинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий, диний-ахлоқий қарашларини, қолаверса, буюк санъаткорлик истеъдодини ҳам ўз ичига қамраб олади.

"Навоий" романида ҳам буюк шоирнинг 1469 йилда Хиротга қайтгандан кейинги ҳаёти, унинг инсон сифатидаги бетакрор фазилатлари, инқирозга юз тутган теурийлар династиясини сақлаб қолиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, эл-улус осойишталиги ва манфаати йўлидаги тиним билмас фаолияти кенг ҳамда жонли акс эттирилган. Лекин буларнинг барчаси Навоий шеърий даҳоси қаршисида ҳечдир. Тўғри, Ойбек Навоийнинг ижодхонасига ҳам асар мавзуи имкон берган даражада кўз ташлайди. Ижоднинг юлдузли онлари билан ўқувчини

1. Вл. Орлов. Сильная вещь - поэзия. В книге М. Цветаева. Мой Пушкин. М., "Советский писатель", 1981 г. с. 4.

ошно қилади. Муайян даражада қалбу шууримиз таскин топади. Бироқ бу романда Навоийнинг буюк шоир сифатидаги асосий хусусиятлари мукаммал гавдаланган, деган хулосага келишга имкон бермайди. Қолаверса, Ойбек ўз асарларида Навоий даҳосининг мазкур томонларини атрофлича ва теран ёритишни мақсад қилиб қўймаган. Адибнинг асосий мақсади. Алишер Навоийнинг 1469–1501 йиллардаги ҳаёти, давлат арбоби сифатидаги фаолияти ҳамда XV аср Хуросон ижтимоий–тарихий, маданий шароитида тутган мавқеини кўрсатиб бериш эди. Бу ижодий ният тўлиғича амалга ошган. Бу давр ижодий фаолиятига келсак, юқорида таъкидлаганимиздек, буюк шоир ва мутафаккир асарларининг руҳи унинг кундалик фаолиятига, кишилар билан муносабатидаги ранг–баранг қирраларга сингдириб юборилган. Шоирнинг диний мазҳабларга ва улар ўртасидаги зиддиятларга муносабатини биз юқорида қайд этиб ўтган эдик.

Қуйида қайд этилаётган мисолларда Навоийнинг турли касб эгаларининг фаолиятига, умуман, меҳнатга, давлат кишисининг мавқеи, эл–улусга бўлган муносабатидаги ўзига хосликни кўрамиз. Ҳарakterли томони шундаки, шоир аксарият ўринда ўз асарларидаги идеал қаҳрамонлар сингари ҳаракат қилади. Ўз бадий–фалсафий рисоалари, хатларида олға сурилган ниятларига содиқ қолади. Англашиладики, Навоий характерида унинг қаҳрамонлари, идеаллари руҳи ўз ифодаларини топади. У бирон ўринда ҳам ўз идеалларидан, орзу қилган ниятларидан айри тушмайди. Хатто дўсти Ҳусайн Бойқаро унинг таклифу маслаҳатларига кулоқ тутмаганда ҳам, у ўз ниятидан қайтмайди. Зеро, бунда бошқача йўл тутиш бутун яратган бадий оламидан воз кечиш эди. Оқил киши бундай қила олмас эди.

Бу Навоий идеалларининг тўсиққа учраши эди, холос. Унинг

енгилиши, пуч ҳаёллиги ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Қаҳрамонни идеал, етук ва баркамол ният ҳаракатга келтиради. У яшаган давр унинг ниятига монелик қиладими ёки аксинча, уни рағбатлантирадими, бу томони энди тарихий-иҷтимоий тараққиёт босқичининг мазкур ният моҳиятига нечоғлик муқобил ёки мутаносиблигидадир. Навоий билан Ҳусайн Вайқаронинг ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатларнинг ўзгариб туриши, буюк шоирнинг ижтимоий фаолиятдан узоқлашиши ва маълум маънода ўз идеалларига ҳамоҳанг қарашлар учрамагани туфайли руҳий талотумларга, ички психологик зиддиятлар гирдобига тушиши худди ана шу муқобил ёки номутаносиб муносабатлар билан изоҳланади. Бундай ва бунга ўхшаш мураккаб нуқталарни Навоийнинг ҳам ижтимоий, ҳам ижодий фаолиятисиз теран ҳис қилиб бўлмайди. Масалан, шоир ўз хизматкори Шайх Баҳдулни ўринли қойигани ҳолда эртасига ундан узр сўрайди. Ёки қурилишга тез-тез бориб, усталарга гишт, ганч узатиш каби ишларни бажаради. Бу эса мансабдорлар учун қора меҳнат айб саналган жамиятда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа эди 1) Навоий амирлик девонида ҳам янгича иш услубини жорий этади. Ўша давр амалдорларига хос тўрачиликка тамоман барҳам беради. Бу ўринда шундай лавҳани келтириб ўтиш жоиздир:

Бу кун халқ жуда кўп, — дейди еш котиб салом бергандан кейин,
— барчасини қабул қила билурмисиз?

Англамадим, не демак истайсиз?

Агар вақтлари мусоида қилмаса, бир қисм халойиққа бошқа кун

1). Шоир ўзининг "Фарҳод ва Ширин" достонини иккинчи бир ном билан "Меҳнатнома" деб ҳам атагани бежиз эмас. Достонда ярамас аъёналарга барҳам бериб, меҳнаткаш Шаҳзода Фарҳоднинг ажойиб образини яратган.

келмоқни таклиф этсам, деган фикр хотирамга келди.

Баракалло, ғайратингизга! – истехзо билан хитоб қилди Навоий.
– Ёш котиб кўзларини ерга қадади, бир нафасда ҳам оқарди, ҳам қизарди.

Сиз ҳали ёш йигитсиз, – деди Навоий энди мулойим, лекин жиддий – мансаб поясида балки юқорилашурсиз. Шу сўз хотирангизга нақшланиб қолсинки, элга бу йўсинда муомала ва хизмат оқилларнинг иши эмас.

Навоий ўзидан бошқа аксарият амалдорлар ўзгача йўл тутишларини билади, бироқ ўзи саройда жорий этган усулдан қайтмайди. Бу янгича усул ўзига хос янгича фикрлаш маҳсули эди. Эҳтимол унинг юзага келишига сон-саноксиз "Тарих кўрсатурким" қабилидаги мулоҳазалар асос бўлгандир.

Алишер Навоий саройда уни ғийбат қилиб юрган бир гуруҳ рақиблири суҳбати устидан чиқиб қолади. Қора юрак Мажидиддин навкарларнинг маоши оз, бунга Навоий сабабчи, деб бошқаларни тезлаб турган эди. Навоий буни эшитиб, навкар давлат учун жуда керакли, лекин у садоқатли бўлиши лозим; оч-офат чигирткага ўхшамаслиги керак, дейди. Мажидиддин эса навкарлар оз маош олаётганликлари учун эл молига қўл чўзишмоқда, дейиш билан яна Навоийни айбдор қилмоқчи бўлади. Навоий эса унга мантиқан асосланган қуйидаги жавобни беради:

"...Баъзан ортиқча тўқлик ва бекорчилик, янги орзулар, ҳавасдор туғдирур. Сиз йигитларингизга кенгаш берингки, улар ... айш-ишратга ифрат шўнғимасинлар, Хитой шоҳидан тўн киймаса, қўнғли ранжийдиган навкарлардан давлат не хизматни умид қила олур".

Ўзаки қараганда, Мажидиддиннинг мулоҳазаларида асос бордек туюлади. Лекин белгиланган маош озлиги туфайли амалга оширилган ўғрилиқни, талон-тарожлиқни оқлаш нақадар кулгули эканлигини эслашнинг ўзи ҳам бу асосни саробга айлантиради. Ҳозир ҳам ўғрилиқни шундай йўллар билан тўғрилиққа буриш ҳолари кўзга ташланади.

Ойбек Мажидиддин ва унинг тоифасидаги кишилардаги яшовчан иллатларнинг энг характерли қирраларини очган. Навоийнинг далиллари асосли. Улар далил сифатида ҳозир ҳам яшовчан. Навкарнинг Чин шоҳисидан тўн кийишию икки юз сўм маош оладиган омбор мудирнинг машина миниб юришини муқояса қилиб кўринг.

Бундай очиқ мунозараларга тоб берадиган бадийят амалдорлар Алишер Ҳусайн Бойқаронинг ўрнига Бадиуззамонни ҳукмдор кўрмоқчи, деб подшоҳга имзосиз хат ёзадилар. Ҳусайн Бойқаро бундан шубҳага тушади ҳамда Мирқобил номли кимсани айғоқчи қилиб, Алишер хизматига йўллайди. Бу подшоҳ ва амир Навоий ўртасидаги дўстликка солинган биринчи раҳна эди.

Шу орада парвоначи Мажидиддиннинг яқин қариндошлари ва Музаффар Мирзонинг хос йигитлари (Муҳаммад Али Тархоннинг кичик ўғли) бир бечора бўзчининг қизини зўрламоқчи бўладилар. Бунинг урдасидан чиқиша олмагач, уни кўчада чавақлаб кетадилар. Алишер бу воқеани эшитиб ларзага тушади. Лекин гуноҳкорларга ҳеч қандай чора кўрилмаётганидан таажжубга тушиб, девонга йўл олади. Мажидиддин Музаффар Мирзонинг номини тилга олиб, ишни бости-бости қилиб юбормоқчи бўлади. Унга жавобан Навоий:

"Алҳамдулилло, бизнинг мамлакатда ҳукумат мавжуд... ҳукмдор мавжуд, қонун ва ҳуқуқ мавжуд. Агарда бирон шахсдан жиноят содир

бўлса, ишни таъқиқлаб, жинояткорни ўз гуноҳига муносиб асло мумкин бўлмас", — дейди-да, жиноятчиларни дарҳол ҳибсга олиш тўғрисида шаҳар доруғасига фармон ёздирди.

Навоий ижтимоий-сиёсий қарашларининг демократия идеалларига нисбатан яқинлиги ҳам шундаки, у қонун ва тартибни ҳамма учун бирдек амал қилиш учун курашади. Қонун олдида беку гадо бирдек жавобгардир. Умумий тартиб ўрнатилмаган ерда адолатли ҳукмдорликнинг, адолатга таянган давлатнинг бўлиши мумкин эмас. Навоий идеалларининг мустаҳкам демократик заминга қурилганлиги ҳам ана шундадир.

Узоқ вақтлар давомида биз мазкур идеални замондан узилган, шоир дунёқарашининг чекланганлиги оқибати, деб жар солдик. Диққат қилсак, етмиш йилдан ортиқ ўтган вақт мобайнида бизнинг ҳар биримиз Навоий талаб қилган ана шу оддий ҳақиқатдан айри тушган эканмиз. Ойбек худди ана шу ҳақиқатнинг бузилишини теран ҳис қилган ва XX аср аслзодаларининг қилмиш-қидирмишларини ўзининг севган қаҳрамони тили билан фош этган.

Янгича фикрлаш мавжуд нарсани янгича нуқтаи назардан талқин этишдан бошланади. Шундоқ олиб қаралганда, Навоийга қадар ҳам жамиятнинг ўз яшаш қонун ва тартиботлари мавжуд эди. Бироқ ҳеч ким унга амал қилмас эди, холос. Уни Навоий ўйлаб чиққан эмас. Навоий унга янгича мазмун киритиб, янгича талқин этди. Бу эса ҳаммага ҳам бирдек еқавермас эди.

Шоирнинг Марвдан туриб "Ихтиёридин" қалъасида банд этилган Дилдорни озод қилиш ҳақида қалъа бегига ёзган фармонидан ҳам унинг қатъий ва мустаҳкам заминга таяниб иш кўрганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ойбек Навоийнинг маърифатчилиги борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳам четлаб ўтмайди. Бу ўринда айниқса буюк шоирнинг Мўмин Мирзо ва Бадиуззамон Мирзоларга кўрсатган таъсири ишонарли акс эттирилган. Улар ҳар иккисининг муайян истеъдодга эга эканлиги шоир ҳаракатларини маълум мақсадга йўналтирилганини яна бир бор тасдиқлайди. У Бадиуззамон Мирзога шундай (фақат бадий асарларни мутолаа қилишни) насиҳат қилади: "... Давлатнинг бутун масъулияти сизларнинг зиммангиздадир. Ободончилик еки инқироз сизларнинг тадбир ва ҳаракатингизга боғлиқдир. Шунинг учун сиз тарих ойнасига қараб турмоғингиз керак. Қайси даврларда қайси сабаблар билан юртлар обод бўлган, эллар шод-хуррамлик кўрган ҳам қайси замонларда ва не сабаблардан мамлакатлар ҳалок бўлган, буларни ўрганмоқ даркор". Бу шунчаки насиҳат эмас. Бу тарихдан сабоқ олган, ўша "тарих кўрсатурким" дея ҳукм чиқарувчи ҳакам мутафаккирнинг Бадиуззамон Мирзо зиммасига юклаётган вазифаларидир. Илмни ҳаётга татбиқ этишнинг, тарихдан ўрнак олишнинг энг синалган, ишончли йўли эди.

Ойбек Марв бўсағасидаги Навоий учун тикланган чодирни буздирмай, токи тухум ериб полапонлар учар бўлгунча Хўжа Ҳасан номли хизматкори кўз-қулоқ қилиб қолдириб кетганлигини тасвирлар экан, Алишер характеридаги инсонийлик, табиат билан уйғунлигини яна бир хотирга солади. Шунчаки қушлар осойишталиги ҳақида жон қўйдирган шоирни Мўмин Мирзо, қолаверса Дилдор, Султонмурод, бутун эл-улус тақдирига бефарқ қарамаслигини китобхон зўр ички қониқиш билан ҳис этади. Романда Мавлоно Биноийнинг Алишерни анча ранжитиб Ҳиротдан чиқиб кетгани, яна у қайтиб келгач, Навоий уни дўстона, самимий кутиб олганлиги билан боғлиқ ўринлар ҳам

Навоийдаги ўта юксак ва теран инсонийликни далилловчи воқеалар сирасига киради.

Навоийнинг душманлари, айниқса, Мажидиддин шоирнинг эл ўртасидаги обрў-эътиборига, подшоҳ қошидаги салмоқли мавқеига бефарқ қарай олмас эди. Унинг бу борадаги ҳаракатлари туфайли подшоҳнинг Навоийга бўлган эски эътиқоди ўрнини шубҳа ва гумон қоплайди. Подшоҳ ўзига нисбатан Навоийнинг " дилида бир нима" бор, деган фикрга келади. У ўз атрофини ўраган барлос беклари, баъзи аъёнларнинг талабларини қондириб, Алишерни Астрободга ҳоким қилиб тайинлайди, уни пойтахтдан узоқлаштиради.

Навоий чуқур зеҳни билан бу найрангнинг бутун моҳиятини англаб етади. У подшоҳга тик қараб: "Сиз мени пойтахтдан йироқлатиб, хато қилмасам, баъзи зотларга йўл очишни тилайсиз. Билмадим, бу тadbир қанчалик тўғридир... Агар давлатга хайрли натижа берса, барчадан бурун камина қувонир. Қўрқаманки, нохуш оқибатларга элтмаса деб", — кўнглида кечган барча ҳадикларни рўй-рост тўкиб солади.

Навоий подшоҳни тўғри йўлга солиш ниятида давлат ва халқ учун ўта зарур, иқтисодий мулоҳазалар билан далиллаган фикрларни баён этади: "Хазина давлат учун бадандаги қон каби зарурдир. Аммо бир ёқдан тўпламоқ, иккинчидан ёқдан совурмоқ билан хазина тузиб бўлмас. Ҳотамтойликни билиб қилмоқ лозим. Ёмғурни куриб қақшаган боққа эмас, элтиб тоққа қўйган булутни сахий дейилмас. Даставвал хазинани эл манфаати учун тўпламоқ керак. Зироатни, ҳунар ва санъатларни ривожлантирмоқ, тижоратга эътибор бермоқ керак". Бироқ бу гаплар энди ҳукмдорга таъсир қилмас эди. У Алишерни "... елғиз қалам ва дафтарларим билан яшамоққа ижозат

берингиз. Ҳеч қандай расмий вазифага хоҳишим йўқ", мени Ҳиротдан қувманг, деб илтижо қилишига ҳам қарамай, ўз фикрида қатъий қолади.

Алишер Навоийнинг маърифатчилик ва демократик йўналишдаги ҳаракатларидан "безган" шоҳнинг ҳукми ҳақиқатан ҳам қатъий эди. Бу нуқтада икки мактабдош шоир эмас, балки мутафаккир ва шоҳ тўқнашади. Навоий ҳар галгидек ақл ва қудратига таяниб, вақти билан бирор кимсани айбламайди ҳам. "Баъзи зотлар"га урғу бериш орқали шоҳнинг нима мақсадда бундай йўл татаётганини алоҳида эслатиб ҳам қўяди. Лекин буни юзига солмайди. Шарқ одоби доирасида муомала қилади. У қаршисида буюк Темурнинг авлоди — шоҳ ўтирганини унутмайди. У қонун, тартибот ҳақидаги ўз қарашларини, маърифатчилик борасидаги ниятларини, салтанатни сақлаб қолиш йўлидаги тартибларини энди амалга ошириб бўлмаслигини рўй-рост ҳис қилади. Навоий уларни амалга оширишга аввал ишонармиди? Ўз-ўзидан агар ишонмаса у ўз ниятларини шоҳга ошкор қилармиди, деган савол туғилади. Ҳар қандай янги ният амалга ошиши учун зарур шарт-шароит юзага келгач бўй кўрсатади. У ниятлигича қолиб кетмаслиги учун қарашлар кураши жараёнига аралашishi, унинг муайян қутбига айланиши шарт. Навоий қарашларининг XV аср Ҳирот шароитида амалга ошмаганлиги масаласига келсак, бунинг ҳеч қандай хайрон қоларлик томони йўқ.

Астрободнинг аввалги ҳокими Амир Мўғул Мажидиддиндан хат олиб, Алишерни кўрмасданоқ Ҳиротга жўнаб кетади. Навоий эса Астрободнинг "на вақфида, на мадрасасида, на солиғида, на қозихонасида" маъқул иш тартибини кўрмай, Ҳиротда қўлланган тартиб ва қоидаларни амалга ошира бошлайди. Бўш вақтларида эса

"Ҳазойин ул-маоний"га тартиб бериш билан шуғулланади. Шу нарса эътиборлики, Навоий Астрободда ҳам илм-маърифат кишиларига қомийлик қилади. Ҳатто жияни Ҳайдар Сабуҳийдан ўз шеърларини девон қилиб тартиб беролмай ўлиб кетган бир фақир шоир ҳақида эшитиб, унга шундай топшириқ беради: "Сўнгги юлдузлардан бирини тарих учун киргизинг. Ҳалиги марҳум шоирнинг ҳаётини ўрганинг, унинг қалам маҳсулотини, қайда, кимда бўлмасин йиғиштиринг ва истеъдодли, номусли бир котибга бериб, бир китоб туздиринг. Ўзмики харажатларни биз ўз зиммамизга олурмиз".

Шу ўринда кичик бир изоҳ. Эҳтимол, Ойбек Навоийнинг ўз жияни Ҳайдар Сабуҳийга берган ана шу маслаҳатини келтиришда "Мажолис ун-нафоис"да эслатиб ўтилган, дунедан ёш кетган, "хўш ахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона", "саромади замона" бўлган оддий йигит Мирзабекнинг фожиали умрини эътиборда тутгандир. Навоий Мирзабекнинг бир матлаинни, яъни "Кўзинг не бало қаро бўлубтур, ким жонга қаро бало бўлубтур"ни ғазалга айлантириб, "анинг ёдгори" сифатида девонга ҳам киритган. Сабуҳий ҳикоя қилган тақдир ҳам, Навоийнинг унга муносабати ҳам ўта ўхшаш.

Асардаги воқеалар ривожда ўзаро зиддият янада кескинлашади, натижада, "Навоий дўстлари, яқинларигина эмас, ҳатто унинг шоирлигини мақтаганлар, адолатига таън берувчилар, хайрихоҳлик кўрсатувчилар ҳам Мажидиддиннинг омонсиз гурзиси остида" қолади.

Навоий, бу каби таъқиб ва зие душманлари ҳақида гап кетар экан, дўсти хўжа Афзалга мурожаат этиб шундай дейди: "Ақлнинг тантанаси уларни кучли сел ер юзидаги ахлатларни сургидек, ҳаёт майдонидан адамга судрар. Бинобарин, биз қаерда бўлмайлик, юрт учун ақлнинг муқаддас оловини кўриқлаймиз. Биз мисоли темирчимиз.

Зулмнинг кушандаларини ақлнинг устанхонасида эритиб, ундан ҳаёт учун керакли асбоблар ясармиз. Дўстим маҳкам эътиқод керак”.

Навоий эътиқод ҳақида гапирганда, энг аввало, эл-юрт, улус ҳамда улуг мақсадга содиқ қолишни назарда тутди. Қандайдир заиф бир тўсиқ олдида иккиланувчилар Навоийнинг талаб ва интилишига ноқобил шахслардир.

Аммо бу мулоҳазалардан Навоий ўзи яшаб турган ижтимоий тузумга қарши исён иштиёқида ёнган бир шахс экан, деган фикрга бормаслик керак. Чунки у мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузумни тубдан ўзгартиришни хаёлига ҳам келтирмаган. Балки у феодал тузуми доираси, мамлакатдаги ижтимоий-феодал шароит ва сиёсий силсиласини сақлаб қолган ҳолда, адолат ва маърифат кучига таяниб халқчил ҳокимият барпо этиш тарафдори бўлган.

Бинобарин, Навоий ҳақиқий инсонийлик талаблар асосида қурилган марказлашган давлат тўғриси илгари суради. Унингча, майда мустақил давлатлар, бекликлар мамлакатларнинг, халқларнинг тараққиети, осойишталиги учун зарарлидир. Уларнинг ўрнига ягона марказий ҳукмронлик, марказий идора усули жорий этилса, бу тинчлик ва тараққиётга эришиш, унинг тантанаси учун асосий муҳофазадир. “Бу марказий давлат устида турган шоҳ, монархия тўлиқ мустақилчилик асосига қурилган бўлмасдан, шоҳ ўзини чексиз мутлақий ҳуқуқларга эга деб ҳис қилмасдан, ўз атрофида турганлар... билан бирга ҳаракат қилиши керак” 1). Шунини ҳам алоҳида қайд этиш керакки, теурийлар династияси инқирозга юз тутган даврда Навоийнинг марказлашган давлат идора усули ҳақидаги қараши ўта прогрессив эди. У тарихий манбалардаги маълумот ва тажрибаларга таяниб ақл ва идрок билан мавжуд давлат идора

усулига муайян янгиликлар киритмоқчи, шу билан инқирозга юз тута бошлаган династиясини сақлаб қолмоқчи холос. Бу XV аср ижтимоий-тарихий шароити нуқтаи назаридан ўта дадил фаолият эди.

"Навоий" романида шоирнинг образи сиёсий нуқтаи назаридан худди ана шундай талқин этилгандир. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Навоий Астрободдан султон Ҳусайн Бойқарога хатлар йўллаб, унга Мажидиддин ибораси билан айтганда, "бутун давлат тартиботини ислоҳ қилмоқни тавсия қилади". Бундан ташвишга тушган Мажидиддин подшоҳга: (Балхда) Дарвешали жамики ишларни ўз билигича олиб бормоқда эмиш. Ога билан уни орасида (Алишер билан Дарвешали) пайдарий чопарлар қатнаб турмоқда..." 1) — деб, Навоий шаънига ғийбат қилади. Алишер ва туркман султони Яқуббек ўртасидаги муносабатларни ҳам ҳукмдорга нотўғри талқин этади.

Мажидиддин ва унинг ҳамфикрлари Султонмурод шаънига ҳам иғво тарқатиб, уни мударрисликдан ҳайдайдилар. Бу воқеалар Навоийгагина қарши қаратилган фитна, шахсий ғаразгўйлик натижасида бўлмай, балки қараш ва ниятлар ўртасидаги курашнинг рўй-рост ифодаси эди.

Кураш тобора кескин тус олади. Мажидиддин бошлиқ қора кучлар олти минг динар эвазига Навоийни заҳарлаш ниятида Астрободга подшоҳнинг бош ошпази Абдусамад номли кимсани йўллайдилар. Бироқ шоир зийраклик билан фожианинг олдини олишга муваффақ бўлади. Фитна фожия этилгач, "ҳақиқий жаллодлар, қотиллар, энг қабих жинояткорлар Ҳиротдадирлар... Ҳаётда бахт ўзгаларнинг қувончини кўрмоқ экан, улар умуман бахтини поймол қилиб, саодатга эришмоқчи

1). Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. Тошкент "Ўзбекистон нашрияти", 1970, 488-бет.

бўлурлар. Билмайдиларки, асли бадбахтлик будур. Ҳайҳот эл-улуснинг тақдири шу зулм-силат аҳлининг қўлидадир", — дея афсус чекади Навоий.

Бундай хулосага келиш учун махсус жиноятни қидириш ҳақида билимга эга бўлмоқ шарт эмас. Фақат шоирнинг ўзи бир неча бор таъкидлагандек, ақл-идрок ила иш кўриб, " тарих кўрсатурким"га амал қилинса бўлгани.

Романдаги воқеалар тасвиридан шу нарса англашиладики, подшоҳ Навоийни заҳарлашга уриниш воқеаси ҳақида сўз очиб, бунга шоирнинг ўз муносабатини сўраганда, у "Кўнглим кек ва адоват сақлашга мойил эмас... Разилларнинг разолати улар учун улуг жазо ва шармандалиқдир. Улар билан даъволашмоқни ўз қадрим учун нуқсон билурмен", — деб жавоб беради.

Бу билан у ўз рақибларидан маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам жуда юксак эканлигини намойиш этади. Навоийнинг айни пайтдаги ҳолати унинг ўзи томонидан чизилган "Занжирбанд шер" ҳолатига ўхшаб кетар эди.

Худди шу ўриндаги вазият шоирдан яна ҳам босиқлик билан, ўта нозик ақл-идрок билан иш кўришни тақозо этар эди. Аксинча йўл тутиш қарши қутбни яна ҳам жазавабини ошириб юборар, Бадиуззамон ва Дарвешалиларни аёвсиз кураш қаърига тортар, усиз ҳам кучсизланган династия инқирозини тезлаштирар эди.

Навоийнинг ана шу ҳолати романда Бехзод тили билан яхши ифодаланган. У расмга кўз солар экан, дейди: "Заржибанд шер" ўз асоратчиларига қарши яна ҳам кўрқинчлироқ бўлар... Шернинг бўйни занжирга итбат қилса ҳам, яраги асло бўйсунмас, афсуски, бу оддий ҳақиқатни идрок этмайдилар..." Жаҳолатнинг етакчи, асосий

хусусияти шундаки, у воқеалар ривожланган сари яна ҳам гумроҳлашиб бораверади. Олдин-кейин қотилликлар содир этади. Навоий билан ҳам худди шундай ҳисоб-китоб қилади.

Алишер Навоий умрининг шу босқичида сиёсат масалаларида талай тажриба ортирганига қарамай, қора кучларга қарши кураша-кураша анча чарчаган эди. Шунинг учун ҳам, ўз қўли билан фармон езиб, укаси Дарвешалини Балх зиндонига қамашга ижозат бериши каби воқеалар унинг руҳига озмунча таъсир этмай қолмайди. Натижада, у куйидаги хулосага келди: "Бу мамлакатда ислоҳ сўзини оғизга олганларни ... энг музир осий (энг хавfli гуноҳдор) каби дор билан мукофотлайдилар". Бунинг устига, Мўмин Мирзонинг қатл этилиши ҳам шоир руҳига қаттиқ таъсир этганди. Ана шулар боис ҳам Алишер Навоий, "бутун умид-амалларининг синганин сизди. Суюкли она тупроқ унинг оёқларини оловдек уза бошлади. Тарки Ватан қилмоқ, ўзга диёрларга бош олиб кетмоқ фикрига тушди." Лекин у ўзининг элпарвар дўстлари таъсирида бу қарордан қайтди. "Жамики муқаддасотдан халқ сўзи азиз ва маънолидир. Халқим учун орзуларимдан эмас, бошимдан ҳам кечишга ҳозирман..." - деган қарорга келади.

Бу энди ниятлари тўсиққа учраб, орзу-умидлари чилпарчин бўлган инсоннинг ҳолати эмас. У ўз қараш ва интилишлари мустаҳкам заминга асосланганини теран ва атрофлича ҳис қилади. Шунинг учун ҳам ана шу замин - халқни ҳеч қачон унутмайди. У учун ўзини фидо қилишга ҳам тайёр. Бу - енгилган ёхуд интилишлари саробга айланган инсоннинг ҳолати ва кайфияти эмас. Хуллас, Навоийнинг раҳнамоси унда мавжуд бўлган ҳамда давр ўтиши билан камолга ета борган комил ишончдир.

Алишер Навоий умрининг қолган вақтини илм-фан ва санъат тараққиётига, етим-есирларнинг бошини силашга оч ва юпунларни едириш ва кийинтиришга сарф этади. Гарчи у сарой билан расман боғлиқ бўлмаса-да, лекин унинг кўп вақтини исенчи шахзода ва ҳокимларнинг шоҳликка қарши хуружларининг олдини олиш билан боғлиқ ташвишлар банд этар эди. "Инсон учун тож киймоқ шарт эмас, балки номус ва виждон соҳиби бўлмоқ, жамият олдидаги ўз масъулиятини севмоқ шарт!" – деб уқтиради у шахзодаларга.

Навоий улур амирлик лавозимида бўлган вақтларида худди ана шу талабларга риоя қилди, халқ, эл-улус ташвиши билан яшади. Шунинг учун ҳам Навоийнинг бу сўзлари шунчаки насихат эмас, ҳаётий воқеалар, муносабатлардан чиқарилган мантиқий хулоса тарзида янграйди. Бу маълум маънодаги умр ва интилишлар, орзу-умидлар сарҳисобидир. У энг фожиали тўқнашувларга дуч келганида ҳам асосий идеалидан воз кечгани йўқ. Уни ўз ниятидан, идеалидан воз кечишга кўндира оладиган кучнинг ўзи мавжуд ҳаётида йўқ эди. Эътиқоди баркамол инсонларгина бундай қатъийликка эга бўлишади. Характер ва эътиқод қатъийлигининг муайян объектив ҳамда субъектив асослари мавжуд бўлиб, у энг аввало, Навоийнинг Хуросон, қолаверса, Яқин ўрта Шарқдаги шон-шухрати, беқиёс билим ва донишга, муайян таъминланишга эга эканлиги, имони бутунлиги каби қатор ва қатор жиҳатларга бориб тақаладики, буларга батафсилроқ тўхталиш, шоир асарларига таянган ҳолда уларни теранроқ таҳлил қилиш, бизнингча, махсус илмий тадқиқотни тақозо этади. Шундай бўлса-да, романда акс эттирилган бир-икки эпизодни қайд этиб ўтишни лозим топдик. Чунки айнан шу эпизодларнинг моҳиятида баркамол эътиқоднинг сирли қудрати нурланиб туради.

Навоийнинг халқ ва ватан осойишталиги, тинчлиги, маъмурлиги учун ғайрат билан умрининг сўнгигача олиб борган фаолияти ҳозирги замон кишилари учун ҳам ибратлидир. Бу нарса "Навоий" романининг замонавийлик руҳини белгилаган асосий омилларидан ҳисобланади. Шулардан келиб чиқиб, Ойбек "Навоий" романида буюк гуманист, маърифатпарвар, одил ва доно давлат арбоби, халқчил мутафаккир, гўзал фазилатларнинг мужассами бўлган маданий инсон Алишер Навоийнинг образини ўта жонли ва ишонарли яратган деб баралла айта оламиз.

Ўқорида таъкидлаган эътиқоднинг сирли қудрати жаҳолатнинг энг кучли қанотини ҳам синдиради. Унинг вакиллари бу сирли қудрат олдида ноилож қолиб, ўзларининг зое кетган умрларидан афсусланадилар, ўзларининг адоват шамширларини қўлдан ташлайдилар.

Алишер Навоий, олдинги саҳифалардан бирида қайд этиб ўтганимиздек, ўз замонасидаги зулумот, феодал жаҳолат ичра порлоқ нур эди. У ўз елқини билан меҳнаткаш аҳоли онгига, қалбига зие таратди. Ғанимларнинг эса кўзини қамаштирди, ҳатто уларнинг мажруҳ қалбу шуурида тавба тазарру уйғотди:

Умримдаги энг катта хато — Алишер Навоийга душманлигим бўлди. Мен йигирма йилдан ортиқ Алишерга қарши ҳаракат қилдим, не ишлар қилганим сизга маълум. Алишер юраги тоза одам эди, — дейди Мажидиддин Тўғонбекка.

— Тўғри, — деди Тўғонбек бошини қуйи солиб. — Алишер Навоий тулкиликни билмайди. Юраги уйдон соф одам.

— Балли! — деди Мажидиддин хўрсиниб. — Унинг қаҳри ҳам, раҳми ҳам самимий.

Рақибларнинг тавба тазарруси, "хўрсиниб" бўлса-да, ўз айбларига иқрор бўлишлари Навоий қарашларининг энг улкан тантанаси эди. Ақл-идрок, фаросат ва донишлик кураши борасида бундай ғалабага эришиш осонликча кечмайди. Ойбек бу кураш жараёнидаги руҳий талотумларни, зиддиятларни ўта ишонарли ҳамда таъсирчан тасвирлай олган. Ўқувчи характерлар тўқнашуви ва воқеаларнинг жонли кечаётганлигига тўлиқ ишонади. Бундай ишонч туйғусини уйғота олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Бу улуғ инсоннинг биз учун ҳамон сирли хислати шунда эдики, у ҳукмдор, маърифатли бўлса, мамлакат фаровон, халқ бахтиёр бўлади, деб қаттиқ ишонар эди. У яшаб турган жамиятда бундан ўзгача фикрлаш ҳам мумкин эмас эди.

"У Бадиуззамон Мирзога шундай дейди:

Мен бутун умр орзу қилган ҳукмдорни, у баркамол инсонни... афсуски, ҳаётда кўролмадим, елғиз ҳаёлимда яратдим. Сиз танийсиз, биласиз, уни агар унутган бўлсангиз, "Искандарнома" -ни яна бир карра ўқинг, ҳукмдор-у, барча фазлларнинг қони-у... сизларда унинг сояси ҳам йўқ. Сизлар унинг навқарига ҳам арзимайсизлар".

Навоий идеалининг қамрови сарҳадсиз бўлиб, у бевосита Шарқ адабиёти ва фалсафасидаги қомил инсон тушунчаси билан алоқадордир. Бу шоир орзусидаги ҳукмдорни Аллоҳга тенглаштириб қўяди. Шунинг учун ҳам бундай ҳукмдорни на XV аср Хуросон шароитида, на ҳозир ва на келажакда бўлишини тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Бундай ҳукмдор қачондир юзага келса, унда Аллоҳнинг ердаги нусхаси пайдо бўлади. Ҳукмдорлик эса "Беайб парвардигор"ликка изн бермайди. Хўш, унда Навоийнинг нияти пуч, хомхаёл экан-да? Йўқ, бундай хулосага бормаслик керак. Бу

масалага фақат ва фақат халқимизнинг "Орзуга айб йўқ" ҳикматига асосланиб ёндошилса, муаммонинг моҳияти англашилади. Ҳукмдор кэмиллик йўлида саъй-ҳаракат қилса бўлгани. Шунинг ҳам уни адолатли ҳукмдор дейишга имкон беради.

Мазкур мулоҳазалардан келиб чиқиб, Ойбекнинг "Навоий" романида буюк шоир образининг асарда ўртага ташланган ижодий муаммо билан алоқадор томонлари ўта ишонарли, таъсирчан ҳамда тарихан аниқ акс эттирилган дейиш мумкин.

Ойбекнинг XV аср Хуросондаги ижтимоий-сиёсий, адабий-фалсафий, маданий ва эстетик ҳаётни тарихан ҳаққоний ёритган "Навоий" романидаги мутафаккир ижодкор шахс образи талқинига доир мулоҳаза ва тадқиқлар роман ҳақида ёзилган юзлаб мақолаларда кўзга ташланади. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам бевосита шу муаммога бағишланган қатор тадқиқотлар юзага келганлиги ҳам бу муаммони ўта долзарблигидан далолат беради.

С.П.Панченко 1964 йилда "Ўзбек совет адабиётида Алишер Навоий образи" 1) мавзuida кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилган. Бироқ бу иш, ҳатто 60-йиллар адабиётшунослиги савияси нуқтаи назаридан олиб қаралганда ҳам, юксак талабга жавоб бера олиш даражасида эмас. Зеро, мазкур тадқиқотда яратилган Навоий образининг тарихий асосларини тадқиқ қилишдан кўра, кўпроқ Навоий образига оид илмий изланишларни шарҳлаш етакчилик қилади. Бу эса С.П.Панченко илмий тадқиқотини ўзига хосликдан маҳрум этган.

1980 йилда эса Ў.Шокировнинг "Замон нафаси ва образ" (Алишер Навоий образи ўзбек совет адабиётида) номли рисоласи босмадан

1). С.Д.Панченко. "Образ Алишера Навои в узбекской литературе". Канд. дисс., СамГУ, Фундаментальная библиотека, 1964, 991, 709/П-168.

чикди. Китобнинг "Насрий асарларида шоир сиймоси" қисмида "Навоий" романида тасвирланган Навоий образи устида гап кетади.

Шуни айтиш керакки, муаллиф "Навоий" романида XV аср феодализм муҳитини у даврда яшаган "тарихий шахслар образларининг тарихан тўғри ва ҳаққоний акс эттирилганлигини асослаш учун (остини биз чиздик - А.Н.) асарнинг бир бошдан таҳлилини беришдан кўра, йирик тарихий шахслар - Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий, Жомий ва Навоий, Бойқаро ва Бадиуззамон муносабатларига диққатни жалб этиш жоиздир" 1) - деб таҳлил йўналишини бизнингча нотўғри белгилайди. Натижада, у асарнинг бош қаҳрамони Алишер Навоий характерининг такомили жараён ва ўсиб боришини таҳлил доирасидан чиқаради. Бу эса, у танлаган мавзунинг ўзак масаласи эди. Оқибатда, муаллиф фалон бир тарихий образнинг талқинида қандай тарихий манбаларга суянган, шу образ талқинида "Алишер Навоий" драмаси ва сценарий муаллифлари қандай йўл тутганлар, деган масалалар билан ўралашиб қолиб, шоир сиймосининг гавдаланишини таҳлил этишни эътибордан қолдирилиши эмас, балки Навоий образини у ҳақдаги тарихий маълумотларга нечоғлик мутаносиблиги биринчи планга чиқиб қолган.

Рисолада биз Алишер Навоий характерининг такомили еҳуд ўсиб бориши таҳлилини кўрамиз: фақат Едгор Мирзонинг хуружи, Ҳиротдаги халқ қўзғолони, Дарвешали исени ва бошқаларга Навоийнинг муносабати хусусидаги узук-юлук фикрларга дуч келамиз, холос.

Рисола муаллифи ўз ижодий-илмий ниятига содиқ ҳолда романда тасвирланган у еки бу воқеанинг тарихий фактларга мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун ҳеч вақтини аямайди. У, масалан, "Энди

1). Ўткир Шокиров. Замон нафаси ва образ. Тошкент. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, 36-бет.

Хирот Едгор Мирзо кўлига ўтгач, оғир аҳволда қолган Бойқаронинг яна ҳокимиятга эришиш учун кўрган тадбирлари ва ўз муддаосига эришиш каби тарихий фактнинг романда ифодаланишига назар солайлик. Бу тарихий факт Хондамирнинг "Макоримул - ахлоқ" асарида шундай ҳикоя қилинади" (39-40-бетлар).

деб мазкур асардан жуда катта парча беради. Сўнгра эса: "... шу тарихий факт Ойбекнинг "Навоий" романида шундай бадий ифодаланади" (42-бет) деб романдан ҳам икки ярим бетлик кўчирма келтиради. Хулоса эса қуйидагича: Мана шу тарихий эпизоднинг бадий тасвири мисолида ҳам "Навоий" романи тарихий ҳужжатларга асосланганини кўриш мумкин. Шунини мамнуният билан қайд этиш керакки, бу тарихий фактларга ёзувчининг баъзи фантазиялари ҳам қўшилган" (44-бет). Аслида эса олим ана шу тарихий қайд ва фактларнинг моҳияти ёзувчи Ойбек томонидан қандай ҳам қай меъерда бадий талқин этилганини таҳлил этиб беришга асосий эътиборни қаратиш лозим эди. Зеро, бу ўринда асосий гап тарихий қайд ва фактларни айнан мос тушишида эмас, балки уларнинг Навоий характери қирраларига, унинг фаолияти ва ҳаракати йўналишига мос тушишидадир. Муаллиф эса фактлар мутаносиблигини қайд этишдан нарига ўтмайди.

"Ойбек - буюк санъаткор. У бадий тасвир жараёнида нафақат тарихий далиллардан, балки адабий материаллардан ҳам усталик билан фойдаланади. Агар у образ ҳарактерини очишга мос тушса! Қуйидаги парчани "Ҳайрат ул-аброр"даги золим подшоҳлар ҳақидаги мақолат билан чоғиштиринг: "Подшоҳнинг ен бағрини бир тўда телба итлар қуршаган десангиз яна тўғрироқ бўлар эди, - деди хафаланиб Навоий. - Улардан тунларда фиску фужур ва анво аҳмоқликлар содир

бўлур. Кундузлари шаҳар, кент кезиб, элни талайдилар. Подшоҳ у
итлар орасида ўзини қоплон гумон қилиб, уларнинг кирдикорларига
шерик бўлмоқдалар! (162-бет).

Мана бу парчани эса пантеист мутафаккир Навоийнинг бутун ижоди
билан қиёслаб кўринг:

—Хўш, сизни шаккокликда айбламоқ учун уларда ҳеч асос борми? —
сўради Навоий кулиб Султонмуроддан.

—Мени табиийюн (фалсафада табиатни асос қилиб олувчилар —
А.Н.) дейдилар, жавоб берди Султонмурод. —Лекин мен ақл ва илмга
эргашурмен. Ёлғиз буларнинг ҳақиқатини танурмен.

Албатта, олим ҳақиқатни қидирар экан, шак-шубҳага бормоғи
табиийдир (скептицизм —А.Н.), —деди Навоий жиддий. —Табиатнинг
сирлариндан воқиф бўлмоқ учун уни татаббу этмоқ керак. Зотан, бу
нарсга ҳеч кимсани оллоҳдан узоқлаштирмас. Чунки табиатнинг ўзи
хусни мутлақнинг бепоён жилвалар кўрсатган улуг кўзгусидир. Лекин
бу жиҳатни жоҳиллар англамайдилар”. (338-339-бетлар).

Хуллас, бундай мисолларни яна истаганча келтириш мумкин.
Шубҳасиз, мазкур рисолада 80-йилларнинг бошларида
адабиётшунослигимизда анча кенг қулоч ейган фактбозлик иллати ўз
муҳрини қолдирган. Бизнингча, у ёки бу эпизодни олиб, уни тарихий
факт ва қайдлар билан муқояса қилишга нисбатан биргина “Тарих
кўрсатурким” бирикмасининг замиридаги моҳиятни англаб етиш ҳамда
таҳлил этиш анча мураккаброқдир. Бу ва бунга ҳамоҳанг бирикма
ҳамда жумлалар эса романда сон-саноксиздир.

Навоий образига оид бошқа аксарият тадқиқотларда асосий урғу
Навоий дунёқарашининг чекланганлигига, шохнинг ақл-идрокда

номукамаллигига, айш-ишратга берилиб, давлатни идора қилишдан узоқлашиб кетганлигига қаратилади. Яна ҳам тўғрироғи уларда қаҳрамон ва "унинг рақиби" хатти-ҳаракатларига имкони борица сиёсий тус бериш етакчидир. Шунинг учун ҳам биз бундай қараш ва таҳлил муаллифларига муносабат билдириб ўтишни лозим топмадик. Бундай қарашларга муносабат бизнинг мулоҳазаларимизсиз ҳам аниқдир.

Биз шу ўринда Навоийнинг дунёқарашига алоқадор муҳим бир қирра ва уни нима учун Ойбек томонидан талқин этилмагани сабабига тўхталиб ўтмоқчимиз. У ҳам бўлса Навоий ва тасаввуф масаласидир. Маълумки, Алишер Навоий Шарқда кенг қулоч ейган бу фалсафий оқим асослари билан ешлигидан таниш бўлган. Кейинчалик бу ҳақда қатор рисолалар яратди. Бугина эмас, унинг қатор йирик бадиий асарларидаги (масалан, "Ҳамса", "Лисон ут-тайр") қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини, фикрлаш ва муносабатлар йўсинини, кўплаб ғазалларидаги поэтик мазмун табиатини тасаввуфсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу исбот талаб этмайдиган, содир бўлган тарихий-бадиий ҳодисадир.

Биз бу ўринда Навоий ва тасаввуф масаласига тўхталмоқчи эмасмиз. Чунки бу муаммо бизнинг бевосита тадқиқ йўналишимизга қирмайди. Бизнинг эътиборимизни тортган масала — романда ана шу муаммони четлаб ўтилгани, унинг сабаб ва моҳиятидир.

Маълумки, Навоий романда қамраб олинган ҳаёти (1469–1501) даврида ешлигига нисбатан ҳам тасаввуфга яқинроқ бўлган, бу дунёқарашга оид ғоялари акс этган, ифодаланган асарлари асосан ана шу йиллар давомида яратилган. Буни Ойбекдек аллома адиб жуда яхши билар ва теран тушунар эди. Шунинг учун ҳам адибнинг Навоий

ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этган бу фалсафий ҳодисага шунчаки йўл-йўлакай баъзи бир қайдлар билан тўхталибгина қаноатланиши ўқувчига ғайри табиийдек туюлади.

Бизнингча, Ойбек бир еқлама ва қатъий сиёсий қараш ҳукмрон бўлган даврда ана шундай "ғайритабиий" йўл тутишга мажбур бўлган. Сиёсий андоза уни бу ҳақда гапиришдан маҳрум этган. Буюк шоир ҳақидаги ҳақиқатнинг, муайян қиррасини бўлса-да, айтиб қолиш иштиёқи Ойбекни сиёсий андоза талабларини қабул қилиб, чекинишга мажбур қилган, десак биз ҳам ҳақиқатдан айри тушмаган бўламиз. Ҳар ҳолда бу эҳтимол тутилаётган мулоҳазадир. Лекин бу эҳтимоллик тасаввуфни Навоий ҳаёти ва ижодида муҳим аҳамият касб этганлигини назарда тутган ҳолда Ойбекдек аллома адиб томонидан теранроқ еритилмаганини хотирга келтиришимиз билан муайянлик касб эта бошлайдики, бу ҳам охир-оқибатда бизнинг тахминимизни аниқ далилга асосланганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Қолаверса, тасаввуф ва Навоий муаммосини эндигина тадқиқ мавзуга айланганининг ўзи ҳам ўта сиёсий андоза масаласи билан боғлиқдир. Кўриниб турганидек, бу энг мураккаб ва зиддиятли муаммо алоҳида ҳамда атрофлича, теран таҳлилни талаб этадики, биз бу мавзунини Навоий ва ҳозирги давр ўзбек адабиёти масалалари билан шуғулланувчилар диққатига ҳавола қиламиз. Романда бу масаланинг нечоғлик еритилганлиги, Ойбек ва сиёсий андоза, асар матнидаги бадиий қочиримлар таҳлили бизнинг бундан кейинги илмий ишларимиз мавзуси бўлиб қолади.

КИЧИК НАСРДА ЁШ АЛИШЕР ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

Буюк Алишер Навоийнинг бадиий талқинининг кичик ҳажмли насрда яратиш борасида 50-йилларда бўлганидек, ундан кейин ҳам арзигулик ишлар қилинди.

Булардан бири ўзбек ёзувчиси Миркарим Осимнинг ўзига хос услуб билан яратган "Зулмат ичра нур" қиссаларидир.

XX аср ўзбек адабиётининг қарийб ҳамма жанрларида Алишер Навоий образи яратилган асарлар анча салмоқлидир. Қисса жанрининг ўзигина ҳисобга олинадиган бўлса, ўзбек адабиётида мазкур мавзуда Ойбекнинг "Алишернинг ешлиги" 1), М.Осимнинг "Зулмат ичра нур" 2) асарлари алоҳида эътиборга моликдир.

Миркарим Осим қиссаси Навоий ҳаёт йўлини қарийб тўлиғича қамраб олганлигини ҳисобга олиб, биз, тадқиқотимизни шу асар таҳлилидан бошлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

М.Осимнинг "Зулмат ичра нур" ва Ойбекнинг "Алишернинг ешлиги" қиссалари бир-бирининг мантикий давоми бўлган ҳикоялардан тартиб берилгандек таассурот қолдиради. Масалан, "Алишернинг ешлиги" қиссасининг Алишернинг ешлик ва ўспиринлик пайтларини акс эттирувчи ўринлари "Ешлик айемининг илк баҳори", "Язд чўли", "Қуш тили", "Йигитлик фаслининг тиканли гуллари", "Паҳлавон Маҳмуд ҳазили", "Яхшилик шарофати", "Бадарға" сингари ҳикояларидан ташкил топган.

Миркарим Осим қиссасида биз ўзгачароқ ҳолнинг шоҳиди бўламиз:

1). Ойбек. Алишернинг ешлиги. Тошкент, 1979, "Ёш гвардия" нашриёти.

2). М.Осим. Қарвон йўлларида. Тошкент. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.

у ўз асарида Алишернинг тўрт ешлик даврини тасвирлашдан бошлайди ҳамда бўлғуси шоирдан ташқари тарихий шахслар таърифу тавсифини, тарихий-ижтимоий ҳаёт баёнини қисқартириш эвазига тасвир ҳажмини мумкин қадарлик мухтасар этишга эришади.

Л.Бать ўзининг қиссасида Алишерлар оиласининг Ироқдан Хиротга қайтишга алоқадор воқеалар тасвирига йигирма саҳифадан ортиқ ўрин ажратган бўлса, М.Осим бу учун ўн саҳифа камроқ сарф этган. Ана шу сабабли ҳам М.Осим қиссасида XV аср Хуросондаги тарихий-ижтимоий шароит, сиёсий-маданий ҳаёт воқеалари мухтасарроқ акс эттирилган, еш Алишер характерининг шаклланиши бирмунча схематик тасвирланган. Дейлик, қиссадаги тасвирда биз еш Алишерга хос фазилатлардан қайсиларининг шоҳиди бўламиз?

Аввало, Алишер тўрт яшарлигидаёқ туғма муҳофазага эга бўлганлиги туфайли отасининг кутубхонасидан суратли китобларни танлаб олиб, улардан Шарқ миниатюралари мазмунини тўғри шарҳлай биларди:

"-Дада, мана бу суратни кўринг, - деди. Унинг хиел қийиқ кўзлари мўлтирар эди. Мана шу черик шотидан чиқаётиб қулаб тушмоқда, кўрғон устинда турганлар ўқ отиб қулотғон чиқарлар. Мана буниси настдин туриб, қалъа устидагиларга ўқ узмоқда".

Биз ёзувчининг уни отасининг ҳикоялари туфайли эртақларга меҳр қўйганлигини, тоғалари Мирсайд Қобулий ва Муҳаммад Али шеърятни севиб қолганлигига сабабчи эканликларини англаб етамиз.

У тоғаси Қосим Анварнинг "Риндему..." деб бошланувчи байтини ед айтиб беради. Яна Алишер отаси ва тоғаси Муҳаммад Алидан бадъат ва хурофотга нафрат билан қарашни ҳам ўрганади. Қиссада Алишерга хос шундай сифатларнинг акс эттирилиши анча ишонарли ва

азсирчан чиққан. Лекин тасвир ҳаёт ҳақиқатига, мантиқ ҳақиқатига мутаносиб бўлиши лозим. Қиссада бу борада эътирозга сабаб бўлувчи ўринлар ҳам бор. Қиссада тасвирланишича, Алишерга онаси эмас, балки отаси қизиқ эртаклар айтиб беради. Еки Алишер отасининг меҳмонхонасида обрўли меҳмонлар ҳузурида эмас, балки тоғаси Муҳаммад Алига Қосим Анварнинг байтини ед айтиб беради. Ваҳоланки, Навоий ўзининг "Мажолис ун - нафоис" тазкирасининг биринчи мажлисида бу байтни улур кишилар ҳузурида айтганлигини завқ-шавқ билан хотирлайди.

Ҳали саккиз ешга ҳам тўлмаган Алишернинг мўйсафид Али Яздийнинг: "...Қайдин келдинглар?" - деган сўроғига "Хиротдан Ироққа кўчиб кетаётимиз..." Қариянинг: "Нега кўчиб кетаётирсиз?" - деб берган саволига эса қуйидагича жавоб бериши китобхонни ишонтирмайди. Мана ўша савол-жавобнинг бир қисми:

"- Не, гапдин хабарингиз йўқми? - Хуросонда уруш бошланиб кетди-ку. Подшоҳлар бир-бирларининг калласини кесмоқда, юртни таламоқда, бундоқ замонда..." Чол орзини очиб, ўнг қўлини қулоғига қўйиб Алишернинг гапига қулоқ солди. Мабодо телба Мироншоҳнинг "меросхўрларидан бири тахтга ўтирса борми, нақд калламиз кетадур-а..."

Чол қиқирлаб кулиб юборди.

-Не сабабдин?

Бизлар Бойқароларга хизмат қилиб келганмиз.

Бойқаро Мироншоҳ авлоди билан ит-мушук."

Адиб мазкур савол-жавоб эпизодини, шубҳасиз, муайян ижодий ниятни кўзлаб қўллаган. Бироқ китобхон Алишернинг сезгирлигидан ҳам кўпроқ унинг маҳмадона "тўтили"гига ишониб қолади. Бу еш

Алишер руҳиятига оид қиррани ёрита билмаслик туфайли содир бўлган.

М.Осим Алишер ҳаёти билан боғлиқ тарихий воқеа ва ҳодисалар тасвирида ҳам бадиий тўқима меъеридан ортиқликка йўл қўйган. Натижада, еш Алишер образини тасвирлашда нуқсонлар юзага келган. Булар гоёвий бўлмаса-да, ҳарқалай бадиий ҳақиқатга мос келмайдиган нуқсондир.

Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асари муносабати билан қиссада келтирилган бадиий эпизод ҳам тарихий ҳақиқатга бирмунча зид. Тарихдан бизга маълумки, Алишер бу китобни етти яшарлигида едлаб олади. Шу нуқтаи назардан Алишернинг Ироқ сафари пайтида Шарафиддин Али Яздий ҳузурида шу асардан парча ўқиши тарихий ҳақиқатга мос тушади. Қиссада "Мантиқ ут-тайр" нинг Алишер томонидан ед олинishi Абулқосим Бобур замонида содир бўлган тарзида акс эттириладики, бу тўғри эмас. Маълумки, 1452 йилда Абулқосим Бобур Хуросон тахтини эгаллагач, Алишерлар оиласи Ироқдан қайтади. Алишер Ҳусайн Бойқаро билан бирга сарой хизматига киради. У пайтларда Ҳусайн 14, Алишер эса 12 ешларда эди. Улар жилд кўтариб, мактабга қатнаш ешидан ўтган эдилар. Қиссада эса қуйидагича тасвир мавжуд:

"Ан устига солинган ғишт кўприкнинг панжараси ёнида бўйнига жилд осган икки бола сувнинг оқишини томоша қилиб туришарди. Уларнинг бири... ўн бир-ўн икки яшар ... Ёнидаги шериги эса... ундан икки-уч еш кичикроқ..." (218-бет).

Ахир, қайси шахзода 14 ешда (Ҳусайн 1439 йилда туғилган) бўйинга жилд осиб юради? Улар бу ешларда давлатни бошқариш пайида бўладилар-ку. Бу ерда асосий гап икки-уч йил устида эмас, балки

тарихий ҳақиқатни қай меъёردа бадиий ҳақиқатга айлангани устида кетяпти. "Мирзо Улуғбек" (М.Шайхзода), "Улуғбек хазинаси" (О.Ёқубов) каби етук асарларда ҳам ана шунга ўхшаш ноаниқликлар кўзга ташланади:

Улуғбек 1449 йилда қатл этилади. Убайдуллоҳ Ҳожи Аҳрор эса Самарқандга бу фожиадан уч йил ўтгач, ташриф буюради. Драма ва романда эса Ҳожа Аҳрор Самарқандда Улуғбек билан юзма-юз курашган диндор киши сифатида талқин этилган. Эҳтимол, бундай йўл тутиш, Улуғбек фожиасининг моҳиятини чуқур, таъсирчан еритишда муаллифларга қўл келгандир.

Бироқ тарихий факт ўта қайсар, ўта муҳимдир. Унга муаллифнинг истаганча ўзгартиришлар киритиши эса, ҳеч қачон ижобий натижага олиб бормайди. Бу ўринда ҳар уч адибнинг ҳам тарихий фактларни истаганча истеъфода қилишларини мутлоқ оқлаб бўлмайди. Тарихий фактни ўзгартириб талқин этиш, ҳар қандай қаҳрамон характеридаги табиий мувозанат бузади.

"Зулмат ичра нур" қиссасида Алишер Навоийнинг 1452-1456 йиллардаги ҳаёти ҳақида гапирилмайди. Ваҳоланки, худди шу йилларда Навоий ҳаётида, демак, характерида ҳам муҳим бурилишлар бўлиб ўтганлиги маълум.

М.Осим ўз қиссасида еш Алишер характери афроғлича, кенг ҳамда бутун ранг-баранг қирраларини мазкур тарихий-ижтимоий шароитининг муайян хусусиятлари билан уйғунлашган ҳолда акс эттиришга муваффақ бўлмаган. Визнингча, Алишернинг ешлиги ҳақидаги тарихий қайдлар ҳам ривоят ҳикоятларни муайян ижодий ниятга йўналтирмаслик оқибатида юқоридаги каби ноаниқлик ва чалкашликлар содир бўлган, адиб еш Алишер ҳақида мавжуд бўлган

барча тарихий қайд ва хикоят ҳамда едномаларни шунчаки силсиласини бериш йўлидан борган. Яна ҳам тўғрироғи, у Алишер ҳақидаги мавжуд тарихий ҳужжатлар ва ривоятларни қайта босдан бадиий ишлаб чиқиб, уларни ҳозирги китобхонлар орасида оммалаштиришни мақсад қилиб олган. Шунинг учун ҳам замонавий китобхонларни Алишер шахсияти билан кенгроқ таништиришда ёзувчи хизматининг ўзгача аҳамияти шубҳасиздир, албатта. Лекин бу муаллиф "Зулмат ичра нур" — да еш Алишернинг мукаммал бадиий образини яратиб берган, деган фикрга олиб бормаслиги керак.

Қиссада адиб "Мантиқ ут-тайр"ни ўқишни Алишерга ман этилиши воқеаларидан кейинроқ ўспирин йигит Алишернинг машҳаддаги ҳаёти тасвирига ўтади. Асарда бу даврга оид воқеаларни тасвирлаш "Йигитлик фаслининг тиканли гуллари", "Паҳлавон Маҳмуднинг ҳазили", "Яхшиликнинг шарофати" каби номланишлар остида кзага чиқади.

Муаллиф ана шу номланишлар билан акс эттирилган воқеаларда Алишернинг имом Ризо мақбараси хонақоларидан бирида бетоб етиши, унга Паҳлавон Маҳмуд томонидан қилинган машҳур ҳазил ҳамда Паҳлавоннинг маслаҳати билан еш Алишерни Ҳиротга қайтиши каби сюжет йўналишини қамраб олади.

Ёзувчи мазкур ўринда еш Алишер характериға хос икки хусусиятни тарихий далилларға суянган ҳолда ишонарли тасвирлаган: биринчиси, бевосита Алишернинг туркий шоирларға, улар ижодий фаолиятининг роявий, фалсафий-мантиқи йўналишиға қараб баҳо бериши, иккинчидан эса, унинг раҳимдиллиги ва тадбиркорлиги билан алоқадор томон эди. Алишер жон-жаҳд деган ўта тадбиркорлик кўрсатиб, асир тушган икки аскарнинг боши ўрниға жангда шахид бўлган бошқа икки

аскарнинг бошини Жавочи бекка жўнатиб, асирларни ўлимдан сақлаб қолади.

Асарда Алишернинг Самарқанддаги маданий-илмий ҳаётга муносабати, у билан яқинлашуви ҳам қаламга олинган. У еш шоирларга самимий ердан беради, яхши дўстлар орттиради. Йирик олимларнинг эса эътиборини қозонади. Кўп ўтмай у Самарқандни ҳам ўз она шаҳридай севиб қолади. Қиссада еш Алишернинг ўз яқинларига самимий ҳурмати, унинг беғубор меҳр-муҳаббати болалар психологиясига ўта ҳам оҳанг акс эттирилган. Унинг кўчиш вақтида Абусаид томонидан қатл этилган тоғаларини хотирлаб йиғлашини эсланг. Бу туйғу қиссадан олинган қуйидаги парчада ўз ифодасини топган.

"Дунё Улуғбек янглиғ олимлар подшосининг ва подшоҳлар олимини кўрмаган. Ҳиротий ердан келиб, шу ерларни зиёрат қилғоним учун тақдирдан миннатдормен". (241-бет) Мазкур дил изҳори буёқ шоирнинг кейинчалик езган "Темурхон наслидан султон Улуғбек, Ки олам кўрмади султон анингдек" сартлар моҳиятига ғоят ҳамоҳангдир.

Алишернинг Самарқанддан Ҳиротга қайтишидан то унинг Астрободга ихрож этилишига қадар даврда содир бўлган воқеалар "Зулмат ичра нур"да қамраб олинмайди.

Алишер Навоий ҳаётининг энг алғов-далғовли даври тасвирланган учинчи қисм қисса "Камолот" деб номланган. Алишер Самарқанддан Ҳиротга қайтиши биланоқ Ҳусайн Бойқаронинг давлатни идора этиш ишларида фаол қатнашиб, унинг эътиборини мамлакат ободончилигига жалб этган, бу эса ўз навбатида подшоҳнинг характерида муайян ижобий ўзгаришларнинг юзага келишига туртки бўлган эди.

"-Темирларнинг тақир-туқирини яхши кўраман, - дерди Ҳусайн,

авжи иш қизиган пайтда шаҳар кўчаларидан ўтатуриб. —Мен бутун мамлакатда янги бинолар қурдираман. Тўғонлар қурдириб, ариқлар қаздириб, Хуросондаги ҳамма дарёлардан аҳолига сув чиқартириб бераман.

Султон Ҳусайн бу режаларни тузган ёки кўнглига солган Навоий эканлигини унутиб, уларнинг ижроси, ўзим деб ҳисобларди. Алишернинг муддаоси ҳам шу эди: киши ўз истак-хоҳиши билан туғилган деб ҳисобланган ишнинг амалга оширилишига жон-жаҳди билан киришишини Алишер яхши биларди" (165-бет).

Кўриниб турибдики, воқеаларни ҳикоя қилиш усулида муайян ўзига хослик мавжуд. Адиб нутқи ва тасвирда мураккаб ташбиҳ ва истиоралар учрамайди. Бироқ биз ижобий санаган Ҳусайн характери заминида шохга хос манманлик илдизлар кўзга ташлана бошлайди.

Бир куни Навоий подшоҳга мурожаат қилиб, маданият масалалари бўйича шундай муҳим бир тadbир ҳақида арз қилади:

"Ҳиротда талайгина еш шоирлар, машшоқлар ва рассомлар чиқаяпти. Уларга йўл-йўриқ кўрсатиб турмоқ керак. Тажриба кўрган, ишончли бир кимса раҳбарлик қилмаса, улар йўлдан озмоқлари мумкин. Кўплари майхўр, Бизга қолса, майхоналарнинг ярмини беркитишни таклиф қилардик. Шуниси муҳимки, кўп шоирлар ўз она тилимизда ёза бошладилар. Шу дамгача она тилимиз хазинаси кишилардан яшириниб ётарди..." (167-бет)

Келтирилган бу парчадан англашиладики, Навоий ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ эл фаровонлиги, Ватан ободонлиги йўлида катта ғайрат билан ишга киришган. Ўз инсонпарварлик ва фуқаролик идеалларини дўсти Ҳусайн Бойқаро ҳимоясида бемалол амалга оширавериши пайти келди, деб қувонган. Лекин ярамас ва жоҳил

ақидаларга асосланган муайян муносабатлар бу инсоний орзуларнинг амалга оширилишига йўл қўймас эди. Навоийнинг маданият масалалари хусусидаги мулоҳазаларини босиқ тинглаб туриб, шоҳ унга шундай жавоб қайтаради:

Астробод нотинч, Ёдгор Муҳаммад бош қўтарибди.

У бебошга бир фарсаҳ ҳам ер бериш керак эмас, — деди Навоий. — Ўзаро урушлар юртимизни жуда вайрон қилиб юборади. Мансабпараст Хуросон ҳукмдори парчалаб, талаб, мадорини қуритган мамлакатимизни бирлаштириш учун озмунча қон тўкилгани йўқ”.

Ҳусайн Астробод қўзғолонини бостиришга отланганида Алишерга ҳам амирлик мансабини тайин этиб, уни ўзи билан бирга олиб кетади. Чунки ўша давр сарой одатига кўра, жангга иштирок этмоқ учун амалдор бўлмоқ шарт эди.

Алишер Навоий, гарчи ҳарбий мутахассис бўлмаса-да, шароит ҳақида тегаран мулоҳаза юритиб, подшоҳга айтган мантикий тўғри хулосалари билан дўстини Ёдгор Мирзога қарши шошилинч равишда жанг бошлашга кўндиради.

Ҳусайн биринчи жангда ғолиб чиқади. Шунга ҳам эътибор бериш лозимки, Ҳусайн тахт-тоғ учун курашларда доимо ўзи билан бирга бўлган, ўзини Ҳусайн давлатига тенг шерик деб ҳис қилувчи, тажрибали саркарда амир Музаффарбекнинг маслаҳатларига қулоқ бермай, доимо Навоий мулоҳазаларига асосланиб иш тутар эди. Шунинг учун бу сафар ҳам Ёдгор Мирзо устидан галаба қозонилгач, Музаффарбек кўнглида Навоийга нисбатан адоват, кек уйғонди. Аслида бундай душманлик муносабатининг юзага келишига саройда Навоий обрў-эътиборининг ошиб бориши, Ҳусайннинг ўз мактабдош дўсти мулоҳаза ва маслаҳатларига қулоқ иниши сабаб бўлган эди.

Едгор Муҳаммад устидан ғалаба қозониш режаси тузилган пайтда бир чопар, келиб, подшоҳга "Ҳиротда исен!" деган даҳшатли хабарни етказади. Султон Ҳусайн Едгор Мирзога қарши жангга отланганда Ҳиротда қолган хўжа Убайдуллоҳ, хўжа Қутбиддин, хўжа Низомиддин Бахтиёр ва бошқа очкўз амалдорлар яширин кенгаш чақириб, шоҳнинг фармони олийсиз аҳолига янги солиқ соладилар. Ўзаро урушлар ва солиқлар тинкасини қуритган халқ кўзғолон кўтаради. Бундан Ҳусайн адоватда бўлган шахслар ўта усталик билан фойдаланадилар. Исён ҳақида хабар юборган вазир халқни асосий гуноҳкор қилиб кўрсатиб, Ҳусайнни ўч олишга даъват қилган эди. Бу вақтда Султон Ҳусайн Ҳиротга қайта олмас, Едгор Мирзо билан бўлажак урушнинг оқибати унинг саркардалигига бевосита боғлиқ эди. Вазиятни обдон муқояса қилгач, у Ҳиротга амир Алишерни юборишга қарор қилади.

Алишер исён хабарини бир неча топкур ўқиб чиқиб, ўз хулосасини подшоҳга баён этади:

—Бир неча баднафс, чиркин махлуқлар очиқдан-очиқ халқни таламоқдалар. Бунда улар сизнинг номингиздан ҳаракат қилиб, сизга қарши халқнинг ғазабини кўзғатадилар. Улар — сизнинг душманларингиз" (181-бет).

Алишер Навоийнинг топқир ва донишмандлигини ўзича баҳолаб, унинг қисқа фаолиятига Ҳусайн ўзича шундай баҳо беради: "Юксак ақл ва катта қалб эгаси... Бу икки ҳикматнинг бир кишида мужассам бўлиши камдан-кам учрайди. Алишер бу мушкул аҳволдан қутулиш йўлини топади" (181-бет).

Қиссада талқин этилган воқеалар, турли тоифадаги кишилар билан бўлган муносабатларда шоир характерининг ранг-баранг қирралари ёритилади, ўзлигини намоиш қилади. Унинг, ҳукмдор оиласига

қанчалик яқин бўлишига қарамай, Ҳусайн билан ғоятда нозик, ўта қушёр муомалада бўлиши, давлат арбоби сифатида ҳар бир амалдор хатти-ҳаракатига тўғри баҳо бериб, ҳар бири билан шахсий муносабатда айрича йўл тутиши ўқувчини ҳайратга солади. У ҳар бир суҳбатдошининг қалбига унинг айна шу ҳолатдаги руҳиятини ҳисобга олган ҳолда ўта нозик йўл топади. Муайян маънода у вазият ва руҳий ҳолат кишисидир. Ҳиротнинг Жоме масжидида қўзғолончи халқ олдида қилган маърузаси ҳам Навоийни халқ дилини теран ҳис қила олган мутафаккирлигидан далолат беради.

Алишер ўзига нисбатан қилинган ноҳақ таъна ва пичинглар, дашномларга ҳам қизиққонлик қилмасдан, ўта босиқлик, давлат арбобига хос муносабатда бўлади, амалий ишлари билан ғаразгўйларни тартибга чақириб қўяди. Едгор Мирзо бекиниб олган Ҳирот қасрига тунда ҳужум қилмоқ ўз афзалликларига эга деб шохни ишонтирган Алишерга шоир ва маккор амалдор Али Соний: "...қиличлар қинидан суғурилганда амир Алишернинг маҳоратларини бир кўрар эканмиз-да", - дея пичинг қилади. Али Соний Алишернинг қилич яланғочлаб жангга кирмаслигини, қон тўкиш ишларига ўқувсизлигини билар эди.

Навоий бу пичингга муносабат билдирмайди ҳам. Пайти келиб, Султон Ҳусайн "қаерга ким биринчи бўлиб чиқади" деб беклардан сўраганда, машҳур саркарда амир Музаффар: "Навкарларимиз довжрак... Бироқ ҳозир юқорига чиқишга кимнинг юраги дов беради? дея ўзини эътиборсиздек кўрсатади. Шунда Алишер отдан тушиб, қиличини қинидан суғуради-да, уни ҳасса қилиб таяниб, юқорига кўтарила бошлайди. Шоирнинг мана шу ҳаракати натижаси ўлароқ Едгор Мирзо қўлга олинади.

Навоий бу вазиятда машҳур саркарда Музаффарбек еки бошқа Баҳодирлардан жанг майдонида мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатиб қилич чопмайди. У ақл-идрок билан иш кўриб, Едгор Мирзони айш-ишратдан маст ҳолдалигида қўлга олинishiга эришди.

Еки Алишер бош вазир этиб тайинлангач, ўз муҳрини подшоҳ муҳридан кейин иккинчи бўлиб босиши лозим эди. Насл-насабда Алишердан устун ҳисобланган амалдорлар, "Қани, энди нима қилар экан? - деб турганларида у подшоҳ фармони битилган қоғознинг энг пастига муҳрини босади, ҳамма ҳайратланади. Амир Саид Ҳасан Ардашер эса:

" - Бундан буён ҳар ким ҳаммадан қуйига муҳр босишни бил шараф билгуси! - деди-да, ўз муҳрини Навоийнинг муҳри ёнига босди" (206-бет).

Бу вазиятда ҳам Навоий сарой амалдорларининг дилида кечаётган руҳий талатумларни теран ҳис қилган донишманд сифат ҳаракат қилади. У ҳамма вақт, кўрганидан эмас, йўқ, давлат ишини, юрт тинчлигини ўйлагани учун ўзига душман орттиришдан эҳтиёт бўлади.

Алишернинг топқирлиги ҳар бир ижтимоий табақа вакилининг хатти-ҳаракатига қараб унинг юрагини, ўй-хаёлини билиб олиш қобилияти ёзувчи томонидан ишонарли вазиятларда талқин этилган.

Асарда Алишер Навоий характерининг бош вазир бўлгандан кейинги янги қирралари ҳам очилади. У мансабга эришгач, дабдабали кийиниб сарой атрофида айланиб юришни ўзига одат қилмайди. Ҳирот қишлоқларини кезиб, меҳнатнашларнинг арз-додларини тинглайди. Ер билгичларнинг маслаҳати ердамида янгидан ўзлаштириладиган ерларни аниқлайди.

Шундай сафарларнинг бирида тутинган синглиси Замирани

учратиб, у ва унинг ҳамқишлокларини навкарлар ҳамда оқсоқолнинг зулму тазйиқларидан халос этади.

У шаҳар кезганида ҳам қурилишларни кузатиб, лозим бўлганда ерданини аямайди. Худди ана шу даврлардан бошлаб эса Султон Хусайн улус эҳтиёжлари билан тобора камроқ шугуллана бошлайди. Бемаъни эрмаклар, кайф-сафога берилиб кетади; хотинлари ўртасидаги макр-фитналарни бартараф этишдан қўли бўшамай қолади. Алишер мамлакатда маданий ишларни жонлантиришни ҳам давлат аҳамиятига молик тадбир деб билар эди.

У ўзининг жонажон Самарқанди билан доимо алоқада бўлади. Мен мақсад йўлида собитқадам бўлиш борасида Ҳожа Абулайсдан таълим олганман, деб фахр билан такрорлар эди у.

Шоирнинг езган:

Ўлармон то етармен мақсадимга, енмоқ имкон йўқ.

Бадан заъфи била йўл шиддатида гарчи толгаймен, — каби байтлари кишиларни меҳнатга даъват қилади, уларда яратишга зўр иштиёқ уйғотарди.

Алишер бегаразлиги, ҳар кимса учун доимо ердамга тайёрлиги билан ҳам юрт аҳлининг чексиз ҳурматида сазовор бўлади. У ҳунарманд ёки деҳқон, олим ёки санъаткорнинг ҳар бир ютуғидан беҳад қувонир, чолғуни мутлоқ билмаган Биноий унинг насиҳатларига кўра фақат созанда эмас, етук бастакор ҳам бўлиб етишганда унинг хурсандлигини чеки бўлмаганди: "Бу мен, учун ҳаётимда энг аъло тухфадир!" — деб (221-бет) қувончини изҳор этади.

М.Осим Алишернинг Астрободга сургун этилишида Мажидиддиннинг қўли борлигини ўзига хос бадиий тадқиқ этади. Деҳқонларга адолатсиз солиқ солган айрим феодалларнинг Алишер томонидан

жазоланганлигини тарихан ишонарли ёритади. Совға – пешкаш йўли билан бошлиқнинг ўзига яхши кўринишни мақсад қилган таъмагир феодаллар тушиб қолган вазият ҳам ўта таъсирчан чиққан. Асарда баён этилишича, ўз ниятини "таомил" деб пардалаган бундай шахларга қарата Навоий шундай дейди:

"—Афсус, минг афсуски, шул одат бор. Ахир совға – пешкаш меҳнат аҳлининг бўйнига оғир юк бўлиб тушадур, амалдор аъёнларни бузадур, аларни хасислик, таъмагирликка ўргатадур" (252-бет).

Миркарим Осим "Зулмат ичра нур"нинг Навоийни заҳарлашга уриниш эпизодида катта бир хатога йўл қўйган. У ҳам бўлса, Навоийнинг кўзголон ҳақидаги ўйлари билан боғлиқ вазиятдир. Навоий ўзини Мажидидин одамлари заҳарламоқчи бўлганларини эшитгач, унинг кўнглидан қуйидагилар кечади:

"Кўнглини шубҳа, ғазаб, пушаймон ҳислари талар эди: шунча хизмати бадалига энди уни заҳарламоқчилар! Шубҳасиз, бунда Мажидиддиннинг қўли бор. У Мирзонинг розилигисиз бундай қабих ва хатарли ишни қилишга журъат этолмайди. Навоийнинг ўрнида бошқа одам бўлса, садоқатга хиёнат қилган Султонга қарши исён байрогини кўтарар эди. Дарҳақиқат, исён учун пайти келган Хуросон давлатининг душмани бўлган туркман Султони Ёкуббекнинг ердан бериши аниқ, Мажидиддиннинг ҳукумат бошига келишидан норози бўлган Балх ҳокими Дарвешали – Навоийнинг иниси, акасининг ишоратини кутиб ётибдур. Отасидан норози бўлган шахзода Бадиуззамон бу исённи қўллаб-қувватлаши турган гап" (259-бет).

Бундай фикр, мулоҳаза Навоийнинг хаёлида ҳам жонланиши мумкин эмас. Мабодо шундай хаёл ўтса, у ҳолда бу вазият тарихий ҳақиқатга, Навоий шахсияти, қолаверса, умуман, унинг ижоди-ётига,

орзу-умидларига, унинг мавжудлигига зид бўлар эди. Бу Навоийнинг яшашдан мақсадига мутлоқ қарама-қаршидир.

Наҳотки, яккаю-ягона идеали марказлашган обод ва маъмур давлатни барпо этиш бўлган Алишер Навоий шундай хаёлларга борса? Наҳотки, бутун ҳаёти ва ҳаёлини Ҳусайн Бойқаро давлатига қарши кўтарилган ҳар қандай кўзғолонларни бартараф қилишга қаратган инсонпарвар шоирнинг ўзи кўзғолон байроғини кўтарса? Қандай қилиб унинг укаси "акасининг ишоратини кутиб" ётади?

Фақат заҳарлаш воқеаси эмас, Ҳусайндан ундан ҳам оғир жафоларни кўрган Алишер умрининг сўнгида қариб Ҳусайн Бойқаронинг кўкрагига бош қўйиб жон берган-ку!

"Зулмат ичра нур"даги бу эпизод ҳаёт ҳақиқатидан узоқ бўлиб, у Алишер Навоийнинг ҳақиқий сиймосига соя туширади. Унинг характерини хиралаштиради.

"Зулмат ичра нур" қиссасидаги Навоийнинг Астробод даври ҳаётидан кейинги саҳифалари буюк инсон ва мутафаккир шоир ҳақидаги тарихий ривоятлар, нақллар талқинидан иборатлигини ҳисобга олиб, бу қисм ҳақида тўхталиб ўтиришни лозим кўрмадик.

Алишер Навоийнинг бадиий сиймосини акс эттиришга бағишлаб ёзилган қиссаларнинг яна бири улуг адиб Ойбекнинг "Алишернинг ешлиги" 1) асаридир.

Биз юқорида тилга олган муаллиф Алишер Навоий образини яратишда мутафаккир шоир ҳаётининг қарийб бутун даврини қамраб олган воқеаларга мурожаат қилади. М.Осим Навоий образини тарихан ноаниқ талқин қилиб қўймаслик учун узоқ тарих, айниқса XV аср

1) Ойбек. Алишернинг ешлиги. Тошкент, "Ёш гвардия" нашриети, 1979.

охири ва XVI асрлар давомида яратилган тарихий, мемуар ҳамда адабий асарлардаги далилларга қаттиқ суянади, бадий тасвири кенг йўналишда олиб бормади.

"Алишернинг ёшлиги" қиссасида эса биз бутунлай ўзгача бир ҳолнинг гувоҳи бўламиз. Ойбек Алишер характери шаклланишининг дастлабки жараёнини бадий акс эттириш учун тахминан 1441-1448 йиллардаги Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ҳаётини атрофлича, ғоятда пухта ўзлаштирган. Сўнгра эса, муайян бир тарихий лавҳа-далил атрофидагина ўралашиб қолмай, балки ўзлаштирган барча тарихий факт ва қайдларни бир йўла адабона қалб ҳамда шуур ила таҳлил этиб, яхлит бадий кўриниш сифатида ўқувчи ҳукмига ҳавола этган.

Масалан, Алишернинг отаси Ғиёсиддин кичкинанинг меҳмонхонасида бўлган бир суҳбатда бир мўйсафид барлос шундай дейди: "...Сулаймон тахтини елғиз ўзига раво кўради. Ҳа, шундай, шаҳзодаларнинг она сути ҳануз орзида бўлган энг кичиги ҳам, отнинг олдинги оёғи ўзим бўламан, дейди" (4-бет).

Бошқа бир амалдор уни тасдиқлаб қўшимча қилади: "Ҳазрат Шохрух Хуросонда жанг бўрони, қон дарёси оқизиб ҳам бир нав тартиб жорий этолмадилар.

Темур давлатининг этаклари қайта-қайта кесилди-да, қўлда қолгани қолди. Энди ҳазрат Шохрух кексайдилар, яна шаҳзодалар аро тағин низолар, жанг-қирғинлар аланғаланиб кетмагай..." (5-бет). Ана шу икки мулоҳазанинг ўзиндаёқ Темур вафотидан кейинги Хуросон ва Маворауннаҳрнинг 40-45 йиллик сиёсий, тарихий-ижтимоий аҳволига таърифу тавсиф берилади.

Қисса Алишер ҳақидаги ривоят ва ҳикоятлар, ёдномалар

Йигиндисидан ташкил топмаган. Унда Алишер характерининг шаклланиши XV аср Хуросонида кечган барча каттаю-кичик тарихий-ижтимоий воқеалар билан алоқадорликда гавдалантирилади.

Ойбекнинг қиссаси ана шундай тасвир ва тадқиқ усулига асосланганлиги учун ҳам алоҳида таҳлилни талаб этади.

Алишер бешикдан кутилганидан бошлаб шафқатли, олий хулқли ота-онасининг ақлли маслаҳатчилари таъсирида ўсди, теран мазмунли ажойиб суҳбатларнинг гувоҳи бўлди, ўз ешига нисбатан яхши фикрлай оладиган йигит сифатида вояга етди.

Бу ўринда еш Алишернинг туғма фазилатларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бир сипоҳ ундан (у тўрт ешлар чамасида);

—Отни яхши кўрармисан, Алишербек? — деб сўраганда у:

—Кўп яхши кўрурмен, лекин от чоптиришдан фикр юритиш яхшироқдир, чамамда,— деб жавоб беради ҳаммани ҳайрон қолдириб.

У ўта маданий оилада тарбия топганидан, тоғалари таъсирида мурғаккина ёшидан нафосатга кўнгил қўйганидан, кўплаб шеърларни ёд олади, мусиқа, табиат гўзалликларига меҳр қўяди. Чунончи, Алишер Ҳусайн билан сарбозлар машқини томоша қилаётганларида шаҳзода қиличбозликка ҳавас қилса. "у майдонда чошиб юрган отларнинг қайси бири сулув, қайси бири чопқирроқ, деган хаёл билан банд" (17-бет) бўлади. Онаси билан саройда малика Гавҳаршодбегим базмини кузатар экан, онасига:

"Мусиқа сеҳрли-я, ўйинларни қаранг, менга еқадур..." (19-бет) дейди.

Алишер ўз маҳалласида доим кўшни камбағал оила болалари билан ўйнар. Шу туфайли меҳнаткаш халқ ҳаётини ўрганар, унга меҳр боғлар эди.

Унинг атроф муҳит, ҳайвонот оламини идрок этиши ҳам ўзига хос. У овчилик тўғрисида гап кетганда, ўртоқларига: "Менингча, бўри, йўлбарс янглиғ ваҳший ҳайвонларни ов қилмоқ маъқул. Кийикдек беозор махлуқ, фаҳимча, дунеда намдур дейман", — дейди (21-бет).

Атрофдаги ўзгаришларни болалар руҳиятига хос идрок этади, баҳолайди.

У жониворларга эл манфаати нуқтаи назаридан яхши ёки ёмон деб баҳо беради. "Улуғворликда... фил йўлбарсдан-да, шеррдан-дазўр. Шер билан йўлбарс ваҳший, фил эса мўмин, салобатли, тарин меҳнаткаш. Бир марта подшоҳнинг филлари тоғдек-тоғдек хариларни кўтарганини кўрганмен" (24-бет).

Ойбек ўта синчковлик билан болалар дунёсига хос тафсилларни танлайди. Улар ҳақидаги Алишер мулоҳазаларини ўта ишонарли ва таъсирчан тасвирга олади. Ўқувчи тасвирдаги ҳолатларга ишонади. Мулоҳазаларни эса ўзиникидек қабул қилади. Бу адибнинг жуда улкан ютуғидир.

Еш Алишер ўз ҳовлиларида бўлиб турадиган суҳбатлардан Улуғбекни доно подшо, маърифатли олим сифатида тасаввур этиб, унга меҳр қўйиб қолган эди. У подшоҳ саройида совуқ башарали Абдуллатиф тилидан Улуғбек шаънига ёмон гаплар эшитар экан, уни ёмон кўриб қолади.

Бу болаларга хос муқояса қилиш жараёнининг маҳсули. Улар ёки рад этишида ёки эътироф. Ўртача йўл йўқ. Аксарият ҳолларда мутлоқ адашишмайди улар. Езувчи ана шу руҳий ҳолатни усталик билан юзага чиқара олган.

Алишер отасининг: "Туркистон ўлкаси ... Жаннат каби бир

мақондир. Боғлари, меваларининг тарифидан ҳар кимса ожиз. Ҳар бир жаннатни дўзахга айлантирувчи фалокат-ку" (31-бет), - деган мулоҳазаларини тез-тез эшитиб юрар эди. Кейинчалик ана шу мулоҳазалар таъсирида унинг ўзи ҳам муайян воқеалар ҳақида ўзига хос фикрга кела бошлайди. Эл-хўрт тақдири ҳақида, мамлакатни адолат билан бошқариш тўғрисида ўйлайди. Ёш Алишернинг мурғак онгига шаҳар чорсувида подшоҳга қарши бош кўтарган деҳқонларнинг қатл этилиши воқеаси ҳам жиддий таъсир қилади. "Оч-яланғоч бу бечораларнинг гуноҳлари не экан? (61-бет), - деган ўймулоҳазага боради. У ҳаммаҳалласи кекса бўзчидан эшитган ва ўзи кўрган воқеаларни мурғак тасаввурида ўзича мушоҳада этади. "Шоҳ ва султонлар орасида ота ва бола, бобо ва набира тахт учун бир бирларига қилич солишга тайёр эканликлари ҳақида эшитгач, унинг пок кўнгли ларзага келади: "Бу нечук бузуқлик", - деди куюниб ичида.

"Ўғлим! - деди Алишерни вазиятдан жиндек огоҳлантирмоқ ниятида. - Темур сулоласи хотимага етди, шаҳзодалар ўзаро қирғин бошладилар., бу олов ичра бизга омонлик йўқ" (71 -бет).

Буларнинг ҳаммаси Алишерга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган тарихий-ижтимоий воқеалар оқимининг унинг қалбу шууридаги ўзига хос акс этиши эди. Ойбек бутун қисса давомида ана шу номутаносиб алоқадорликни таъминлай олган.

Ёш Алишер шууридаги барча ўзгаришларнинг асоси, аввало, ижтимоий воқеалар моҳиятида бўлса, иккинчидан, бўлажак шоирнинг синчковлигида, тафаккурининг безовталигидадир. Бу тафаккур безовталигида оиланинг ҳам муҳим аҳамияти бор.

Бу борада Алишер мусофирликда бўлиб, Тафт шаҳри ва бошқа

жойларда хароб қишлоқларни, юпун одамларни кўради. Ҳиротга қайтганидан кейин эса бобосидан бу ерда даҳшатли жанглар бўлганини, деҳқон ва косибларнинг аҳволи яна ҳам оғирлашганини эшитади.

"Қовоқлари солиқ, таажуб ва ҳаяжонли ўлтирган Алишер аста кучага чиқди. У энди болаларга қўшилиб ўйинга кириша олмади. Кўнглида бир олам фикр тўфони, нўзларида сирли ҳаяжон ёлқини, баъзан ҳаёлчан бир зум ўлтириб қолади.

Келажакнинг буюк шоири балки шу он кўнглида шеър тўқир эди... (81-82бетлар).

Ойбек ўз асарида улуг санъаткор адибга хос синчковлик ва мулоҳазакорлик билан Алишер характерининг шаклланишида оилавий муҳит, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳамда башар авлодининг айрим аъзоларигина жуда ешликдан насиб бўлувчи тугма ақл-идрок-заковатнинг асосий аҳамият касб этганлигини ёрқин тавдалантириб бера олган.

Амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кичик насрда қиссаларда ҳам буюк Алишер Навоий образини яратишда XX аср ўзбек адабиёти катта тажриба ортирди, муайян ижодий ютуқларга эришди. Бу асарлар китобхонда Навоий ижодига қизиқиш уйғотишдан ташқари, унинг қалбида ўтмишга чуқур бир меҳр, она халқимиз тарихига жонқуярлик каби туйғуларнинг юзага келишига ҳам асос бўлади. Бундай асарлар китобхонни қомиллик йўлида яна бир қадам ташлашга даъват этади.

Х У Л О С А

Буюк мутафаккир Алишер Навоий сиймосининг бадий талқини илк бор ҳали шоир ҳаётлик пайтидаёқ Абдурахмон Жомий, Мирхонд, Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир, Зайниддин Восифий каби муътабар шахслар томонидан бошлаб берилган ва "Бобурнома"да у мантиқий давомини топган. Кейинроқ Навоий сиймоси фольклор асарларига кўчди ва халқ ҳаёлотини билан тўлдирилди.

Навоий тимсолида одамлар ўз орзу-умидларининг мужассамини кўрдилар ва реалликдан келиб чиқиб, идеалларини ифодаладилар. Навоийга ҳурмат ва эҳтиром байналмилал руҳ касб этиб, фақат ўзбек тилида эмас, тожик, туркман фольклори ва адабиётида ҳам бадий шаклда ифода этилди. Совет даврида эса рус, украин ва бошқа узок қўшнилар адабиётида ҳам Навоий сиймоси пайдо бўлди.

Мана шу адабий жараёни таҳлил қилиб хулосага келдикки, дастлаб Навоий ҳақида ёзилган Абдурахмон Жомий қаламига мансуб талқинда шоир сиймоси кўтаринки-романтик руҳда тасвирланган Юсуф образининг прототипи қилиб олинган. Бу маънода биз машҳур тожик олими ва академиги Абдулгани Мирзаев билан ҳамфикримиз.

Навоий ҳаётлигида унинг элга манзур хусусиятларини Мирхонд, Давлатшоҳ Самарқандий, айниқса, Хондамир ва Зайниддин Восифий кенг тасвирлаб, талқиннинг тарихийлиги ва реализминини кучайтирдилар. Бу жиҳатдан "Бобурнома"даги Навоий сиймосининг талқини юксак баҳога сазовор.

Мазкур асарларнинг таҳлилидан шундай хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, классик адабиётимиз, асосан шеърятимизда буюк Алишер Навоий образини яратишга уриниш ҳали шоир барҳаётлиги

давридаёқ бошланиб, у шоирни муайян ижобий афсонавий қахрамонларга қиёслаш характерига эга эди.

Иккинчидан, классик адабиётнинг эпистоляр жанрида Алишер Навоийнинг ижтимоий-ижодий фаолиятига оид муайян қирралар акс этган холос. Унинг характери, руҳиятига оид етакчи хусусиятларни очишда бу жанрнинг имкониятлари ожизлик қилди.

Учинчидан, Алишер Навоий образи, унинг шахси, руҳиятига оид хусусиятлари, ўша давр тарихий шароитни акс эттиришда ўтмиш классик адабиетимиздаги ҳикоялар жанри ҳал қилувчи, муҳим босқич ҳисобланади. Бу ўринда санъаткорнинг ҳикоя қилиш санъати таҳсинга сазовордир.

Тўртинчидан, биз адабиетимиз тарихидан Навоий шахсига тааллуқли, ярқ этиб кўзга ташланиб турувчи материалларнинг муайян қисмини олдик. Уларнинг барчасини, бутун жанрий ранг-баранглигини ҳисобга олган ҳолда, бир ерга сиғдириб ўрганиш алоҳида тадқиқотни тақозо этадики, у келгусидаги ижодий ниятлар учун асос бўлади.

2. Эпистоляр ҳужжатли асарларнинг жанр имкониятлари чекланганлиги туфайли Навоий шахси бутун тўлалигига эмас, балки фақатгина айрим муҳим томонлари баени билангина қониқилганлигини ҳам қайд этмоқ керак.

Шуниси диққатга сазоворки, Навоий шахсининг жозибаси ўзбек ва турк, туркман ва тожик фольклорига ҳам мавзу берган ва бу тилларда улуг сиймосининг турли фазилатлари ҳақида тарихий асоси бор ривоятлар анча яратилган. Биз уларни муфассал таҳлилидан халқ бундай буюк сиймолар тимсолида ўз дардини куйлайди, деган хулосага келдик.

Гап шундаки, "Фалак кўрмади мен каби нодире" деб айтишга

маънавий ҳаққи бўлган Алишер Навоий образини талқин қилишда бир халқ томонидан кашф этилган бадиий лавҳа, ибратомуз шеърӣ сатр ва ҳатто сюжет йўналишларини тез-тез қардош халқлар ижодида кўчиб юриш ҳоллари сезилади.

Кузатишларимиздан келиб чиққан яна бир неча хулосалар қуйдагилардан иборат:

Биринчидан, Алишер Навоийнинг шоирлик шуҳрати ва илгари сурилган ғояларининг таъсир кудрати унинг шахсияти ҳақидаги фикрларга нисбатан аввалоқ тарқалгани учун туркий халқлар ижодиётида буюк шоир, аллома қиёфасини гавдалантиришга уриниш эрта бошланган. Бу борада яратилган асарлар мундарижасининг ранг-баранглиги ана шу тарихий-биографик вазият билан изоҳланади.

Иккинчидан, Алишер Навоийнинг тадбиркор, адолатпеша давлат арбоби сифатидаги шуҳрати ҳам буюк шоирлигидан қолишмасди. Унинг шахсиятидаги исбот талабсиз бу фазилати ҳам Шарқнинг кўплаб мамлакатлари орасида бевосита ёки билвосита маълуму машҳур эди.

Ижтимоий-тарихий муносабатларнинг эалворли тўсиқларга, адолатсизликка дуч келганда фаровонлик ҳақида, ширин орзуларга берилганда халқ қалбида бевосита Алишер Навоий каби шоирларга эҳтиёж сезар эди. Шунинг учун ҳам ўзлари учун суяк ва қадрдон Алишер Навоий образининг адолатпешалиги билан боғлиқ хислатларни ўз ҳикоя, ривоятларида, эртакларида ўзига хос халқона усулида талқин этишди.

Учинчидан, бу ҳол романтиканинг асосида реализм ётганлигини кўрсатади. Мавзу бўйича кузатишлар кўрсатадики, 500 йил давомида Навоий сиймосига бўлган қизиқиш доимий бўлган бўлса ҳам, аммо унинг бадиий талқини ёки кам яратилган, ёки бизгача тўла етиб

келмаган, ҳарҳолда Навоий сиймосининг илмий ва бадиий талқини асримизнинг 20-йилларида яна диққат марказига ўтади. Кўпроқ сиёсий ва илмий баҳога эътибор берилади.

Тўртинчидан, ўзбек халқ ижодиётида яратилган ҳикоя ва латифаларнинг аксарияти буюк шоир биографиясининг "кемтик" жойларини тўлдириш, Навоийнинг нима учун "Оламни тавре фард ва жорийда ўтқарганлиги (Бобур) бадиий жиҳатдан ўзига хос тадқиқ ҳамда талқин қилишга бағишлангани ҳолда, бундай ҳолат туркман халқи фольклорида мутлақо учрамайди.

Бешинчидан, Алишер Навоий образини талқин қилишда бир халқ томонидан кашф этилган бадиий эпизод, ибромомуз шеърий сатр ва ҳатто сюжетларнинг тез-тез қардош халқлар ижодида кўчиб юриш ҳолларининг ҳам гувоҳи бўламизки, бундай ҳодиса қардош халқлар ижодиёти, қолаверса, умуман, бадиий ижод жараёни учун табиий ҳолдир.

1940 йилларда Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан юбилейга ҳозирлик кўриш бошланганда унинг илмий талқини кўп бўлди, кетидан бадиий образи яратила бошлади. Навоий сиймосини бадиий талқин этувчи юзлаб шеър ва достон, ҳикоя ва қисса, повесть ва шеърий романлар яратилди.

Сўнгги 50 йил мобайнидаги мазкур мавзуга бағишланган бадиий асарларни диссертацияда таҳлил қилиб шундай хулосага келдик:

Биринчидан, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур даврда Алишер Навоийнинг бадиий образини яратишда тасвирлаб беришдан кўра тавсифлаш, мадҳ этишга мойиллик ҳоллари ҳам кўзга яққол ташланиб туради.

Иккинчидан, Алишер Навоий образини яратишда баъзи шоирларнинг

ижодида бадиий маҳоратнинг етишмаслиги билан боғлиқ ҳаёт ҳақиқатини теран англамаслик, уни бадиий ҳақиқат даражасига кўтара олмаслик каби камчиликлар ҳам кўзга ташланиб туради.

Узоқ йиллар давомида ҳукмрон бўлган вульгар-социологик илмий талқин Навоий сиймосини яратувчи бадиий асарларга ҳам, уни баҳоловчи илмга ҳам ўзининг қаттиқ таъсирини кўрсатади. Бу таъсир ҳатто роман ва драма каби шоҳ асарларда ҳам бор. Уларда Алишер Навоийнинг динга бўлган муносабати жуда юзаки тасвирланади ва имкон борича бундай масалалар айланиб ўтилади. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро мавзуи ва умуман, унинг Амир Темурга, темурийларга, бошқа шоҳларга муносабатини баён қилишда эса синфийлик тушунчаси ҳақиқатни бўғиб туради. Воқеалар бундан беш аср аввал тамомила бошқа ижтимоий-сиёсий шароитда содир бўлганлиги ҳам бунга етарли изоҳ бўла олмайди. Натижада, ҳар бир муаллифда, ҳар хил миқдорда шоир образини ортиқча идеаллаштириш, тўғрироғи, ҳақиқат ва реализмнинг узоқлашиш ҳолатлари сезилади. Навоий дўнеқарашни хусусан, унинг тасаввуфга муносабати ҳақида, озми-кўпми ёзилган бўлса ҳам, эндиликда, истиқлол даври келиб, бу мавзу кенг талқин қилинаётганлигининг ўзи ҳам сиёсий андозлардан ҳоли бўлаётганлигимизнинг бир мисолидир.

Алишер Навоийнинг адабий мероси жамиятимиз маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Унинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси бутун дунёда ўрганилмоқда. Шулар қаторида биз ҳам Алишер Навоий билан замондош бўлган муаллифлар, устозлар яратган асарларни, халқ ўзи севган фарзанди ҳақида яратган ҳикоялари, мутафаккирнинг бугунги авлодлари томонидан ёзилган назм ва насрий асарларни таҳлил қилиб, Алишер Навоийнинг буюк инсон, донишманд, ақлли

аҳбар эканлиги халқимиз улуғлигининг бир мисоли сифатида тан олинаётир деган хулосага келдик.

Олиб борган таҳлилларимизни хулосалаб, шунини айтиш мумкинки, назм ва насрда бўлган Алишер Навоий образини яратишда XXаср ўзбек адабиёти катта тажриба ортирди, ҳеч шубҳасиз, улкан ижодий ютуқларга эришди. Бу асарлар миллионлаб китобхонларда Навоий ижодига қизиқиш уйғотишдан ташқари унинг қалбида ўтмишга чуқур бир меҳр, она халқимиз тарихига жонкуярлик каби туйғуларнинг юзага келишига ҳам асос бўлди. Бундай асарлар халқни камолот йўлида яна бир қадам ташлашга даъват этади.

ФЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Абдулла С. Девон. Тошкент, Бадий адабиёт нашриети, 1965.
2. Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари. Тошкент, ЎзССР Фан нашриети, 1959.
3. Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. Тошкент, ЎзССР Давлат Бадий адабиёт нашриети, 1963-1968.
4. Алломалар ибрати. Тошкент, "Еш гвардия" нашриети, 1982.
5. Алишер Навоий. Кўзумнинг мардуми. Жажжи нашр. Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1991.
6. Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1968.
7. Абдурафуров А. Навоий сатираси. 1-китоб. Тошкент, "Фан" нашриети, 1966.
8. Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достони, Тошкент, "Фан" нашриети, 1970.
9. Алишер Навоий ижодини ўрганиш масалалари. Самарқанд, 1981.
10. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий. Тошкент, "Фан" нашриети, 1966.
11. Батъ Л. Ҳаёт бўстони. Повесть. Тошкент., "Еш гвардия" нашриети, 1968.
12. Батъ Л. Дўстлик иқболи. Ҳикоя. "Шарқ юлдузи", 1968, 9-сон.
13. Бобурнома. Тошкент, ЎзССР ФА нашриети, 1960.
14. Бойқобилов Б. Шукуҳли карвон. Шеърий роман. Тошкент. Адабиёт ва санъат нашриети. 1981.
15. Бойқобилов Б. Нотинч Хуросон. Тарихий шеърий роман. Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1985.
16. Бобоев Т. Замон ва қаҳрамон. Тошкент. Адабиёт ва санъат нашриети, 1976.
17. Воҳидов Э. Сайланма. Икки жилдлик. Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1986.
18. Валихўжаев Б., Воҳидов Р. Навоий ижоди — илҳом манбаи. Тошкент, "Фан" нашриети, 1981.
19. Вадуд Маҳмуд. "Маориф ва ўқитувчи" журнали, 1925, 4-сон.

20. Восит Саъдулла. Хуросон кудузи. Драматик поэма. Тошкент, "Еш гвардия" нашриети, 1972.

21. Дейч Л. Ўзбекистон қалби. Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1983.

22. Дониёров Х. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили. Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1972.

23. Добролюбов Н.А. Адабий-танқидий мақолалар. Тошкент, ЎзССР Бадиий адабиёт нашриети, 1959.

24. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. Тошкент, "Ўзбекистон" нашриети, 1970.

25. Зоҳидов В. Дунё адабиётининг нуроний сиймоси. Тошкент, Ўздавнашр, 1948.

26. Зариф Ҳоди. Фозиллар фазилати. Тошкент, Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриети, 1969.

27. Зулфия. Асарлар. Уч жилдлик. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриети, 1985.

28. Исоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Тошкент, "Фан" нашриети, 1965.

29. Каттабеков А. Тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат. Тошкент, "Фан" нашриети, 1982.

30. Каримов Ҳ. Бадиий адабиётда образ ва образлилик. Тошкент, "Ўзбекистон" нашриети, 1984.

31. Камол Ж. Куеш чашмаси. Тошкент. Адабиёт ва санъат нашриети, 1975.

32. Маллаев Н.М. Алишер Навоий ва ҳалқ оғзаки ижоди. Тошкент. Адабиёт ва санъат нашриети, 1974.

33. Маллаев Н.М. Гениал шоир. ва мутафаккир (Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллигига). Тошкент, "Фан" нашриети, 1968.

34. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. 1 китоб. Тошкент, "Ўқитувчи" нашриети, 1976.

35. Маллаев Н.М. Асрлар эътирофи ва таъзими. Тошкент, 1978.

36. Маллаев Н.М. Сўз санъатининг гултожи. Тошкент. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1991.

37. Мамажонов С. Услуб жилolari. Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1972.

38. Мамажонов С. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек адабиети. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1975.
39. Матжон О. Сени яхши кўраман. Шеърлар. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
40. Мирвалиев С. Ўзбек романи. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1969.
41. Миртемир. Асарлар. Уч жилдлик. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 198.
42. Муродов М. Алломалар ибрати. Тошкент, "Ёш гвардия" нашриёти, 1982.
43. Муродов М. Навоийшунослик жасорати. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1972.
44. Мирқосимова М. Роман, тарих ва замон. Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1986.
45. Муҳиддинов М. Икки олам еғдуси. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
46. Навоий ва адабий таъсир масалалари. Тўплам. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1968.
47. Навоий замондошлари хотирасида. Тўплам. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
48. Навоийни қуйлаймиз. Тўплам. Тошкент, "Ёш гвардия" нашриёти, 1968.
49. Навоий замондошлари. (Терма тўплам). Тошкент, Ўздавнашр, 1948.
50. Навоийга армугон. Тошкент. "Фан" нашриёти, 1968.
51. Нарзуллаева С. Алишер Навоий. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1966.
52. Норматов У. Ғўзаллик билан учрашув. Тошкент, "Ёш гвардия" нашриёти, 1976.
53. Норматов У. Етуклик. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.
54. Ойбек. Асарлар. Ўн томлик. Тошкент, Ваҳидий адабиёт нашриёти, 1968.
55. Ойбек. Созим. Лирика. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
56. Ойбек. Алишернинг ёшлиги. Тошкент, "Ёш гвардия" нашриёти, 1979.

57. Ойбек. "Навоий" романини қандай ездим. "Шарқ юлдузи" журнали, 1960, 2-сон.
58. Ойбек. "Навоий" роман. Тошкент, "Ўқитувчи" нашриети, 1985.
59. Осим М. Сехрли сўз. Тошкент. Адабиёт ва санъат нашриети, 1968.
60. Осим М. Жайхун устида булутлар. Тарихий қиссалар тўплами. Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиётлар ва санъат нашриети, 1975.
61. Осим М. Карвон йўлларида. Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1987.
62. Равшанов П., Жўраев О. Тарих бадиияти. Мажозий-дидактик талқинлар.
63. Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1969.
64. Султонов И. Асарлар. Тўрт томлик. Тошкент. Адабиёт ва санъат нашриети, 1973.
65. Собиров М. Халқ ҳикоялари Навоий ижодида. Тошкент "Ўзбекистон" нашриети, 1968.
66. Собиров О. Ойбек ижодида фольклор. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриети, 1975.
67. Сейди Али Раис. Миръатул мамолик. Тошкент, ЎзССР ФА нашриети, 1963.
68. Уйғун. Алишер Навоий. Тошкент, "Фан" нашриети. 1942.
69. Уйғун. Навоийнинг "Чор девон"и ҳақида. Тошкент, 1958, 2-том.
70. Фузулий. Асарлар. Достонлар. 2-жилд. Тошкент, 1968.
71. Файзиев Б. Навоий романида тарихийлик ва бадиий тўқима. Тошкент, 1971.
72. Шайхзода. Гениал шоир. (Навоий ижодининг баъзи масалалари). Тошкент, Ўздавнашр. 1941.
73. Шарафиддинов О. Ваҳром Ғўр образи ва "Сабъаи сайёр" тўғрисида. 2-китоб, Тошкент, 1948.
74. Шарафиддинов О. Яловбардорлар. Тошкент, "Ёш гвардия" нашриети, 1974.

75. Шарафиддинов О. Истеъдод жилolari. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

76. Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.

77. Шермухамедов С. Давр қаҳрамон талқинида. Тошкент. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

78. Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

79. Шарипов М. Навоий ва адабий алоқалар. Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1968.

80. Шокиров У. Замон нафаси ва образ. (Алишер Навоий образи ўзбек совет адабиётида). Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.

81. Шокиров У. 60-йиллар ўзбек адабиётида Навоий сиймоси, "Адабий мерос" журнали. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1971.

82. Шодиев Э. Навоий ва Хатифий. "Навоий ва адабий таъсир масалалари". Тўплам. Тошкент, ЎзССР "Фан" нашриёти, 1968.

83. Шодиев Э. Навоийнинг ва тожик адабиёти муносабати масаласига доир. Ленинобод, 1964.

84. Шодиев Э. Алишер Навоий ва салафлари. Ленинобод, 1967.

85. Шодиев Э. Навоий ва ёш тожик адабий алоқалари. Ленинобод, 1969.

86. Шукуров Н. Жанр^{лар} ва услублар. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

87. Шукуров Н. Бу олам сахнида. Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.

88. Қасимов А. Алишер Навоий. (Шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида лавҳалар). Тошкент, "Ёш гвардия" нашриёти, 1976.

89. Қасимов А. Садди Искандарий. Алишер Навоий ҳақида. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

90. Қасимов А. Алишер Навоий. Тошкент, "Камалак" нашриёти. 1991.

91. Қасимов Л. Сайланма. 2-жилдлик. Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981-83.

92. Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1965.

93. Қўшжонов М. Ижод сабоқлари. Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.

94. Қўшжонов М. Моҳият ва бадиият. (Адабий-танқидий мақолалар), Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

95. Қосимов Б. Каттабеков А. Салом келажак. Тарих сабоқлари. Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти., 1986.

96. Ғаниева С. Алишер Навоий. (Ҳаёти ва ижоди). Тошкент, Ўзфанакадамнашр, 1962.

97. Ғаниева С. Алишер Навоий. (Ҳаёти ва ижоди). Тошкент, "Фан" нашриёти, 1968.

98. Ғаниева С. Алишер Навоийнинг прозаик асарлари. Тошкент. "Ўзбекистон" нашриёти, 1981.

99. Ғафуров И. Ям-яшил дарахт. (Адабий танқидий мақолалар). Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

100. Ғуломов Б. Навоийнинг бадиий ҳайкали. "Адабий мерос" тўплами. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1968.

101. Худойбергенов Н. Сўз курашга чорлайди. Тошкент, Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.

102. Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1979.

103. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Тошкент, 1978.

104. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, Ўзфанакадамнашр, 1961.

105. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. Тошкент, Ўзфанакадамнашр, 1963.

106. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси (Мақолалар). Тошкент. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.

107. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.

108. Абдулло Ф. Направленный взрыв. Пьесы. Перевод с таджикского языка, М., Сов. писатель, 1980.
109. Алексеев С. Исторические повести. М., 1970.
110. Аннасахадова А. Образы женщин - туркменок в современных повестях. Ашхабад, 1985.
111. Аълохон Афсаҳзод. Лирика Абд ар-Рахмана Джами. М., "Наука", 1988.
112. Айбек и Ал. Дейч. Алишер Навои. Ташкент, Изд. худ. лит-ры, 1968.
113. Айбек. Собр. соч. в пяти томах. Том второй. Навои. Роман. Перевод с узбекского. Ташкент, 1985.
114. Александрова П. Советский исторический роман и вопросы историзма. Киев, Изд-во Киевского университета, 1973.
115. Андреев Ю. Русский советский исторический роман. М., Л. АН СССР, Ленинград, отд. 1962.
116. Алишер Навои. Сборник статей под ред. А.К. Боровкова. М.-Л., Изд-во Академии наук СССР, 1946.
117. Бать Л. Сад жизни. Повесть об Алишере Навои. Ташкент, Изд-во "Узбекистан", 1969.
118. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. М., Гл. ред. вост. лит-ры, Наука, 1965.
119. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Фузули. М., Изд-во вост. лит-ры, 1962.
120. Бертельс Е.Э. Низами. М., Изд-во АН СССР, 1956.
121. Боровков А.К. Навои и Джами в народном предании. М., Изд-во АН СССР, отд. лит. и языка, том 6, вып. 6, 1947.
122. Белинский В.Г. Статья о классиках. М., Худ. лит-ра, 1973.
123. Бердяев Н. Смысл истории. М., "Мысль", 1990.
124. Бюллетень Средне-Азиатского государственного университета, выпуск 13, Ташкент, 1926.
125. Бучис А. Роман и современность. М., Сов. писатель, 1977.
126. Берков П.Н. Проблемы влияния в историко-литературной науке. Русская литература, М., 1973.

129. Вадецкий Б. Простой смертный. Роман. Книга первая. М., Сов. писатель, 1950.
130. Вадецкий Б. Простой смертный. Глинка, Акын Терези. М., "Сов. писатель", 1959.
131. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. М., Худ. лит-ра, 1940.
132. Веселовский А.Н. Историческая поэтика, М., 1989.
133. Воробьева Н., Принцип историзма и изображение характера. Классическая традиция и советская литература. М., "Наука", 1973.
134. Ванслов В. Содержание и форма в искусстве. М., "Искусство", 1956.
135. Варфоломеев И.П. Типологические основы жанров исторической романистики. Ташкент, "Фан" Узбекской ССР, 1979.
136. Варфоломеев И.П. Советская историческая романистика, м. 1984.
137. Выходцов П.В. Новаторство, традиции, мастерство. Л., "Сов. писатель". Ленинградское отделение, 1973.
138. Гачев Г. Национальные образы мира. М., 1960.
139. Гуревич А.Я. Категории Средневековой культуры. М., 1972.
140. Гуляев Н.А. Теория литературы. Высшая школа. М., 1977.
141. Дермов А.К. Художественный образ. М., "Сов. писатель", 1961.
142. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение Восток и Запад. Л., "Наука", 1979.
143. История Узбекской советской литературы в 5 томах. Т-1, 1-3. Ташкент, "Фан", 1987-88.
144. Историко-литературный процесс, Л., "Наука", 1974.
145. Изотов И. Из истории критики советского исторического романа (20-30 годы), Оренбург, 1967.
146. Кор-оглы Х. Узбекская литература. М., Высшая школа, 1976.
147. Кор-оглы Х. Взаимосвязь эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана, М., "Наука", 1983.
148. Казин А.Л. Художественный образ и реальность. Л., 1985.

149. Кедрина З.С. Главное — человек М., "Советский писатель", 1972.
150. Каттабеков А. Прошлое служит настоящему. Ташкент, 1982.
151. Конрад Н.И. Запад и Восток (собр. статей). М., "Наука", 1972.
152. Кузнецов Ф. Живой источник. Литературно-критические статьи. М., "Московский рабочий", 1977.
153. Лазутин С.Г. Вопросы поэтики русской словесности. Воронеж, 1958.
154. Лихачев Р.С. Поэтика древнерусской литературы. Л., 1967.
155. Ленобль Р. История и литература. М., "Сов. писатель", 1960.
156. Ломидзе Г. Методологические вопросы изучения взаимосвязей и обогащения советских литератур. М., изд. АН СССР, 1973.
157. Мирзаев А.М. Камол ад-дин Бинои. М., "Наука", 1976.
158. Марков Г. Жизнь, литература, писатель. М., "Сов. писатель", 1971.
159. Метченко Л. Кровное завоеванное. М., "Сов. писатель", 1975.
160. Неупокоева И.Г. История всемирной литературы. Проблемы системного и сравнительного анализа. М., 1976.
161. Огнев В. Книга про стихи, заметки, наблюдения выводы. М., "Сов. писатель", 1963.
162. Оскоцкий В.Д., Связь времен. М., "Знание", 1974.
163. Орлов Вл. Сильная вещь — поэзия. В книге И.Цветаевой "Мой Пушкин". М., "Сов. писатель", 1981.
164. Османова З.Г. Художественная концепция личности в литературах Советского Востока. М., "Наука", 1972.
165. Оскоцкий В. Богатство романа. М., "Сов. писатель", 1976.
166. Оскоцкий В. Единство путей и многообразие поиска, М., "Знание", 1968.
167. Потебня А.А. Из лекции по теории словесности. Харьков, 1-8, 94.
168. Петров С. Советский исторический роман. М., 1958.

169. Проблемы историзма в художественной литературе. Курск, 1975.
170. Расули М. Постигание Востока (Наблюдение над языком и стилем современной русской ориентальной прозы, Ташкент, изд. Лит. и иск. 1988.
171. Соловьев Б.И. От истории к современности. М., "Сов. писатель", 1973.
172. Слуцкис М. Начало всех начал (статьи, литературные портреты). "Сов. писатель", 1975.
173. Тютчев Ф.И. Лирика в двух томах. М., 1965.
174. Тынянов Ю.Н., Поэтика, История, литература. М., "Наука", 1977.
175. Трокопьян Л. Миколас Слуцкис (очерк творчества), "Сов. писатель", М., 1976.
176. Храпченко М.В. Горизонты художественного образа. М., "Художественная литература", 1982.
177. Храпченко М.В., Художественное творчество, деятельность, человек. М., "Сов. писатель", 1976.
178. Храпченко М.В. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы (издание четвертое). М. "Художественная лит-ра", 1977.
179. Якименко Л. Методологические проблемы современной литературной критики. М., "Знание", 1975.
180. Якименко Л. Великий писатель. М., "Современник". Знание, 1975.

БОШҚА ТИЛЛАРДАГИ АДАБИЁТЛАР

181. Кербобоев Б. Танланган асарлар. VI томлик, IV том. Ашхобод. Туркменистон Давлат нашриёти, 1959, (туркман тилида).
182. Огаҳ Сирри Левенд. Алишер Навои, Анкара. 1965 (турк тилида).
183. Жомий ва Навоий. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1989 (тожик, ўзбек ва рус тилларида).
184. Методология анализа литературного произведения. М., "Наука", 1988.

185. Методология анализа литературного процесса, М., "Наука", 1989.
186. Рукописная книга в культуре народов Востока, М., "Наука", 1987.
187. Типология взаимосвязи средневековых литератур Востока и Запада (сборник статей), М., "Наука", 1974.
188. Бердиева З. Навоийни ўқий олаимизми? "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 14 сентябрь, 1990 йил.
189. Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиёти ва чигатойчилик. "Қизил Ўзбекистон", 1929 йил, 13, 14, 15 май сонлари.
190. Бойбўлатов Ж. Ўзбекларнинг адабий мероси остида пантуркизм. "Шарқ ҳақиқати", 1930 йил, 7, 8 ва 9-сонлари.
191. Валихўжаев Б. "...Фарзанд дер эди". "Совет Ўзбекистони", 2 декабрь 1990 йил.
192. Еқубов Х. Навоий ва ўзбек совет адабиёти. "Шарқ юлдузи", 1968, №9.
193. Маҳкамов С. "Алишер Навоий" операси саҳнада. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 30 ноябрь 1990.
194. Маҳмудов Р. Навоий ва Кошифий. "Гулистон" журналы, 1988, № 1.
195. Ойбек. "Навоий" романини қандай ездим. "Шарқ юлдузи" журналы, 1960, №2.
196. Суровцев Ю.И. Ўтмиш хотираси ва замон ташвишлари. "Совет Ўзбекистони", 5 июнь 1987.
197. Рустамов А. Қайта қуриш ва Навоийхонлик. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1987, № 8.
198. Шокиров У. 60-йиллар ўзбек адабиётида Навоий сиймоси. "Адабий мерос". Тўплам, № 2, Тошкент, 1971.
199. Қажмов А. Инсонийлик мадҳғўйи. "Совет Ўзбекистони", 1968 йил 9 февраль.
200. Гуломов Б. Навоийнинг бадиий ҳайкали. "Адабий мерос", 1-том, Тошкент, "Фан", 1968.

201. Павлов А. Роман "Навоий". "Литературная газета", 1946, 29 июня.

202. Расули М., Каххаров Л. Поэзия чувства и мысли. "Правда Востока", 6 декабря, 1990.

203. Расули М. Опера о великом поэте. "Правда Востока", 21 декабря, 1990.

204. Соловьев М., Против искажения истории. "Новый мир". 1951, №3.

* * *

205. Мирзаев А. Тасвири Новой дар "Юсуф ва Зулайхо" и Чоми "Садои Шарқ", 1971, № 5.

ДИССЕРТАЦИЯ

206. Панченко С.Р. Образ Алишера Навои в Узбекской Советской литературе. Фунд. б-ка СамГУ, 891.709. 11-168. 1964.

АВТОРЕФЕРАТЛАР

207. Ауэзова Лейля Мухтаровна. Исторические основы эпопеи "Путь Абая", Алма-Ата, 1969.

208. Борджакова Кябе. Образ Алишера Навои (Мирали) в туркменском народном творчестве. Ашхабад, 1973.

209. Бекмурадов Ахмат. Поэтическое мастерство Махтумкули Фраги. Ашхабад, 1990.

210. Жумагалиев З.Т. Революционный гуманизм и проблема положительного героя в казахском романе. Алма-Ата, 1987.

211. Зейналова Салмаз Джафар кызы. Образ Низами в Азербайджанской Советской литературе. Баку, 1982.

212. Каттабеков А.Т. Художественное воплощение личности и исторической эпохи в современной узбекской прозе. Ташкент, 1985.

213. Карабанова Я. Образы исторических личностей в казахских поэмах пятидесятих годов. Алма-Ата, 1969.

214. Леонтов Олег Викторович. Исторический роман в творчестве писателей Туркменистана. Ашхабад, 1978.

215. Мурадалиева Наила Бейбала кызы. Романтический пейзаж в литературе. Баку, 1991.

216. Нурмухамедова Замира. Проблемы создания характера исторической личности. Ташкент, 1974.

М А Н Б А Л А Р

217. Кишварий Девон. ЎзССР фа Шарқшунослик институти фонди, № 652.

218. Мажмуаи Мунтахоботи осори усмония. Ҷуғлаи. ЎзССР фа Шарқшунослик институти фонди, № 4710.